

# "ДИН ВА ДУНЁ"

## Иккинчи жилд

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### Бешинчи боб: Ислом олами секуляризмдан олдин

#### 1- Бўлим: Олдинги умматлар йўлига эргашиш ва ҳақ тоифанинг давом этиши

Олдинги бобларда яхуд ва насоролар Аллоҳнинг динини қандай тарк қилганлари ҳақида сўз юритдик. Ислом оламида диндан узоқлашиш қандай бўлганлиги ҳақида сўз юритишдан олдин бу умматдан баъзилар аҳли китобларнинг йўлига эргашиб кетиши ҳақида қисқача айтиб ўтамиз.

Олдинги умматларда бўлган адашишлиқ бу умматда ҳам содир бўлиши бир қанча ҳадисларда баён қилинган. Лекин Аллоҳ таоло Ислом умматини бутунлай адашиб кетишдан саклайди. Ислом умматида ҳақ тоифа қиёматгача давом этади.

Аллоҳ таоло бир қанча оятларда мусулмонларни яхуд ва насороларга ўхшаб қолишдан қайтарди<sup>1</sup>.

Баъзи кимсалар бу қайтариқларни билиб ёки билмай яхуд-насороларга эргашиб кетиши муқаррар бўлганидан Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақида хабар бериб, умматни огоҳлантиридилар<sup>2</sup>.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**"Ўзларингиздан олдингиларнинг йўлига изма из эргашиб кетасизлар<sup>3</sup>. Ҳатто улар зоббнинг<sup>4</sup> инига кирадиган бўлсалар**

---

<sup>1</sup> Бақара сураси 120; 145 оятлар. Нисо сураси 115-оят...

<sup>2</sup> Гўёки Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом умматига хитоб қилиб: "Бу умматдан баъзи кимсалар яхуд-насороларнинг йўлига эргашиб, дунё ва охиратларини барбод қиласилар. Ўша кимсалардан бўлиб қолманлар", деб огоҳлантиридилар.

Пайғамбаримизнинг бу огоҳлантиришларини чуқур тушунган салаф солиҳлар яхуд-насоро ва бошқа кофирларга кичкина деб саналган ишларда ҳам ўхшаб қолишдан қаттиқ эҳтиёт бўлдилар.

<sup>3</sup> Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадисдаги хитоблари қиёматгача келадиган инсонларга қаратилган.

<sup>4</sup> Эчкиэмарга ўхшаш, кичикроқ, инсонга зарар етказмайдиган ҳайвон.

**шунда ҳам эргашасизлар<sup>5</sup>**". Биз: "Ё Росууллоҳ яхуд ва насороларни мақсад қиляпсизми<sup>6</sup>?" дедик.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "**Улардан бошқа кимни мақсад қиласан?!?**", дедилар.<sup>7</sup>

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари орасида кофирлар йўлига эргашиб кетадиган кимсалар чиқишини хабар бериб, бу хатарли ишдан эҳтиёт бўлишга буюрдилар. Бу хабарни эшиитган мусулмонлар тушкунликка тушиб қолмасин деб, Ислом умматида ҳақ тоифа қиёматгача давом этиши хушхабарини бердилар.

Ином Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "**Умматимдан бир тоифа ҳақ устида зоҳир бўлиб, Аллоҳнинг амри келгунча** (баъзи ривоятларда: **Қиёмат қоим бўлгунча**)<sup>8</sup> давом этадилар"<sup>9</sup>.

Ислом умматида ҳақ тоифа қиёматгача давом этишининг асосий сабаби умматнинг дастури бўлган Қуръони Каримни қиёматгача<sup>10</sup> (ҳечам ўзгартирилмай) сақланиб қолишидир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{إِنَّا نَحْنُ نَرَأْنَا الَّذِكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ} الحجر ٩

---

<sup>5</sup> Инсон аслида зоббни инига кира олмайди. Лекин бу ерда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақсадлари – Исломни даъво қилган инсонлар орасида яхуд-насоролар йўлига қаттиқ эргашиб кетадиган, яхуд ва насороларнинг қай бир ишлари мазаммат қилинган бўлса бу уммат ичидан ўша ишни қиласиган кимсалар чиқиши.

Бу баҳсимиизда яхуд-насоролар Аллоҳнинг динини қандай тарқ қилганлари ҳақида кенг сўз юритганмиз. Бунинг асосий сабабларидан бири Исломни даъво қилиб, яхуд ва насоролар йўлига эргашувчиларни огоҳлантириш.

<sup>6</sup> Саҳобалар яхуд-насоролар мақсад қилинаётганини тушунган бўлсалар ҳам, лекин бу умматдан уларнинг йўлига эргашадиган кишилар чиқишини узоқ санаб таъкидлаб сўрашди.

<sup>7</sup> صحيح البخاري: ٣٤٥٦. صحيح مسلم: ٦٩٥٢.

<sup>8</sup> "Қиёмат қоим бўлгунча" дан мақсад қиёматга жуда яқин қолгунича. Бир қанча ҳадисларда ворид бўлганидек: Аллоҳ таоло қиёмат қоим бўлишидан олдин енгил шамол юбориб, барча иймони бор кишиларнинг жонини олади. Ҳадисда келган "Аллоҳнинг амри келгунча" дан мақсад ана шу енгил шамол.

<sup>9</sup> مسند أَحْمَدَ: (١٥٤٦٣). مصنف عبد الرزاق (٢٠٨٠٢). والحاكم ٤، ٤٨٩/٤، وصححه ووافقه الذهبي. ومعناه في صحيح مسلم: ٧٥٦٨؛ ٥٦٦.

Күёш мағрибдан чиқиб қиёмат қоим бўлиши эса, ер юзида энг ёмон инсонлар қолганида бўлади. Ином Аҳмад ривоят қилган ҳадисда: "**Қиёмат энг ёмон инсонлар устида қоим бўлади**".

مسند الإمام أحمد: ٣٧٣٥. مستدرك الحاكم ٤/٤ وصححه ووافقه الذهبي.

٩ صحيح البخاري: ٧٣١١؛ ٧٣١٢. صحيح مسلم: ٥٠٥٩؛ ٥٠٦٣.

<sup>10</sup> Яъни, Қиёматга жуда яқин қолгунича.

**Дарҳақиқат бу эслатма Қуръонни Биз Үзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Үзимиз уни сақлагувчимиз.** Ҳижр сураси 9-оят.

Аллоҳ таоло Қуръонни сақлар экан, Қуръоннинг тафсири бўлган ҳадисни ҳам, Қуръон ва ҳадисга амал қилувчи кишиларни ҳам сақлайди.

Қуръон Аллоҳнинг ҳифзу-ҳимоясида бўлиши уммати Муҳаммадга берилган энг катта неъматларнинг биридир.

Аввалги умматларга Аллоҳ таоло "Китоб" нозил қилиб, сақлашни уларнинг ўзларига юклаган эди.

Аллоҳ таоло Мусо алайхиссаломга Тавротни нозил қилди ва Тавротни ўзгартирилмасдан сақлаб қолиш бани Исроил уламоларига юклатилди.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{إِنَّا أَنزَلْنَا التُّورَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّبَّانِيُّونَ وَالْأَحْبَارُ بِمَا اسْتُحْفَظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ} المائدة

三

**Албатта, Биз ҳидоят ва нурга далолат қилувчи Тавротни нозил қилғанмиз. Аллоҳга таслим бўлувчи пайғамбарлар яҳудийлар устида бу китоб билан ҳукм қиласдилар. Ва аллома-олимлари ҳам Аллоҳнинг бу китобини сақлашга буюрилганлари сабаб Таврот билан ҳукм қиласдилар.** Мойда сураси 44-оят.

Аллоҳ таоло бу оятда бани Исроил уламолари Тавротни сақлашга буюрилганларини зикр қилди. Бани Исроил уламолари бу вазифани бажарган ё бажармаганларини бу оятда зикр қилмади. Балки бошқа оятларда бани Исроил уламолари Тавротни сақламаганларини, балки ҳақиқатни беркитиб, Аллоҳнинг оятларини арзимас дунёга сотганларини хабар берди.<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Бақара сураси 79-оят, Оли Имрон сураси 78-оят, Нисо сураси 46-оят...

الكتاب: أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن. للشيخ محمد الأمين الشنقيطي. ٤٠٤١.

## 2- Бўлим: Ислом умматининг диндан узоқлашуви

### 1-фасл: Шукрона неъмат мукофоти ва куфрони неъмат жазоси

Аллоҳ таоло ислом умматига чексиз неъматлар ато этди. Аввалгилар Аллоҳнинг неъматларига шукр қилиб<sup>12</sup>, Аллоҳнинг динига амал қилиб охиратдаги баҳт-саодатдан олдин дунёда ҳам фаровон ҳаёт кечирдилар<sup>13</sup>.

Аллоҳ таоло шукр қилувчи бандаларига янада зиёда неъматлар беришини айтиб шундай деган эди:

{وَإِذْ تَأْذَنَ رَبُّكُمْ لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَاَرْبَدَنَّكُمْ وَلَئِنْ كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ} إِبْرَاهِيمٌ: ٧

**Роббингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар (Менга итоат қилиб, берган неъматларимга) шукр қилсангизлар, албатта (неъматларимни) янада зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта азобим жуда қаттиқдир».** Иброҳим сураси 7-оят.

Бошқа оятда:

{مَا يَفْعَلُ اللَّهُ بِعَذَابِكُمْ إِنْ شَكَرْتُمْ وَأَمْنَتُمْ وَكَانَ اللَّهُ شَاكِرًا عَلِيمًا} النساء: ١٤٧

**Агар (Аллоҳ берган неъматларга) шукр қилиб, иймонли бўлсангизлар (ихлос билан Аллоҳга итоат этсангиз), Аллоҳ сизларни нега азобласин?! Ахир Аллоҳ (бандалар ихлос билан қилган озгина амалга ҳам савоб берувчи) Шокир ва (барча нарсани билгувчи) Алийм бўлган зот-ку!** Нисо сураси 147-оят.

Аллоҳ таоло бу оятларда шукр қилувчиларга неъматларини зиёда қилишини хабар бериши билан бирга, куфрони неъмат қилувчиларга уқубат келиши билан огоҳлантирган эди<sup>14</sup>.

---

<sup>12</sup> Аллоҳ берган неъматларга шукр қилишнинг маъноси:

Барча неъматларни Аллоҳ берганини қалб ва тил билан эътироф қилиш ва бу неъматларни Аллоҳ рози бўладиган ўринларга сарфлаб, Аллоҳнинг тоатида бардавом бўлиш.

<sup>13</sup> Барча мусулмонлар Исломга амал қилиб, динни ҳаётнинг ҳамма жиҳатига тўлиқ татбиқ қилганларида қандай фаровон ҳаётда яшаганлари (моддий ва маънавий жиҳатдан қандай юксакликка эришганлари) тарихдан маълум. Бу ҳақида алоҳида китобда сўз юритиш ўринли. Шунингдек Ислом динининг адолатли сиёсати ҳақида гапириш ҳам бир неча мужаллад китобларда баён қилинадиган мавзу. Юқорида ўрни келганда бъазилари айтиб ўтилди, қуйида ҳам -инша Аллоҳ- ўрни келганда тўхтаб ўтилади.

<sup>14</sup> Неъматларга шукр қилиш неъматни янада зиёда бўлишига сабаб бўлганидек, бунинг аксида куфрона неъмат қилиб, Аллоҳнинг динидан узоқлашиш (диндан узоқлашишга яраша) дунё ва охиратда бўладиган уқубатларга сабабдир.

Кўпчилик мусулмонлар шукр қилиш ўрнига куфрони неъмат қилиб, яхши ҳолатларини ёмон ҳолатга ўзгартирган вақтларида уларнинг фаровон ҳаётлари ҳам ёмон-қийин ҳаётга ўзгарди.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган эди:

{إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ} رعد: ۱۱ .

**Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартиргунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас.** Раъд сураси 11-оят.

Аллома Абдураҳмон Саъдий роҳимахуллоҳ оят тафсирида шундай дедилар:<sup>15</sup>

"Одамлар фаровон-яхши ҳаётда яшаётганларида кофир бўлиб иймондан чиқмасалар, Аллоҳга итоат қилишни тарк қилмасалар, Аллоҳга осий бўлмасалар ва Аллоҳнинг неъматларига ношукрулик қилмасалар Аллоҳ таоло уларнинг фаровон-яхши ҳаётларини ўзгартирмайди. Қачон-ки одамлар Аллоҳга осий бўлиб ўзларини ўзгартирсалар Аллоҳ таоло уларнинг фаровон-яхши ҳаётларини кетказади.

Худди шунингдек Аллоҳга осий бўлиб юрган инсонлар Аллоҳга итоат қилиб ўзларини ўзгартирсалар Аллоҳ таоло уларнинг баҳтсиз-ёмон ҳаётларини фаровон-баҳтли ҳаётга ўзгартиради".<sup>16</sup>

Мусулмонлар орасида куфрони неъмат кўпайиб, Аллоҳнинг динидан узоқлашув бошланган вақтда ислом умматига аянчли кунлар келди.

Дунёда етакчиларидан бири бўлган ислом уммати ўзга миллатлар қўлида хору зор бўлди. Баъзи исломий давлатларни миллат ичидан чиқсан хоинлар қулатган бўлса, баъзилари кофирлар тарафидан истеъло қилинди.

Бу мусибатларнинг сабаби мусулмонлар орасида Аллоҳга осий бўлиш кўпайгани эди.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَمَا أَصَابَكُمْ مِنْ مُصِيبَةٍ فَبِمَا كَسَبَتُ أَيْدِيكُمْ وَيَعْفُو عَنِ كَثِيرٍ} الشورى: ۳۰ .

**(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас ўз қўлларингиз қилган нарса — гуноҳ сабабли (етур). Яна У (Аллоҳ) кўп (гуноҳларнинг жазосини бермасдан) афв қилиб юборур.**

<sup>15</sup> تيسير الكريم الرحمن في تفسير كلام المنان: المؤلف: عبد الرحمن بن ناصر بن السعدي.

<sup>16</sup> Аллоҳга иймон келтирган миллат Аллоҳнинг кўп неъматларида баҳраманд бўлиб кенгчиликда яшасалар, сўнгра куфрони неъмат қилиб Аллоҳнинг динидан юз ўгирсалар уқубатлар келиши тезлашади.

Иймондан кейин куфрони неъмат қилган кимсаларга уқубатлар тез келади. Аввалдан кофир бўлиб куфрида давом этаётганларга эса дунёда уқубатлар тезда келмайди.

Ибн Жарир ат-Табарий оятнинг тафсирида шундай дедилар: "Эй инсонлар, дунёда сизларга -ўзларингизга, ахли-оилангизга, мол-дунёларингизга- келган мусибат қилган гуноҳ-маъсиятларингиз учун Аллоҳ тарафидан жазодир. Яна Аллоҳ кўп гуноҳларингизга жазо бермай афв қилиб юборур".

## 2-фасл: Тарих такрорланиши

Исломий давлатларнинг қулаши -аввалги тариҳда ҳам, кейинги вақтларда ҳам- тасодифан бўлмади. Балки Аллоҳ халқлар устида жорий қилиб қўйган одат – қонунга кўра содир бўлди<sup>17</sup>.

Мусулмонлар ҳар сафар Аллоҳнинг динидан узоқлашган вақтларида<sup>18</sup> дунёдаги хорликка юз тутдилар.

Аллоҳ таоло бир қанча оятларида ҳалокатга учраган олдинги умматлар хақида хабар бериб, ислом умматини олдингиларнинг ёмон оқибатидан сабоқ чиқаришга, уларнинг исёнини такрорламасликка, акс ҳолда олдинги умматларга келган фалокат ислом умматига ҳам келишидан огохлантирган эди.

﴿كَدَّابٌ آلٌ فِرْعَوْنَ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ فَأَخَذَهُمُ اللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ شَدِيدُ الْعِقَابِ \* ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ لَمْ يِكُنْ مُغَيِّرًا نِعْمَةً أَنْعَمَهَا عَلَى قَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ وَأَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلَيْهِمْ﴾ الانفال: ٥٢-٥٣.

**(Пайғамбарни ёлғонга чиқаргаларнинг оқибати) худди Фиръавн (ва унинг) атболари ва улардан олдинги кимсаларнинг оқибатига ўхшайди. Улар Аллоҳнинг оятларига кофир бўлишгач, Аллоҳ уларни гуноҳлари сабабли (азоб билан) ушлаган эди. Албатта, Аллоҳ қувват эгаси ва азоби ўта қаттиқ бўлган зотдир.**

---

<sup>17</sup> Яъни, Олдинги умматлар Аллоҳга осий бўлиб қандай ҳалокатга учраган бўлса, ислом уммати ҳам олдингилардек Аллоҳга осий бўлган вақтда катта мусибатларга рўбарў бўлди.

Ислом тарихида ҳам, аввалги Исломий давлатлар қандай қулаган бўлса, кейинги Исломий давлатлар ҳам олдингиларнинг хатоларини, динга муҳолиф ишларни такрорлаб ҳалокатга учради. Аввалгиларнинг ёмон оқибатидан кейингилар ибрат олмай ўша хатоларни такрорлаганида Аллоҳнинг азоби келди. Мана шу Аллоҳнинг халқлар устида жорий қилган одати – қонун-қоидасидир.

<sup>18</sup> Яъни, Гуноҳ-маъсиятлар, ботил эътиқодлар кўпайган ва мусулмонлар масъулиятсиз бўлиб, қилишлари керак бўлган ишларни (амру маъруф, нахий мункарда, таълим-тарбияда сусткашлик қилиш ва дунёвий фанларни, моддий сабабларни тўғри йўлга қўймаслик ва ҳоказо...) эътиборсиз ташлаб қўйган вақтларида.

**Ана шундай (азоб, улар Пайғамбарга қарши бўлиб ўзларини ёмон тарафга ўзгартиришлари ортидан) бўлди. Чунки Аллоҳ бир қавмга инъом қилган неъматини то улар ўзларини (ёмонлик тарафга) ўзгартиргунларича ўзгартирувчи эмас ва Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир.** Анфол сураси 52-53 ояллар.

Мусулмонлар бу огоҳлантиришларга эътибор бермай, Аллоҳнинг динига мухолиф ишлар кўпайган вақтда Ислом уммати қилган ишларининг ёмон оқибатини кўрди.

### **3-фасл: Гуноҳ-маъсиятлар сабаб мусибатлар келиши**

Аллоҳ таоло ёмонликларга бўладиган жазодан огоҳлантириб шундай деган эди:

{مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ وَلَا يَجِدْ لَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَيْاً وَلَا نَصِيرًا} النساء: ١٢٣ .

**Кимки ёмон амал қилса, жазосини олур ва ўзи учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас.** Нисо сураси 123-оят.

Бу оят нозил бўлганда саҳобалар ҳар бир ёмон амалга охиратда жазо бўлишини ўйлаб кўп қайғуришган эди. Бу ҳолатдан тушкунликка тушиб қолган саҳобалар, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб ёмонликлардан ҳеч ким сақлана олмаслигини айтишган эди.

Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни тинчлантириб, дунёдаги мусибатлар (ҳатто, қўлга кирган бир тикан ҳам ёки бир нарсадан ғамгин бўлиш ҳам) мусулмоннинг ёмон амалларига каффорат бўлишини айтганлар<sup>19</sup>.

---

<sup>19</sup> صحيح مسلم: ٦٧٣٤. سنن الترمذى: ٣٠٣٩. مسند أحمى: رقم الحديث (٢٣). مسند أحمى: (٧٣٨٦).

Ибн Таймия роҳимахуулпоҳ дедилар:

"Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган мусулмонларнинг гуноҳларини мағфират қиласди, айrim мусулмонларнинг гуноҳларига яраша дунёда мусибат юбориб жазолайди. Ким мусибатларга сабр қилса гуноҳларига каффорат бўлади ва чиройли сабр қилиш билан катта ажр-савобга эришади.

Аллоҳ таоло мағфират қилмаган мусулмонлар ёмонликларига яраша охиратда жазоланадилар.

Коғирлар эса одамларга қилган яхшиликларининг мукофотини дунёда олишлари мумкин, аммо охиратда уларга ҳеч қандай мукофот бўлмайди. Балки коғирликларига ва бошқа ёмонликларига тўлиқ жазо оладилар".

مجموع الفتاوى: ٤٣٦١٤.

Шунингдек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча ҳадисларда гуноҳ-маъсиятлар ва фисқу фасод кўпайса омматан мусибатлар келиши ҳақида хабар берган эдилар<sup>20</sup>.

Мусулмонларга келган мусибатларнинг кўплигига қаралса Ислом динига муҳолиф ишлар қанчалик кўпайиб кетганини ва мункар ишлар инкор қилинмаганини биламиз.

Амр ибн Ҳушайм розияллоҳу анҳу дедилар: "Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб айтаётганларини эшитганман:

«مَا مِنْ قَوْمٍ يُعْمَلُ فِيهِمْ بِالْمَعَاصِي إِلَّا يُغَيِّرُونَ عَلَى أَنْ يُغَيِّرُوا إِلَّا يُؤْشِكُ أَنْ يَعْمَلُهُمُ اللَّهُ مِنْهُ بِعِقَابٍ».

**«Қай бир қавм орасида гуноҳ-маъсиятлар қилинса, одамлар (мункарни) ўзгартиришга қодир бўла туриб ўзгартирмасалар тезда Аллоҳ уларнинг ҳаммасига азоб юборади»<sup>21</sup>.**

---

<sup>20</sup> صحيح البخاري: ٣٣٤٦. صحيح مسلم: ٧٤١٦.  
<sup>21</sup> سنن أبي داود: (٤٣٤٠). مسند الإمام أحمد: (١٩٢٥٣).

### **3-Бўлим: Мусибат ва уқубатлар<sup>22</sup> ҳақида алоҳида бўлим.**

Одамларга келадиган мусибат ва уқубатларни кимларга, қандай ҳолатларда келишини тўғри тушуниб олиш учун баъзи тафсилотларга кенгроқ тўхталиб ўтиш ўринли.

Инсонларга келадиган мусибатлар ҳам, уларнинг ҳикмати ҳам турли бўлади:

**Биринчи:** Аллоҳ суюган солиҳ бандаларга келадиган мусибатлар.

**1)** Баъзан Пайғамбарлар ва уларнинг йўлига тўлиқ эргашган солиҳ мўминлар катта ажр-савобларга ва охиратда энг олий даражаларга эришишлари учун турли қийинчилеклар билан имтиҳон қилинадилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: **Бир кун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим. У киши қаттиқ касал эканлар. Мен: "Эй Росулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам), сиз жуда қаттиқ оғрир экансиз-да? дедим.**

**Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:** "Ҳа, икки кишининг оғриши менинг бир ўзимга бўлади", дедилар.

**Мен:** "Чунки сизга савоб ҳам икки баробар бўлади-да?", дедим.

**У киши:** "Ҳа", деб жавоб бердилар<sup>23</sup>.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу:

**"Эй Росулуллоҳ, кимлар (турли қийинчилекларга учраб) қаттиқ имтиҳон қилинади?", деб сўрадилар.**

**Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:**

«الْأَنْبِيَاءُ مِمَّنْ لَا يَمِلِئُونَ الْأَرْضَ فَإِنَّمَا يَرَى الْأَرْضَ عَلَى حَسْبِ دِينِهِ، فَإِنْ كَانَ دِينُهُ صُلْبًا أَشْتَدَ بِالْأَوْفَةِ، وَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ رَقَّةٌ أَبْتُلَى عَلَى حَسْبِ دِينِهِ، فَمَا يَرُحُ الْبَلَاءُ بِالْعَيْدِ حَتَّى يَرْكَعَ يَمْشِي عَلَى الْأَوْضِ مَا عَلَيْهِ خَطِيبَةً».

**«Пайғамбарлар, солиҳлар, кейин афзал бўлганлар ва афзал бўлганлар** (яъни пайғамбарлардан кейин уларга энг яқин бўлганлар ва улардан кейинги даражадагилар). **Киши динига яраша имтиҳон қилинади.**

<sup>22</sup> Аввало мусибат ва уқубатнинг маъноларини ва улар орасидаги фарқни билиб олишимиз керак:

Инсонларга келадиган қийинчилеклар имтиҳон бўлиб келиши мумкин ёки қилган ишларига жазо бўлиши мумкин.

Инсонга келган қийинчилек, азиятларнинг ҳаммасига мусибат деб айтилаверади. Бу қийинчилек, азиятлар инсоннинг гуноҳига жазо бўлиб келган бўлсин ёки имтиҳон учун келган бўлсин, буларнинг ҳаммасига мусибат деб айтилаверади.

Аммо уқубат ёки азоб инсонларнинг қилган ёмонликлари учун бўлган жазогагина айтилади. Имтиҳон учун бўлган қийинчилекларга уқубат бўлди, азоб келди деб айтилмайди.

.<sup>23</sup> صحيح البخاري: (٥٦٤٧).

**Ким динида мустаҳкам бўлса, имтиҳон қаттиқ бўлади. Агар динида заиф бўлса, динига яраша имтиҳон қилинади. Мўмин киши (турли қийинчиликларга учраб) имтиҳон қилинаверади, ҳатто (келган мусибатлар сабаб барча гуноҳлари кечирилиб) Ер юзида ҳамма ҳато-камчиликдан пок бўлган ҳолда юради»<sup>24</sup>.**

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:

«إِنَّ عَظَمَ الْجَرَاءَ مَعَ عَظَمِ الْبَلَاءِ، وَإِنَّ اللَّهَ إِذَا أَحَبَّ قَوْمًا ابْتَلَاهُمْ، فَمَنْ رَضِيَ فَلَهُ الرِّضا، وَمَنْ سَخِطَ فَلَهُ السَّخْطُ».»

**"Дунёда мусибатлар катта бўлса охиратда мукофотлар ҳам катта бўлади. Аллоҳ таоло бир қавмни яхши кўрса имтиҳон қиласди. Ким (келаётган мусибатларга сабр қилиб) рози бўлса Аллоҳ ундан рози бўлади. Ким (сабр қилмай) ғазаб қилса Аллоҳ унга ғазаб қиласди"**<sup>25</sup>.

Баъзан солиҳ бандаларнинг озгина хато-камчиликлари учун ҳам дунёда турли мусибатлар келади. Улар ҳар қандай ҳолатда (қийинчилик ва енгилчиликда) ҳам Аллоҳга қайтиб, чиройли сабр қилиб етук ихлосларини исботлайдилар ва Аллоҳнинг ҳузурига кичик хатолардан ҳам пок бўлиб борадилар.

**2)** Баъзан солиҳ мўминларнинг чин иймонлари, сабр-бардошлари ошкор бўлиши учун турли мусибатларга рўбарў бўладилар.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثْلُ الدِّينَ خَلُوا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسْتَهُمُ الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَاءُ وَزُلُّوا حَتَّىٰ يَقُولُ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَقْرُبُ الْمَسْكُنِ إِلَّا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ} البقرة: ٢١٤ .

(Эй мўминлар), ўзларингиздан илгари ўтган зотларнинг ҳолати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто Пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?», дейишган эди. «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир». Бақара сураси 214-оят.

Даъват йўлида бўладиган барча қийинчиликлар катта ажр-савобларга, охиратда олий мартабага эришишга сабаб бўлади<sup>26</sup>.

Солиҳ-садик мўминлар даъват йўлида бўладиган мусибатларга чиройли сабр қилишлари билан уларнинг чин иймонлари ва етук ихлослари ошкор бўлади. Мана шундай машаққатли йўлни босиб ўтгандан кейин, одамларни яхшиликка бошловчи пешво бўлиб қоладилар.

<sup>24</sup> مسنـد الإمامـ أـحمدـ: ١٤٨١ـ. سنـن التـرمـذـيـ: ٢٣٩٨ـ. قالـ أبو عـيسـى هـذا حـدـيـثـ حـسـنـ صـحـيـحـ.

<sup>25</sup> سنـن التـرمـذـيـ: ٢٣٩٦ـ. قالـ التـرمـذـيـ هـذا حـدـيـثـ حـسـنـ...ـ

<sup>26</sup> مجموعـ الفتاوىـ: ١٢٣١٠ـ؛ ٢٥٥١٤ـ؛ ٢٥٥١٥ــ. ٣٠٢١٥ــ.

Аллоҳ таоло шундай деди:

وَجَعْلَنَا مِنْهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا وَكَانُوا بِآيَاتِنَا يُوقِنُونَ {السجدة: ٤}.

**Улар сабр-бардошли бўлишгач улардан (одамларни) Бизнинг амримиз билан тўғри йўлга бошловчи пешволарни чиқардик. Уларнинг оятларимизга иймон-ишончлари мукаммал эди. Сажда сураси 24-оят<sup>27</sup>.**

Аллоҳнинг суюкли бандаларига мусибатлар келишининг ҳикматларидан яна бири ўзгаларга ибрат бўлишлари учундир. Улар тақводор, солиҳ инсонлар бўла туриб кўп қийинчиликларга рўбарў бўладилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга шукр қиласидилар ва динга мукаммал амал қилишда бардавом бўлиб ўзгаларга ўрнак бўладилар.

**3)** Баъзи мусулмонлар жаннатдаги олий даражаларни орзу қиласидилар, Аллоҳдан дуо қилиб энг юқори жаннатни сўрайдилар. Аллоҳ таоло уларга олий даражаларни белгилаб ҳам қўяди. Лекин улар ўша олий мартабага эришадиган амалларни қила олмайдилар. Аллоҳ таоло уларга турли мусибатлар юборади. Улар мусибатларга чиройли сабр қилиб охиратдаги олий мартабаларга сазовор бўладилар.

Ином Аҳмад ва Абу Довуд (роҳимаҳумулоҳ) Абу Холид ал-Лажлаж розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

إِذَا سَبَقْتُ لِلْعَبْدِ مِنَ اللَّهِ مَنْزِلَةً لَمْ يَنْلَغُهَا بِعَمَلِهِ، ابْتَلَاهُ اللَّهُ فِي جَسَدِهِ أَوْ فِي وَلَدِهِ، ثُمَّ صَبَرَهُ حَتَّى يُبَلِّغَهُ الْمَنْزِلَةُ الَّتِي سَبَقْتُ لَهُ مِنْهُ.

**«Аллоҳ таоло бир бандага (жаннатдан олий) манзил тақдир қилган бўлиб, banda у (олий) манзилга ўз амали билан эриша олмайдиган бўлса Аллоҳ таоло у банданинг баданига, молига, фарзандларига (турли мусибатлар юбориб) имтиҳон қиласиди. Сўнгра у бандани сабр-бардошли қилиб, ўша манзилга етказади»<sup>28</sup>.**

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда:

يَوْمُ أَهْلِ الْعَافِيَةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَنَّ لُحُومَهُمْ قُدْ فُرِضَتْ بِالْمُقَارِبِينَ لِمَا يَرَوْنَهُ لِأَهْلِ الْبَلَاءِ مِنْ جَزِيلِ الشَّوَابِ.

(Дунёда) Хотиржам, соғ-саломат яшаганлар қиёмат куни (дунёда) қийинчиликда (турли мусибатларни бошдан кечириб) яшаганларга берилаётган катта мукофотларни кўрганларида, “(Дунёда) баданларимиз қайчилар билан кесиб ташланса бўлар экан”, деб орзу қилиб қоладилар<sup>29</sup>.

<sup>27</sup> مجموع الفتاوى: ١٥٣٢٨، ٣٠٣-٣٠٢١٢٥.

<sup>28</sup> مسنـد الإمام أـحمد: (٢٢٣٣٨)؛ سنـن أبي داـود (٣٠٩٠).

<sup>29</sup> المـعـجم الصـيـفـيـ لـلـطـبـرـيـ: (ر) ٢٤١. سنـن التـرمـذـيـ: (٢٤٠٢).

**Иккинчи:** Бандаларга синов бўлиб келадиган мусибатлар.

**1)** Баъзида Аллоҳ таоло инсонларни иймонларида содик ёки содик эмасликларини<sup>30</sup> ошкор қилиш учун турли мусибатлар билан имтиҳон қилади.

{إِنَّمَا أَحَسِبَ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا أَمْنًا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ \* وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَيَعْلَمُنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ}

.الْكَاذِبِينَ} العنكبوت: ١-٣

**Алиф, Лам, Мим. Одамлар:** «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, ташлаб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалгиларни имтиҳон қилган эдик-ку! Албатта Аллоҳ («Иймон келтирдик», деб) рост сўзлагувчиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур. Анкабут сураси 1-3 ояtlар.

Мұхаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ дедилар:

Бу ояtlарда<sup>31</sup> ажойиб бир сир, ибрат ва ҳикмат бордир. Отамиз Одам (алайхиссалом) нозу неъматларга тўла бўлган жаннатда хоҳлаганча еб-ичиб, роҳат-фароғатда, шоду ҳуррам яшар эдилар. Аллоҳ таоло Одам (алайхиссалом) га айтган эди:

{إِنَّ لَكَ أَلَّا تَجُوعَ فِيهَا وَلَا تَعْرِي وَأَنَّكَ لَا تَظْمَأُ فِيهَا وَلَا تَضْحَى} ط: ١١٨-١١٩

**Шубҳасиз сен у жой (жаннат) да оч-яланғоч қолмайсан. Ва у жойда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмайсан.** Тоҳа сураси 118-119 ояtlар.

Агар Одам (алайхиссалом) зурриётлари билан жаннатда қолган бўлганларида биз нозу нематлар ичидан роҳатланиб яшаётган бўлар эдик. Лекин малъун Иблис макр-хийла қилиб отамизни жаннатдан чиқариб, қийинчилик ва мاشаққат диёрига туширди.

Шунда Аллоҳ таоло одам болаларини турли қийинчилик, буйруқ ва қайтариқлар<sup>32</sup> билан имтиҳон қилинишларини ва имтиҳон бўлмай туриб жаннатга кирмасликларини ҳукм қилди.

Бизлар, эй Одам фарзандлари ақлимиз бўлса чин ҳақиқатни тасаввур қилишимиз керак!

<sup>30</sup> Синовларга сабр қилмай иймондан воз кечганларнинг ҳаммаси аввалда кazzоб бўлган деб ўйлаб қолмаслик керак. Балки баъзи заиф иймонли кимсалар синовларга бардош бера олмай иймонидан ажрайди.

مجموع الفتاوى: ٢٧١٦٧

<sup>31</sup> Яъни, Инсон дунёда албатта имтиҳон қилиниши ҳақидаги ояtlар, шу жумладан Анкабут сураси 1-3 ояtlар.

<sup>32</sup> Яъни, Аллоҳ бандаларни баъзи амалларга буюриб ва баъзи амаллардан қайтариб имтиҳон қилиши...

Аслида Иблис макр-хийла қилиб, бизларни ўзига асир қилиб (ўзига эргаштириб) азиз ватанимиз (бизлар иззат-хурматда, роҳат-фароғатда бўладиган жаннат)дан қийинчилик-имтиҳон диёрига олиб келди.

Азиз ватанимиз-жаннатга қайтиш учун ҳар ким ўзининг ашаддий душмани бўлган Иблисга ва ёмонликка буюрувчи нафсга қарши мухоҳада қилиши шарт. Мана шу ҳақиқат бизнинг кўз ўнгимизда бўлиши учун Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом) билан Иблиснинг қиссасини кўп оятларда ҳикоя қилиб берди<sup>33</sup>.

**2)** Баъзан Аллоҳнинг қадарига<sup>34</sup> мусулмонларни қандай сабр қилишлари имтиҳон қилинади.

{وَلَنْبُلُوكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْحُזْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ \* الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمْ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ وَإِنَّ رَاحِمُهُ هُمُ الْمُهْتَدُونَ }

**Албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби баъзи нарсалар билан имтиҳон қиласиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг. Ана ўшаларга Роббилари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлда бўлгувчилардир.** Бақара сураси 155-157 оятлар.

Мусибатлар келганда мусулмон киши чиройли сабр қилса гуноҳлари мағфират бўлади, шу билан бирга катта ажр-савобларга эга бўлади<sup>35</sup>.

Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда: Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«مَا مِنْ مُصِيبَةٍ تُصِيبُ الْمُسْلِمِ إِلَّا كَفَرَ اللَّهُ بِهَا عَنْهُ حَتَّى الشَّوَّكَةَ يُشَاكِهَا».

**«Мусулмонга бирор бир мусибат етадиган бўлса албатта Аллоҳ ўша мусибат сабаб унинг гуноҳини мағфират қиласи. Ҳатто (қўлига) кирган тикан ҳам (гуноҳларига каффорат бўлади)»<sup>36</sup>.**

Баъзан табиий офатлар бўлиб ҳаммага бир хил мусибатлар келади.

Бундай мусибатлар Аллоҳ розилиги учун сабр қиласиган мусулмонлар учун яхшилиқdir.

Суҳайб розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

<sup>33</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن: تفسير الآية ١٤٢ من سورة آل عمران. المؤلف: محمد الأمين الشنقيطي (المتوفى: ١٣٩٣هـ)

<sup>34</sup> Яъни, Аллоҳ тақдир қилган қийинчиликлар, сиҳат-саломатликка, мол-дунёга, яқинларга бўладиган турли мусибатлар.

<sup>35</sup> مجموع الفتاوى: ١٢٤/١٠ . ٢٥٥/١٤ .

<sup>36</sup> صحيح البخاري: ٥٦٤٠

«عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرُهُ كُلُّهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ ذَاكَ لَأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَّاءٌ صَرَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ».

**«Мўминнинг иши қандай ажойиб. Ҳақиқатда унинг ҳамма иши яхшиликдир. Мўъмин кишидан бошқа ҳеч кимнинг иши бундай эмас. Хурсандчилик келса шукр қиласи ва унга яхшилик бўлади. Қийинчилик келса сабр қиласи, бу ҳам унга яхшилик бўлади»<sup>37</sup>.**

**Учинчи:** Гуноҳлар сабаб келадиган мусибатлар.

Баъзи мусибатлар гуноҳлар сабаб келади. Ҳудди Уҳуд жангидаги баъзи саҳобалар Росулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг буйруқларини бажармаганларида келган мусибат каби.

Аллоҳ таоло Уҳуд кунидаги воқеани ҳикоя қилиб шундай деди:

{أَوْلَمَا أَصَابَنَّكُمْ مُصِيبَةٌ قَدْ أَصَبَنَا مِثْلِيْهَا فَلِنْسِمْ أَئِيْ هَذَا قُلْنُ هُوَ مِنْ عِنْدِ أَنفُسِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ} آل عمران: ۱۶۵.

**(Эй мўминлар, Уҳуд жангидаги душман томонидан) сизларга бир мусибат етганида -ҳолбуки, сизлар (Бадр жангидаги душманга) икки баробар мусибат етказган эдингиз- «Бу (мусибат) қайдан келди?» — деб айтдингиз. (Эй Пайғамбар), уларга: «Бу мусибат — мағлубият ўз қилмишларингиздан», деб айтинг! Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. Оли Имрон сураси 165-оят.**

Саҳобалар Уҳуд кунида келган мусибатнинг сабабини англамай туришганида Аллоҳ таоло бу мусибат уларнинг ўзлари сабабли келганини айтди.

Мана шунинг учун мусулмон киши мусибатлар келганида гарчи ўзининг очиқ гуноҳини кўрмайтган бўлса ҳам ўзининг хато-камчиликларидан деб билиши керак.

Мусибатлар кўпинча инсоннинг хато-камчиликлари сабабли бўлади. Лекин кўпчилик инсонлар ўз айбларига эътибор бермай қоладилар.

Мусибатларни гуноҳлар сабабли деб билмаслик ўзини ўзи поклаганга ўхшаб қолади. Аллоҳ таоло инсонларни бундай қилишдан қайтариб шундай деди:

{فَلَا تُرْكُوا أَنفُسَكُمْ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقَى} النجم: ۳۲.

**Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар! У (Аллоҳ) тақводор бўлган кишиларни ҳам жуда яхши билгувчидир.** Нажм сураси 32-оят.

**Тўртинчи:**

Мусулмонлар қилган гуноҳлари сабаб мусибатларга учраганлари каби, баъзида нафсларида беркинган ёмонликлардан халос бўлишлари учун ҳам

<sup>37</sup> صحیح مسلم: ۷۶۹۲.

турли мусибатларга йўлиқадилар. Бу ҳақида Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар:

"Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган дин бирор бир мусибатга сабаб эмас. Аллоҳ ва Росулига итоат қилиш ҳеч қачон мусибатга сабаб бўлмайди. Аллоҳ ва Росулига итоат қилиш дунё ва охиратдаги мукофотга сабабдир. Аммо баъзи мусулмонларга гуноҳлари сабаб мусибатлар келади. Улар бу мусибатга Аллоҳ ва Росулига итоат қилганлари учун эмас, балки осий бўлганлари учун рўбарў бўладилар. Худди Уҳуд жангидан баъзи саҳобалар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоатсизлик қилганлари сабаб мусибат-мағлубият келганидек. Бу мусибат саҳобаларни Аллоҳ ва Росулига итоат қилганлари учун эмас, балки баъзи саҳобаларнинг итоатсизликлари учун келган эди.

Шунингдек мусулмонларни енгилчилик, қийинчилик ва оғир кунлар билан имтиҳон қилинишлари иймон-ихлослари ва тоат-ибодатлари сабабли эмас, балки нафсларига беркинган ёмонликлардан халос бўлишлари учундир. Худди олтинни (бегона металлардан) ажратиб олиш учун оловга қўйилганидек нафслардаги ёмонлик кетиб, фақат яхшилик қолиши учун мўминлар имтиҳон қилинадилар.

Нафсларда ёмонликлар яширинган бўлади. Мўминлар имтиҳон қилиниб ўша ёмонликлардан халос бўладилар.

Аллоҳ таоло деди:

{وَتُلْكَ الْأَيَامُ نُدَاوِهُ بَيْنَ النَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَيَتَخَذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الطَّالِمِينَ \* وَلِيَمْحَصَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَيَمْحَقَ الْكَافِرِينَ} آل عمران: ١٤١-١٤٠ .

**Аллоҳ иймон келтирган кишиларни** (чин иймонлари ошкор бўлишини) **билиши ҳамда орангиздан шаҳидларни саралаб олиши** учун бундай (гоҳида ғалаба, гоҳида мағлубият бўладиган) **кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз.** **Аллоҳ золим кимсаларни севмайди.** **Аллоҳ иймон келтирган зотларни** (ёмонликлардан) **поклаш ва кофирларни ҳалок қилиш учун** (ҳам бундай ғалаба ва мағлубиятли кунларни одамлар орасида айлантириб туради). Оли Имрон сураси 140-141 оятлар.

Бошқа оятда:

{وَلِيَبْتَلِيَ اللَّهُ مَا فِي صُدُورِكُمْ وَلِيَمْحَصَ مَا فِي قُلُوبِكُمْ} آل عمران: ١٥٤ .

**Аллоҳ** (Уҳуд кунидаги ҳодисани) **кўнгилларингиздаги нарсани имтиҳон қилиш ва қалбларингизда бўлган нарса-иймонни** (васвасалардан ва ёмон сифатлардан) **поклаш учун қилди.** Оли Имрон сураси 154-оят.

Мусулмон кишида бўлган баъзи ёмонликлар мусибатлар сабаб йўқолади...<sup>38</sup>.

### Бешинчи:

Инсонларга мусибатлар хилма-хил бўлиб келишида Аллоҳнинг етук ҳикмати бор.

Гоҳида баъзи инсонларга турли мусибатлар келади, улардан ҳам гуноҳи кўпроқ инсонлар мусибатлардан саломат бўлади. Чунки бу икки инсонга нисбатан Аллоҳнинг ҳикмати бирдай эмас.

Баъзи гуноҳларнинг жазоси дунёнинг ўзида тез келади<sup>39</sup>, баъзиси кечикади ва баъзи гуноҳларнинг жазоси эса охиратга қолади (Аллоҳ асрасин). Баъзидаги Аллоҳ таоло золимларга муҳлат бериб истидрож қиласди<sup>40</sup>.

Баъзи инсонларнинг ихлосида, амалида камчиликлар бўлиб, бу камчиликлардан қутила олмайди. Лекин Аллоҳнинг ҳузурига саломат иймон билан боришни хоҳлайди ва ниятига яраша мусибатларга учраб, хато-камчиликларидан пок бўлади.

Баъзи инсонларнинг гуноҳ-маъсиятлари кўп бўлса ҳам, дунёда кўп мусибатлар кўрмайди ва охиратга ёмонликларидан покланмай боради.

<sup>38</sup> مجموع الفتاوى: ١٤/٢٥٤-٢٥٥.

<sup>39</sup> مسنـد الـاـمـام أـحـمـد: ٢٠٣٧٤ . سنـن أـبـي دـاـوـد: ٤٩٠٤

<sup>40</sup> Истидрожнинг маъноси: Маъсиятларидан тийилмаётган бандага берилаётган мол-дунёни имтиҳон деб эмас, балки мукофот деб ўйласа ва Аллоҳ уни жазоламай, муҳлат бераётганига алданиб, ҳаётдан мамнун бўлиб, ўйнаб-кулиб юрганида Аллоҳнинг азоби келиши.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

{وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِأَيْتَنَا سَنَسْتَدِرْجُهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ \* وَأَمْلَى لَهُمْ إِنْ كَيْدِي مَتَّبِعُ{ الاعراف: ١٨٢-١٨٣}

**Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса ўзлари билмай қоладиган тарафдан истидрож қиласмиз(1). (Ҳозирча) уларга муҳлат бериб қўюрман. Албатта, Менинг «макрим» қаттиқдир. Аъроф сураси 182-183 оятлар.**

(1) Яъни, Кофирлар тўкин-сочин ҳаётга, берилаётган нозу неъматларга алданиб, ўзларини катта бир фойда устида деб турганларида, ўзлари сезмаган тарафдан Аллоҳнинг азоби келишидир.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам шундай дедилар:

"Аллоҳ таоло гуноҳ-маъсиятларидан тийилмаётган бандага дунёдан (ўша бандага) яхши кўрган нарсаларни бераётганини кўрсанг билгин-ки бу (Аллоҳ тарафидан бўлган) истидрождир.

Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам ушбу оятни тиловат қиласди:

{فَلَمَّا نَسُوا مَا ذِكْرُوا بِهِ فَقَحَنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَابَ كُلِّ شَيْءٍ خَتَّى إِذَا فَرَحُوا بِمَا أَوْتُوا أَخْذَنَاهُمْ بَعْدَهُ فَإِذَا هُمْ مُبْلِسُونَ}. الأنعام ٤٤

**Ўзларига келган эслатма-огоҳлантиришларни унугтан вақтларида, уларга (дунё нози неъматларидан) ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Қачонки ўзларига берилган нарсалар билан шоду ҳуррам бўлиб турганларида, уларни тўсатдан (азоб билан) ушладик. Улар (ҳар қандай яхшилиқдан) ноумид бўлувчилар".**

مسنـد الـاـمـام أـحـمـد: ١٧٣١١ . تعليـقـ شـعـيبـ الـأـرنـوـطـ : حـدـيـثـ حـسـنـ. السـلـسـلـةـ الصـحـيـحةـ ٤١٣

Мусибатлар мана шундай ҳаммага ҳар хил келишида Аллоҳнинг катта ҳикматлари бор. Бу ҳикматларни нафақат авом одамлар, гоҳида баъзи илмли одамлар ҳам фаҳмлай олмайдилар<sup>41</sup>.

### Олтинчи:

**1)** Баъзан мусулмонларнинг сафи тозаланиши, содик мўминлардан бошқалар ажралиши учун мусибатлар келади. Чунки мусулмонлар доим ғолиб бўлаверса чин мўмин ҳам, мунофик ҳам ғолиблар сафида қолаверади. Мағлубиятга учралган вақтда ҳақиқий мўминларгина қолади.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَمَا أَصَابَكُمْ يَوْمَ التَّقَوْيَةِ الْجُمْعَانَ فَإِذْنُ اللَّهِ وَلَيَعْلَمَ الْمُؤْمِنُونَ \* وَلَيَعْلَمَ الَّذِينَ نَفَقُوا...} آل عمرан: ۱۶۶ - ۱۶۷

**Икки жамоат тўқнашган куни сизларга етган мусибат Аллоҳнинг изни-иродаси билан ва ҳақиқий мўминларни билиш учун ҳамда нифоқ йўлига кирган кимсаларни аниқлаш учун бўлди...**

Бошқа оятда:

{مَا كَانَ اللَّهُ لِيَنْدَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْحُبِيبَ مِنَ الطَّيْبِ} آل عمران: ۱۷۹

**Аллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу** (чин мўминдан бошқалар ажралиб маълум бўлмаган) ҳолатда ташлаб қўювчи эмас. **Ҳали У нопокни покдан ажратади.** Оли Имрон сураси 179-оят.

**2)** Баъзи мусибатлар мусулмонлар орасидан шаҳидларни ажратиб олиш учун бўлади. Чунки шаҳидлик мақоми охиратдаги энг олий мартабалардан.

Барча инсонлар эртами, кечми бир кун келиб бу дунёдан ўтади. Дунёдан бир кун кетиш бор экан, дунёдан кетаётгандаги энг яхши ҳолат шаҳидлик мақомидир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَتَلْكَ الْأَيَامُ نُدَاوِلُهَا بَيْنَ النَّاسِ وَلَيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَيَتَخَذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ...} آل عمران: ۱۴۰

**Аллоҳ иймон келтирган кишиларни** (чин иймонлари ошкор бўлишини) **билиши ҳамда орангиздан шаҳидларни саралаб олиши учун бундай** (гоҳида ғалаба, гоҳида мағлубият бўладиган) **кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз.** Оли Имрон сураси 140-оят.

**3)** Баъзида мусулмонлар дунёга алданиб қолаётган вақтларида мусибатлар келиб дунёни ўткинчи, арзимас эканлигини эслатади.

<sup>41</sup> علاقة الكوارث والمصابات بالذنوب.

Мусибатлар сабаб мол-дунёдан, саломатликдан ва суюкли инсонлардан маҳрум бўлинади. Мол-дунёлар қўлдан кетар, саломатлик йўқотилар, суюкли инсонлар дунёдан ўтар экан, демак дунёнинг қолгани ҳам мана шундай ўтиб кетади. Бир нарсанинг баъзиси завол бўлдими қолгани ҳам тезда завол бўлади. Аллоҳ таоло шундай деди:

﴿لَكِيْلَا تَأْسُوا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرُخُوا بِمَا آتَاكُمْ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ﴾ الحَدِيد: ٤٢٣.

(Сизларни турли мусибатлар билан имтиҳон қилдик) **Токи қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсизлар ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмагайсизлар. Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни сўймас.** Ҳадид сураси 23-оят.

### Еттинчи:

Мусибатлар зоҳирان қийинчилик бўлса ҳам, лекин инсонни ислоҳ бўлишига сабаб бўлган мусибатлар катта неъматdir. Чунки Аллоҳга яқинлаштирган, Аллоҳнинг муҳаббатига сабаб бўладиган ҳар қандай нарса чинакам неъмат. Худди шунингдек Аллоҳдан, Аллоҳнинг розилигидан узоқлатган ҳар қандай нарса бало-офатdir<sup>43</sup>.

**1)** Мана шунинг учун мусибатларнинг энг каттаси Аллоҳдан узоқлашишга сабаб бўладиган диндаги<sup>44</sup> мусибатdir<sup>45</sup>.

Қози Шурайҳ бир мусибатга учрасалар, мусибат динда бўлмаганига Аллоҳга ҳамду сано айтар эдилар<sup>46</sup>.

Мана шунинг учун ҳам Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари энг катта мусибат.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Қай бирингизга бир мусибат етса мени (вафотим) сабаб кўрган мусибатни эсласин. Чунки (менинг вафотим сабаб етган мусибат ҳар бир) мусулмон учун энг катта мусибатdir"**<sup>47</sup>, дедилар.

Мусулмонлар учун Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари диний ва дунёвий энг катта мусибатdir.

Чунки Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир мусулмон учун ҳаммадан (ота-онасидан, аҳли-оиласдан, фарзандларидан, дўсту биродарлари,

<sup>42</sup> علاقة الكوارث والمصاب بالذنب.

<sup>43</sup> العقيدة الأصفهانية - ابن تيمية: ١٢٩-١٣١.

<sup>44</sup> Яъни, Иймонни заифлаштирадиган, динга амал қилишни сустлаштирадиган, Аллоҳдан узоқлаштирадиган...

<sup>45</sup> تسلية أهل المصائب. المؤلف: محمد بن محمد، شمس الدين المنجبي (المتوفى: ٥٧٨٥)

<sup>46</sup> شعب الإيمان للبيهقي: ٩٩٨٠.

<sup>47</sup> قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَصَيبَ أَحَدُكُمْ بِمُصِبَّةٍ, فَلَيَذْكُرْ مُصِبَّتَهُ بِي, فَإِنَّهَا أَعْظَمُ الْمَصَابِ عِنْدَهُ". المعجم الكبير للطبراني: ٦٥٧٩. سنن ابن ماجه: ١٥٩٩. في السلسلة الصحيحة: ١٨٠١٣؛ (١١٠٦) "وبالجملة فالحديث بهذه الشواهد صحيح والله أعلم".

ҳамма-ҳаммадан) ҳам суюклидирлар. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида ҳар бир мусулмон ўзи учун энг суюкли инсонни йўқотган.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёт бўлганларида ҳузурларига бориб дуоларини олишни, жаннат хуш-хабарини эшитишнинг имкони бор эди...

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг динини тўлиқ етказиб, вафот этганлар. Энди ҳар бир мусулмон ўз олдидаги масъулиятни ҳис қилиб яшаши керак. Ҳатто Дажжолга рўбарў бўлса ҳам ёлғиз ўзи ҳужжатлашиши керак бўлади.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин у кишининг меросхўрлари бўлган уламоларнинг вафоти ҳам энг катта мусибатdir.

Суфён ибн Уяйна роҳимаҳуллоҳ айтар эдилар: "Одамлар учун олимнинг вафот этишидан каттароқ мусибат бўлмаса керак"<sup>48</sup>.

Одамлар орасида Аллоҳнинг динини холис етказадиган, ҳақни очиқ баён қиласидиган, яхшиликка буориб ёмонликдан қайтарадиган олимнинг бўлиши катта бахт.

Чунки одамлар орасида доим ислоҳга чақириб турувчи, ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи, шайтон малайларининг мусулмонларга қарши қиласидиган марқ-ҳийлаларини ошкор қилувчи холис олимлар бўлмаса, одамлар жоҳил кимсаларни пешво қилиб оладилар. У жоҳил кимсалар эса ўzlари адашиб, ўзгаларни ҳам залолатга бошлайдилар<sup>49</sup>.

Одамлар залолатга кетиб, Аллоҳнинг динидан узоқлашиш эса охиратдан олдин дунёда катта мусибатлар келишига сабаб бўлади.

Мана шунинг учун ҳам олим киши обиддан бир неча баробар афзал. Мана шунинг учун ҳам олимнинг ҳаққига барча жонзотлар истиғфор айтиб туради<sup>50</sup>. Чунки инсонларни ислоҳга чақириувчи олим қолмай, одамларнинг гуноҳ-

<sup>48</sup> الجامع لأخلاق الرأوي: ٢١٠١١

<sup>49</sup> Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхумо ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

"Аллоҳ илмни йўқотишилик билан (яъни илмни қалблардан ўчиришилик билан) кетказмайди, балки олимларни вафот топтиришилик билан олади. Ҳатто бирорта олимни қолдирмаганида, одамлар жоҳилларни бошлиқ қилиб оладилар. Уларга савол қилинса илмсизлик билан фатво бераверадилар. Ўзлари адашиб ўзгаларни ҳам адаштирадилар".

صحيح البخاري: (١٠٠)؛ صحيح مسلم: (٦٩٧١).

Савбон розияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

"Умматимга адаштирувчи имомлар (пешво бўлиб қолиши)дан қўрқаман".

مسند الإمام أحمد: ٢٢٣٩٣. سنن الترمذى: ٢٢٢٩.

<sup>50</sup> Абу Дардо розияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

"Олимнинг ҳаққига осмонлар ва Ердаги нарсалар, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтади. Олимнинг обиддан афзаллиги тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир".

سنن أبي داود: ٣٦٤٣. سنن الترمذى: ٢٦٨٥.

маъсиятлари кўпайса мусибатлар омматан келиб барча жонзотлар ҳам зарар кўради.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ مَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيَذِيقُهُمْ بَعْضُ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ} الروم: ٤١

**Одамларнинг ўzlари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, дengизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди.** (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) **қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тоттириб қўйиш учундир.** Рум сураси 41-оят.

**2)** Бундай мусибатлар одамлар гуноҳ-маъсиятлардан тийилишлари учун бир эслатма ва гуноҳларининг озгина жазосидир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَلَنَدِيقَتْهُمْ مِنَ الْعَذَابِ الْأَدْنَى دُونَ الْعَذَابِ الْأَكْبَرِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ} السجدة: ٢١

(Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарувчи кимсалар куфру исёнларидан) **қайтишлари учун уларга катта-буюк азобдан илгари** (дунёда мусибатлар юбориб<sup>51</sup>) **кичик азобни тоттиurmиз.** Сажда сураси 21-оят.

Эслатма бўлиб келган уқубатлардан кейин ҳам одамларнинг қалблари кўрлигича қолса, ибрат-эслатма олмасалар ва гуноҳ-маъсиятлардан, бузғунчиликларидан тийилмасалар ҳалокат келадида, сўнgra тавба қилишга ҳам имкон топа олмайдилар.

Вocal تعالى: {وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا إِلَى أُمَّمٍ مِنْ قَبْلِكَ فَآخَذْنَاهُمْ بِالْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ لَعَلَّهُمْ يَتَضَرَّعُونَ \* فَلَوْلَا إِذْ جَاءَهُمْ بِأُبُسْنَا تَضَرَّعُوا وَلَكِنْ قَسَطْتُ قُلُوبُهُمْ وَزَيَّنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ \* فَلَمَّا نَسُوا مَا ذُكِرُوا بِهِ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَابَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّىٰ إِذَا فَرَحُوا بِمَا أُوتُوا أَحْدَثْنَاهُمْ بَغْتَةً فَإِذَا هُمْ مُبْلِسُونَ} الأنعام: ٤٢ - ٤٤.

**(Эй Пайғамбар), маълумки, сиздан аввалги миллатларга ҳам элчилар юборганимиз.** (Улар элчиларимизни ёлғончи қилишгач), шояд тавба-тазарру қилсалар, деб уларни бало ва зиёнлар билан ушлаганмиз.

**Бизнинг бало-уқубатимиз етганда ҳам тазарру қилмадилара!** (Тавба-тазарру қилганларида Аллоҳ бало-уқубатларни кетказган бўлур эди), **лекин уларнинг қалблари қотиб қолган ва шайтон уларга қилиб юрган ишларини чиройли кўрсатиб қўйгандир.**

**Ўзларига келган эслатма-огоҳлантиришларни унугтан вақтларида, уларга** (дунё нози неъматларидан) **ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик.** Қачонки ўзларига берилган нарсалар билан шоду ҳуррам

<sup>51</sup> روى ابن جرير عن ابن عباس في تفسير قوله تعالى: "الْعَذَابِ الْأَدْنَى" قال: "هي المصائب".

**бўлиб турғанларида, уларни тўсатдан** (азоб билан) **ушладик. Улар** (ҳар қандай яхшилиқдан) **ноумид бўлувчилар**". Анъом сураси 42-44 оятлар.

**3)** Ёмонликлар кўпайиб, ошкор бўлганида мусибатлар омматан келади. Ёмон ҳам, яхши ҳам мусибатлар остида қолади.

{وَاتَّقُوا فِتْنَةً لَا تُصِيبَنَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْكُمْ خَاصَّةً} الأنفال: ٢٥.

**Ҳамда сизлардан фақат золим кимсаларнинг ўзигагина етмай (балки барчага етадиган) балодан сақланингиз!** Анфол сураси 25-оят.

Зулм ошкор бўлиб инкор қилинмаса ҳаммага бирдай уқубат келади. Омматан келадиган фитна-уқубатлардан сақланишнинг йўли битта. Бу йўл мункарни инкор қилиш, фосиқ-фожирларни гуноҳ-маъсиятлардан қайтариш ва имкон қадар золимлар зулмини тўхтатишдир<sup>52</sup>.

Кенг тарқалган фисқу фасодга солиҳ инсонлар қарши кураша олмасалар, одамларни ислоҳ қилиб динга қайтаришдан ожиз бўлсалар омматан келган мусибатлар солиҳларга ҳам етади. Аммо солиҳлар қиёмат куни ният ва амалларига яраша қайта тириладилар.

Зайнаб розияллоҳу анҳо Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васалламдан "**Эй Росулуллоҳ орамизда солиҳ инсонлар бўла туриб ҳалокатга учраймиزمи?**", деб сўраганларида **Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам:** "Ҳа! Агар нопоклик (фисқу фасод) кўпайиб кетса", деб жавоб берганлар<sup>53</sup>. (Бошқа ривоятларда: Нопоклик кўпайса азоб ҳаммага келиб, солиҳларнинг охиратдаги ҳолати ниятлари ва амалларига яраша бўлишини хабар берганлар)<sup>54</sup>.

### **Бўлим хуносаси:**

Ислом уммати Аллоҳнинг динидан жуда узоқлашган вақтда катта мусибатлар келди. Мусулмонлар орасида солиҳ инсонлар бор эди. Лекин кундан-кун кўпайиб бораётган фисқу фасодни, ошкор қилинаётган гуноҳ-маъсиятларни ва зулм-зўравонликларни тўхтатишдан ожиз эдилар. Мусулмонлар мана шундай ҳолатга келиб қолганлари сабаб уммат бошига катта мусибатлар келди. Бу мусибатларнинг энг оғири диндаги мусибат бўлиб, мусулмонлар кофиirlар қўлида хору зор бўлдилар. Ҳатто баъзи мусулмон фарзандлари динларидан воз кечиб, кофиirlар сафига ўтдилар.

<sup>52</sup> تيسير الكريم الرحمن في تفسير كلام المنان: المعروف بالتفسیر السعدي. المؤلف عبد الرحمن بن ناصر بن السعدي.

<sup>53</sup> صحيح البخاري: ٣٣٤٦. صحيح مسلم: ٧٤١٦.

<sup>54</sup> صحيح البخاري: ٢١١٨؛ ٢١٠٨. صحيح مسلم: ٧٤١٥.

## 4- Бўлим: Ислом умматига келган мусибатлар сабаби<sup>55</sup>.

### 1-фасл: Мусибат-уқубатлар тасодифан бўлмагани.

Ислом умматида Аллоҳнинг динига муҳолиф ишлар<sup>56</sup> кўпайган вақтда катта мусибат-уқубатлар омматан келди.

Юқорида атиб ўтганимиздек Ислом умматига келган мусибат-уқубатлар тасодифан бўлмади. Балки аввалги миллатларни қулашига сабаб бўлган нарсалар ислом умматида ҳам такрорланди.

Аллоҳ таоло олдинги умматларни гуноҳлари сабаб ҳалок қилганини хабар бериб шундай деган эди:

{أَمْ يَرَوْا كُمْ أَهْلَكْنَا مِنْ قَبْلِهِمْ مِنْ مَكَانَهُمْ فِي الْأَرْضِ مَا لَمْ يُمْكِنْ لَكُمْ وَأَرْسَلْنَا السَّمَاءَ عَلَيْهِمْ مِدْرَارًا وَجَعَلْنَا الْأَهْمَارَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهِمْ فَأَهْلَكْنَاهُمْ بِذُنُوبِهِمْ وَأَنْشَأْنَا مِنْ بَعْدِهِمْ قَرْنَانِ آخَرِينَ} الأَنْعَامٌ: ٦ .

**Улардан илгари ўтган қанча умматларни ҳалок қилганимизни кўрмадиларми?! Ерда (умр суришлари учун) сизларга бермаган имкониятларни уларга берган, осмондан уларга (ёмғирни) сероб қилиб юборган, остларидан дарёларни оқизиб қўйган эдик. Бас, гуноҳлари сабабли ўшаларни ҳам ҳалок қилдик ва улардан сўнг яна бошқа авлодларни пайдо қилдик.** Аньом сураси 6-оят.

Абдураҳмон Саъдий роҳимаҳуллоҳ оят тафсирида шундай деганлар: "Аллоҳ таоло аввал ўтган кўп умматларга катта неъматлар ато қилди. Улар эса куфона неъмат қилиб, Аллоҳга очиқ исён қилишди. Оқибатда Аллоҳ таоло уларни гуноҳлари сабабли ҳалокатга учратди.

<sup>55</sup> Бу бўлимда Ислом умматига келган мусибат-уқубатларга сабаб бўлган баъзи амалларни айтиб ўтамиз.

<sup>56</sup> Аллоҳнинг динига муҳолиф бўлган ишлар диннинг ҳамма жиҳатида мавжуд эди.

Аллоҳ ва Росулининг муҳаббатини ҳамма нарсадан юқори қўймаслик ва Аллоҳдан қўрқиши, Аллоҳга бўлган таваккул, Аллоҳдан умид қилиш каби қалбий амалларга бепарво бўлиш...

Аллоҳ ва Росулининг буйруқларини бажаришга, фарз-вожибларни адо қилишга эътиборсиз бўлиш...

Фиску фасод, зулм-зўравонлик ва бировларнинг ҳаққини ейиш кенг тарқалиши...

Ботил эътиқодлар, бидъат-хурофотлар кўпайгани, ҳатто исломни даъво қилган инсонлар орасида ширк-куфр амаллари мавжуд бўлгани...

Амру маъруф ва нахий мункар сустлашгани...

Дунёга қаттиқ муҳаббат қўйиш...

Охиратга бўлган муҳаббат сусайиши...

Умматнинг диний ва дунёвий ҳолатини ислоҳ қилиш учун жиддий ҳаракатлар етарли бўлмагани...

Камбағал-бечоралар ҳолатига эътиборсиз бўлиш...

Ўз миллати бўлган мусулмонларга қарши душман билан бирлашиш...

Ва ҳоказо ҳамма жиҳатда жуда жатта жарликлар ҳосил бўлган эди.

Аллоҳ таоло аввалги ва кейинги умматлар устида ана шундай одат – қонун жорий қилгандир. Сизларга ҳикоя қилинган олдингиларнинг ёмон оқибатидан тўғри сабоқ олинглар!<sup>57</sup>.

Бошқа оятда:

{وَلَقَدْ أَهْلَكُنَا الْفُرْقَانَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَمَّا ظَلَمُوا وَجَاءُهُمْ رُسُلُنَا كَذَلِكَ تُجْزِي الْفَوْمَ الْمُجْرِمِينَ \* ثُمَّ جَعَلْنَاكُمْ خَلَايِفَ فِي الْأَرْضِ مِنْ بَعْدِهِمْ لِتَنْتَظِرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ}. يonus ۱۳-۱۴.

**Маълумки, сизлардан аввалги асрлардаги миллатларни** (оятларимизни инкор қилиб ўзларига) зулм қилганларида ҳалок қилганимиз. Уларга пайғамбарлари очиқ-равshan ҳужжат-мұъжизалар олиб келганида иймон келтирмаган эдилар. Жиноятчи қавмни мана шундай жазолагаймиз. Сүнгра қандай амаллар қилишингизни кўриш учун сизларни уларнинг ортидан Ерга халифа (ўринбосар) қилиб қўйдик.

Аллоҳ таоло бу оядда аввалги золимларни ҳалок қилганини ва Ислом умматини имтихон қилиш учун Ерга халифа қилганини хабар берган бўлса, бошқа оядда ғолиб бўлган мўминлар қандай бўлишлари кераклигини баён қилди:

{وَلَيَصُرُّنَ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ \* الَّذِينَ إِنْ مَكَنَّاهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوْا الزَّكَاةَ وَأَمْرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَهُنُّ عَنِ الْمُنْكَرِ وَإِلَهُ عَاقِبَةُ الْأُمُورِ} الحج: ۴۰-۴۱.

**Қасамки, Аллоҳ** (динини ҳимоя қиласиган ва мўмин бандалар)га ёрдам берадиган зотларни Аллоҳ ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ (ҳамма нарсага қодир) кучли, қудратли зотdir.

(Бизнинг нусратимизга сазовор бўладиган) у зотларни агар Биз Ер юзига ғолиб қилсак улар намозни тўқис адо этадилар, закотни ато этадилар, яхшиликка буюрадилар ва ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир). Ҳаж сураси 40-41 оядлар.

Кўп ғалабаларга эришган Ислом уммати Қуръондаги огохлантиришларни кўз ўнгига тутиб, бўлаётган ғалабалар фактат Аллоҳнинг марҳамати эканини ҳис қилиб, инсоният олдидаги

<sup>57</sup> تفسير عبد الرحمن السعدي.

масъулиятини<sup>58</sup> унутмай, сусткашлик қилмасдан динга амал қилган вақтларида ғолибликлари янада зиёда бўлди.

Лекин кейинги вақтларда ҳукмдорлар орасида ҳам, омма мусулмонлар орасида ҳам динга мухолиф ишлари кўпайганида аввалги ғалабалар, ўрнини бутунлай мағлубият эгаллади.

## 2-фасл: Ислом умматида содир бўлган Исломга мухолиф ишлар

### 1- Ислом умматининг мағрур бўлиб қолиши:

Аввалда Ислом уммати Аллоҳнинг нусратини шукrona билан қабул қилиб, Аллоҳга бўлган итоатлари янада зиёда бўлган бўлса, кейингилар - хусусан ҳукмдорлар- олдингиларнинг йўлини тутишда сусткашлик қилиб, ғалабалардан мағрур<sup>59</sup> бўла бошладилар. Мағрур бўлишнинг ёмон оқибатларидан огоҳлантирилган оятларга эътиборсиз бўлдилар.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган эди:

{لَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ فِي مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ إِذْ أَعْجَبَتُكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنْكُمْ شَيْئًا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ الْأَرْضُ إِمَّا رَحْبَتْ مُمْ وَلَيْسَ مُمْ دُبْرِينَ \* إِنَّمَا أَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَأَنْزَلَ جُنُودًا لَمْ تَرُوهَا وَعَذَّبَ الَّذِينَ كَفَرُوا وَذَلِكَ جَرَاءُ الْكَافِرِينَ} التوبه:  
. ۲۶-۲۵

**Аллоҳ сизларни кўп ўринларда ва Ҳунайн<sup>60</sup> куни (бўлган ғазотда) ғолиб қилди. Ўша (Ҳунайн ғазотида) сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо саноғингизнинг кўплиги сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (сизларга ғалаба келтирмади) ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўғирган ҳолингизда чекиндингиз !**

**Кейин Аллоҳ Пайғамбарига ва мўминларга Ўз томонидан хотиржамлик нозил қилди ҳамда сизлар кўрмаган бир лашкарни (яъни, фаришталарни) туширди ва кофир бўлган кимсаларни**

<sup>58</sup> Яъни, Аллоҳнинг динини етказиш ва Аллоҳнинг шариатини қоим қилиб, адолат ўрнатиш.

<sup>59</sup> Мағрур бўлишнинг маъноси:

Инсон баъзи мақсадларига эришса, бу мақсади ўзининг уддабуронлигидан ҳосил бўлган деб (бу нарсаларни берувчи Аллоҳ таоло эканини эсламай, инсон эришган ҳар бир нарса Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан бўлишини унутиб) инсон ўзига ўзи катта баҳо бериши. Аллоҳнинг фазлу марҳаматини ва Аллоҳга таваккул қилишини унутиб, инсон ўзининг ақл-идрокига, куч-қудратига ишониши. Мана шу инсонни ўзидан ўзи мағрур бўлишидир.

Бундай инсонлар ушбу: - وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ (ёлғиз Ўзингдан ёрдам сўраймиз) оятини унуглан инсонлардир.

مجموع الفتاوى: ۱۰-۲۷۷

<sup>60</sup> Макка билан Тоиф ўртасидаги бир водий.

**азобга дучор қилди. Коғирларнинг жазоси шудир.** Тавба сураси 25-26 оятлар.

Аллоҳ таоло бу оядда мўминларга бўлган Ўзининг фазлу марҳаматини эслатиб, мўминлар Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлган кўп ғазотларда нусрат-ғалаба берганини айтди. Ғалабага куч-қудратнинг катталиги, сон-саноқнинг кўплиги билан эмас, балки Аллоҳнинг қувватлови ва нусрат ато қилиши билан эриш мумкинлигини эслатди.

Ҳунайн ғазотида баъзилар сон-саноқни кўплиги билан мағрур бўлдилар. Аммо ададнинг кўплиги бирор манфаат бермади. Балки мусулмонлар чекинишни бошлади. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга оз сонли саҳобалар қолди. Сўнгра Аллоҳ таоло Ўзининг Росулига ва у киши билан бўлган мўминларга нусрат берди...<sup>61</sup>

Ҳунайнин ғазотида баъзи саҳобаларнинг мағрур бўлиши мағлубият олиб келишига оз қолди. Лекин саҳоблар тезда ўзларини ўнглаб, Аллоҳнинг ғалабасига сазовор бўлдилар.

Кейинги вақтларда бўлган ғалabalар кўпчиликни мағрур қилиб қўйган эди. Мусулмонлар турли огоҳлантиришларга қарамай ўзларини ўнгламадилар.

## 2- Дабдабали ҳаётга берилиш.

Умматнинг ҳаёти ва келажагини ўйлашга энг биринчи масъул бўлган (кўпчилик амир-умаролар, бой-бадавлат) инсонлар Исломий давлатни мустаҳкамлашни, умматнинг ҳолатини ислоҳ қилишни ўйлаш ўрнига айшу ишрат билан овора бўлиб қолдилар. Мол-дунё жамлашда, дабдабали ҳаёт кечиришда ким ўзар авжига олди.

Аллоҳ таоло бир қанча оятларда айшу ишратга берилиб ҳаддан ошган кимсаларга ҳалокат юборганини баён қилган эди.

وَكُنْ أَهْلَكُنَا مِنْ قَرْيَةٍ بَطِرْتُ مَعِيشَتَهَا ... \* ... وَمَا كُنَّا مُهْلِكِي الْقُرَى إِلَّا وَأَهْلُهَا ظَالِمُونَ {القصص: ٥٨-٥٩}.

**Биз қанча майшати ҳаддан ошган қишлоқ-шаҳарни ҳалок қилдик...**

**Биз бирор қишлоқ-шаҳарни ҳалок қилгувчи эмасмиз, фақатгина ахолиси золим бўлган (қишлоқ-шаҳарларнинг ҳалокатга учратурмиз).**

Бошқа оядда:

<sup>61</sup> الكتاب: تفسير القرآن العظيم. لابن كثير.

{وَاتَّبَعُ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَا أُتْرِفُوا فِيهِ وَكَانُوا مُجْرِمِينَ \* وَمَا كَانَ رَبُّكَ لِيُهْلِكَ الْقُرْبَى بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا مُصْلِحُونَ} هود: ١١٦-١١٧.

**Золим кимсалар эса** (нозу неъматлар кўплиги сабаб ҳаддан ошиб дабдабали ҳаётга) **ўз майшатларига берилиб кетдилар ва** (жамиятни ислоҳ қилишга интилмай) **жиноятчи бўлиб қолдилар.**

**Роббингиз бирор қишлоқ-шаҳарни аҳолиси (ўзларини ва ўзгаларни) ислоҳ қилувчи бўлса, зулм билан ҳалок қилган эмасдир.** Ҳуд сураси 116-117 ояллар.

Оятда зикр қилинган золимлардан мақсад тафсирларда келганидек, мункарларни инкор қилмайдиган кимсалардир.

Улар диннинг асосий рукнларидан бири бўлган амру маъруф ва наҳий мункарга эътибор бермайдилар. Эс-хаёллари яхши еб-ичиш, нафсу ҳаволарини қондириш, бошлиқликка бўлган интилиш ва мол-дунё жамлаб дабдабали ҳаёт кечиришдир. Охиратда манфаати бўладиган ишлардан эса юз ўғирганлар. Улар умрларини шундай ўтказаётганларида тўсатдан азоб келди. Улар жиноятчи эдилар<sup>62</sup>.

Амр ибн Авф ал-Ансорий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«فَوَاللَّهِ مَا الْفَقْرُ أَخْشَى عَلَيْكُمْ وَلَكُنِي أَخْشَى أَنْ تُبَسِّطُ عَلَيَّ كَمَا كَانَ قَبْلَكُمْ فَتَنَافَسُوهَا كَمَا تَنَافَسُوهَا وَهُنَّكُمْ كَمَا أَهْلَكْتُهُمْ».

**"Аллоҳга қасамки, менга сизлар камбағал бўлишингиз хатарли эмас. Аммо олдингиларга кўп мол-дунё берилгани каби сизларга ҳам кўп мол-дунё берилишидан қўрқаман.**

**Олдингилар дунё (топишда, жамлашда ва дабдабали ҳаёт)да ким ўзарга берилиб ҳалок бўлгани каби сизларни ҳам дунё (топишда, жамлашда ва дабдабали ҳаёт)да ким ўзарга берилиш ҳалок қилишидан қўрқаман"**<sup>63</sup>.

Ибн Баттол роҳимаҳуллоҳ айтдилар: "Кимга дунё зебу зийнатлари кўп берилаётган бўлса мол-дунёнинг ёмон оқибатидан ва бойлик фитнасидан қўрқиб яشاши керак. Дунё гўзалликларига берилмаслиги, дунёга рози бўлиб қолмаслиги ва ўзгалар билан дунёда (дунё топишда, жамлашда...) мусобақалашмаслиги лозим"<sup>64</sup>.

<sup>62</sup> تفسير القرآن العظيم: ابن كثير. محسن التأويل: محمد جمال الدين القاسمي (المتوفى: ١٣٣٢هـ).

<sup>63</sup> صحيح البخاري: ٤٠١٥.

<sup>64</sup> فتح الباري شرح صحيح البخاري: ٣٦٠١١. ابن حجر العسقلاني.

Мусулмонлар ҳар тарафлама ортга кетган бир вақтда умаролар, бойбадавлат кишилар умматнинг ҳолатини ўйламай мол-дунё жамлашга, дабдабали ҳаётга алданиб қолган эдилар<sup>65</sup>.

### 3- Гуноҳ-маъсиятлар ошкор бўлиши, ҳамда амру маъруф ва наҳий мункар тарк қилиниши

Ислом уммати орасида ботил эътиқодлар, ноҳақликлар кенг тарқалган ва гуноҳ-маъсиятлар, фисқу фасод ошкор бўлаётган эди. Кўпчилик мусулмонлар эса бу ҳолатга бепарво, солиҳ инсонлар мункар ишларни тўхтатишдан ожиз қолаётган эдилар.

Аллоҳ таоло мункар ишларни инкор қилмасликнинг ёмон оқибатидан огоҳлантириб шундай деган эди:

{فَلَوْلَا كَانَ مِنَ الْقُرُونِ مِنْ قَبْلِكُمْ أُولُو بَقِيَّةٍ يَنْهَوْنَ عَنِ الْفَسَادِ فِي الْأَرْضِ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْ أَنْجَبَنَا مِنْهُمْ...} هود: ۱۱۶-۱۱۷

**Бас, сизлардан аввалги асрларда ўтганлар орасида ҳам Ерда бузғунчиликдан қайтарадиган боқий (дин) эгалари бўлганларида эди. Уларнинг ичларида фақат Биз нажот берган камдан-кам кишиларгина (бузғунчиликдан қайтарувчи зотлар эдилар) .**

Аллоҳ таоло олдинги умматларда мункардан қайтарадиган кишилар жуда оз бўлгани ва ўшалар нажот топганини хабар берди.

Бу умматда ҳалокатга учрамай, нажот топиши учун яхшиликка чақирадиган ва ёмонликдан қайтарадиган кишилар бўлиши шарт эди<sup>66</sup>.

Амр ибн Ҳушайм розияллоҳу анҳу дедилар: "Мен Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб айтиётганларини эшитганман:

«مَا مِنْ قَوْمٍ يَعْمَلُ فِيهِمْ بِالْمَعَاصِي ثُمَّ يَقْدِرُونَ عَلَىٰ أَنْ يُغَيِّرُوا ثُمَّ لَا يُغَيِّرُوا إِلَّا يُؤْشِكُ أَنْ يَعْمَلُهُمُ اللَّهُ مِنْهُ بِعِقَابٍ».

**«Қай бир қавм орасида гуноҳ-маъсиятлар қилинса, одамлар (гуноҳлардан қайтариб мункарни) ўзгартиришга қодир бўла туриб ўзгартирмасалар тезда Аллоҳ уларнинг ҳаммасига азоб юборади»<sup>67</sup>.**

<sup>65</sup> Мусулмонлар ҳар тарафлама ортга кетаётган вақтда дабдабали ҳаётга берилиш катта мусибат эди. Аммо мусулмонлар ҳолати аввалгидан ҳам оғирлашиб, кофирлар қўлида хору зор бўлаётган бир вақтда мол-дунёга, дабдабали ҳаётга берилишни изоҳлаш имконсиз.

<sup>66</sup> تفسير القرآن العظيم: ابن كثير.

<sup>67</sup> سنن أبي داود: (٤٣٤٠). مسند الإمام أحمد: (١٩٢٥٣).

#### **4- Динга нисбатан ҳийла ишлатиш.**

Кўпчилик ҳукмдорларнинг яна бир жинояти Ислом шариатига мухолиф ишларни жорий қилиб, бу ишлар Исломга зид эканини яширап эдилар. Балки (илемий омонатга хиёнат қилган) олимлар ёрдамида қилаётган ишларини Ислом шариатига бутунлай мувофиқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласар эдилар. Инкор қилган уламолар эса ўз-ўзидан тақибга учрасар эди.

Ваҳоланки Ислом уммати динда ҳийла-найранг қилишнинг ёмон оқибатидан огоҳлантирилган эди.

Аллоҳ таоло ҳийла-найранг қилган бани Исроилнинг ёмон оқибати ҳақида хабар бериб шундай деган эди:

﴿وَلَقَدْ عَلِمْتُ الَّذِينَ اعْتَدُوا مِنْكُمْ فِي السَّبَّتِ فَقُلْنَا لَهُمْ كُونُوا قِرَدَةً خَاسِئِينَ \* فَجَعَلْنَاهَا نَكَالًا لِمَا بَيْنَ يَدِيهَا وَمَا خَلْفَهَا﴾  
وموعظة للمنافقين { البقرة: ٦٥-٦٦ }

**Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Таҳқирланган маймунларга айланингиз», дедик. Биз бу уқубатни ўша вақт ва кейинги даврлар учун (ўшандай ёмонликлар қилмоқчи бўлганларни огоҳлантирувчи) **таҳдид, тақволи кишилар учун ибрат-насиҳат қилдик**<sup>68</sup>. Баҳара сураси 65-66 оятлар.**

Яъни: Ана у кимсалар ўзларига ҳаром бўлган ишдан тийилмаганлари ва қилган ҳийла-найранглари сабаб шундай уқубатга учрадилар. Аллоҳдан кўрқадиган инсонлар ана шундай уқубат келиб қолмаслиги учун улар каби ҳийла қилишдан эҳтиёт бўлсин<sup>69</sup>.

Кейинги вақтлардаги кўпчилик Амир-умаролар диннинг ҳаммасига иймон келтириб амал қилмадилар. Балки ўз "уламолари" билан биргаликда турли ҳийла-найранглар қилиб, нафсларига ва зулм сиёсатларига тўғри келмаган оят-ҳадислардан четлаб ўтишди. Бундай қилиш дунё ва охиратда хорликка юз тубан бўлишнинг энг катта сабаби эди.

Аллоҳ таоло яҳудийларга хитоб қилиб шундай деган эди:

---

<sup>68</sup> Яҳудийлар ўзлари учун шанба кунини ихтиёр қилган эдилар. Аллоҳ таоло уларни шанба кунини эҳтиром қилиб балиқ овламасликка буюрди. Уларга синов бўлиб, шанба куни балиқлар кўпаяр, шанба ўтганидан кейин балиқлар камайиб қолар эди. Улардан баъзилари ҳийла қилиб шанба кунидан олдин тўрларни ташлаб қўяр ва шанба куни ўтганидан кейин тўрларни кўтаришар эди. Мана шу жиноятлари — ўзлари учун улуғ кун ҳисобланган шанба кунида ҳаддан ошганлари сабабли мазкур жазога мустаҳиқ бўлдилар.

<sup>69</sup> تفسير القرآن العظيم لابن كثير.

{أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَضِ الْكِتَابِ وَتَكُفُّرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ كُنْمُ إِلَّا حَزْيٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَبِوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَى أَشَدِ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ} البقرة: ٨٥

**Китобнинг бир қисмига иймон келтириб, бир қисмига кофир бўласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда хор бўлишдир. Қиёмат Кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.** Бақара сураси 85-оят.

Аллоҳ таоло бани Исройл мисолида ҳаммани огоҳлантириди. Кимда ким (Аллоҳ нозил қилган Китобларга -шу жумладан Қуръонга- иймон келтирдим деган) ахдини бузса ва Аллоҳ нозил қилган китобни баъзисига иймон келтириб, баъзисига иймон келтирмаса уқубатга учрайди. Дунёда хорлик уқубати, охиратда эса қаттиқ азоб.

Тарих гувоҳки, қай бир миллат Роббисининг буйруғидан чиқса, шариат ҳудудларини поймол қилса албатта тафриқага учрайди, дунёда хору зор бўлади. Аллоҳнинг халқлар устида жорий қилган қонуни ана шундай<sup>70</sup>.

### 5- Шариат қонунларини адолат билан қоим қиласлик.

Ислом умматига катта мусибатлар келганининг жиддий сабабларидан яна бири: Исломни ва мусулмонларни ҳимоя қилиб, адолат билан ҳукм юритишга энг биринчи масъул бўлган ҳукмдорлар, амир-умаролар шариат ҳукмларини адолат билан қоим қилишга бепарво эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«إِنَّمَا أَهْلَكَ الَّذِينَ قَبْلَكُمْ أَهْمَمَ كَانُوا إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَرَوُهُ وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الْمُضَعِيفُ أَقَامُوا عَلَيْهِ الْحَدَّ وَإِيمُ اللَّهِ لَوْ أَنَّ فَاطِمةَ بُنْتَ مُحَمَّدٍ سَرَقَتْ لَقَطَعْتُ يَدَهَا».

**«Сизлардан олдингиларни ҳалок қилган нарса, агар шарафли инсон ўғирлик қилса жазолашмас эдилар, бечора кишилар ўғирлик қилса ҳадни қоим қилишар эди. Аллоҳга қасамки, агар Мұхаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилса қўлинини кесаман», деб айтдилар<sup>71</sup>.**

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган узун ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«وَمَا لَمْ تَحْكُمْ أَئْمَتُهُمْ بَيْنَهُمْ بِكِتَابِ اللَّهِ إِلَّا جَعَلْتُ بِأَسْهُمْ بَيْنَهُمْ».

<sup>70</sup> تفسير المنار: ١١ - ٣٧٢ - ٣٧٤.

<sup>71</sup> صحيح البخاري: ٣٤٧٥. صحيح مسلم: ٤٥٠٥.

**«Қайси бир қавмнинг имом-хўкмдорлари Аллоҳнинг Китоби билан ҳўкм қилмас эканлар ўзаро адоват қиладилар (ораларида фитна, уруш ва ихтилофлар бўлади)»<sup>72</sup>.**

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ дедилар:

Мусулмонлар амирлари бу (Қуръон ва ҳадисда келган) ҳўкмлардан чиқсалар Аллоҳ нозил қилган ҳўкмлар билан ҳўкм юргазмаган бўладилар. Бундай ҳолатда эса -Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берганларидек- мусулмонлар орасида адоват, ихтилоф ва фитналар содир бўлади. Мана шу ҳолат давлатларнинг инқирозга кетишига энг катта сабабдир. Бундай ҳолат бизнинг давримизда ҳам, бизлардан олдин ҳам бир неча бор юз берган.

Аллоҳ баҳт ато қилган инсонлар ўзгаларнинг оқибатидан ибратланади ва Аллоҳнинг нусратига сазовор бўлганларнинг йўлини тутиб, Аллоҳнинг ёрдамидан маҳрум бўлган кимсаларнинг йўлидан узоқ бўлади"<sup>73</sup>.

#### **6- Ихтилофлар<sup>74</sup>:**

Ислом диёрларига душман катта хавф бўлиб турган вақтда амир-умаролар бирлашиш ўрнига катта ихтилофларга киришиб кетган эди. Ихтиоф-келишмовчиликлар нафақат умаролар орасида, балки бутун Ислом уммати ихтилофлар гирдобида эди.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган эди:

{وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَنَازَعُوا فَتَفْشِلُوا وَتَدْهَبُ رِيحُكُمْ وَاصْبِرُوا إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ} الأنفال: ٤٦ .

**Аллоҳга ва Унинг пайғамбариға итоат қилингиз ва (ўзаро) талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур.** Анфол сураси 46-оят.

#### **7- Моддий қолоқлик.**

Насоро ғарб давлатлари моддий тарафлама илгарилаб, Ислом ўлкаларига катта хатар үйғотиб турган вақтда мусулмонлар иймоний тарафлама ортга кетганидек моддий тарафлама ҳам қолоқлашиб бораётган эди.

<sup>72</sup> سنن ابن ماجه: ٤٠١٩ . شعب الإيمان للبيهقي: ٣٠٤٢ . ٢٢١٥ (ص).

<sup>73</sup> مجموع الفتاوى ٣٨٨-٣٨٧١٣٥ .

<sup>74</sup> Ихтилофлар ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиш учун кейинги бўлимда алоҳида сўз юритамиз (инша Аллоҳ).

Мусулмонларнинг дин ва дунёсини ҳимоя қилишга энг биринчи масъул бўлган ҳукмдорлар нафақат мусулмонлар ҳолатини, балки ўз давлатларини мустаҳкамлашни ҳам жиддий ўйламай қўйган эдилар.

Ваҳоланки, динга амал қилган ҳолда моддий сабабларни қилиш Аллоҳнинг буйруқларидан бири эди<sup>75</sup>.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ} الأنفال: ٦٠

**(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч-қувватни тайёрлаб қўйингиз...** Анфол сураси 46-оят.

Бу оятда имконимиз борича куч-қувватни ҳозирлашга буюрилдик. Демак эскирган куч-қувватда қолиб кетмасдан, тараққий этган барча куч-қувватни ҳозирлаш лозим. Лекин бу тайёргарлик динга амал қилиб (Аллоҳга юзланишда сусткашлиқ қилмай, Аллоҳдан умид қилиб, Аллоҳга таваккул қилиб...) шариат ҳудудларини риоя қилган ҳолда бўлиши шарт.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{أَنِ اعْمَلْ سَابِغَاتٍ وَقَدِيرٌ فِي السَّرْدِ وَأَعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ} سباء: ١١

**(Эй Довуд): «Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишида аниқ-пухта иш қилгин! (Эй Довуд, сен ва сенга эргашганлар), солиҳ амал қилинглар! Зеро Мен қилаётган амалларингизни кўриб тургувчи дирман».** Сабаъ сураси 11-оят.

Аллоҳ таоло душманга қарши курашиш учун совут ясашга буюрди ва солиҳ амал қилинглар деди. Демак душманга қарши тайёргарлик (моддий сабабларни) қилиш солиҳ амал қилган ҳолда (динга мукаммал амал қилишилик билан) бўлиши керак.

Довуд алайҳиссалом Аллоҳнинг Пайғамбари бўлганлар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ҳамда у кишининг умматлари) аввалги Пайғамбарларнинг йўлларини тутишга буюрилганлар.

<sup>75</sup> Мұхаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ ушбу оятни:

{إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلّٰتِي هِيَ أَفْوَمُ} الإسراء: ٩.

**Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур.** Исро сураси 9-оят.

Кенг тафсир қилганлар ва Қуръон моддий тайёргарлик кўриш жиҳатидан қандай тўғри йўлга йўллаганини баён қилганлар.

أضواء البيان لمحمد الأمين الشنقيطي في تفسير آية ٩ من سورة الإسراء.

Моддий кучларни динга амал қилган ҳолда ҳозирлаш керак эканига солатул хавф ҳақидаги оят ҳам далолат қиласиди<sup>76</sup>. Аллоҳ таоло душманга қарши турганда ҳам намозни тарк қилмасликка ва (душманнинг ҳамласини даф қила оладиган суратда) намоз ўқишга буюрди.

Чунки динга мукаммал амал қилиш ва Аллоҳни кўп ёд этиш ғалаба қозонишнинг асосидир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

وَقَدْ قَالَ تَعَالَى: {يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا لَقِيْتُمْ فِئَةً فَاثْبُتوْا وَإِذْ كُرُوا اللَّهُ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ} الأَنْفَال: ٤٥ .

**Эй мўминлар, (жангда кофир) жамоатга рўбарў бўлсангиз саботли (сабр бардошли) бўлингиз ва Аллоҳни кўп ёд этингиз, шояд (шунда душманинг устидан ғалабага эришиб) нажот топурсизлар.** Анфол сураси 45-оят.<sup>77</sup>

## 8- Зулмнинг<sup>78</sup> кўпайиши

Ислом умматига катта мусибатлар келишининг энг катта сабабларидан мусулмонлар орасида зулмнинг ҳамма тури кўпайган эди. Ҳатто мусулмонларнинг авлодлари орасида энг катта зулм – ширк амаллар, ҳамда Аллоҳнинг динига бўлган ҳурматсизлик кўпайди.

Аллоҳни танигандан кейин Аллоҳга кофир бўлиш, Аллоҳга ширк келтиришдан ҳам каттароқ гуноҳ борми?!

Дунё ва охиратда энг оғир уқубатларга сабаб бўладиган куфр-ширқдан ҳам каттароқ жиноят борми?!

Кейинги даврларда<sup>79</sup> мусулмон диёрларида зулмнинг ҳар тури – энг катта зулм бўлган куфр-ширқ амаллари ҳам, гуноҳ-маъсиятлар қилиб

---

<sup>76</sup> Солатул хавф – Душманга рўбарў бўлиб турганда намоз вақт кириб қолса, намоз одатий суратда эмас, балки душман ҳамласини риоя қилган ҳолатда ўқиласиди. Нисо сураси 102-оят.

<sup>77</sup> أضواء البيان لمحمد الأمين الشنقيطي في تفسير آية ٩ من سورة الإسراء.

<sup>78</sup> Зулм икки турли бўлади:

Биринчи: Инсон ўзига ўзи зулм қилиши. Банда Аллоҳнинг буйруқларини бажармаслиги, Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан тийилмаслиги ўзига ўзи зулм қилишдир.

Бундай зулмларнинг энг каттаси ширк-куфр амаллариидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ширкни энг катта зулм деб номлаган (Луқмон сураси 13-оят.).

Иккинчи: Ўзгаларга зулм қилиш. Инсон ўзгаларнинг жонига, молига ва шаънига тажовуз қилиши ўзгаларга бўлган зулмдир. Бундай зулм кўпинча куч-кувватга эга инсонлар томонидан заиф инсонарга нисбатан содир бўлади.

<sup>79</sup> Кейинги даврлардан мақсад мусулмон ўлкалар кофирлар тарафидан истело қилинишидан олдинги даврлар.

одамлар ўзларига зулм қилишлари ҳам, ўзгаларга зулм қилиш ҳам кўпайган эди<sup>80</sup>.

Кўплаб золим қавмлар ҳалок қилингани ҳақидаги хабарларга мусулмонлар эътиборсиз қолган эди<sup>81</sup>.

Аллоҳ таоло шунда марҳамат қилган эди:

{وَتُلْكَ الْقُرَى أَهْلَكْنَاهُمْ لَمَّا ظَلَمُوا وَجَعَلْنَا لِمَهْلِكَهُمْ مَوْعِدًا} الكهف: ٥٩

---

<sup>80</sup> Ўзгаларга зулм қилишнинг жазоси қўпинча дунёда бўлади. Чунки мазлумнинг дуоси ижобат.

Баъзида ўзгаларга зулм қилаётган золимларга уқубат келиши кечикади. Бунда Аллоҳнинг Ўзига маълум кўп ҳикматлари бор (бу ҳақида мусибатлар бўлимида ҳам сўз юритдик).

Баъзан Аллоҳ таоло Ҳалим зот бўлганидан золимларнинг тавба қилиши учун муҳлат бераётган бўлади.

Баъзан золимлар охиратда жазоларини тўлиқ олишлари учун дунёда уқубатлар кечикади.

Баъзан мазлумларнинг ўзлари золимларнинг зулмига лойиқ бўлади.

Баъзан зулм кўраётган мазлумлар ҳақда бўладилар. Зулм қанчалик кўпайса ҳам ҳақда бардавом бўлиб, одамлар учун ибрат бўлиб қоладилар.

<sup>81</sup> Бизнинг замонамиизда ва олдинги асрларда мусулмонларга кўп зулм қилган кофир давлатларига омматан уқубутлар келмагани баъзи мусулмонларни ўйга солади.

Бу воқеликни тушунтириш учун узоқ сўз юритиш керак. Аллоҳни исм-сифатлари билан яхши таниган, борлиқдаги бошқарув-тадбирини яхши фаҳмлаган олимлар ҳар бир ҳолатни алоҳида ўрганиб чиқиб батафсил жавоб берсалар барча сир-асрорлар равшан бўлади.

Бу ерда тўғри тушунча ҳосил бўлиши учун қисқача тўхталиб ўтамиз:

1) Мусулмонлар Аллоҳнинг динидан узоқлашиб кетган, ҳатто Исломни даъво қилганилар орасида куфр-ширк амаллар мавжуд эди. Бу ҳолат мусулмон диёрларини кофир-золимлар тарафидан топталишига олиб борди. Яъни, Мусулмонлар ўша золимларнинг зулмига лойиқ бўлиб қолган эдилар.

2) Мусулмонлар мазлум бўлганидан кейин тезда ўзларини ўнглаб Аллоҳнинг нусратига лойиқ бўлмадилар.

3) Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ дедилар: "Абу Саъид ал-Худрий ва бошқа бир нечта салафлардан ривоят қилинган асарда, Аллоҳ таоло (Фиръавн ва лашкарларини ҳалок қилганидан кейин, Мусо алайҳиссаломга) Тавротни нозил қилди. Аллоҳ Тавротни нозил қилганидан кейин бирор умматни азоб юбориб бутунлай (таг-туғи балан) ҳалок қилмади. Балки мусулмонларни мушрикларга қарши урушишга буюрди". (ибн Касирнинг гаплари шу ерда тугади).

Бундай асарлар шунга далолат қиласиди, Кофир миллатларга омматан уқубат келиб, бутунлай қирилиб кетиши энди содир бўлмайди (Яъни, Кофирларга турли мусибат-уқубатлар бўлиб туради, аммо кофирлар бутунлай қирилиб кетадиган уқубатлар бўлмайди). Балки биз мусулмонлар ўзимизни ўнглаб Исломни ва мусулмонларни олий қилиш учун ҳаракат қилишмиз керак.

\* تفسير القرآن العظيم لابن كثير: تفسير سورة يس: ٢٩ . وروا الطبرى هذا الأثر فى تفسير سورة القصص: ٤٣ . وروأ الحاكم عن أبي سعيد الخضري رضي الله عنه مرفوعاً . مستدرک الحاکم: ٣٥٣٤

عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه: عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: ما أهلك الله قوماً ولا قرناً ولا أمة ولا أهل قرية منذ أنزل التوراة على وجه الأرض بعذاب من السماء غير أهل القرية التي مسخت قردة ألم تر إلى تعالى: {ولقد آتينا موسى الكتاب من بعد ما أهلكنا القرون الأولى بتصارع الناس وهدى ورحمة لعلهم يتذكرون}.

مستدرک الحاکم: ٣٥٣٤ . قال صحيح على شرط الشيفين ولم يخرجاه . تعليق الذہبی فی التلخیص: على شرط البخاري ومسلم.

## **Ана у қишлоқ-шаҳарлар (аҳолиси)ни зулм қилишгач, ҳалокат вақтларини аниқ белгилаб қўйган ҳолимизда, ҳалок қилдик.**

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ оят тафсирида шундай дедилар: Олдинги умматларни куфр ишлари ва (ҳақни қабул қилмай қилган) ўжарликлари сабаб ҳалок қилдик. Эй мушриклар, олдингиларга келган мусибат сизларга ҳам келиб қолишидан қўрқингиз. Сизлар энг шарафли, энг буюк Пайғамбарни ёлғончига чиқардингиз. Ҳалокатга учраган қавмлардан афзал жойингиз йўқ. Аллоҳнинг азобидан, огоҳлантиришларидан қўрқингиз<sup>82</sup>.

Бошқа оятда:

{وَكَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخْذَ الْقُرْيَ وَهِيَ طَالِمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ} هود: ۲۰۲

## **Роббингиз (аҳолиси) золим бўлган қишлоқ-шаҳарларни (азоб билан) ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг (азоб билан) ушлаши аламли ва қаттиқдир.**

Аллоҳ таоло Пайғамбарларни (алайҳимуссалом) ёлғончига чиқарган золим қавмларни ҳалок қилди. Улар каби зулм қилувчилар ҳам ҳалокат таҳди迪 остидадирлар. Албатта, Аллоҳнинг азоб билан ушлаши аламли ва қаттиқдир.

Абу Мусо ал-Ашарий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Аллоҳ золимга мұхлат бериб қўяди. Сўнгра (азоб билан) ушлаганида золим қочиб қутила олмайди**». Кейин Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу (Худ сураси 102-) оятни ўқидалар<sup>83</sup>.

Бошқа оятда:

{وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا الْقُفُونَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَمَّا ظَلَمُوا...}. يونس ۱۳

## **Маълумки, сизлардан аввалги асрлардаги миллатларни (оятларимизни инкор қилиб ўзларига) зулм қилганларида ҳалок қилғанмиз.**

Оятнинг тафсирида шундай дейилди: "Агар олдингиларнинг ёмон оқибатидан тўғри хulosса чиқарсангизлар ва Аллоҳга итоат қилсангизлар икки дунёда нажот топасизлар. Агар олдинги золимларнинг қилмишини такрорласангиз уларга келган жазо сизларга ҳам келади"<sup>84</sup>.

<sup>82</sup> تفسير القرآن العظيم: ابن كثير.

<sup>83</sup> صحيح البخاري برقم (٤٦٨٦) و صحيح مسلم برقم (٢٥٨٣). تفسير القرآن العظيم: ابن كثير.

<sup>84</sup> تفسير عبد الرحمن السعدي.

## **9- Умароларнинг халқга қилган зулм-зўравонликлари.**

Ислом душманлари, хусусан насоро давлатларининг куч-қуввати ортиб бораётган бир вақтда ислом ўлкаларидаги умаролар халқ билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқарип давлатни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилиш ўрнига халқга нисбатан зулм-зўравонликлари авжига олган эди<sup>85</sup>. Ҳуқмдорларнинг халқга қилган зулми кейинчалик уларнинг ўзига ҳам катта уқубатлар олиб келди.

Абу Бакра (Нофийъ ибн ал-Ҳорис) розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«مَنْ ذُنِبَ أَجْدَرَ أَنْ يُعَذَّلَ اللَّهُ تَعَالَى لِصَاحِبِهِ الْعُقُوبَةِ فِي الدُّنْيَا - مَعَ مَا يَدْخُرُ لَهُ فِي الْآخِرَةِ - مِثْلُ الْبَغْ وَقَطْبِيَّةِ الرَّحْمِ».

**«Дунёда уқубати энг тез келадиган гуноҳ зулм ва қариндошлик алоқаларини узишдир. Бу гуноҳларнинг жазоси дунёда тез келиши билан бирга охиратга ҳам сақлаб қўйилади»<sup>86</sup>.**

Зулм-зўравонликлар шаҳар-қишлоқлар ҳароб бўлишига энг катта сабабдир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{فَتَلْكَ بُيُونُكُمْ خَاوِيَّةٌ بِمَا ظَلَمُوا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ} النمل: ٥٢

**Мана, улар золим бўлганликлари сабабли уйлари ҳувиллаб, хароба бўлиб қолди! Албатта бунда биладиган қавм учун оят-ибрат бордир.** Намл сураси 52-оят.

Қуртубий рохимахуллоҳ айтдилар: "Зулм-зўравонлик – одамларни қатл қилиш, ўз юртларидан қувгин қилиш шаҳар-қишлоқларни вайронага айлантиради. Бундай жойлардан барака ҳам қочади"<sup>87</sup>.

Зулм-зўравонлик ҳукм сурган давлат ҳар тарафлама (Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий тарафлама) инқирозга учрайди. Давлатни ривожи учун катта ҳисса қўша оладиган инсонлар эркин ҳаракатлана олмаганлари учун ўз давлатидан чиқиб кетади. Худди шунингдек жамият

<sup>85</sup> Аввалда одил ҳуқмдорлар Ислом ўлкаларини ҳимоя қилиш учун ҳудудларни мустаҳкамлаб, қўргонлар қурап эдилар. Ҳумдорлар халқка яқин бўлиб, ҳамма биргаликда давлат ривожи учун хизмат қиласар эди.

Кейинги ҳумдорлар эса халқдан ўзларини иҳоталаб қасрлар атрофига қўрғон қурдилар. Халқ билан ҳуқмдорлар орасида катта тўсиқ ҳосил бўлиб, жамият иккига ажралди: Бир тарафда ҳуқмдолар ва уларнинг хизматида бўлганлар, иккинчи тарафда оддий халқ...

<sup>86</sup> سنن أبي داود: (٤٩٠٤). وسنن الترمذى: (٢٥١١) وقال هَذَا حَدِيثٌ صَحِيحٌ. مسند أحمد: (٢٠٣٧٤).

<sup>87</sup> الجامع لأحكام القرآن - تفسير القرطبي: ٣٣٤ | ١٩

учун жонкуяр бўлган инсонлар ҳам давлатларини тарк қилишга мажбур бўладилар.

Зулм-зўравонлик ҳукмрон бўлган давлатда кўпинча золимларга шерик бўлганлар ёки лоқайд инсонлар ёки чорасиз инсонлар қолади. Бундай жамият эса шубҳасиз инқирозга юз тутади. Инқирозга учраган давлатга нисбатан душманларнинг ҳам тамагирлиги ортади.

Маҳмуд ал-Алусий роҳимаҳуллоҳ ўзларининг тафсирларида шундай дедилар:

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган асарда у киши айтганлар: "Зулм қилиш уй-жойларни харобага айлантириши ҳақида Аллоҳнинг Китобида оят борлигини биламан" деб юқоридаги оятни ўқидилар.

Дарҳақиқат Аллоҳнинг бандаларига тажовуз, зўравонлик қилиш маъносидаги зулм<sup>88</sup> уй-жойларнинг хароба бўлишига сабабдир. Бунга кўп шоҳидлар бор. Аммо куфр маъносидаги зулм бундай бўлавермайди<sup>89</sup>.

---

<sup>88</sup> Яъни, Ўзгаларга бўлган зулмни мақсад қиляптилар.

<sup>89</sup> Яъни, Аллоҳга коғир бўлганлар зулмнинг энг каттасини қилган кимсалардир. Чунки катта ширк ва катта куфр зулмнинг энг каттасидир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{إِنَّ الشَّرْكَ نَظُمٌ عَظِيمٌ} لِقَمَان: ۱۳.

**"Дарҳақиқат ширк катта зулмдир".** Луқмон сураси 13-оят.

Коғирлар энг катта зулм бўлган катта куфр-ширк амалларидан тавба қилмай дунёдан ўтса жаҳнамда абадий қолади (Аллоҳ асрасин).

Улар коғирликларининг жазосини бу дунёда тўлиқ олмайдилар. Балки охиратда оладилар. Аммо бу дунёда ўзгаларга зулм қилмаётган бўлсалар, уй-жойлари вайрон бўладиган ҳалокатларга учрамасликлари мумкин.

Дунёдаги уқубатлар гуноҳнинг катта-кичиклигига қараб эмас, балки дунёни тартиб-интизомда бўлиб туриши учун бўлади. Чунки дунё амалларга жазо бериладиган жой эмас. Амалларга жазо охиратда бўлади.

Шариат белгилаган жазо-ҳадлар ҳам одамларни фисқу фасоддан, ўзгаларга тажовуз қилишдан тийиб туриш учун жорий қилинган.

Зиммий (Ислом давлатида жизя тўлаб яшайдиган коғир) ўзгаларга зарар етказмаётган бўлса хотиржам яшайверади, унга ҳеч қандай жазо қўлланилмайди. Аммо куфрдан кичик бўлган (қатл, зино каби) баъзи жиноятларни содир этганлар қаттиқ жазоланиди. Охиратда эса коғир абадий жаҳнамда қолади. Мусулмон эса гуноҳлари кўп бўлса охир оқибат жаннатга киради.

Дунёдаги мусибат-уқубатлар ҳам шундай. Дунёда зарари кўп бўлган гуноҳларга кўпинча катта мусибат-уқубатлар келади, дунёда зарари кам бўлган гуноҳларга мусибат-уқубатлар кечикади.

Шунинг учун ҳам ҳалқига зулм қилмайдиган коғир давлатлар қуламасдан давом этади. Аммо коғир бўлмаса ҳам, лекин ҳалқига зулм қиладиган давлатлар узоққа бормайди.

Ха, кофирларнинг ҳам уй-жойлари хароба бўладиган кун -инша Аллоҳ-келиб қолади<sup>90</sup>.

### **10- Золимлар устига улардан ҳам золим бўлганлар келиши.**

Мусулмонларнинг ўзларига ва ўзгаларга бўлган зулмлари кўпайган вақтда уларнинг устига золим ҳукумдорлар келган эди.

Халқ устига уқубат бўлиб келган золим ҳукумдорлар зулм қилишда давом этди.

Одамлар орасида тарқалган гуноҳ маъсиятларни инкор қила олмаган мусулмонлар ҳукумдорларнинг зулм-зўравонликларини ҳам инкор қила олмадилар. Бу ҳолат барча Ислом умматига катта уқубатлар олиб келди.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисда:

«إِنَّ النَّاسَ إِذَا رَأُوا ظَالِمًا، فَلَمْ يَأْخُذُوا عَلَىٰ يَدِيهِ أَوْ شَكَّ أَنْ يَعْمَلُهُمُ اللَّهُ بِعِقَابٍ مِّنْهُ».

**«Одамлар золимни (зулм қилаётганини) кўриб-билиб уни (зулм қилишидан) тиймасалар Аллоҳ уларнинг барчаларига тезда азоб юбрур»<sup>91</sup>.**

Золимларни ўзларидан ҳам золимроқ бўлган кимсалар билан жазоланиши Аллоҳнинг халқлар устида жорий қилган қонун-коидаларидан эди.<sup>92</sup>

Аллоҳ таоло шундай деган эди:

قال تعالى: {وَكَذَلِكَ نُؤْلِي بَعْضَ الظَّالِمِينَ بَعْضًاٰ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ} الأنعام: ١٢٩.

**Шунингдек, қилган қилмишлари сабабли айрим золим кимсаларни бошқа (золимларга) ҳукмрон қилиб қўямиз.**

Баъзи уламолар бу оятни далил қилиб: Агар халқ золим бўлса уларни устига ўзларига ўхшаш золим кимсалар ҳукмрон бўлади деб айтишган<sup>93</sup>.

Ибн Қоййимроҳимаҳуллоҳ дедганлар:

"Аллоҳ тало инсонлар устига душманларни ҳукмрон қилиб қўйишидаги ҳикматини фикрлаб кўринг. Агар одамларнинг кучлилари заиф-

<sup>90</sup> روح المعاني في تفسير القرآن العظيم والسبع المثاني. المؤلف: شهاب الدين محمود ابن عبدالله الحسيني الألوسي.

<sup>91</sup> سنن أبي داود: (٤٣٤٠). سنن الترمذى: (٣٥٥٧) وقال هَذَا حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

<sup>92</sup> Бу ҳақида бир қанча ўринларда сўз юритилди.

<sup>93</sup> روح المعاني في تفسير القرآن العظيم والسبع المثاني. المؤلف: شهاب الدين محمود ابن عبدالله الحسيني الألوسي.

معالم التنزيل. المؤلف: محبي السنة أبو محمد الحسين بن مسعود البغوي.

кучизларга зулм қиласа, мазлумларнинг ҳақлари золимлардан олиб берилмаса бундай (зулм қилувчи, зулмни кўра-била туриб сукут қилувчи) одамларнинг устига золимлар келади. Одамлар (ва ҳукмдорлар) ўз халқларига, заиф бечораларга қандай (ёмон) муомалада бўлган бўлсалар уларнинг устига ҳам ўшандай (ёмон) муомала қиласидиган кимсалар ҳукмрон қилиб қўйилади.

Мана шундай бўлиши Аллоҳнинг халқлар устида жорий қилган қонун-қоидасидир. Ерда ҳаёт бошлангандан бери шундай бўлган ва қиёматгача шундай бўлади<sup>94</sup>.

### **11- Бўлим хотимаси.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак:

Исломга мухолиф ишлари кўпайиб, инкор қилинмаганидан кейин мусулмонлар устига золим ҳукмдорлар келди.

Сўнгра кўп Ислом ўлкалари кофирлар тарафидан бутунлай истело қилиниб ҳукмдор ҳам, омма мусулмонлар ҳам катта мусибатларга учради.

Бу истелолар ортидан мусибатларнинг кети узулмади. Барча мусулмонларни (ҳукмдорларни ҳам, авом халқни ҳам) динлари, молжонлари, обрў-эътиборлари оёқ ости қилинди.

Душман қўлида хор-зор бўлишдан ҳам каттароқ мусибат борми?!

Бундан ҳам аянчлиси кофирлар кўп Ислом ўлкалирини ташлаб чиқиб кетганидан кейин мусулмон фарзандларидан чиқсан тоғут-золимлар ўз халқига нисбатан кофирлар қилмаган ваҳшийликларни содир этди.

---

<sup>94</sup> مفتاح دار السعادة - ابن قيم الجوزية: ٢٥٣٦١.

## 5- Бўлим: Ихтилофлар ҳақида алоҳида бўлим.

### 1-фасл: Ислом умматида ихтилофлар содир бўлиши

**1)** Аллоҳ таоло мусулмонларни бир бўлишга буюриб, тафриқа ва ихтилофлардан қайтарди.

{وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللّٰهِ جَمِيعًا وَلَا تَنَرَّقُوا} آل عمران: ۱۰۳ .

**Барчангиз биргаликда Аллоҳнинг арқони – Қуръонни маҳкам ушлангиз** (Аллоҳнинг динига тўлиқ амал қилингиз) **ва тафриқа қилманглар.** Оли Имрон сураси 103-оят.

Аллоҳ таоло бу оятда Ўзининг дини атрофида жамланишга буюрди ва тафриқа қилишдан қайтарди.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«أَلَا أَحْبِرُكُمْ بِأَفْضَلِ مِنْ دَرْجَةِ الصَّيَامِ وَالصَّلَاةِ وَالصَّدَقَةِ قَالُوا: بَلَى قَالَ: إِصْلَاحُ ذَاتِ الْبَيْنِ فَإِنَّ فَسَادَ ذَاتِ الْبَيْنِ هِيَ الْخَالِقُ».»

**"Сизларга (нафл) Рӯза, (нафл) намоз ва садақанинг даражасидан ҳам афзал бўлган амал ҳақида хабар берайми?, дедилар. Саҳобалар: "Ҳа, хабар беринг", дейишди.**

**Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мусулмонлар орасини ислоҳ қилиш. Ораларни бузилиши (динни таг туғи билан) қириб ташлайди** (худди, устара сочни таг туғи билан қириб ташлагани каби)", дедилар<sup>95</sup>.

Аллоҳ таоло олдинги умматларни ихтилоф-тафриқа қилгани ҳақида хабар бериб, бизларни огоҳлантириди ва уларга ўхшаб ихтилоф-тафриқа қилишимиздан қайтарди:

{وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَنَرَّقُوا وَاحْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيْنَاتُ وَأُولَئِكَ هُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ} آل عمران: ۱۰۵ .

**Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз!** Ана ундейлар учун жуда катта азоб бордир. Оли имрон сураси 105-оят.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«وَلَا تَخْتَلِفُوا فِإِنَّ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ احْتَلَفُوا فَهُمْ كُوَا».»

<sup>95</sup> Имом Термизий ривоятида: "Орани бузиш сочни таг туғи билан қириб ташловчи эмас, балки динни (таг туғи билан) қириб ташлайди ".

مسند أحمد: (۲۷۵۰۸). سنن أبي داود: (۴۹۲۱). سنن الترمذى: (۲۰۹). وقال: "هذا حديث حسن صحيح".

**"Ихтилоф қилмандар! Сизлардан олдингилар ихтилоф қилиб, ҳалокатта учаради"<sup>96</sup>.**

Барча миллатлар орасыда ихтилоф бўлганидек, мусулмонлар орасыда ҳам ихтилоф бўлиши табиий эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло ихтилофлар бўлганда нима қилиш кераклигига йўллаб шундай деди:

{فِإِنْ تَنَازَّعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا} النساء: ٥٩

**Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз уни (ечимини билиш учун) Аллоҳга ва пайғамбариға қайтарингиз, агар ҳақиқаттан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчи бўлсангиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир.** Нисо сураси 59-оят.

**2)** Мусулмонлар ораларида бўлган ихтилофларни Қуръон ва ҳадисга мурожаат қилиб, ҳал қилишга буюрилдилар. Шундай бўлса ҳам Ислом умматида ихтилоф-тафриқалар содир бўлди. Аслида ихтилоф-тафриқалар содир бўлиши муқаррар эди.

Чунки одамларнинг фикрлашлари, тушунишлари, ният ва мақсадлари ниҳоятда фарқлидир.

Бундан ташқари, Ислом қаршисида мағлуб бўлиб, яширинган тоифалар Ислом умматини тафриқа қилиш учун пайт пойлар эди.

Мана шунинг учун ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ихтилоф-тафриқалар ҳақида олдиндан хабар бериб, умматни огоҳлантирган эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«تَفَرَّقَتِ الْيَهُودُ عَلَى إِحْدَى وَسَبْعِينَ أَوْ اثْتَيْنَ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً، وَالنَّصَارَى مِثْلُ ذَلِكَ، وَتَفَرَّقَ أُمَّيَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً».

**Яҳудийлар етмиш бир (ёки етмиш икки) фирқага бўлиниб кетди. Насоролар ҳам шундай бўлиниб кетди. Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади<sup>97</sup>.**

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ихтилофлар ҳақида хабар берар эканлар, ихтилофларга гувоҳ бўлганларга кўп васият қилдилар<sup>98</sup>.

<sup>96</sup> صحيح البخاري: (٣٤٧٦).

<sup>97</sup> سنن الترمذى: ٢٦٤٠. وقال الترمذى: هذا حديث حسن صحيح.

وأخرجه ابن ماجه (٣٩٩١)، وأخرجه أبو داود (٤٥٩٦)، ومسند الإمام أحمد: (٨٣٩٦)، والحاكم /١٢٨، وصححه الحاكم.

<sup>98</sup> Ихтилоф-тафриқалар содир бўлиши муқаррар бўлса ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ихтилофлардан огоҳлантиришларида бир қанча ҳикматлар бор.

1) Ихтилоф-тафриқаларга аралashiшдан эҳтиёт бўлиш.

Ирбаз ибн Сория розияллоҳу анҳу айтадилар:

"Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бомдод намозидан кейин кучли маъруза қилдилар. Бу маърузадан қалблар юмшаб, кўзлардан ёш оқди.

Бир киши: "Бу маъруза видолашувчининг маърузасига ўхшади, эй Росулуллоҳ, бизларга васият қилинг!", деди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«أَوْصِيهُكُمْ بِتَقْوَى اللَّهِ وَالسَّمْعِ وَالطَّاعَةِ، وَإِنْ عَبْدٌ حَبِيشٌ<sup>٩٩</sup>، فَإِنَّهُ مَنْ يَعْشُ مِنْكُمْ يَرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا، وَإِيَّاكُمْ وَمُحَمَّدَاتِ الْأُمُورِ فِيْهَا ضَلَالَةٌ فَمَنْ أَدْرَكَ ذَلِكَ مِنْكُمْ فَعَلَيْهِ بِسْنَتِي وَسُنْنَةِ الْخُلُفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمُهَدِّدِينَ، عَصُوا عَلَيْهَا بِالْتَّوَاجِدِ»<sup>١٠٠</sup>.

**"Аллоҳдан тақво қилишингизни ва (сизларга волий қилингган) ҳабаший қул бўлса ҳам<sup>101</sup> унга қулоқ солиб, итоат қилишингизни васият қиласман.**

**Ким сизлардан (узоқ) яшаса кўп ихтилофларни кўради. Сизлар (диндаги) янгилик-бidaълардан четланинглар. Чунки (диндаги) бидъат-янгиликлар залолатдир.**

**Сизлардан ким ўша кунларга гувоҳ бўлса, менинг суннатимни ва хулафои рошидинлар суннатини ушласин. Бу (икки суннат)ни озиқ тишларингиз билан маҳкам ушланглар.**

**3)** Уммат фирмаларга бўлиниши ҳақида келган ҳадисларда, нажот топувчи фирмака "Жамоат<sup>102</sup>" экани, баъзи ривоятларда "Росулуллоҳ

---

2) Ихтилоф-тафриқалар барча мусулмонларда омматан бўлмаслиги. Балки кўплаб мусулмонлар ихтилоф-тафриқалардан саломат қолишлари.

3) Ихтилоф-тафриқаларга таслим бўлиб қолмаслик. Балки қўлидан келгунича ихтилофларни олдини олишга ҳаракат қилиш.

4) Ихтилоф-тафриқаларга гувоҳ бўлган ҳадисларнинг тасдиғини кўриб, иймонлари янада зиёда бўлиши.

افتضاء الصراط المستقيم: لابن تيمية. السنن الإلهية في الأمم في الشريعة الإسلامية. المؤلف: عبد الكريم زيدان.

<sup>٩٩</sup> وفي صحيح مسلم (4864): «وَلَوْ أَسْتُعْمِلُ عَلَيْكُمْ عَبْدُ بَقْوَكُمْ بِكِتابِ اللَّهِ فَاسْمَعُوْا لَهُ وَأَطِيعُوْا».

<sup>١٠٠</sup> سنن الترمذى: (٢٦٧٦) قال الترمذى هذا حديث حسن صحيح. مسند أحمد: (١٧١٤٢). سنن ابن ماجه: (٤٢).

<sup>101</sup> Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда (4864): "Агар Аллоҳнинг Китоби билан бошқарадиган кул сизларга волий-амир бўлса ҳам, унга қулоқ солиб, итоат қилинглар".

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: "Мусулмон киши модомики маъсият ишларга буюрилмаётган экан ўзи ёқтирган ва ёқтиргмаган ишларда (халифа ва волийларга) қулоқ солиб, итоат қилиши керак. Агар маъсият ишларга буюрилса қулоқ солмайди, итоат ҳам қилмайди".

صحيح البخاري: (٧١٤٤). صحيح مسلم: (٤٨٦٩).

<sup>102</sup> "Жамоат" дан мақсад ҳақ устида жамланган саҳобалар жамоасидир. Бошқа ҳадисда: "Менинг йўлимни ва Саҳобаларим йўлини тутганлар" деб айтганлари ривоят қилингган.

соллаллоху алайҳи васаллам ва у кишининг асҳоблари йўлини тутганлар" нажот топувчи экани баён қилинган<sup>103</sup>.

Саҳобалар Аллоҳ буйруқларини тўлиқ бажаргандаридек, Росулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг йўлларига ҳамма нарсада -эътиқодда, сўз ва амалларда- тўлиқ эргашганлар.

Мана шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло кўплаб оятларда саҳобаларни поклади<sup>104</sup>.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{لَا يَسْتَوِي مِنْكُمْ مَنْ أَنْفَقَ مِنْ قَبْلِ الْفُتْحِ وَقَاتَلَ أُولَئِكَ أَعْظَمُ دَرَجَةً مِنَ الَّذِينَ أَنْفَقُوا مِنْ بَعْدِ وَقَاتَلُوا وَكُلُّاً وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَى}

الحادي: ١٠

**Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва (Расулуллоҳ билан бирга кофирларга қарши) урушган кишилар (билин, улардан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар) баробар бўлмас. Аввалгилар, ўзларидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Аллоҳ уларнинг барчаларига гўзал (оқибат — жаннат) ваъда қилгандир.** Ҳадид сураси 10-оят.

Аллоҳ таоло бу оятда, аввалгилар кейингилардан афзal эканини баён қилганидан кейин, уларнинг барчаларига гўзал оқибат – жаннат ваъда қилди. Бу ваъда барча саҳобалар учундир, гарчи аввалгиларнинг мартабаси юқори бўлса ҳам.

Бошқа оятда:

{وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعْدَ اللَّهُمْ جَنَّاتٍ تَحْتَهَا الْأَكْثَرُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ} التوبه: ١٠٠

**Муҳожир ва ансорлардан аввалги пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган**

---

Шунингдек, саҳобалар ижмосига эргашиб, уларга муҳолиф бўлмаган уламолар (тобеин ва таба тобеинлар) йўлига эргашиш ҳам жамоатда бўлишдир.

Яна, Қуроън ва ҳадисга мувофиқ ҳукм юргазувчи имом-халифага қарши чиқмай, унинг қўл остида жамланиш ҳам "Жамоат" да бўлиш маъноларидандир.

الاعْتِصَامُ: ٢٦٥-٢٥٨١٢ . الْبَابُ النَّاسِعُ؛ الْمَسَالَةُ ١٦ . لِلنَّاطِبِيِّ (الْمَتَوْفِيُّ: ٧٩٠ هـ).

١٠٣ أخرجه ابن ماجه: برقم ٣٩٩٢، وأبو داود برقم ٤٥٩٦ . وإمام أحمد في مسنده (١٦٩٣٧). سنن الترمذى: (٢٦٤١).

Бу мавзуга қуйида тўхталамиз, инша Аллоҳ.

<sup>104</sup> Ҳадид сураси 10-оят, Тавба сураси 100-оят, , Анфол сураси 75-76 оятлар, Бақара сураси 137-оят, Фатҳ сураси 18-29 оятлар, Оли Иъмрон сураси 110-оят.

**жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк саодатдир.** Тавба сураси 100-оят.

Абу Мусо ал-Ашаърий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«الْتُّجُومُ أَمْنَةٌ لِلسَّمَاءِ فَإِذَا ذَهَبَتِ التُّجُومُ أَتَى السَّمَاءَ مَا تُوعَدُ وَأَنَا أَمْنَةٌ لِأَصْحَابِي فَإِذَا ذَهَبَتْ أَتَى أَصْحَابِي مَا يُوعَدُونَ وَأَصْحَابِي أَمْنَةٌ لِأُمَّتِي فَإِذَا ذَهَبَ أَصْحَابِي أَتَى أُمَّتِي مَا يُوعَدُونَ»<sup>100</sup>.

**"Юлдузлар осмон учун омонат, юлдузлар кетса осмонга ваъда қилинган нарса келади**<sup>106</sup>. **Мен асҳобларим учун омонатман. Мен кетсам саҳобаларимга ваъда қилинган нарса келади**<sup>107</sup>. **Саҳобаларим умматим учун омонат. Саҳобларим кетса умматимга ваъда қилинган нарса келади**<sup>108</sup>".

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: "Аллоҳ таоло саҳобаларнинг қалбини (Пайғамбарлардан бошқа) барча инсонларнинг қалбидан афзал билгани учун Ўзининг элчиси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам)га вазир-ёрдамчи қилди"<sup>109</sup>.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадисларида жамоат билан бирга бўлишга, жамоатнинг йўлини тутишга буюрганлар. Бу ҳадислардаги жамоатдан мақсад (энг биринчи бўлиб) саҳобалар жамоасининг йўлидир.

Ином Термизий роҳимаҳуллоҳ "Жамоатни лозим тутиш" деб номлаган бобларида Умар розияллоҳу анҳудан ушбу ҳадисни ривоят қилдилар:

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

أُوصِيكُمْ بِأَصْحَابِي، لَمْ يُلْوِّهُمْ، لَمْ يُلْوِّهُمْ... عَلَيْكُمْ بِالْجَمَاعَةِ وَإِيَّاكُمْ وَالْفُرْقَةَ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ مَعَ الْوَاحِدِ وَهُوَ مِنَ الْاُثْنَيْنِ  
أَبْعَدُ، مَنْ أَرَادَ بُجُوحَةَ الْجَنَّةِ فَلِيَلْزُمُ الْجَمَاعَةَ...

**"Сизларга асҳобларимга (эҳтимом қилишингизни) васият қиласман, сўнгра улардан кейингиларга, сўнгра улардан кейингиларга (эҳтимом қилишингизни васият қиласман)..."**

100 صحیح مسلم: (٦٦٢٩).

<sup>106</sup> Яъни, юлдузлар осмон учун омонат ёки амнлик. Модомики юлдузлар бор экан осмон шундай туради. Юлдузлар кетса қиёмат қоим бўлади.

<sup>107</sup> Яъни, баъзи араб қабилаларини муртад бўлиб кетиши, фитналар ва урушлар содир бўлиши.

<sup>108</sup> Яъни, бидъат ва катта тафриқалар бошланиши...

شرح صحیح مسلم للنوی (المتوفی: ٦٧٦ھـ).

<sup>109</sup> مسند احمد: (٣٦٠٠)؛ المعجم الكبير للطبراني: (٨٥٠٣)؛ مسند البزار: (١٨١٦).

**Сизлар жамоатни лозим тутинглар, тафриқадан узоқ бўлинглар. Шайтон ёлғиз қолган инсонга яқин бўлади ва икки кишидан узоқлашади. Ким жаннатнинг ўртасини (энг афзал жойини) хоҳласа жамоатни лозим тутсин<sup>110</sup>.**

Ином Термизий роҳимаҳуллоҳ жамоат ҳақидаги ҳадисларни ривоят қилганларидан кейин шундай дедилар: "Аҳли илмлар -жамоат- дан мақсад уламолар деб айтишган.

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг шогирдлари Али ибн Ҳусайн дедилар: "Мен Абдуллоҳ ибн Муборакдан:

- Жамоат ким?, деб сўрадим.
- Абу Бакр ва Умар, дедилар.
- Улар вафот этган-ку, дейишди.
- Фалончи ва фалончи, дедилар.
- Улар ҳам вафот этган-ку, дейишди.
- Абу Ҳамза Суккарый, деб (замонларидаги бир олимга ишора қилдилар)<sup>111</sup>.

Ислом умматининг уламолари аввало Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидир.

Қатода роҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида:

{وَيَرِى الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ الَّذِي أُنْزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ هُوَ الْحَقُّ} سباء: ٦

**(Эй Пайғамбар), сизга Роббингиз томонидан нозил қилинган (Қуръон) ҳақ эканини илм эгалари билурлар.** Сабаъ сураси 6-оят. "Илм эгалари" Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари, деб айтганлар<sup>112</sup>.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: "Эй Амр ибн Маймун<sup>113</sup>, кўпчилик жамоатлар "Жамоат" дан узоқлашди. (Ҳақиқий) жамоат Аллоҳнинг тоатига (ҳақга) мувофиқ бўлган жамоатдир, агарда ёлғиз ўзинг қолсанг ҳам (ҳақга мувофиқ бўлсанг сен жамоатсан)<sup>114</sup>.

<sup>110</sup> سنن الترمذى: (٢١٦٥).

<sup>111</sup> سنن الترمذى: باب ما جاء في لزوم الجماعة؛ بعد حديث: (٢١٦٧).

<sup>112</sup> تفسير ابن أبي حاتم: (١٧٨٦٩). وجامع البيان في تأويل القرآن للطبرى.

<sup>113</sup> Маймун - араб тилида баракали инсон деган маънони англатади.

<sup>114</sup> شرح أصول اعتقاد أهل السنة والجماعة: ١٦٠، (ص ١٢١١١) اللالكائي (المتوفى: ٤١٨هـ). والمدخل إلى علم السنن: البيهقي (٣٨٤ - ٤٥٨هـ).

Нуъайм ибн Ҳаммод<sup>115</sup> роҳимаҳуллоҳ дедилар: "Агар жамоат ҳақдан узоклашса, сен ҳақда бўлган олдинги жамоатни йўлини тутгин. Ўшанда (яъни: ҳақдан узолқшамаган жамоатнинг йўлини тутганингда) сен ёлғиз ўзинг қолсанг ҳам жамоат бўласан<sup>116</sup>.

Абдураҳмон ибн И smoil Абу Шама<sup>117</sup> дедилар<sup>118</sup>: "Жамоатни лозим тутишга буюрилган ҳадисларда "Жамоат" дан мақсад ҳақни лозим тутишдир. Агар ҳақни ушлаганлар камчилик, ҳақга мухолиф бўлганлар кўпчилик бўлса ҳам ҳақни ушлаганлар "Жамоат" бўлади. Чунки ҳақ йўл Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларидағи биринчи жамоатнинг йўлидир. Улардан кейин ботил аҳлининг кўп бўлишига эътибор берилмайди"<sup>119</sup>.

## 2-фасл

Ихтилоф ҳақида гапирар эканмиз, мавзуга тааллуқли бўлган баъзи масалаларга тўхталиб ўтишимиз ўринли:

### 1- Тафриқа ва ихтилофнинг маъноси ва ихтилоф турлари:

**Тафриқанинг маъноси:** Эътиқод ёки манҳажлар бир биридан фарқ қилгани учун турли фирмаларга бўлиниб кетиш.

Мусулмонлар орасида тафриқа бўлиши хар қандай ҳолатда мазаммат қилинади, фақат ҳақ устида бўлган тоифагина мақтовга лойик.

<sup>115</sup> نعيم بن حماد: هو الإمام العلامة الحافظ، سمع بخراسان وال伊拉克 والحرمين والشام واليمن ومص، سكن مصر حتى امتحن في القرآن، فأشخص إلى سر من رأى، فسئل عن القرآن فأبى أن يجيبهم إلى القول بخلافه فسجن، فلم يزل في السجن حتى مات، وأوصى أن يدفن في قيوده وقال: "إني مخاصم". توفي سنة ٢٢٩ هـ / ٨٤٤ م.

<sup>116</sup> الكتاب: المدخل إلى علم السنن المؤلف: أبو بكر أحمد بن الحسين البهقي (٣٨٤ هـ - ٤٥٨ هـ).

<sup>117</sup> عبد الرحمن بن إسماعيل الشیخ الإمام العلامة، المعروف بأبی شامة لشامة كبيرة فوق حاجبه الأيسر، كان عالماً راسخاً في العلم مقرناً محدثاً نحوياً مؤرخاً ت ١٢٦٢ هـ / ١٢٦٥ هـ .

<sup>118</sup> الباعث على إنكار البدع والحوادث: ٢٢١١ .

<sup>119</sup> Ибн Қоййим роҳимаҳуллоҳ дедилар: "Жамоат ҳақда бўлган олимдир. Агар ёлғиз ўзи қолиб, бутун ер аҳли унга мухолиф бўлса ҳам (у олим ҳақ жамоатдир).

Ином Аҳмад вақтларида одамлар ҳақдан тойилди. Фақат имом Аҳмад ва саноқли кишилар ҳақда қолишиди ва шу оз сонли кишилар жамоат бўлишиди.

Муфтий ва олимлар, Халифа ва унга эргашганлар жамоатдан чиққан эди (Яъни, Салаф-солиҳларга мухолиф эътиқодда бўлгани учун Аҳли сунна валжамоада эмасди). Ином Аҳмад бир ўzlари жамоат эдилар.

Адашган одамларнинг ақли буни (Яъни, имом Аҳмаднинг ёлғиз ўzlари ҳақда бўлишларини) кўтаролмагани учун Халифага шундай дер эдилар: "Эй мўминларнинг амири, сиз ва сизнинг қози, муфтий ва олимларингиз залолатда бўлиб, Аҳмаднинг ёлғиз ўзи ҳақда бўладими?".

Халифа ҳам буни тушуна олмагани учун имом Аҳмадни узоқ вақт қамоқда ушлаб, дарралаган эди".

إعلام الموقعين: لابن قيم الجوزية: ٣٠٨١٣ .

**Ихтилофнинг маъноси**<sup>120</sup>: Бир нарса иккинчи бир нарсадан фарқ қилиши ёки бир нарсанинг иккинчи бир нарсага қарама қарши бўлишидир. Ихтилоф ижмо-иттифоқнинг зиддидир.

Бир масалага икки ёки ундан кўп фикр билдирилган бўлса бу масалада ихтилоф қилинган бўлади. Баъзида бу икки фикр бир бирига қарама қарши бўлади, баъзида турли фикр бўлса ҳам қарама қаршилиги бўлмайди.

Ихтилофнинг иккинчи маъноси: Аллоҳнинг Китобига мухолиф бўлишлик.

Демак, ихтилофнинг икки маъноси бўлиб:

Бири: Қуръон ва ҳадисга, салаф солиҳларнинг йўлига мухолиф бўлиш. Бундай ихтилоф ҳар қандай ҳолатда ҳам мазаммат қилингандир.

Иккинчиси: Баъзи масалаларда турли фикрлар бўлиши ва бундай ихтилоф ҳамма ҳолатда ҳам мазаммат қилинмайди<sup>121</sup>.

## 2- Ихтилоф сабаблари

- 1) Инсонларнинг фаҳм-тушунишлари, мақсадлари, эҳтиёткор-пархезкор бўлишлари, қаттиқ ва юмшоқликлар турли бўлиши.
- 2) Чуқур илмга (салафларни илмини чуқур ўзлаштирмай) шошма-шошарлик билан катта майдонга чиқиш.
- 3) Баъзиларнинг ниятлари ўзгариб қолиши<sup>122</sup>.
- 4) Ислом диёрлари кенгайиб, турли ўлкаларга (аввалда турли ботил динларда бўлган ўлкаларга) етиб бориши. Сўнгра ўша диёрдаги янги мусулмон бўлганлар Ислом динини (саҳобалар, тобеинлар ва уларга эргашганлар тушунганидек) тўлиқ-тўғри тушуниб етмасликлари. Балки ўз диёрларида тарқалган ботил эътиқодларга аралаштириб тушунишлари.

---

<sup>120</sup> Ихтилоф ва хилоф кўпинча бир маънода келади. Бу икки калимани фарқлаганлар ҳам бор. Аммо ихтилоф ва ифтироқ бир биридан фарқ қиласди.

Ихтилофнинг маъноси умумийроқ.

Бир масалада турли фикр бўлишига(мазаммат қилинган ёки мазаммат қилинмаганидан қатъий назар) "Ихтилоф" деб айтилаваради.

Ифтироқ эса: Аҳли сунна валжамоа – Саҳоба ва тобеинлар ижмо қилган дин асосларида, уларнинг йўлидан чиқишликка айтилади. Бундай ифтироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам мазаммат қилинган.

<sup>121</sup> Қўйида мазаммат қилинмайдиган ихтилофлар ҳақида сўз юритамиз.

<sup>122</sup> Яъни, Баъзилар (ҳеч ким айтмаган гапларни айтиб) обрў орттириш, ўз атболарини кўпайтириш учун динда бўлмаган янгиликларни ўйлаб топиши.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анху айтдилар:

"Олдингизда шундай фитналил кунлар борки, у кунларда мол дунё кўпаяди, Қуръонни ҳамма -мўмин ҳам, мунофиқ ҳам, эркагу аёл, ёшу қари- ўқийди. Баъзилар: "Қуръон ўқисам ҳам нима учун одамлар менга эргашмаяптилар?! Қуръондан бошқа бир янгилик ўйлаб топмагунимча менга эргашмайдиганга ўхшайдилар...", дейди. Янги чиқарилган бидъатлардан ҳазар қилинглар, чунки бидъатларнинг ҳаммаси залолатдир". Сунан Абу Довуд: (4613).

- 5) Мусулмонларни диннинг баъзисига амал қилиб, баъзисига амал қилмасликлари<sup>123</sup>.
- 6) Ислом душманлари турли фитналар қилиб, мусулмонлар орасида ботил эътиқодлар тарқалишига ҳаракат қилишлари.
- 7) Амр умароларни ҳукумат талашиб бир бирлари билан ихтилоф қилишлари.

### **3- Ихтилоф содир бўлган жиҳатлар**

Энг муҳим масалалардан ихтилофлар қандай жиҳатларда содир бўлганини билиш.

Ислом уммати ичидаги содир бўлган ихтилофлар асосий уч қисмга бўлинади<sup>124</sup>:

- 1- Фиқҳий, ижтиҳодий масалаларда.
- 2- Эътиқодий, дин асосларида бўлган ихтилофлар.
- 3- Ҳукмдорлар, амир-умаролар орасида бўлган ихтилофлар.

#### **3-фасл**

##### **1-қисм: Фиқҳий, ижтиҳодий масалалардаги ихтилофлар**

Фиқҳий, ижтиҳодий хилофларнинг аксари инкор қилинмайдиган масалалардир.

Чунки фиқҳий, ижтиҳодий масалаларда ғолибан уч ҳолатнинг бири бўлади:

- 1- Хилофуттанаввуву – бир бирига қарама қарши бўлмаган ихтилофлар<sup>125</sup>.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи ибодатларни турли суратда адо қилганлар. Худди намоздаги дуолар сингари. Бундай ҳолатда суннат ворид бўлган суратларнинг қай бирини бажарса ҳам хато қилмаган бўлади<sup>126</sup>.

<sup>123</sup> Мусулмонлар диннинг баъзисига амал қилиб, баъзисига амал қилмай қўйсалар ораларида ихтилофлар чиқиши муқаррар. Чунки диннинг баъзисига амал қилаётган мусулмонлар амал қилаётган жиҳатларида ўзларини бутунлай ҳақ деб билишади. Шу ишларда ўзларига мухолиф бўлганларни адашган деб эътибор қилишади.

Улар ўзларини ҳақга мухолиф бўлган ўринларини ҳам, бошқаларни ҳақга мувофиқ бўлган ўринларини ҳам эътироф қилишмайди. Иккинчи тараф ҳам Худди шундай қиласди, оқибатда ихтилофлар янада катталашади.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: "Одамлар Аллоҳ нозил қилган ваҳийнинг баъзисига амал қилишни ташласалар ораларида нафрат ва адован бошланади. Чунки уларнинг барчаларини жамлаб турувчи ҳақ қолмаган бўлади".

مجموع الفتاوى: ۲۲۷۱۳

<sup>124</sup> اقتضاء الصراط المستقيم: في فصل "الاختلاف الذي أخبر به النبي صلى الله عليه وسلم" (ص: ٣٣).

<sup>125</sup> Яъни, Салафлардан бир масалада бир неча қавллар ривоят қилинган бўлади ёки бир ибодатни бир қанча кўринишларда бажарилгани событ бўлган. Буларнинг қай бирини қилса ҳам суннатга мухолиф иш қилган бўлмайди. Чунки ўша кўринишларнинг ҳаммаси суннатда ворид бўлган. Мана шу "Хилофуттанаввуву" дейилади.

<sup>126</sup> Мисло учун, намозда фотиҳадан олдин ўқиладиган дуолар ёки ҳайт намозидаги такбирлар. Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ "اقتضاء الصراط المستقيم" китобларида "Хилофуттанаввуву" га бир қанча мисоллар келтириб ўтганлар.

**2- Ихтилоф қилингандын масалада икки тарафның қувватлайдиган кучли далиллар бор бўлиши.**

Бу ҳолатда биринчи қавл иккинчи қавлга мухолиф бўлса ҳам, лекин иккала тарафда ҳам кучли далил бор бўлгани учун иккала тараф ҳам мазаммат қилинмайди. Балки далилга эргашилгани учун мақтовга лойиқдир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{مَا قَطْعْتُمْ مِنْ لِيَنَّةٍ أَوْ تَرْكُتُمُوهَا قَائِمَةً عَلَىٰ أَصْوَلِهَا فَإِذْنُ اللَّهِۚ} الحشر: ٥

**(Эй мўминлар), сизлар (Бани Назир хурмозорларидан) бирон хурмо дарахтини кесдингларми ёки уни ўз поясида турган ҳолида қолдирдингларми, (ҳар иккиси ҳам) Аллоҳнинг изни билан (садир бўлди). Ҳашр сураси 5-оят.**

Аллоҳ таоло оятда икки тоифани (дарахтни кесганларни ҳам, кесмаганларни) ҳам мазаммат қилмади.

Шунингдек, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга асрни бани Қурайзада ўқиши буюрганлар эдилар. Саҳобалар йўлда кетаётганларида аср вақти кирди. Баъзи саҳобалар аср вақти киргандан кейин йўлда ўқиб олишди, қолганлар аср вақти ўтиб кетса ҳам, бани Қурайзага боргандан кейин ўқишиди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккала тарафни ҳам қилган ишини инкор қилмадилар.<sup>128</sup>

**3- Ихтилоф қилинаётган масалада очик-ойдин далиллар бўлмаслиги.**

Уламолар бундай масалаларни далили зикр қилингандын масалаларга қиёс қилиб, ижтиҳод қиласидилар. Баъзида ижтиҳодлар турли бўлиб, бир масалалада бир қанча қавллар зикр қилинади.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар:

Агар бир масалада суннатдан очик далил бўлмаса ва у ижмо қилингандын масалалардан ҳам бўлмаса ижтиҳодий масала бўлади. Бундай масалаларда ижтиҳод қилган олимлар ҳам, олимларга эргашганлар ҳам танқид қилинмайди<sup>129</sup>.

### ***Мазаммат қилинмайдиган ихтилоф***

Мана шундай уч ҳолатда ихтилоф бўлишини (яъни: бир масалада турли фикрлар бўлишини) динимиз мазаммат қилмаган. Балки, (салафлар

<sup>127</sup> في أذنه تعالى قوله للمسيرين: هل هو الإذن الشرعي أو الإذن الكوني. في كلا القولين الآية تدل على أن هذا الاختلاف غير مذموم.

<sup>128</sup> صحيح البخاري: (٩٤٦). الكتاب: اقتضاء الصراط المستقيم: (ص: ٣٩) في فصل: أنواع الاختلاف.

<sup>129</sup> المستدرك على مجموع فتاوى لشيخ الإسلام ابن تيمية: ١٣ / ٢٠٥.

айтганидек) бундай масалаларда ихтилоф бўлиши мусулмонлар учун кенгчиликдир.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар:

Олим, муфтий мана шундай (ижтиҳодий) масалаларда (ўзи рожих деб билганига) одамларни мажбурлаши жоиз эмас.

Ҳорун ар-Рошид одамларни ана шундай (ижтиҳодий) масалаларда "Мувотто" га амал қилишларини ўйлаб, имом Моликка маслаҳат қилган эди. Имом Молик Ҳорун ар-Рошидни бу фикридан қайтариб: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бир қанча шаҳарларга тарқалиб кетишган. Ҳар бир ўлка ўзларига саҳобалардан етиб келган илмга амал қилиб келган", деб айтган эдилар.

Бир киши<sup>130</sup> (фиқхий-ижтиҳодий масалалардаги) ихтилофлар ҳақида китоб ёзиб имом Аҳмадга кўрсатган эди. Имом Аҳмад бу китобни "Ихтилофлар ҳақидаги китоб" деб эмас, балки "Суннатлар ҳақидаги китоб" деб номлашга буюрган эдилар.

Шунинг учун баъзи уламолар айтишган: "Саҳобаларнинг ижмолари қатъий ҳужжат, ихтилофлари (уммат учун) енгиллиқдир.

Умар ибн Абдулазиз роҳимаҳуллоҳ айтар эдилар<sup>131</sup>: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари (фиқхий-ижтиҳодий масалаларда) ихтилоф қилгани яхши бўлган. Агар саҳобалар (фиқхий-ижтиҳодий масалаларда ҳам) бир қовлга ижмо қилгандарида, бир киши уларга мухолиф бўлса адашиб кетарди. Саҳобалар (фиқхий-ижтиҳодий масалаларда) турли қовлларни айтишган. Баъзилар бир саҳобийнинг қовлига эргашади, бошқалар иккинчи бир саҳобийнинг қовлига эргашади ва одамлар учун кенгчилик бўлади"<sup>132</sup>.<sup>133</sup>

Мана шундай (юқорида зикри ўтган уч ҳолатдаги) ихтилофлар салафларнинг ораларида мавжуд бўлган ва битталари иккинчиларининг раъйини инкор қилмаган.

Мана шундай масалаларда ихтилоф қилиб, мусулмонлар орасини бузайтганлар уч кишининг биридан бошқаси бўлиши мумкин эмас:

Ислом шариатини тушунмаган жоҳил кимсалар.

Ёки иккинчи тарафга ҳасад қилган кимсалар.

Ёки мусулмонлар орасида фитна-фасод қўзғашни истаётганлар.

Салафлар инкор қилмаган масалларда ихтилоф қилиб, бир бирига нафрат-адоватда бўлиш Аллоҳ<sup>134</sup> ва Росули қайтарган ихтилофнинг айни ўзидир.

١٣٠ هو إسحاق الأنتاري. (طبقات الحنابلة: ٢٩٧١٢).

١٣١ جامع بيان العلم وفضله: أبو عمر يوسف بن عبد البر (المتوفى: ٤٦٣هـ).

<sup>132</sup> Яъни, Очиқ далил бўлмаган ижтиҳодий масалаларда саҳобаларнинг битталарига эргаш уммат учун кенгчиликдир.

١٣٣ مجموع الفتاوى: ٨١-٧٩/٣٠.

<sup>134</sup> Юқорида ихтилоф, тафриқа қилишдан қайтарилган оятлар ўтди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: "Бир кишини Қуръон тиловат қилаётганини эшитдим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оятни бошқача ўқиганларини эшитган эдим. У кишини олиб Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим ва бўлган воқеани хабар бердим. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишимизни ёқтирмай:

«كَلَّا كُمَا مُحْسِنٌ وَلَا تَحْتَلِفُوا فِإِنَّ مِنْ كَانَ قَبْلَكُمُ اخْتَلَفُوا فَهُلَّكُوا».

**"Иккалангиз ҳам тўғри ўқигансизлар<sup>135</sup>. Ихтилоф қилманглар! Сизлардан олдингилар ихтилоф қилиб, ҳалокат бўлган", дедилар<sup>136</sup>.**

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар:

Мана шундай ижтиходий масалалар қўл билан инкор қилинмайди ва ҳеч ким ўзининг (рожих-тўғрироқ деб билган) сўзини бошқаларга ўтказишга ҳаққи йўқ. Бундай масалалар илмий далиллар билан баён қилинади. Ким қай бир қовлни тўғри (рожих) деб биладиган бўлса ўшанга амал қиласди. Ким иккинчи қовлга эргашадиган бўлса, унга инкор қилинмайди<sup>137</sup>.

Саҳобалар Аллоҳнинг динини энг билувчи кишилар бўлишган, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига қаттиқ эргашувчи бўлишган. Ҳар қандай яхшиликка энг ҳарис, мункарни қаттиқ инкор қилувчи бўлишган. Аллоҳнинг динига муҳолиф бирор нарсани кўришса (мункарни қилаётган инсон ким бўлишидан қатъий назар) тезда инкор қилишган. Шунингдек, ихтилоф қандай ўринларда мазаммат қилинмаслигини ҳам саҳобалар жуда яхши билишган.

Усмон розияллоҳу анҳу Шом аҳлига, ҳаж ойида фақат ҳаж ибодатини қилиб, умра ибодатига алоҳида келиш ҳақида гапирдилар ва Каъба икки марта зиёрат қилинса афзал бўлишини айтдилар.

Шунда Али розияллоҳу анҳу Усмон розияллоҳу анҳуга дедилар: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таматтуъ (ҳаж сафарида умра ва ҳаж) ибодатига рухсат берганлар. Сиз одамларни бундан қайтариб машаққатга қўясиз. Таматтуъ эҳтиёжман, уйи олисда бўлган одамлар учун яхши", дедилар. Сўнгра умра ва ҳаж ибодати учун<sup>138</sup> эҳромга кирдилар.

<sup>135</sup> Яъни, Қуръонни бир неча қироатда ўқиш жоз бўлган.

<sup>136</sup> صحيح البخاري: ٣٤٧٦

<sup>137</sup> مجموع الفتاوى: ٨٠/٣٠. اقتضاء الصراط المستقيم: (ص: ٣٥).

<sup>138</sup> Яъни, таматтуъ қилиш учун эҳромга кирдилар.

Усмон розияллоҳу анҳу одамларга қараб: "Мен сизларни таматтуъ қилишдан қайтармадим. Ўзим ижтиход қилиб, бир фикр айтдим. Хоҳлаган одам олади, хоҳламган одам олмайди", дедилар. Шом аҳлидан бўлган бир киши Ҳабиб ибн Маслама розияллоҳу анҳуга: "Буни қара! Амирулмўминин (Усмон розияллоҳу анҳу)га қарши гапирияпти. Агар амирулмўминин буйруқ берганида бўйнига урап эдим", деди.

Ҳабиб ибн Маслама розияллоҳу анҳу қўллари билан ана у кишининг кўксига бир туртиб: "Жим бўл! Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари қандай масалаларда ихтилоф қилиш мумкинлигини жуда яхши билишади", дедилар<sup>139</sup>.

И мом Шофеий дедилар: "Саҳобалар ижмо-иттифоқ қилишган масалаларда уларнинг ижмолариға эргашамиз. Агар бир саҳобий айтган гапга бошқа саҳобалар мухолиф бўлмаган бўлса ўша саҳобийнинг гапини оламиз. Саҳобалар ихтилоф қилишган бўлса баъзиларининг сўзларини оламиз ва уларнинг сўзларидан четга чиқмаймиз"<sup>140</sup>.

Шундай экан, салаф солиҳлар инкор қилмаган масалаларда талашиб-тортишиш, тафриқа қилиш ва бир тараф иккинчи тарафга адоват қилиши жаҳолатнинг айни ўзиdir.

### ***Баъзилардан содир бўлган хато***

Агар, баъзи имомлардан саҳиҳ ҳадисга мухолиф фикрлар содир бўлганку, деб айтилса, бунга қўйдагича жавоб қилинади:

**1)** Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин хатодан маъсум бўлган инсон йўқ. Фақат Аллоҳ таоло Ўз фазлу марҳамати билан ислом умматини залолат устида жамланишидан сақлади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ لَا يَجْمِعُ أُمَّيْ، (أَوْ قَالَ: أُمَّةُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ) عَلَى ضَلَالٍ».<sup>141</sup>

"Аллоҳ таоло менинг умматимни залолат устида жамламайди"<sup>142</sup>.

**2)** Аллоҳга беадад ҳамду санолар бўлсинки, Динимиз асосларида салафлар орасида хилоф йўқ. Шунингдек салаф солиҳлар ижмо қилган масалалар ёки

139. مسند أحمـد: (٧٠٧).

140. المدخل إلى السنن الكبرى: للبيهقي (ص: ١١٠).

141. سنن الترمذـي: ٢١٦٧. سنن أبي داود: ٤٢٥٥. سنن ابن ماجـه: ٣٩٥٠. مسند الإمام أـحمد: ٢٧٢٢٤.

<sup>142</sup> Яъни, Ислом уммати – Салаф-солиҳлар ижмо-иттифоқ қилган масала ҳеч қачон ҳато бўлмайди.

ихтилоф бўлиши зарар бермайдиган масалалар жуда кўп. Инкор қилинадиган ихтилофлар денгиздан бир томчидек<sup>143</sup>.

**3)** Аҳли сунна валжамоа имомларининг бирорталари Қуръон ва ҳадисга, шунгидек салаф солиҳларнинг ижмосига мухолиф бирор сўз айтиш уларнинг ўйларига ҳам келмаган. Барча имомлар саҳих ҳадис келадиган бўлса, албатта ҳадисга эргашишларини айтганлар.

Аммо баъзи имомлардан (фиқхий масалаларда, камдан кам ҳолатларда) саҳих ҳадисга мухолиф сўз айтилган бўлса, бу ҳолатда уларнинг бир қанча узрлари бўлиб, шу узрлардан бири саҳих ҳадис етиб келмагани (ёки ҳадис етиб келган бўлса ҳам саҳих йўл билан етиб келмагани) ...

Бу узрларнинг барчасини Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ "رُفْعُ الْمَلَامِ عَنِ الْأَئْمَةِ عَلَمٌ" Урисолаларида зикр қилганлар<sup>144</sup>.

**4)** Айрим имомлардан (ёки кейин келган айрим уламолардан) баъзи хатолар содир бўлган бўлса, бошқа имомлар - Қуръон ва ҳадисга асосланиб, салаф-солиҳларнинг сўзларини жамлаб- ўша хатоларни баён қилганлар. Аҳамдулилаҳ, Салаф-солиҳлар йўлини тутган мусулмонлар учун ҳеч қандай ноаниқлик қолмаган<sup>145</sup>.

## 2-қисм: Эътиқодий ёки ижтиҳодга ўрин бўлмаган масалардаги<sup>146</sup> ихтилофлар.

Хулафои рошидинлар даврининг охирларига келиб Ислом уммати орасида ихтилофлар юзага келди. Бу ихтилофга энг биринчи бўлиб саҳобалар қадрини билмаганлар (саҳобаларнинг илмига эътиборсиз бўлганлар) сабаб бўлди. Ихтилофлар ортида янги фирмалар пайдо бўла бошлади.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматни бундай ихтилофлардан огоҳлатирган ва қандай йўл тутиши кераклигини васият қилган эдилар.

---

<sup>143</sup> Агар, салаф-солиҳларга эргашишни даъво қилганлар орасида ихтилофлар кўп-ку дейилса:

Буниниг сабаби:

1) Салаф-солиҳлардан мерос қолган илм тўлиқ ўзлаштирилмагани ва салафларнинг сўзларини воқеликка тўғри тушира олмаслик (худди, баъзи тоифалар Қуръон ва ҳадис далилларини воқеликка тўғри тушира олмагани каби).

2) Аллоҳнинг динини холис (ҳеч қандай тарафларни риоя қилмай, Аллоҳнинг розилигидан бошқа нарсани ўйламай) етказадиган уламоларнинг етишмаслиги.

Хулоса қилиб айтганда, Салаф-солиҳларга эргашишни даъво қилганлар орасида бўлаётган ихтилофлар сабаби илмда ёки ихлосдаги ноқислиқдир.

<sup>144</sup> رفع الملام عن الأئمة الأعلام لابن تيمية.

<sup>145</sup> إعلام الموقعين عن رب العالمين: من "فضل الأئمة" إلى "متى يسوغ الاجتهاد". ٢٢٠١٣ - ٢٢٤٠.

<sup>146</sup> Бу мавзуу "Усулуддин - дин асослари ёки салаф солиҳлар орасида ихтилоф бўлмаган масалалар" деб ҳам айтилади. Бу ерда аниқ бир қоида айтиш мақсад қилинмаган. Балки тушунишга яқин бўлган лафз билан баён қилинди.

Ирбаз ибн Сория розияллоху анҳу ривоят қилган ҳадисда:

«فَإِنَّمَا مِنْكُمْ يَرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا، وَإِنَّمَا مَوْهِدَاتِ الْأُمُورِ فِيْهَا صَالَةٌ اللَّهُ فَمَنْ أَذْرَكَ ذَلِكَ مِنْكُمْ فَعَلَيْهِ بِسْتَيْ وَسْنَةِ الْخَلْقِ  
الرَّاسِدِينَ الْمَهْدِيَّينَ، عَصَمُوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ».<sup>147</sup>

**Ким сизлардан (узоқ) яшаса кўп ихтилофларни кўради. Сизлар (диндаги) янгилик-бидъатлардан четланинглар. Чунки (диндаги) янгилик-бидъатлар залолатдир.**

**Сизлардан ким ўша кунларга гувоҳ бўлса, менинг суннатимни ва хулафои рошидинлар суннатини ушласин. Бу (икки суннат)ни озиқ тишларингиз билан маҳкам ушланглар.**

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ихтилофлар бўлиши ва турли фирмалар чиқиши ҳақида хабар бериб, (динда янги ўйлаб чиқарилган) бидъатлардан четланишимизга буюрдилар.

Бўлаётган фитналардан, янги чиқаётган фирмалардан саломат қолишимиз учун ўзларининг суннатлари ва хулафои рошидинлар -Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий розияллоҳу анҳум- суннатини ва саҳобалар йўлини ушлашимизга буюрдилар.

Мана шу (Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар йўли) Аҳли сунна валжамоа йўлидир.

Улар ихтилоф ва тафриқалар бўлганида (янги чиқсан бидъатлардан четланиб) Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини мустаҳкам ушлаганликлари учун "Аҳли сунна – Суннат эгалари (суннатга эргашувчилар)" деб номланишган.

Улар ихтилоф ва тафриқалар бўлганида (янги чиқсан бидъатлардан четланиб) аввалги жамоа – саҳобалар жамоасиниг йўлини тутганлари учун "валжамоа – жамоани йўлинини тутувчилар" деб номланишган.

Шунингдек, улар Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари ва саҳобалар йўли устида жамланиб (тафриқа қилмаганлари) учун ҳам Аҳли сунна валжамоа деб номланишган.

Аҳли сунна валжамоанинг бошқалардан ажралиб турувчи жиҳати, улар Қуръон ва ҳадисни маҳкам ушлашади ва саҳобалар йўлини тутиб, Қуръон ва ҳадисни саҳобалар тушунганидек тушунишади<sup>148</sup>.

١٤٧ سنن الترمذى: (٢٦٧٦) قال الترمذى هذَا حَدِيثٌ حَسْنٌ صَحِيقٌ. مسند أَحْمَد: (١٧١٤٢). سنن ابن ماجه: (٤٢).

<sup>148</sup> Чунки, Қуръон саҳобалар тили – араб тилида нозил бўлган, улар Қуръон оятларини нозил бўлишига гувоҳ бўлишган. Мана шунинг учун ҳам Аллоҳ ва Росулининг сўзини энг яхши тушунувчи бўлишган ва Аллоҳ хоҳлаганидек иймон келтириб, Аллоҳнинг розилигига сазовор бўлишган.

Саҳобалар Аллоҳнинг динини энг яхши тушунувчи, Аллоҳнинг динига энг яхши амал қилувчи кишилар бўлганлари учун ҳам Аллоҳ таоло бир қанча оятларда уларни поклади.

Бадр жангидаги қатнашганларнинг барча гуноҳлари мағфират қилингани ва улар жаннат аҳли эканликлари ҳадисларда ворид бўлди<sup>149</sup>.

Шунингдек, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дарахт остида байат берганлардан Аллоҳ таоло рози бўлганини хабар берди<sup>150</sup>.

Яна, Аллоҳ таоло Ўзининг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам соҳабаларини бир қанча сифатлари билан мақтаб, уларга буюк ажр-савоб ваъда қилди<sup>151</sup>.

Саҳобалар иймон келтиргандек иймон келтирган кишилар ҳидоят йўлидадир<sup>152</sup>. Уларнинг йўлидан бош тортганлар эса залолат йўлидадир.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَبَتَّغْ عَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلََّ وَنُصْلِلَهُ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا} النساء

. ۱۱۵

**Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга мухолиф иш қиласа ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиласиз.  
Нақадар ёмон жойдир у!** Нисо сураси 115-оят.

Ажуррий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: "Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини рад қилган ва саҳобалар суннатини рад қилган ҳар қандай кимса Пайғамбарга мухолиф бўлиб қарши чиқади ва Аллоҳга осий бўлади<sup>153</sup>.

Усмон ибн Саиъд ад-Даримиий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: "Агар мўмин-мусулмон бўлсангиз ва салафларнинг йўлига эргашсангиз улардан нақл қилинган илмни олингиз, ҳидоятни уларнинг йўлида қўрингиз. Аллоҳга қасам-ки, сизлар Аллоҳнинг Китобини улардан яхши билмайсизлар, ҳатто улар билганичалик ҳам билмайсизлар.

Уларни йўлинни ушлаш улардан нақл қилинган илмга эргашиш билан бўлади. Ким улардан нақл қилинган илмни қабул қилмаса мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашишни ҳохлабди.

Аллоҳ таоло шундай деган:

١٤٩ . صحيح البخاري: (٣٩٨٣).

<sup>150</sup> Фатҳ сураси 18-оят.

<sup>151</sup> Фатҳ сураси 29-оят.

<sup>152</sup> Бақара сураси 137-оят.

١٥٣ الشريعة: (٧٦٨). المؤلف: أبو بكر محمد بن الحسين الأجري (المتوفى: ٣٦٠ هـ).

{وَيَتَّسِعُ عَيْرٌ سَبِيلٌ الْمُؤْمِنِينَ نُولَّهُ مَا تَوَلَّ وَنُصْلِهُ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا} النساء . ١١٥

**Ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиласиз.** Нисо сураси 115-оят.<sup>154</sup>

Ушбу оят ҳақида:

{كُنْتُمْ حَيْرَ أُمَّةً أَخْرِجْتُ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوُنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ} آل عمران: ١١٠

**Сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз.** Оли Имрон 110-оят.

Умар розияллоҳу анҳу шундай дедилар: "Аллоҳ таоло бу оядда Росууллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васалламнинг саҳобаларини хос зикр қилди. Ким уларга эргашиб, улар амал қилгандек амал қиладиган бўлса, одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлади"<sup>155</sup>.

Кўпчилик саҳобалар дунёдан ўтиб, ихтилофлар бошланаётган вақтда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай деган эдилар: "Ким бир йўлни ушламоқчи бўлса ўтиб кетганларнинг йўлини ушласин. Ўтиб кетганлар Росууллоҳ соллаллоҳу альайҳи васалламнинг саҳобалариdir. Улар бу умматнинг энг яхшилари, қалблари энг покизаси, энг илмилари ва аҳамиятсиз (дунё ва охиратларига манфаати бўлмаган) ишлардан энг узоқ бўлган инсонлардир.

Аллоҳ таоло уларни Ўзининг элчиси учун асҳоб қилди ва динини тарқатиш учун уларни танлади.

Сизлар у инсонларнинг хулқ-атворини олингиз ва йўлларига эргашингиз.

Улар Мухаммад соллаллоҳу альайҳи васалламнинг саҳобалариdir. Аллоҳга қасам-ки, улар ҳидоят йўлида бўлишган<sup>156</sup>.

Аллоҳ таоло тавба сурасида муҳожир ва ансорлардан рози эканлигини хабар берар экан, уларга яхшилик билан эргашган кишилардан ҳам рози бўлишини айтиб шундай деди:

<sup>154</sup> الرد على الجهمية: (٢١٠). المؤلف: عثمان بن سعيد الدارمي (المتوفى: ٢٨٠ هـ).

<sup>155</sup> "جامع البيان تفسير الطبرى" [١٠١٧].

<sup>156</sup> حلية الأولياء. أبو نعيم الأصبهانى: ١١ - ٣٠٥ - ٣٠٦. جامع بيان العلم وفضله: لابن عبد البر (المتوفى: ٤٦٣ هـ) (٩٢١). ١٩٦١-١٩٧٢.

{وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعْدَ اللَّهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتَهَا الْأَكْمَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ} التوبه: ١٠٠ .

**Авалгилардан бўлган пешқадам муҳожир ва ансорлар ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Аллоҳ улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк саодатдир.** Тавба сураси 100-оят.

Аҳли сунна валжамоа дин илмини саҳобалардан олганлариdek, саҳобаларга яхшилик билан эргашган тобеин ва таба тобеинлардан ҳам оладилар. Чунки, оятдаги:

{وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ}

**"Уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар"**

жумласига энг биринчи дохил бўлувчи кишилар тобеинлардир<sup>157</sup>.

Росулуллоҳ соллаллоҳу альайҳи васаллам бир қанча ҳадисларда энг яхши давр саҳобалар даври, сўнгра тобеинлар даври, сўнгра таба тобеинлар даври эканини айтганлар<sup>158</sup>.

Яна, бир қанча ҳадисларда саҳобалар, сўнгра тобеинлар, сўнгра таба тобеинлар қатнашган жангларда мусулмонларга нусрат келиши ҳақида хабар берганлар<sup>159</sup>.

Мана шунинг учун ҳам, Аҳли сунна валжамоа Қуръон ва ҳадисни саҳобалар тушунганидек тушунишади. Шуниндек, саҳобаларга яхшилик билан эргашган тобеин ва таба тобеинларнинг илмлариغا ва дин

<sup>157</sup> روا ابن أبي حاتم في تفسير القرآن العظيم لابن أبي حاتم (المتوفى: ٣٢٧هـ).

<sup>158</sup> Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтдилар: "Росулуллоҳ соллаллоҳу альайҳи васалламдан: "Энг яхши инсонлар кимлар?", деб сўрашди. Росулуллоҳ соллаллоҳу альайҳи васаллам:

«فَرَنِي ثُمَّ الَّذِينَ يَلْوَثُهُمْ ثُمَّ الَّذِينَ يَلْوَثُهُمْ ثُمَّ يَجِيءُ قَوْمٌ تَبَدُّرُ شَهَادَةً أَحَدُهُمْ يَمْبَيْهُ وَتَبَدُّرُ يَمْبَيْهُ شَهَادَةً».

"Менинг замонимда яшаган (Яъни, Росулуллоҳ соллаллоҳу альайҳи васалламни кўриб, иймон келтирган саҳоба)лар даври. Сўнгра улардан кейинги келган (тобеин)лар даври. Сўнгра улар (тобеинлар)дан кейин келган (таба тобеин)лар даври...", деб жавоб қилдилар."

صحيح البخاري: (٣٦٥١). صحيح مسلم: (٦٦٣٣).

<sup>159</sup> صحيح البخاري: (٢٨٩٧). صحيح مسلم: (٦٦٣٠).

Росулуллоҳ соллаллоҳу альайҳи васаллам хабар берганларидек, фазилатли ўша даврларда (саҳобалар, тобеинлар ва таба тобеинлар даврида) исломий фатҳлар жуда кўп бўлди.

илмларнинг барчасини ривоят қилган ҳадис ва тафсир имомларининг илмларига кўп эҳтимом қиласидилар<sup>160</sup>.

## **Бу қисмда тўхталиб ўтишимиз керак бўлган энг мухим мавзулар:**

- 1- Аҳли сунна валжамоа деб номланиш.**
- 2- Аҳли сунна валжамоага мухолиф бўлган тоифалар.**
- 3- Аҳли сунна валжамоага мухолиф бўлганларга рад бериш.**

### **1- Аҳли сунна валжамоа деб номланиш.**

Баъзилар, Аҳли сунна валжамоа қачон вужудга келганлиги ҳақида савол қиласи. Аслида, бундай савол ноўрин. Чунки, Аҳли сунна валжамоа Росууллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам ва саҳобалар давридан бери мавжуд. Аммо Аҳли сунна валжамоа деб номланиш кейинроқ бошланди<sup>161</sup>.

Али розияллоҳу анхунинг халифалик даврида суннатга (Пайғамбаримиз ва саҳобалар йўлига) мухолиф – аҳлул аҳва<sup>162</sup> бўлган фирқалар чиқа бошлади.

Янги чиқган фирмаларнинг баъзилари очиқ-ойдин куфрий эътиқодда эди. Салаф-солиҳлар бундай фирмаларни диндан чиқсан кофир тоифа деб эътибор қилишди.

Баъзи фирмалар эса очиқ-ойдин куфрий эътиқодга тушмаган, лекин суннатга мухолиф, бидъат эътиқодларда эди. Шунинг учун ундаи тоифлар (диндан чиқмаган) мубтадиъ тоифа деб эътибор қилинди<sup>163</sup>.

Шундай қилиб, Исломга нисбатланганлар орасида турли тофилар вужудга келди.

Пайғамбаримиз ва саҳобалар йўлида бўлган мусулмонлар.

---

<sup>160</sup> Юқорида айтганимиздек, саҳобалар Аллоҳнинг динини энг яхши билувчи кишилардир. Улар Росууллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам билан ҳамма ҳолатда (умумий ва хос мажлисларда) бирга бўлишган ва Ислом динини бутунлай -эътиқод, сўз ва амал жиҳатдан - тўлиқ ўзлаштирганлар. Бу муборак илмни саҳобалардан тобеинлар, тобеинлардан таба тобеинлар олиб Ислом умматига етказганлар. Бу илмни етказиша ҳадис имомлари катта хизмат қилишди.

<sup>161</sup> الكتاب: منهاج السنة النبوية. المؤلف: أحمد بن عبد الحليم بن نعيمية: ٦٠١٢

<sup>162</sup> Яъни, Пайғамбаримиз ва саҳобалар йўлига мухолиф йўл тутиб, ҳавои нафсларига эргашган фирмалар.

<sup>163</sup> مجموع الفتاوى: ٤٨٤/١٢؛ ٤٩٢-٣٥٠/٣

Пайғамбаримиз ва саҳобалар йўллариға мухолиф йўлда бўлган, лекин Ислом доирасидан чиқмаган<sup>164</sup> мубтадеъ фирқалар.

Исломдан чиққан кофир тофалар.

Бундай ҳолатдан кейин "мусулмон" деб номланишнинг ўзи кифоя эмас эди<sup>165</sup>. Чунки мусулмонлар орасида Пайғамбаримиз ва саҳобалар йўллариға очиқ мухолиф бўлганлар пайдо бўлган эди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам ва саҳобалар йўлига ҳақиқий эргашганлар билан, мухолиф бўлганларни фарқлаш учун "Ахли сунна валжамоа" ва "Аҳлул-аҳво ёки аҳлул-бидাъ ёки мубтадиаъ" номлари юзага чиқди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам Ислом умматида фирқалар пайдо бўлиши ҳақида хабар бериб, Ўз суннатларини ва Хулафои рошидинлар суннатини ушлашга ва саҳобалар йўлини тутишга буюрган эдилар. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам ва саҳобалар йўлига ҳақиқий эргашганлар "Ахли сунна (суннатни ушловчилар) ва "Алжамоа (суннат устида жамланувчилар ёки аввалги жамоа – саҳобалар жамоасининг йўлини тутувчилар) деб номландилар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам ва саҳобалар йўлига мухолиф бўлганлар "Аҳлул-аҳва (нафсу ҳаволариға эргашувчи) ёки аҳлул-бидаъ (Росулуллоҳ ва саҳобалар йўлига мухолиф бўлган, бидъат йўлларга юрувчи) деб номланди<sup>166</sup>.

Ушбу оят тафсирида:

{بَوْمَ تَبِيَضُّ وُجُوهٌ وَسُسُودُ وُجُوهٌ} آل عمران: ٦٠ .

**(Ҳақдан юз ўгириб, ихтилоф ва тафриқа қилган кимсалар учун азоб бўладиган кун) Юзлари оқ бўладиган ва юзлари қора бўладиган кундир (Қиёмат кунидир).**

<sup>164</sup> Яъни, Диндан чиқмаган, кофир бўлмаган мубтадеъ тоифалар.

<sup>165</sup> Аслида Аллоҳ таоло иймон келтирган зотларни "мусулмон" деб номлаган эди:

{هُوَ سَمَّاکُمُ الْمُسْلِمِينَ مِنْ قَبْلٍ وَفِي هَذَا} الحج ٧٨ .

**(Аллоҳнинг) ўзи сизларни илгари (ги муқаддас китобларида) ҳам, мана шу (Қуръонда) ҳам мусулмонлар (яъни Ўзининг динига бўйинсуувчилар) деб атади. Ҳаж сураси 78-оят.**

Росулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам ва саҳоблар йўлига очиқ мухолиф фирмалар пайдо бўлганидан кейин бу номнинг ўзи кифоя эмас эди.

٦٦٦ منهاج السنة النبوية. المؤلف: أحمد بن عبد الحليم بن تيمية: ٦٠١٢ .

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхұмонинг: "Юзи оқ бўладиган инсонлар Аҳли сунна валжамоадир. Юзи қора бўладиганлар эса Аҳлулбидъ ва залолат эгаларидир", деб айтганлари ривоят қилинган<sup>167</sup>.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхұмонинг бундай деганлари ҳам ривоят қилинган: "Мусҳаф-Қуръонга назар солиш ибодатdir. Суннатга чақирадиган, бадъатдан қайтарадиган аҳли сунна олимларига қарашибодатdir"<sup>168</sup>.

Тобеинлар даврида Пайғамбаримиз ва саҳобалар йўлига ҳақиқий эргашганлар "Аҳли сунна валжамоа" деб номланиши маъруф, машҳур эди.

Мұхаммад ибн Сирийн<sup>169</sup> роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: "Илгари ҳадиснинг санади (ривоят қилувчиларнинг исми) сўралмас эди. Фитналар бошланганидан кейин ҳадиснинг санадини сўрайдиган бўлишди. Ривоят қилувчилар Аҳли сунна бўлса ҳадисни қабул қилишар, бидъат аҳли ривоят қилган бўлса қабул қилишмас эди"<sup>170</sup>.

Сайд ибн Жубайр<sup>171</sup> роҳимаҳуллоҳ ушбу:

{وَإِنْ لَفَّاْرٌ لِمَنْ تَابَ وَأَمْنَ وَعَمِلَ صَالِحًا مُمْ اهْتَدَى} طه: ۸۲

**Ва Мен тавба қилган, ҳамда иймон келтириб яхши амаллар қилган, сўнgra Ҳидоятда бўлган кишиларни мағфират қилгувчиидирман.**

оят тафсирида: "**Ҳидоятда бўлган кишилар**" Суннат ва жамоатда бўлган инсонлардир (яъни: Аҳли сунна валжамоадир) ", деб айтганлар<sup>172</sup>.

Айюб ас-Сухтиёний<sup>173</sup> роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар: "Аҳли суннадан бўлган бир инсонни вафот этганини эшитсан гўёки бир аъзоимни йўқотгандай бўламан"<sup>174</sup>.

<sup>167</sup> شرح أصول اعتقاد أهل السنة والجماعة لللاكتاني "١١٢". وتاريخ جرجان لأبي القاسم الجرجاني ص ١٣٢ . تفسير القرآن العظيم. لابن كثير.

<sup>168</sup> الكتاب : الإبانة عن شريعة الفرقة الناجية. لابن بطة العكبري.

<sup>169</sup> Мұхаммад ибн Сирийн роҳимаҳуллоҳ улуғ тобеинлардан, Анас ибн Молик розияллоҳу анхұ билан кўп бирга бўлганлар.

<sup>170</sup> صحيح مسلم: (المقدمة) ١١١

<sup>171</sup> Саиъд ибн Жубайр роҳимаҳуллоҳ улуғ тобеинлардан, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхұмонинг шогирдларидан бўлганлар.

<sup>172</sup> تفسير القرآن العظيم لابن أبي حاتم. معلم التنزيل للبغوي. تفسير القرآن العظيم لابن كثير وقال رُوِيَّ نحْوَهُ عَنْ مُجَاهِدٍ، وَضَحَّاكٍ، وَغَيْرٍ وَاحِدٍ مِنَ السَّلْفِ.

<sup>173</sup> Айюб ас-Сухтиёний роҳимаҳуллоҳ буюк олим, тобеинлардан.

<sup>174</sup> شرح أصول اعتقاد أهل السنة والجماعة: ٦٦١(٦٧-٦٦١) لللاكتاني (المتوفى: ١٨ هـ).

Суфён ас-Саврий роҳимаҳуллоҳ (ихтилофлар кўпайган вақтда) шундай деганлар: "Агар мағриб ёки машриқда суннат аҳлидан бирортаси бор эканини билсанг уларга салом айтиб, дуо қилгин! Аҳли сунна валжамоа бўлганлар кам қолди"<sup>175</sup>.

## **2- Аҳли сунна валжамоага мухолиф бўлган фирмалар<sup>176</sup>.**

**1)** Ислом тарихида пайдо бўлган фирмаларнинг адашишлиги бир биридан катта фарқ қилган.

Баъзи фирмалар адашишлиги қаттиқ бўлганидан, кофир деб ҳукм қилинган<sup>177</sup> ва адашган етмш икки фирмага ҳам кирмаслиги айтилган<sup>178</sup>.

Баъзи фирмалар кофир ёки кофир эмаслиги, етмиш икки фирмага кириш ёки кирмаслиги ҳақида салафлардан турли ривоятлар ворид бўлган.

Баъзи фирмалар диндан чиқмаган, мубтадеъ тоифа деб билинган ва уларнинг Аҳли сунна валжамоа йўлига мухолифлиги бир биридан катта фарқ қилган.

Баъзилар эса ўзларини Аҳли сунна валжамоага нисбатлаб, салаф солиҳлар йўлига эргашибни хоҳлаб, оз ёки кўп масалаларда Аҳли сунна валжамоага мухолиф эътиқодга тушиб қолган.

**2)** Адашган фирмалар бир биридан катта фарқ қилгани учун, Аҳли сунна валжамоа уламолари ҳар бир фирманинг залолатига яраша ҳукм қилишган.

Баъзи фирмаларни бутунлай кофир деб айтишган.

Баъзи фирмаларни қуфрий эътиқодлари бўлса ҳам, ўша тоифага мансуб бўлган ҳар бир муайян шахсни такфир қилишмаган. Балки кимда такфир шартлари топилиб, монелари қолмаган бўлса кофир деб ҳукм қилишган<sup>179</sup>. Аммо кимда такфир шартлари топилмаган, монелар мавжуд бўлса такфир қилишмаган.<sup>180</sup>

Баъзи фирмаларни мубтадеъ деб ҳукм қилишган ва мубтадеъ тоифларнинг Аҳли сунна валжамоага мухолифлиги бир биридан катта фарқ қилган.

---

<sup>175</sup> شرح أصول اعتقاد أهل السنة والجماعة: (٢١١) (١).

<sup>176</sup> Ислом тарихида вужудга келган фирмалар ҳақида батафсил гапириш алоҳида боб. Бу ўринда мавзуйимиз тушунарли бўлиши учунгина тўхталяпмиз.

<sup>177</sup> Абдуллоҳ ибн Сабанинг тоифаси каби.

<sup>178</sup> Яъни, Исломга мансуб эмас деб эътибор қилинган.

<sup>179</sup> Такфир шартлари ва монелари ҳақида, шунингдек такфирул мутлақ (бир амални умумий қуфр деб айтиш) ва такфирул муайян (муайян бир шахсни кофир деб ҳукм қилиш) ҳақида кейинги бобларда сўз юритилади (Инша Аллоҳ).

<sup>180</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ١٢ | ٤٨٤ - ٤٩٢.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керак-ки, мубтадеъ тоифаларни мазаммат қилиб айтилган сўзлар ўша тоифага мансуб бўлганларнинг ҳар бирига тегишли бўлавермайди<sup>181</sup>. Балки эътиборли таъвили<sup>182</sup> бор бўлганлар узрли бўлади<sup>183</sup>.

Шунингдек, Аҳли сунна валжамоани нажот топувчи фирмә деб айтар эканмиз, уларга мухолиф бўлганларнинг ҳар бири нажот топмайди деб айтилмайди. Балки (эътиборли таъвил каби турли) узрлар сабаб хато эътиқод мағфур бўлиши умид қилинади<sup>184</sup>.

**3)** Айрим уламолар (салаф солиҳларга катта эҳтиром кўрсатиб, уларнинг йўлини тутишни мақсад қилиб, Қуръон ва ҳадисга, салаф солиҳлар йўлига мухолиф бўлаётганларини билмай) таъвил сабаб баъзи масалаларда Аҳли сунна валжамоага мухолиф эътиқодга тушиб қолишган.

Мана шундай ҳолатда<sup>185</sup> Аҳли сунна валжамоа уламоларининг мавқифини тўғри тушуниб олинмаса икки қарама қарши фикрда бўлиб қолинади:

Биринчи тараф:

<sup>181</sup> Яъни, Бир тоифага умумий (тоифа нуқтаи назаридан) ҳукм бериш билан, ўша тоифага мансуб бўлганларнинг ҳар бирига ҳукм қилишнинг орасидаги фарқ.

<sup>182</sup> Эътиборли таъвил алоҳида сўз юритиладиган масала.

Бу ерда умумий тушунча ҳосил бўлиш учун қисқача айтадиган бўлсак:

Баъзилар оят-ҳадисларни тўғри тушуна олмаганидан, салафларнинг эътиқодидан бехабар бўлгани учун Аллоҳни улуғлайман, Аллоҳни розилигини оламан деган мақсадда, оят-ҳадисларга очик-ойдин қарши чиқмай, балки баъзи далилларга суюниб бидъат эътиқодларга тушиб қолиш.

Бундайлар ўша бидъат эътиқодни тўғри деб билади, бу эътиқодда бўлмасликни адашишлик деб билади.

<sup>183</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ٤٨٤١٢ .

<sup>184</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ١٧٩١٣ . الكتاب: مجموع الفتاوى: ٢٣١١٣ .

<sup>184</sup> أخرجه ابن ماجه: برقم ٣٩٩٢، وأبو داود برقم ٤٥٩٦ . وإمام أحمد في مسنده (١٦٩٣٧). سنن الترمذى: (٢٦٤١).

Ҳадисларда келган "Етмш икки фирмә дўзахда бўлиб, фақат бир фирмә нажот топади" деган жумлани баъзи муҳаддислар ҳасан ҳадис деб айтишган.

Бу жумланинг маъноси адашган етмш икки фирмәнинг ҳаммаси дўзахга киради дегани эмас. Балки ҳадисдан мақсад – Ҳақ эътиқодга мухолиф бўлганлар таҳдид остида бўлади. Уларнинг хато эътиқодлари турли сабаблар билан мағфират бўлиши мумкин. Ҳадис зикр қилинган ана шу маънода эканини Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ баён қилганлар ва бир қанча далиллар зикр қилганлар.

<sup>185</sup> منهاج السنة النبوية - ابن تيمية . ٢٤٩١٥ - ٢٥٠ .

Яъни, Аҳли суннага нисбатланиб хато эътиқодга тушиб қолган баъзи уламолар ҳақида аҳли сунна имомлари нима дейишлари.

Уларнинг<sup>186</sup> тақвони, илмлари ва Исломга қилган катта хизматларини кўриб, (Аҳли суннага мухолиф бўлган) баъзи бир нотўғри эътиқодларини ҳам тўғри деб биладилар<sup>187</sup>.

Иккинчи тараф:

Ундаи олимларнинг хато эътиқодларига қараб, Исломга қилган барча хизматларини йўққа чиқарадилар.

Бу ҳолатда эътибор бериш керак бўлган нуқта шу-ки<sup>188</sup>:

Бир бидъат эътиқод ҳақида гапириш билан, ўша эътиқодда бўлган муайян шахс ҳақида гапиришни фарқлаб олиш керак.

Аҳли сунна эътиқодига мухолиф, ботил эътиқодлар инкор қилиниб, ҳақ баён қилинади. Бидъат эътиқодлар мусулмонларнинг дин ва дунёларига қанчалик хатарли бўлса шунга яраша рад қилинади<sup>189</sup>.

Аммо бидъат эътиқодда бўлган муайян шахс ҳақида гапирилгандা унинг ўзига алоҳида баҳо берилади.

Бир инсон суннатни улуғлаб, саҳобаларни ҳақ деб билиб, салаф-солиҳларга эргашишни мақсад қилиб, бидъат эътиқодлар кенг тарқалгани сабаб салафлар эътиқодига мухолиф эътиқодда бўлиб қолган бўлса ва у ўзининг ўша эътиқодини ҳақ, шу эътиқодда бўлиш Аллоҳни улуғлаш, Аллоҳнинг динига амал қилиш деб билган бўлса бундай инсонларни (таъвили сабаб) бидъат эътиқодлари мағфур бўлиши умид қилинади.

Агар инсон ана шундай ҳолатда бидъат эътиқодга тушиб қолган бўлса, лекин шу билан бирга Исломга ва мусулмонларга кўп хизмат қилган, кофир ва золимларга қарши курашган, мазлум мусулмонларни ҳимоя қилган бўлса (унинг бидъати мағфур бўлиши умид қилинганидек) қилган солиҳ амалларига яраша юқори даражаларга эришиши умид қилинади<sup>190</sup>.

---

<sup>186</sup> Яъни, Исломга ва мусулмонларга катта хизмат қилган, қуфр ва зулмга қарши курашган, шу каби хизматлари билан мусулмонлар орасида катта обрўга эга бўлган уламолар.

<sup>187</sup> Яъни, Базилар салаф солиҳлар эътиқодини билмайди ва Исломга катта хизмат қилган олимларни салафлар эътиқодига мухолиф бўлмайди деб ўйлади. Оқибатда, баъзи олимларнинг хато эътиқодини ҳам тўғри деб билади.

<sup>188</sup> Бу ўринда бир масалани яхши тушуниб олиш керак:

Аллоҳнинг хузуридаги тўғри эътиқод Росулуллоҳ (соплаллоҳ алайҳи васаллам) ва у кишининг асҳоблари бўлган эътиқоддир. Мана шу Аҳли сунна валжамоа эътиқоди.

Тўғри эътиқод билан ботил эътиқодни ўлчаш мезони Пайғамбаримиз ва саҳобалар эътиқодидир. Ким уларга мувофиқ бўлса унинг эътиқоди тўғри, ким уларга мухолиф бўлса унинг эътиқоди (мухолифлигига яраша) хато, ботил.

Аммо муайян шахсларга баҳо бериш алоҳида масала, (инша Аллоҳ) қуйида зикр қилинади.

<sup>189</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ٢٣٢-٢٣١ /٢٨ .

<sup>190</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ١٧٩١٣ . الكتاب: مجموع الفتاوى: ٤٧٦١٢٧ .

Инсон модоми-ки Ислом доирасида қолар экан унинг солиҳ амаллари эътиборли бўлиб қолаверади<sup>191</sup>.

Инсоннинг дунё ва охиратдаги қадри икки нарса билан ўлчанади:

Биринчиси: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эътиқод, сўз ва амалларда мувофиқ бўлиши.

Иккинчиси: Исломга ва мусулмонларга қилган хизмати, кофир ва муноғиқларга қарши курашиши, золимларнинг зулмидан қайтариб, мазлум мусулмонларни ҳимоя қилиши, фосиқ-фожирларни динга қайтариши...

Мусулмон киши Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишда (турли узрлар сабаб) баъзи нуқсонларга йўл қўйса-ю, лекин Исломга ва мусулмонларга катта хизматлар қилган бўлса, кофир ва золимларга қарши курашган бўлса, унинг барча амалларига яраша баҳо берилади<sup>192</sup>.

### **3- Аҳли сунна валжамоага мухолиф бўлганларга рад бериш<sup>193</sup>.**

**1)** Аҳли сунна валжамоага мухолиф тоифаларнинг залолати бир биридан катта фарқ қиласа ва уларга рад бериш ҳам шунга қараб бўлади.

Куфр-ширк амаллари бўлган ёки ўзларини Аҳли сунна валжамоадан деб билмайдиган, салаф-солиҳларни мазаммат қиладиган фирмаларнинг залолати (Алҳамдуиллаҳ) мусулмонларга маълум. Қай бир минтақада шундай тоифаларнинг таъсири сезилаётган бўлса, уларнинг ҳақиқати, залолати ва куфрий эътиқодлари баён қилиниши керак. Аммо, ўзларини Аҳли сунна валжамоага нисбатлайдиган, салаф-солиҳларни улуғлайдиган, лекин (эътиборли таъвил билан) салаф-солиҳларга баъзи эътиқодий масалаларда мухолиф бўлган тоифаларга рад бериш мураккаб.

Бунинг мураккаблиги салафлар эътиқоди ноаниқ бўлганидан эмас ёки мухолиф бўлганларнинг бидъатлари ноаниқ бўлганидан ҳам эмас. Балки, рад беришнинг ортидан келадиган мафсада ва маслаҳани тақдир қилаолмаслик

---

<sup>191</sup> Инсон қачон (катта ширк, катта куфр амал қилса ва унда тақfir шартлари топилиб, монелар қолмай) Ислом доирасидан чиқиб кофир-мушрик бўлса қилган яхши амаллари ҳабата бўлади. Агар тавба қилмай дунёдан ўтса, қилган яхшиликлари охиратда манфаат бермайди, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қиласи ва жаҳаннамда абадий қолади.

Нисо сураси 48-оят, Зумар сураси 65-оят, Моида сураси 72-оят, Фурқон сураси 23-оят, Аъроф сураси 50-оят, Аҳзоб сураси 65-оят...

<sup>192</sup> Худди шунингдек, бир инсонга илм берилган бўлса, у ўз илмини дин ва мусулмонлар хизмати учун сарфламаса, балки золимлар учун хизмат қилса ўшанга яраша баҳо берилади.

<sup>193</sup> Бу ерда, мухолиф тоифага рад бериш одобларини -Илм, ихлос, инсоф, адолат, холислик каби одобларни- баён қилиш мақсад қилинмаган. Балки мавзуйимиз (Ихтилофлар боби)га тааллуқли бўлган ўринларга қисқача тўхталяпти.

жиҳатидан мураккабдир<sup>194</sup>. Шунингдек, "Фиқхул авлавият"<sup>195</sup> ни тўғри тушуна олмаслик жиҳатидан мураккабдир<sup>196</sup>.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: "Инсон яхшиликтан ажрата олишнинг ўзи билан оқил бўла олмайди. Балки оқил инсон икки яхшиликтан энг яхшисини, икки ёмонликдан энг ёмонини ажрата олган кишидир"<sup>197</sup>.

"Шариат – яхшиликларни рўёбга чиқариб, комил қилиш учун, ёмонликларни кетказиб, камайтириш учун нозил бўлган.

Бизлар икки яхшиликтан (агар иккисини қилиш имкони бўлмаса) энг яхшисини қилишга ва икки ёмонликдан (агар иккисини даф қилиш имкони бўлмаса) энг ёмонини даф қилишга буюрилганмиз"<sup>198</sup>.

**2)** Исломда мұқаррар бўлган қоидалардан<sup>199</sup> мусулмон киши икки яхшилик қаршисида турган бўлса ва бу икки яхшиликтан фақат биттасини қилиш имкони бўлса, яхшилиги кўпроқ бўлганини қиласди ва яхшилиги камроқ бўлганини қолдиради.

Худди шунингдек, икки ёмонлик қаршисида турган бўлса ва бу икки ёмонликнинг фақат биттасидан четлана оладиган бўлса, ёмонлиги оз бўлганини қилиб, ёмонлиги кўп бўлганидан четланади<sup>200</sup>.

<sup>194</sup> Яъни, Фойда ва зарарни ўлчай олмаслик.

<sup>195</sup> Аввал бошлаш керак бўлган ишлар.

<sup>196</sup> Бу ерда айтилаётган ҳолат – Аҳли сунна валжамоага нисбатланган Ислом ўлкаларида омма мусулмонлар (Алҳамдулиллаҳ) Аҳли сунна валжамоа эътиқодига мухолиф эътиқодда эмаслар. Чунки омма мусулмонлар Қуръон ва ҳадисни ўқийдилар (ўйларига ботил фикрлар келмасдан) оят ва ҳадисларнинг зоҳирига иймон келтирадилар. Аҳли қаломларнинг мантиқий-фалсафий гапларидан узоқлар. Аммо салаф солихлар эътиқодига мухолиф бўлган эътиқодалар ошкор тарқалаётган бўлса, бу бошқа ҳолат.

<sup>197</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ٥٤١٢٠ .

<sup>198</sup> الكتاب: مجموع الفتاوى: ٢٣٤١٣٠ .

<sup>199</sup> شرح الكوکب المنیر لابن النجار: ٤٧٤ . والأشیاء والناظر: للسکی (ص: ٨٧). وشرح القراءع الفقہیة لأحمد بن محمد الزرقا: (ص: ٢٠١). والقواعد الفقہیة وتطبیقاتها فی المذاہب الاربعة لمحمد مصطفی‌الزحیلی: ٢٣٩-٢٣٦١١ .

<sup>200</sup> Яъни, Мусулмон киши икки яхшиликтан қаршисида турибди. Бу икки яхшиликтни бир вақтда қилиш имконсиз, бирини қилиб бўлганидан кейин иккинчисини қилишнинг ҳам имкони йўқ. Мана шундай ҳолатда яхшилиги кўпроқ бўлгани қилинади ва яхшилиги камроқ бўлгани қолдирилади. Икки ёмонлик қаршисида турган бўлса шундай.

Бунга мисол:

Жума ёки ҳайит намозини мубтадеъ имомнинг орқасида ўқиш.

Уламолар бидъатга даъват қилувчи мубтадеъ имом ортида намоз ўқишдан қайтаришган. Аммо жума ёки ҳайит намозини ўқиш учун мубтадеъ имомдан бошқаси йўқ бўлса, мубтадеъ имомнинг ортида бўлса ҳам ўқиш керак бўлади.

Чунки мубтадеъ имомнинг ортида намоз ўқишдан жума ёки ҳайит намозини қолдириш ёмонроқ.

مجموع الفتاوى: ٣٤٤-٣٤٢١٢٣ .

Мана шу қоидага күра Ахли сунна валжамоага нисбатланиб, лекин баъзи эътиқодий масалаларда мухолиф бўлганларга рад бераётганда воқеликка (мусулмонларни умумий ҳолатига ва Исломга қарши бўлаётган душманчиликка) тўғри баҳо бера олиш шарт<sup>201</sup>.

---

<sup>201</sup> Воқелик тўғри таҳлил қилинмай хатога тушиб қолинадиган ҳолатлардан:

Исломга қарши бўлганлар, дин аҳкомларига нафрат билан қарайдиганлар, мусулмонларни ёмон кўрадиганлар, Аллоҳнинг динидан тўсувчилар қаршисида турилганда (Ахли сунна валжамоага нисбатланган) илмилар ўзларига энг яқин бўлган тоифаларга рад бериш билан машғул бўлиб, дин душманларига қарши туришдан чалғиб қолиш...

Кофир ва золимлар тарафидан мусулмонлар тазийқа учраган ёки уй-жойларидан айрилган, бош панасиз қолган вақтларида мазлумларни ҳимоя қилишдан чалғиб, яқин деб билинган тоифаларга рад бериш билан машғул бўлиш...

Мусулмонлар камчилик бўлиб атроф кофир-динсизларга, диндан узоқ жоҳилларга ёки фосиқ-фожирларга тўлиб-тошган вақтларда одамларни Аллоҳнинг динига қайтаришдан чалғиб, ўзимизга яқинроқ бўлганларга рад бериш билан машғул бўлиш...

Исломга қарши куфрға, дин тарқ қилишга чақирадиган фикрий курашлар кўпайган вақтда, уларга қарши турмасдан, ўзимизга яқин бўлганларга рад бериш билан овора бўлиб қолиш...

Исломга қарши бўлганлар ёки салаф-солиҳларга адovat қилувчилар кўз ўнгida ўзимизга яқин бўлган тоифаларга ошкора рад бериш. Бунинг оқибатида бир бирига яқин бўлган икки тоифа ҳақиқий душман олдида хунук ҳолатда қолиши...

Мана шундай ҳолатларни тўғри таҳлил қилиш, воқеликка тўғри баҳо бериш жуда муҳим.

Ислом олами ҳар тарафдан ҳамлага учраб турган вақтда ахли суннага энг яқин бўлган тоифалар билан катта хилофга киришиш душман орзусини рўёбга чиқишига хизмат қилиши мумкин.

Ҳар қандай жиҳат (давлат, гуруҳ...) ўз душманини мағлуб қилиш учун қўллайдиган услубларнинг энг биринчиси душман сафида ихтилоф чиқаришdir. Бунинг учун душман орасида ихтилоф чиқиши мумкин бўлган мавзуларни кўтариб, фитна қўзғашга ҳаракат қилинган.

Тарихни билган Ислом душманлари ҳам ихтилоф чиқиши мумкин бўлган нуқталарни ҳеч эътиборсиз қолдирмаганлар.

Баъзан мусулмонлар орасида даъват, илм тарқалиб солиҳ мусулмонлар кўпая бошлиганда, Исломга ғарази бўлганлар ўшандай ихтилофларни кўтарадилар. Оқибатда мусмонлар ўзаро ихтилофларга киришиб қоладилар ва ҳали тарқалиб улгурмаган даъват бешигида йўқолади.

Баъзан Ислом очиқ курашиб мақсадга етиб бўлмаслигини тушунган Ислом душманлари бошқа йўл тутадилар ва ихтилоф чиқиши мумкин бўлган нуқталарни қўзғайдилар (ёки мавжуд бўлган ихтилофларни авж олдирадилар ёки янги фирмалар вужудга келишига шароит яратадилар ёки аслида бўлмаган фирмаларни бор қилиб кўрсатадилар). Уларнинг бу режаларини рўёбга чиқишига баъзи мусулмонлар соддалик қилиб, баъзилар жоҳиллик қилиб, баъзилар (Исломга ва мусулмонларга) хиёнат қилиб хизмат қиладилар. Оқибатда бир бирига адovat қилувчи фирмалар вужудга келади. Бу ҳолатни ғанимат билган душман, ўзини Исломга ва мусулмонларга эмас, балки муайян бир фирмага қарши қилиб кўрсатади. Ўша фирмага курашиш баҳонасида Исломга қарши курашади ва солиҳ мусулмонларга қаттиқ тазийқ ўтказади. (Мана шундай услубларни қўллаб) Ислом билан куфр, иймон билан нифоқ, адолат билан зулм орасидаги курашни бошқа суратга (Ислом тарихида илгаридан бор бўлиб келган ихтилофлар суратига) олиб чиқадилар.

Салаф-солиҳлар ва уларга эргашган аҳли сунна валжамоа уламоларининг муҳолиф билан бўлган мавқифларида маслаҳа ва мағсада жуда яхши риоя қилинган. Улар курашни энг аввало Исломга ва мусулмонларга хавф-хатари қаттиқ бўлган тоифалардан бошлашган.

### **3-қисм: Ҳукмдорлар ва амир-умаролар орасида бўлган ихтилофлар.**

Мусулмон умаролар орасидаги ихтилофлар икки турли бўлган:

1- Икки тараф ҳам Ислом умматига яхшилик олиб келиш мақсадида бўлган. Улар қилаётган ишларини тўғри деб билганлар ва ҳукуматга келишлари мусумонлар учун яхшилик олиб келади деб ўйлаганлар. Лекин баъзилар яхшиликни мақсад қилган бўлсалар ҳам хато қилганлар.

Ислом аввалида умаролар орасида содир бўлган ихтилофларнинг аксари мана шундай ижтиҳоддан келиб чиқиб содир бўлган<sup>202</sup>.

2- Кейинги вақтларда Ислом ҳукмдорлари, амир-умаролар орасидаги ихтилофларнинг аксари дунё, мол-мулк ва ҳукуматга эгалик қилиш учун бўлган.

Энг ачинарлиси, кофиirlар Ислом сарҳадларига ҳамла солиб турган вақтда ҳам умаролар орасидаги ихтилофлар тўхтамаган. Балки, баъзи ҳукмдорлар мусулмонларга қарши кофиirlарни қўзғашган ёки мусулмонларга қарши кофиirlardan ёрдам сўрашган. Бундан ҳам даҳшатлиси, мусулмонларга қарши кофиirlarغا ёрдам бериш даражасигача боришган.

Бундай ҳукмдорлар кофиirlar билан тил бириктириб мақсадларига етганлар<sup>203</sup>. Аммо оз фурсат ўтмай ўзлари ҳам (қўл остиларидаги Ислом ўлкалари ҳам) кофиirlar қўлида топталган.

Мана шу (қаттиқ аянчли) ҳолат деярли барча Исломий давлатларнинг кофиirlar томонидан истеъло қилинишида қайта-қайta содир бўлган.

Савбон розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَىٰ لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارقَهَا وَمَغَارِبَهَا وَإِنَّ أَمَّتَيْ سَيِّلَعُ مُلْكُهَا مَا رُوِيَ لِي مِنْهَا وَأُعْطِيَتُ الْكَنْزَيْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ وَلِيَ سَأَلْتُ رَبِّي لِأَمْتَيْ أَنْ لَا يُهْلِكَهَا بِسَنَةٍ بِعَامَةٍ وَأَنْ لَا يُسْلِطَ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ سَوَى أَنفُسِهِمْ فَيَسْتَبِعُهُمْ بَيْضَتَهُمْ وَإِنَّ رَبِّي قَالَ يَا مُحَمَّدُ إِنِّي إِذَا قَضَيْتُ قَضَاءً فَإِنَّهُ لَا يُرَدُّ وَإِنِّي أَعْطَيْتُكَ لَأُمَّتِكَ أَنْ لَا أُهْلِكَهُمْ بِسَنَةٍ بِعَامَةٍ وَأَنْ لَا أُسْلِطَ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ سَوَى أَنفُسِهِمْ يَسْتَبِعُهُمْ بَيْضَتَهُمْ وَلَوِ اجْتَمَعَ عَلَيْهِمْ مَنْ يَا قَطَارِهَا حَتَّىٰ يَكُونَ بَعْضُهُمْ يُهْلِكُ بَعْضًا وَيَسْبِي بَعْضُهُمْ بَعْضًا»<sup>204</sup>.

Аллоҳ таоло барча мусулмонларни душман ҳийласидан асрасин!

<sup>202</sup> Бундай ҳолатда ижтиҳод қилиб хато қилганларнинг хатолари (инша Аллоҳ) мағфур.

<sup>203</sup> Яъни, ўзларига рақобатчи деб билган мусулмон ҳукмдорлардан қутилганлар.

<sup>204</sup> صحیح مسلم: (۲۸۸۹).

**"Аллоҳ таоло Ерни йиғиб менга кўрсатди<sup>205</sup>. Мен машриқ ва Мағрибни кўрдим. Умматимнинг ҳукмронлиги менга кўрсатилган жойларгача етади<sup>206</sup>.**

**Аллоҳ таоло менга икки -қизил ва оқ<sup>207</sup>- ҳазинани берди.**

**Мен Роббимдан умматим учун (ушбу нарсаларни сўрадим):**

**Умматимни қурғоқчилик ва очарчилик билан ҳалок қилмаслигини ва ўзга душман умматим устига ҳукмрон бўлиб олиб, барчани хору-зор қилмаслигини сўрадим.**

**Роббим менга деди: "Эй Мұхаммад, Мен бир нарсани (бўлади деб) ҳукм қилсам, уни ҳеч ким рад қила олмайди. Мен сизга умматиз учун (сўраган нарсангизни) бердим.**

**Умматингизни қурғоқчилик ва очарчилик билан ҳалокатга учратмайман. Умматингизни барчасини хору-зор қиладиган ўзга душманни умматингиз устига ҳукмрон қилиб қўймайман, агарда душман хар тарафдан жамланиб келадиган бўлса ҳам.**

**(Ўзга душман умматингиз устида ҳукмрон бўлолмайди) ҳатто умматингизнинг баъзиси баъзиларини ҳалок қилмагунича ва баъзилари баъзиларини асир олмагунича (агар бу ишлар умматингиз орасида содир бўлса ўзга душман ҳукмрон бўла олади).**

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: "Ислом уммати орасида - уламолар, умаролар ва обрў-эътиборли кишилар- орасидан содир бўлган тафриқа-ихтилофлар уммат устига душманни ҳукмрон қилиб қўйди"<sup>208</sup>.

Исломий давлатлар ихтилофлар (ва бошқа яна бир қанча омиллар<sup>209</sup>) сабаб қулатилганидан кейин ҳам уммат орасидаги ихтилоф ва тафриқлар, бунинг ортидан бир бирига бўлган адоват тўхтамади.

Баъзи ихтилоф ва тафриқлар дунё учун...

Баъзи ихтилоф ва тафриқлар (тафриқа қилиш жоиз бўлмаган) ижтиҳодий-фиқий масалаларда...

Баъзи ихтилофлар дин асосларида (эътиқодий масалаларда) бўлса ҳам, лекин маслаҳа-мафсадага риоя қилинмади.

---

<sup>205</sup> Яъни, Тушларида кўрдилар ёки ўнгларида кўрган бўлишлари ҳам мумкин.

<sup>206</sup> Яъни, Исломий фатҳлар машриқ ва мағрибача етиб боради.

<sup>207</sup> Яъни, Рум ва форсни фатҳ бўлиши. Чунки уларни бирида қизил олтин кўп эди, иккинчисида оқ кумуш кўп эди.

۴۲۱/۳ مجموع فتاوى:

<sup>209</sup> Юқорида зикр қилинган, қуйида яна зикр қилинадиган омиллар

## **6- Бўлим: Ислом умматига қарши олиб борилган кураш**

Ислом ўлкалари ҳар тарафлама (диний ва дунёвий тарафдан) ортга кетаётган бир вақтда ғарб давлатларида ҳар соҳада инқилобий ўзгаришлар бўлаётган эди. Мана шундай вақтда моддий қуввати кундан кунга ортиб бораётган ғарб-насоро давлатлари исломий ўлкаларга ҳужмни бошлади.

Бу ҳужумлар аввалги Салиб (урushi) юришлари каби фақат қуролли уруш эмас, балки узоқни кўзланган (ва бир неча асрлардан бери давом этиб келаётган) маънавий, маърифий, ахлоқий, фикрий кураш ҳам эди.

### **1- фасл: Салиб юриши.**

Насоро давлатларининг 490 ва 669 ҳижрий (1096 ва 1270 мелодий) йиллар орасида ислом ўлкаларига (хусусан, Фаластиинни истело қилиш учун) қилган урушлари "Салиб (урushi) юриши" деб номланган. Бу юришлар диний уруш бўлгани учун насоро динининг рамзи бўлган салиб (хоч-крест) номи билан номланган .

Насоролар (Рим ва Константинополь черковлари) таъсири остида бўлган Шом, шимолий Африка ва Андалус диёрлари мусулмонлар тарафидан бирин кетин фатҳ қилиниб, янги ўлкалар Ислом давлати остига кирди. Ислом нуфузи кундан кунга ортиб бораётганини кўрган насоро олами мағлубиятни ҳис қилган эди.

Мусулмонларнинг моддий ва маънавий юксак қувватига гувоҳ бўлиб турган насоролар бой берилган ўлкаларини қайтариб олишни эмас, балки охириги ҳудудларини ҳимоя қилишни ўйлаб қолган эдилар. Уларни Ислом ўлкаларига ҳужум қилиш учун фурсат пойлашдан бошқа иложилари қолмаган эди.

Мусулмонлар орасида ихтилофлар бошланиб, исломий фатҳлар тўхтаб қолганидан кейин насоролар фурсат келганини тушундилар. Маркази Римда бўлган католиклар Андалус томон, маркази Константинопльда бўлган проваславлар шарқ томон юришни ўйлай бошлашди.

Аббосийлар давлатида ихтилофлар қўпайиб, заифлашиб қолгани ҳеч кимга сир эмас эди. Византия-Константинопль ҳукмдорлари фурсатдан

фойдаланиб, Ислом диёрларига ҳужм қилиш ўйида юрганларида, мусулмонларнинг янги қуввати – салжуқийлар<sup>210</sup> катта майдонга чиқди.

Салжуқийлар қаршилигига учраган Византия (463 ҳижрий – 1071 мелодий йили) Манцикерт<sup>211</sup> деган жойда қаттиқ мағлубиятга учради.

Бу мағлубиятдан кейин Византия императори Михаил VII Рим билан алоқани яхшилаш учун (католик ва проваславлар орасида яхши алоқани ўрнатиш мақсадида) Рим папаси Григорий VII га элчи юборди.

Бу ҳаракатлардан кейин икки черков орасидаги муносабатлар бироз илиқлашган бўлса ҳам, лекин насоро оламига манфаати бўлмади.

Мелодий 1088 (ҳижрий 481) йили Рим папаси бўлган Урбан II катта нуфузга эга бўлиб, бутун Европада сўзи ўтадиган шахсга айланди.

Урбан II Андалусни эгаллаш учун олиб борилаётган урушни бутунлай қўллаб қувватлаб турган бўлса ҳам, лекин Ислом марказига айланган Шом диёрларига ҳужум қилишни муҳимроқ деб билди<sup>212</sup>.

Мелодий 1095 (ҳижрий 489) йили католик насороларининг кенгashi ўтказилди. Кенгашда черков масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш тугашидан бир кун аввал Урбан II нутқ сўзлади. У ўз нутқида бу кенгашдан асосий мақсад Ислом ўлкаларига қарши салиб юришларини бошлаш эканини баён қилди ва Европадаги барча ҳукмдорларни ўзаро ихтилофларни тарк қилишга, барча кучни мусулмонларга қарши йўналтиришга даъват қилди<sup>213</sup>.

Урбан II даъвати билан бошланган насороларнинг биринчи салиб юриши (489 ҳижрий – 1095 мелодий йил) салжуқийлар томонидан даф қилинди. Аммо 493ҳ – 1099м йили насоролар Байтул Муқаддасни ва баъзи шом ўлкаларини истеъло қилдилар ва маҳаллий аҳолини (мусулмон бўлсин, яҳудий бўлсин ёки насоро бўлсин) қирғин қилдилар.

(Аллоҳнинг марҳамати билан) Оз фурсатда Насороларга қарши турадиган мусулмон қоидлари етишиб чиқди. Аллоҳ таоло Имадудин Зинкийни насороларга қарши курашишга ва Ислом ўлкаларини озод қилишга муваффақ қилди. Кейинги салиб юришларини даф қилишга

<sup>210</sup> الدولة السلاجقية الكبرى - ٤٣٢ - ٥٨٣ هـ. ١٠٤٠ - ١١٨٧ م.

<sup>211</sup> Ҳозирги Малазгирд, Туркия.

<sup>212</sup> Чунки бу режа амалга ошса қолган ислом ўлкалари ўз-ўзидан қулайди деб ўйлади.

<sup>213</sup> التاريخ الإسلامي لمحمد شاكر: ٣١٦-٣٤.

Имадудиннинг авлодлари Нуридин Маҳмуд, Сайфуддин Ғозий ва улардан кейин Салоҳиддин Айюбий ва ундан кейинги Айюбийлар ва Мамаликлар<sup>214</sup> муваффақ бўлди. Мусулмонлар 690ҳ (1291м) йилда насоролар эгаллаб олган охирги худудларни ҳам озод қилдилар<sup>215</sup>.

## 2-fasl: Фикрий<sup>216</sup> (қуролсиз) кураш<sup>217</sup>.

Мусулмонларга қарши икки аср давом этган урушлардан кейин, Ислом умматини қуролли курашнинг ўзи билан бутунлай енгиги бўлмаслиги насороларга маълум бўлди. Бу ҳақиқатни тушунган Луюс тўққизинчи ўз халқига васият қилиб кетди. У ўз васиятида мусулмонларни қуролли урушнинг ўзи билан енгиги бўлмаслигини, мусулмонларни енгиш учун уларни диндан узоқлаштириш кераклигини баён қилган эди<sup>218</sup>.

Кейинги асрларда мусулмонларга қарши курашганлар Луюснинг васиятини англаб, фақат қуролли урушга чекланмадилар. Балки, мусулмонларни диний ҳаётдан узоқлаштириш учун барча услубларни қўллашга, ҳатто мусулмон ҳокимларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

<sup>214</sup> الدولة الأيوبيّة (مصر والشام وغيرها) ٥٦٧ - ٦٤٨ هـ. ١١٧١ - ١٢٥٠ م.

<sup>215</sup> الكتاب: موجز التاريخ الإسلامي منذ آدم عليه السلام إلى عصرنا الحاضر: (ص) ٢١٤-٢١٦.

<sup>216</sup> Фикрий курашни фақат фикрларни ўзгартиришга қаратилган кураш деб тушунмаслик керак. Балки фикрий курашдан мақсад: Мусулмонларни динларидан узоқлаштириш учун, Исломий ҳаётни йўқотиш учун олиб борилган қуролсиз кураш.

Бу кураш Исломий эътиқодни, исломий фикр ва ахлоқларини йўқотиб, мусулмонларга ботил эътиқод ва фикрларни, Исломга зид ахлоқ ва одатларни киритишига қаратилган курашdir.

الكتاب: واقعنا المعاصر: ص ١٨٢.

<sup>217</sup> Қуролли курашга рўбарў бўлган халқлар кўпинча бирлашади. Фикрий кураш эса аксинча, бирлашиб турган миллатни ҳам парчаланиб кетишига сабаб бўлади. Кейинги асрларда Ислом умматига қарши олиб борилган фикрий кураш ҳам ана шундай заифлашиб қолган умматни парчаланиб кетишига сабаб бўлди.

<sup>218</sup> Луюс тўққизинчи 644-652 ҳ (1248-1254 м) йиллари бўлган салиб юришига бошчилик қиласди. Унинг қўшини бу урушда мағлуб бўлиб Луюснинг ўзи асирга тушади ва фидя-товон эвазига озод қилинади.

Кўпчилик тарихчи ва тадқиқотчилар фикрига кўра Луюс қамоқда бўлганида нима сабабдан бу ҳолатга тушиб қолгани ва насоролар нима сабабдан мусулмонларга мағлуб бўлаётгани ҳақида чуқур фикр юритади.

Асириқдан озод бўлиб юртига қайтгач мусулмонларга қарши бўлган қуролли курашлар нима сабабдан натижасиз тугагани ва мусулмонларни қуролнинг ўзи билан енгиги бўлмаслигини айтади. Мусулмонларни мағлуб қилиш учун уларни Исломдан узоқлаштириш кераклигини, мусулмонларнинг куввати динларида эканини тушуниради.

أوربا الوسطى، التاريخ السياسي د. سعيد عبد الفتاح عاشور ٢٦٥-٢٦٠/١. واقعنا المعاصر: ص ١٨٣.

## Уч босқичдан иборат бўлган фикрий кураш

Исломга қарши олиб борилган фикрий кураш уч босқичдан иборат эди.

1- Аввал мусулмонларни исломдан узоқлаштириш ва шу билан Ислом ўлкаларини заифлаштириш учун қўлланилган фикрий кураш.

2- Исломий давлаттарни истеъло қилиш вақтидаги фикрий кураш.

Яъни: Заифлашиб қолган Исломий давлатларни истеъло қулиш учун олиб борилган қуролли кураш вақтида ёки инқилоблар вақтида давом этган фикрий кураш.

3- Исломий давлатлар құлатилғандан кейин мусулмонларни Исломга қайтиб қолмасликлари учун олиб борилған (үта жиддий) фикрий кураш.

### **3-фасл: Фикрий курашда құлланилған услублар<sup>219</sup>**

## 1-қисм: Кураш услубларини қисқача баёни

- 1) Исломга қарши турли шубҳалар тарқатиш<sup>220</sup>.
  - 2) Мусулмонларни Қуръон ва ҳадисни тұғри тушунишдан, салаф солиҳлар (саҳобалар, тобеинлар...)нинг йўлидан узоклатиши.
  - 3) Мусулмонлар орасида турли фитналар қўзғаш. Маҳаллийчилик, миллатчилик, мазҳабчилик, гурухбозлик ва бундан бошқа ихтилофларга

٢١٩ انظر للتوسيع في هذا الموضع الكتب:

المؤامرة على الإسلام: للشيخ أنور الجندي. أذروا الأساليب الحديثة في مواجهة الإسلام: سعد الدين السيد الصالح. أساليب الغزو الفكري: علي جريشه، و محمد شريف الزبيق. أثر الإيمان في تحصين الأمة الإسلامية ضد الأفكار الهدامة.

<sup>220</sup> Исломга қарши қандай бир шубҳа айтилған бўлса Аллоҳ таоло у шубҳаларни рад қиласидиган олимларни чиқариб қўйди .

Аслида ҳар бир иймон-эътиқодли мүмин Исломга қарши айтилган уйдирмаларни ботил эканини билади. Лекин мусулмонлар орасида илми, иймони заиф бўлганлар ёки янги Ислом қабул қиласанлар ёки энди Ислом қабул қиласанлар мавжуд.

Мана шунинг учун ҳам уламолар Исломга қарши айтилган шубҳаларни рад қилиб келишган ва шубҳаларнинг ботиллигини ҳаммага равshan бўладиган далиллар билан баён қилишган.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилингандан ҳадисда:

يَرِثُ هَذَا الْعِلْمُ مِنْ كُلِّ حَفْيٍ عُدُولَةً، يَتَّقُونَ عَهْدَ تَأْوِيلِ الْجَاهِلِينَ، وَاتِّحَادِ الْمُبْطَلِينَ، وَتَحْرِيفِ الْغَالِبِينَ.

"Бу (диний) илмни ҳар бир янги авлоддан адолатли кишилар эгаллады. Улар (бу илмни сақлаб) жоҳилларнинг таъвилларини (илмсизлик билан тафсир қилишларини), ботил аҳли (далилларни) ўз ботиллари йўлида фойдаланишларини ва (Қуръон ва ҳадисдан четга чиқиб) ғулув кетган (бидъатчиларнинг далилларини ўз ўрнидан бошқа ўринга буриб) таҳриф қилишларини инкор қиласдилар".

السنن الكبير للبيهقي: (برقم: ٢٠٩٥٢).

Аллоҳ таоло Ўз динини мукаммал қилиб нозил қилган экан, демак ҳар қандай ботил аҳлининг шубҳа-үйдирмалариға Қуръон ва ҳадисда раддия бор.

Аллоҳ таоло шундай мараҳмат қилди:

قال الله تعالى {وَلَا يَأْتُونَكَ بِمَثْلِ إِلَّا جِئْنَاهُ بِالْحَقِّ وَأَحْسَنَ تَفْسِيرًا} الفرقان ٣٣

**Улар сизга ҳақни инкор қилиб бирон шубҳа-мисол келтирсалар албатта Биз сизга ҳақ жавобни ва энг гүзал шарҳни келтириб қўйдик. Фурқон сураси 33-оят.**

сабаб бўладиган мавзуларни қўтариб мусулмонлар орасида низолар келтириб чиқариш.

4) Одамларни динга қайтариш учун бўлган даъватларга, ҳамда Исломни тўғри тушунтириш учун бўлган уринишларга йўл бермаслик. Балки ундан уринишларни турли ҳийла-найранглар, фитналар қилиб халқقا ёмон қилиб кўрсатиш.

5) Исломий одоб-ахлоқга бутунлай зид бўлган (кўнгил очар деб номланган) турли масканлар орқали йигит ва қизларнинг ибо-ҳаёсини йўқотиш, исломий одоб-ахлоқлардан узоқлаштириш.

6) Турли оммавий ахборот воситалари орқали ботил фикрлар, фисқу фасод тарқатиш ва ҳақни ботил, ботилни ҳақ қилиб кўрсатиш...<sup>221</sup>

7) Мусулмон фарзандларини таълим олишлари учун ғарб мадрасаларига жўнатиб ёки Ислом ўлкаларида ғарб мадрасаларининг филиалларини очиш орқали исломга зид одоб-ахлоқларни киритиш<sup>222</sup>.

Фикрий курашда қўлланилган бу услубларнинг барчаси Ислом оламига, мусулмон фарзандларига жуда ёмон, қаттиқ тасир қилди.

Исломга қарши қўлланилган бу услубларнинг барчаси мусулмон фарзандлари учун ўта хатарли экани ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса ҳам, охирги услуб (яъни: мусулмон фарзандларини ғарб мадрасаларида ўқитиш) баъзиларда савол уйғотиши мумкин:

Ислом ўлкаларида дунёвий фанлар ортда қолгандан кейин ғарб мадрасаларида таълим олмаса, қаерда талим олади? Ахир Ислом дини дунёвий фанларни ўзлаштиришга тарғиб қилганку!

Бу саволга жавоб беришдан олдин Аллома Мухаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳнинг ғарб илми ва у илмни ўзлаштириш ҳақида айтган сўзларини зикр қилиш ўринли.

---

<sup>221</sup> Кофирлар бундай ҳаракатлари билан Ислом ўлкаларида кўп мақсадларига эришдилар. Авом ҳалқ ўз ораларидан чиқган -динини, миллатини, ватанини ҳимоя қилган- фидойи инсонларни душман деб билди, ҳалқни қирғин қилган ва миллатни хорлаган душманларни эса дўст деб билди.

Бу услуб (турли алдов, ҳийла-найранглар билан ҳақни ботил, ботилни ҳақ қилиб кўрсатиш) шу вақтгача кенг кўлламиб келинди.

<sup>222</sup> У мадрасаларда таълим олган иймони заиф кўпчилик мусулмон фарзандлари иймон-эътиқодларини, исломий одоб-ахлоқларини ўша мадрасаларга ташлаб қайтдилар. Бу ҳам етмагандай Ислом ўлкаларида исломга зид фикрларни тарқатишга катта ҳисса қўшдилар

الكتاب: عودة الحجاب: ٢٥. محمد أحمد إسماعيل المقدم. واقعنا المعاصر: (ص: ١٩٥؛ ٢٣٤-٢٣٧) للشيخ المفکر الإسلامي محمد قطب.

## **2-қисм: Ғарб тараққиётини ўзлаштириш**

Аллома Мұхаммад Амин аш-Шинқитий Марям сураси 76-оят тафсирида бир қанча масалаларни зикр қилиб, олтинчى масалада шундай дедилар: "Хозирги ғарб цивилизация-тараққиётининг фойдали ва зарарли жиҳатлари мавжуд.

Фойдали жиҳати моддий тараққиёт. Ғарб -моддий ҳаётнинг ҳамма жиҳатида эришган- тарраққиётини баён қилишга ҳожат йўқ. Ғарб инсоннинг моддий ҳаётига -инсонни еб-ичадиган бир тана деб эътибор қилиб- жуда катта хизмат қилди.

Ғарб цивилизациясининг зарарли жиҳати инсоннинг руҳий ҳаётини бутунлай эътиборсиз қўйди. Ғарб ҳамма яхшиликларнинг асоси бўлган руҳий тарбия ва покиза ахлоқни ўйлаб ҳам ўтиrmади.

Руҳ тарбияси ва ахлоқларни поклаш фақат осмондан келган<sup>223</sup> ваҳий билан бўлади. Ваҳий инсонга саодат йўлини баён қиласди, дунё ва охиратга тааллуқли бўлган барча ишларда тўғри йўлни кўрсатади. Мана шунга амал қилган инсон ҳамма вақт Роббиси билан алоқада бўлади. Ғарб цивилизация-тараққиёти биринчи жиҳатдан жуда манфаатли<sup>224</sup>, иккинчи жиҳатдан бутунлай зарарли<sup>225</sup>.

Бутун дунёда моддийлик туғёни руҳий ҳаётга жуда хатарли таҳдид соляпти. Моддийлик руҳий ҳаётни таг-туғи билан парчалаб ташлашга қаттиқ ҳужум қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу муаммони ваҳий нурисиз ҳал қилиш мумкин эмас. Бу нур осмонлар ва Ернинг яратувчиси (бўлган Аллоҳ таоло)нинг шариатидир.

Инсон моддийлик ортидан туғёнга кетиб, ўзининг яратувчисига, ризқ берувчисига исён қилса ҳеч қачон нажот топмайди.

Ғарб цивилизация-тараққиётини ўзлаштиришни тўрт қисмга бўлиш мумкин:

- 1- Фойдали жиҳатини ҳам, зарарли жиҳатини ҳам ўзлаштирмаслик.
  - 2- Фойдали жиҳатини ҳам, зарарли жиҳатини ҳам ўзлаштириш.
  - 3- Зарарли жиҳатини ўзлаштириб, фойдали жиҳатини ўзлаштирмаслик.
  - 4- Фойдали жиҳатини ўзлаштириб, зарарли жиҳатини ўзлаштирмаслик.
- Шак-шубҳасиз бу тўрт қисмнинг учтаси ботил(залолат)дир. Уларнинг биттасигина ҳақ ва тўғри ишдир.

---

<sup>223</sup> Яъни, Аллоҳнинг ҳузуридан.

<sup>224</sup> Яъни, инсоннинг тана-жасадига хизмат қилиш жиҳатидан.

<sup>225</sup> Яъни, инсон руҳини, ахлоқини тарбия қилиш жиҳатидан.

Ғарб тараққиётини бутунлай<sup>226</sup> олмаслик нотўғри. Чунки моддий тараққиётга эътибор бермаслик доимий кучсизликка, ялқовликка олиб боради. Шунингдек осмондан келган<sup>227</sup> ушбу ваҳийга ҳам мухолиф:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْنَمِ مِنْ قُوَّةٍ الْأَنْفَالِ: ٦٠ .

**(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч-қувватни тайёрлаб қўйингиз...** Анфол сураси 46-оят.

Ғарб цивилизация-тараққиётини бутунлай<sup>228</sup> олиш ҳам нотўғри. Чунки ғарб цивилизациясидаги ахлоқий инқироз, руҳий қашшоқлик ва инсоният энг олий сифатлардан маҳрум эканини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Ғарб цивилизацияси осмондан келган дастурга исён қилиши ва бу борлиқни яратган зот (Аллоҳ)га итоат қилмайди. Мана шунинг ўзи уларнинг ёмон жиҳати нақадар ёмон эканилигини билишга кифоя.

**«Хабар берингиз-чи, (бундай қилиш учун) сизларга Аллоҳ изн бердими ёки Аллоҳ шаънига бўхтон қилмоқдамисизлар?!»**<sup>229</sup>.

Ғарб цивилизация-тараққиётининг зарарли жиҳатини ўзлаштириб, фойдали жиҳатини ўзлаштирмасликни ботил экани аниқ. Озгина ақли бор инсон ҳам бундай қилмайди.

Демак тўртинчиси – Ғарб цивилизация-тараққиётини фойдали жиҳатини ўзлаштириб, зарарли жиҳатини ўзлаштирмаслик тўғри ишдир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шундай қилганлар. Ҳандақ қазиб ҳимояланишни форслардан ўргангандар...

Аёлнинг эмизикли боласи бўлса, эри билан қўшилишни ман қилмоқчи бўлганлар. Чунки араблар буни болага зарарли деб ўйлашар эди. Форс ва румликлар бу ишни қилишар ва болаларига ҳеч қандай зарар бўлмас эди. Бу хабар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказилганда бу тиббий фойдани олганлар ва ман қилмаганлар.

Ҳижрат қилаётганларида кофир йўл бошловчидан фойдаланганлар.

Юқорида ўтган далиллардан шу маълум бўладики, мусулмонлар ғарб тараққиётига нисбатан қуйдагича муносабатда бўлишлари керак:

Мусулмонлар ғарб эришган моддий тараққиётни ўзлаштиришга ҳаракат қилишлари керак. Шуниндек ғарбни яратувчига исён қилиб содир этган

<sup>226</sup> Яъни, Фойдали жиҳатини ҳам.

<sup>227</sup> Яъни, Етти осмон устида, Арш устида бўлган Аллоҳ таолонинг ваҳийсига.

<sup>228</sup> Яъни, Ёмон жиҳатини ҳам.

<sup>229</sup> Юнус сураси 59-оят.

ўта катта жиноятидан четланишлари шарт. Мана шунда дунё ва охират обод бўлади.

Замонамиздаги кўпчилик мусулмонлар тўрт ҳолатдан энг ёмонини қилишади. Бу жуда ачинарли ҳол.

Фарбдан ахлоқсизлик, диндан узоқлашиш ва Аллоҳнинг тоатидан чиқиши үрганадилар. Дунёда манфаати бўлган моддий тараққиётдан эса ҳеч нарса үрганмайдилар. Оқибатда дунёю охиратда ўта зиёнкор бўлиб қоладилар. Бу эса очик-ойдин зиёндир...

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг сахобалари Аллоҳнинг тоатидан умуман чиқмаган ҳолда, дунёвий ишларда тараққий этишга ҳаракат қилишган... <sup>"230</sup>.

Юқоридаги саволга қайтадиган бўлсак:

Фарб олийгоҳлари кимни нимага таклиф қилаётганини жуда яхши билган эди. Улар шундай тизим яратса олган эдики, Ислом ўлкаларидан борган кўпчилик талабалар ғарбнинг моддий тараққиётини ўзлаштириш ўрнига кўпроқ маънавий қашшоқликни олиб қайтди. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда ғарб олийгоҳларида таҳсил олганларнинг кўпчилиги (хусусан Мисрлик талабалар) Ислом динининг ашаддий душманига айланди<sup>231</sup>. Аммо тараққиёт, дунёвий соҳаларда юксалиш эса ҳеч ўзгармай қолаверди.

### 3-қисм: Аёлларни ҳур бўлишга чақирув<sup>232</sup>.

Аёлларни Ислом динидан узоқлаштириш фикрий курашнинг асосий қисми эди. Ислом душманлари муслима аёлларни диндан, Исломий одоб-ахлоқдан узоқлаштириш учун ўта жиддий ҳаракат қилишди<sup>233</sup>. Уларнинг бу ҳаракатида Ислом ўлкаларидан чиқкан баъзи кимсалар ҳам жонбозлик кўрсатди.

19-20 асрларда араб оламида, хусусан Мисрда "Таҳрирулмарах – аёлларга ҳуррият бериш" ҳаракати бошланди<sup>234</sup>.

Улар энг кўп эътибор қаратган масалалар:

<sup>230</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن (٤١٣-٥٠٦) للشيخ العلامة محمد الأمين الشنقيطي رحمه الله (المتوفى: ١٣٩٣هـ).

<sup>231</sup> واقعنا المعاصر: (ص: ٢٣٤-٢٣٧؛ ١٩٥) للشيخ المفكر الإسلامي محمد قطب رحمه الله.

<sup>232</sup> Уларнинг бундай чақирувдан мақсадлари – Аёлларни Аллоҳ ва Росуулининг буйруқларини бажармасликка ва Аллоҳга қулчилик қилиш ўрнига нафсу ҳавога, шайтонга кул бўлишга чақириш эди.

<sup>233</sup> ينظر للتوضع: "عودة الحجاب" لمحمد أحمد إسماعيل المقدم. والكتاب: "المرأة العربية في جاهليتها وإسلامها" و"تأملات في المرأة والمجتمع" لمحمد المذوب. والكتاب "ماذا عن المرأة" للدكتور نور الدين عتر.

<sup>234</sup> التفاصيل في كتاب المؤامرة على المرأة المسلمة د. السيد أحمد فرج ص ٦٣ وما بعدها. دار الوفاء سنة ١٩٨٥م. كتاب عودة الحجاب الجزء الأول، محمد أحمد بن إسماعيل المقدم.

Аёлларни ҳижобдан воз кечиб, очиқ-сочиқ юришларига чақириш.

Эркаклар билан аёллар ҳар жиҳатлама баробар деган ташвиқот олиб бориш.

Эркакларни битта аёлдан кўпга (тўртта аёлгача) уйланишини йўқ қилиш.

Ҳаётнинг ҳамма жабҳасида аёллар эркаклар билан бирдай иштирок қилишига чақириш, бу орқали аёл ва эркаклар аралаш-қуралаш бўлишига эришиш.

Улар мана шу мақсадларига эриша олдилар.

Ўн уч асрлик Ислом тарихида эркакларнинг давраси ўзларига хос, аёлларининг давраси ўзларига хос бўлиб келган эди. Аёллар ўз давраларидан ташқарига фақат эҳтиёжлари учун, ҳижобларига ўранган ҳолда чиқар эдилар.

Фарб-насоро давлатларининг (фикрий ва аскарий) ҳужумига учраб мағлуб бўлган Ислом ўлкалирида тарихда бўлмаган бузуқликлар содир бўлди. Аёллар очиқ-сочиқ бўлиб, авратларини (фитнали жойларини) номаҳрамларга кўз-кўз қилиб эркаклар даврасига кириб келди.

Ҳамма жойда очиқ-сочиқ аёлларни номаҳрам эркаклар билан аралашиб, ёнма-ён бўлиши одатий ҳолатга айланди. Келажак авлоднинг тарбиячиси бўлган кўпчилик аёллар динини, ҳижобини йўқотиши билан бирга иффатини ҳам йўқотди. Иффатсиз аёлларнинг эрлари, ота ва ака-укалари ғуруридан айрилди.

Номаҳрам эркак-аёлларни аралаш-қуралаш бўлиши қанчалик ёмонликларга сабаб бўлишини инсонлар тушунганида эди?!

Бундай ишлар динга зарар беришидан олдин дунёга, жамиятга қандай ёмонликлар олиб келишини ҳокимлар билганида (хукуматларини сақлаб қолиш учун бўлса ҳам бу ишни) имконлари борича ман қилишган бўлур эди (эркаклар ғурурини, аёллар иффатини йўқотган давлат душманга мағлуб бўлиши табиий ҳол)<sup>235</sup>.

Аёлларни ҳурриятга чақирган кимсалар: муслималарни Исломий одоб-ахлоқдан узоқлатиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишди ва муслима аёлнинг одоб-ахлоқига зид бўлган ҳамма нарсани ташвиқот қилишди.

---

<sup>235</sup> جَرَاسُهُ الْفَضِيلَةُ. لِشِيخِ بَكْرِ بْنِ أَبِي زِيدٍ. الطُّرُقُ الْحُكْمِيَّةُ فِي السُّلْطَانَةِ الشُّرُعِيَّةِ: (ص) ٤٠٨ - ٤٠٩. لَابِنْ قَيْمُ الْجُوزِيَّةِ.

Аллоҳ ва Росулига иймон келтирган муслима аёлларни кофир аёллар билан тенг бўлишга чақириш маликани чўрига, покиза нарсани нажосатга ўхшатиш эди.

Европа аёллари бир неча аср феодал тузуми остида хорликда яшаган, феодал тузуми қулаганидан кейин ахлоқсизлик, динсизлик, моддийликка қул бўлган эди.

Муслима аёллар эса ўзи хоҳиш-иродалари билан Роббилари розилигини олиш учун динларига амал қилиб келган эдилар. Уларни бирор мажбур қилгани учун эмас, балки жаннат учун, абадий саодат учун Аллоҳнинг буйруғини бажарив яшаётган эдилар.

Муслима аёллар ўзларининг табиатига мос ишларни бажарив ёки уй бекаси бўлиб фарзанд тарбияси билан машғул бўлиб, қимматбаҳо гавҳардек бегона кўзлардан сақланиб келган эдилар.

Муслима аёллар ўз қадрларини билган ва Аллоҳ таоло эркакларни куч-қувватда ҳам, ақл-идрокда ҳам, ҳиссиётга берилмаслиқда ҳам, динга амал қилишда ҳам<sup>236</sup> аёллардан устун қилганини эътироф қилиб келган эдилар. Уларнинг оиласидаги муомалалари – оталарига, эрларига итоат қилишлари Аллоҳ ва росулини розилиги учун, Аллоҳга қулчилик қилиш учун эди.

Муслималарни ҳурриятга чақирган дин душманлари, аслида аёлларни ҳур бўлишга эмас, балки Аллоҳга исён қилиб, шайтонга қул бўлишга чақирган эдилар.

Ислом дини эҳтиром қилган ва иззат-ҳурматини ўз ўрнига қўйган муслима аёлларни кофир аёлларига ўхашашга чақириш ҳақиқий хорликка чақириш эди<sup>237</sup>.

Ислом душманлари чақирган ҳурлик аслида баҳтсизликка ва дунёдаги энг катта баҳт – оламларнинг Робби, ёлғиз Аллоҳга қулчилик қилишдан бўйин товлашга чақириқ эди.

Ислом душманлари чақирган ҳурлик дунёдаги энг катта бадбаҳтлик – нафсу ҳавога, шайтонга қул бўлишга чақириқ эди<sup>238</sup>.

---

<sup>236</sup> Яъни, Аёллар узрли ҳолатда ибодат қилмасликлари.

<sup>237</sup> Дарҳақиқат шайтоний бу чақириғни ижобат этган аёллар охиратдан олдин дунёда хорликка учради. Фарб аёлларига ўхашаш орзусида Исломдан узоқлашган аёллар ўтган бир асрда қандай хорликларни бошидан кечирганига тарих гувоҳ.

<sup>238</sup> Дунёдаги ҳақиқий ҳурлик ёлғиз Аллоҳга чинакам қулчилик қилишдир. Шунинг учун Аллоҳ таола Имрон аёлининг қиссасини ҳикоя қилиб шундай деди:

Ислом душманлари аёлнинг жамиятдаги ўрнини<sup>239</sup> чуқур англаганлари учун ҳам аёллар мавзусига жуда қаттиқ эътибор қаратдилар. Буни қаршисида мусулмонлар -Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам огоҳлантириб кетганларига қарамасдан- сусткашлик қилишди<sup>240</sup>.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган әдилар: «**Мендан кейин эркаклар учун аёллардан қаттиқроқ фитна бўлмайди»**<sup>241</sup>.

Абу Саъид Ал-Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «**Дунё** (ўткинчи бўлишига қарамай инсонга) **ширин ва ёқимли** (бўлиб кўринади). **Аллоҳ сизларни қандай амал қилишингизни** (имтиҳон) **қилиш учун** (ўзингиздан олдин ўтганларга) **халифа-ўринбосар қилувчи. Дунё (алдаб қўйиши)**дан эҳтиёт бўлинглар ва аёллар (фитнасига мубтало бўлиш)дан эҳтиёт бўлинглар<sup>242</sup>. Бани Исройлда бошланган энг биринчи фитна-адашишлик аёллар сабабли бўлган эди»<sup>243</sup>.

Бу ҳақиқатни кейинги вақтларда мусулмонлардан кўра кофирлар чуқурроқ тушунди. Шунинг учун Исломга қарши олиб борилган фикрий курашда муслима аёлларни бузишга алоҳида эътибор қаратилди.

---

{إِذْ فَلَتِ امْرَأٌ عِمْرَانَ رَبِّ إِتَيْ نَذَرْتُ لَكَ مَا فِي بَطْنِي مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلَ مِنِي...} آل عمران: ٣٥

Эсланг, Имроннинг аёли деди : «Роббим, мен қорнимдаги ҳомилани ҳур бўлган ҳолида (Сени ибодатингдан машғул қиласидиган барча ишларидан ҳур-озод бўлиб, фақат Сенинг ибодатинг ва байтул қуддуснинг хизмати билан машғул бўлсин деб), Сенга назр қилдим. Бас, (бу назримни Ўз даргоҳингда) қабул эт! Оли Имрон сураси 35-оят.

Оятда, Аллоҳнинг ибодати билан машғул бўлиш ҳурлик деб айтилди.

<sup>239</sup> Хусусан шарқда, мусулмонлар яшайдиган ўлкаларда.

<sup>240</sup> Аёл кишининг ўрни жамиятни бузулишида ҳам, жамиятни ўнгланишида ҳам чексиз. Чунки аёллар келажак авлод тарбиячилариdir. Жамиятни ислоҳ қиласидиган ҳар бир мусулмоннинг онаси, завжаси, опа-синглиси, қизи аёллардир. Уларнинг (яхши ёки ёмон) таъсир ўтказиши ҳаммага аён.

Мана шунинг учун муслима аёллар уммат олдидаги масъулиятларини чуқур ҳис қилишлари керак. Дини учун қайғурадиган ҳар бир муслима аёл жамиятни ислоҳ бўлиши учун, келажак авлод Исломий тарбияда улғайиши учун қўлидан келганича ҳаракат қилиши даркор.

<sup>241</sup> قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَا تَرَكْتُ بَعْدِي فِي النَّاسِ فِتْنَةً أَضَرَّ عَلَى الرِّجَالِ مِنَ النِّسَاءِ». صحيح البخاري: ٥٠٩٦. صحيح مسلم: ٧١٢١.

<sup>242</sup> Яъни, аёллар сабаб ҳаром ишларга тушиб қолишдан ёки Аллоҳга осий бўладидиган ўринларда аёлларга итоат қилишдан эҳтиёт бўлинглар.

<sup>243</sup> قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «إِنَّ الَّذِي حُلْوَةُ حَضْرَةٌ وَإِنَّ اللَّهَ مُسْتَحْفَلُكُمْ فَيَنْظُرُ كَيْفَ تَعْمَلُونَ فَأَنْفَوْا الَّذِي وَأَنْفَوْا النِّسَاءَ إِنَّ أَوَّلَ فِتْنَةً بَتَى إِسْرَائِيلَ كَانَتْ فِي النِّسَاءِ». صحيح مسلم: ٧١٢٣.

Уларнинг бу мақсади амалга ошишида (умуман фикрий кураш натижа олиб келишида) асли коғир бўлган аёлларнинг ҳам таъсири бўлди. Чунки Ислом ўлкаларида Исломга мухолиф ишларни<sup>244</sup> бошлаганлар орасида мусулмон бўлмаганлар кўп эди<sup>245</sup>.

## 5-фасл: Бўлим холосаси

Ислом душманлари мусулмонларни Ислом динидан (тўғри ақидадан, исломий фикр юритишдан, исломий одоб-ахлоқдан, исломий таълимтарбиядан) узоқлатиш учун тинимсиз ҳаракат қилдилар. Ислом динини ёмонлаб, динга зид бўлган ишларни зийнатлаб кўрсатишдан тўхтамадилар.

Европа диндан воз кечиб тараққиётга эришди. Мусулмонлар эса ҳанузгача динга амал қилганлари учун қолоқ бўлиб қоляптилар, деган бўхтонни кенг тарқатдилар.

Аслида мусулмонлар дунёда ортда қолганларининг сабаби динни тўғри тушунишдан ва динга мукаммал амал қилишдан узоқлашганлари эди. Моддий тараққиётда ортга кетишга дин эмас, балки динни тўғри тушунмаслик, динга тўлиқ амал қилмаслик сабаб бўлди. Аммо дин душманлари буни аксини ташвиқот қилиб, ғафлатда бўлган мусулмонларни адаштира олдилар<sup>246</sup>.

Фарб сингари тараққиётга эришиш учун ҳамма нарсада фарбга тақлид қилиш керак, Европа танвирий ҳаракатлар ортидан тараққиётга эришган экан Ислом ўлкаларида ҳам танвирий ҳаракат бошлаш керак деган чақириқлар тинимсиз янгради. Бу чақириқ эгалари тараққиётга қарши

---

<sup>244</sup> Яъни, аёлларни очиқ-сочиқ юриши, рақсга тушиши, кино-театрларда омма олдига чиқиши, эркак аёлларни аралашиб бир ўринда жамланиши ваҳакозо Ислом динига мухолиф бўлган шундай мункар ишларни ошкор қилинишида...

<sup>245</sup> Яъни, Ислом ўлкаларида яшаб келган коғирлар – араб насоролар, яҳудийлар ва бошқа мусулмон бўлмаган миллат вакиллари.

Мункар ишларни ошкор қилинишида Ислом ўлкаларида яшаган коғирларнинг таъсири сезиларли бўлган. Ҳар бир мусулмон ўлкаларини текшириб чиқилса мункар ишларни ошкор қилганларнинг биринчи сафида мусулмон миллатига мансуб бўлмаганлар турган.

انظر على سبيل المثل ما ذكره الشيخ على الطنطاوي عن بدء السفور في بلاد الشام في ذكرياته /٢٢٦/٥

<sup>246</sup> Яъни, Мусулмонларни дунёда ортда қолганлари ва бошларига келаган мусибатлар сабаби динга амал қилганлари деб айтишди. Аслида мусулмонларга келган қолоқлик ва мусибатлар динга мухолиф ишлар кўпайгани сабабли эди. Ўша динга мухолиф ишлар йўқотилганида мусулмонларга келган қолоқлик ҳам, мусибатлар ҳам кетар эди.

бўлган ботил насоро дини билан инсониятнинг барча муаммолариға ечим кўрсатган Ислом динини бирдай кўрдилар.

Бу ишларга гувоҳ бўлиб турган илми, иймон-эътиқоди заиф мусулмонлар тушкунликка тушиб, руҳан мағлуб бўлишга улгирдилар<sup>247</sup>. Бу ҳолат Исломга ғарази бўлган кимсаларга айни муддао бўлди.

У кимсалар Ислом оламига нур (танвир) олиб келамиз деб зулмат-жаҳолат олиб келдилар. Ўзлари ҳам зулматга ботиб дунёда баҳти қаро бўлдилар. Охират азоби эса қаттиқроқ ва абадийдир<sup>248</sup>.

Ислом олами Farb каби танвирий ҳаракатларга муҳтож эмасди<sup>249</sup>. Балки Ислом динини мукаммал, тўғри тушунган ва ҳақ йўлида ўзини қурбон қила оладиган уламоларнинг холис даъватига муҳтож эди. Бундай уламолар даъватига ҳамма -ҳокимлар ҳам, омма мусулмонлар ҳам- ижобат қилиб, биргаликда ҳаракат қилишга муҳтож эди.

Европага бутунлай тақлид қилишни биринчилардан бўлиб Исломга адовати бор бўлган (лекин бу адоватини яшириб юрган) кимсалар

---

<sup>247</sup> Душман ғалабасини кўрганда кўпчилик тушкунликка тушиб, моддий тарфалама мағлуб бўлганидан кейин маънавий тарафлама ҳам -руҳан- мағлуб бўлади. Бу ҳолот тикланиб, қайта оёққа туришни янада кечикириади.

Мусулмонлар Уҳуд жангидаги мағлубиятга учраганларида Аллоҳ таоло тушкунликка тушиб қолишдан қайтариб ушбу оятни нозил қилган эди:

**«Куфрға қарши курашда (сустлашмангиз) ва (Уҳуд жангидаги мағлубият сабабли) ғамгин бўлмангиз! Агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлгувчи дирсизлар»** Оли Имрон сураси 139-оят.

<sup>248</sup> Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{فَإِنَّمَا الَّذِينَ كَفَرُوا فَأُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ مِنْ نَاصِرٍ} آل عمران: ۵۶.

**Бас, кофир бўлган кимсаларга дунё ва охиратда қаттиқ азоб-ла азоб берурман. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас.** Оли Имрон сураси 56-оят.

Бошқа оятда:

{وَكَذَلِكَ نَجْزِي مَنْ أَسْرَفَ وَلَمْ يُؤْمِنْ بِإِيمَانِ رَبِّهِ وَلَعِذَابُ الْآخِرَةِ أَشَدُ وَأَبْقَى} طه: ۱۲۷.

**Ҳаддан ошган ва Роббисининг оятларига иймон келтирмаган кимсаларни мана шундай жазолармиз. Охират азоби эса шак-шубҳасиз қаттиқроқ ва боқийроқdir.** Тоҳа 127-оят.

<sup>249</sup> Европанинг дини ботил дин бўлиб, танвирий деб номланган ҳаракатлар ортидан уша ботил динидан воз кечди. Сўнгра моддий сабабларни қилиб дунёда тараққиётга эришди. Лекин охиратдан бутунлай ғафлатда қолиб, руҳий, маънавий қашшоқлиги ортди.

Мусулмонларнинг дини Аллоҳ нозил қилган ҳақ дин эди. Инсониятга келган барча нур-ёруғлик Аллоҳнинг динида эди (Бақара сураси 257-оят, Иброҳим сураси 1-оят. Ҳадид сураси 9-оят).

Аслида, мусулмонлар Аллоҳ нозил қилган дин – нурдан узоқлашганлари сабаб (узоқлашганларига яраша) зулматга -қолоқликка, мусибатларга- ботган эдилар. Бу зулматни ёритиш учун Аллоҳ нозил қилган нур-ёруғликка қайтиш керак эди.

бошлади. Сүнгра, уларга эргашиб Исломни түғри тушунмаган ёки иймони заиф кимсалар залолатта кетди.

Аслида, уларнинг залолатга кетишининг сабаби аввалда Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилмаганликлари эди<sup>250</sup>.

Агар улар аввалда Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилганларида ҳеч ким уларни адаштира олмас эди. Лекин ўзлари қилган баъзи ёмонликлари сабаб адашишга маҳкум бўлдилар<sup>251</sup> ва ўзларига, аҳли-оилаларига, келажак авлодларга нисбатан тузатиб бўлмас жиноят содир қилиб кетдилар<sup>252</sup>.

---

<sup>250</sup> Ундей кимсалар Исломга нуқсонли амал қилганлари учун иймон-эътиқодларида катта бўшлиқ ҳосил бўлган эди. Ислом душманлари мана шу бўшлиққа ўзларининг ботилларини киргиза олди. Агар улар Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилганларида, Аллоҳга ихлос билан ибодат қилганларида уларни шайтон ҳам, унинг малайлари ҳам адаштира олмасди.

Шайтон ихлосли бандаларни адаштира олмаслигига иқрор эканини Аллоҳ таоло ҳикоя қилиб шундай деган:

{قَالَ رَبِّنَا أَغْوَيْتَنِي لِأَرِينَ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَا غَوَيْنِهِمْ أَجْمَعِينَ \* إِلَّا عَبَادَكَ مِنْهُمُ الْمُخْلَصِينَ} الحجر: ٤٠-٣٩.

“(Иблис) айтди: «Роббим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга (Одам болаларига) Ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва (Сенга ихлос билан ибодат қилувчи) холис бандаларингдан бошқа ҳаммаларини йўлдан оздирурман.

Аллоҳ таоло суро давомида шайтон кимни адаштира олишини баён қилиб шундай деди:

{إِنْ عَبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ إِلَّا مَنْ اتَّبَعَكَ مِنَ الْغَاوِينَ} الحجر: ٤٢.

“Менинг (ихлос билан Менга ибодат қилувчи) бандаларим устида сен учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқдир. Сен фақат ўзинга эргашган гумроҳ кимсаларнигина (Түғри Йўлдан оздира олурсан)”. (Хижр сураси 42-оят).

<sup>251</sup> Инсон баъзи гуноҳларни арзимас санаб қилиб юради. Сүнгра ўша гуноҳлар сабаб аввалда ҳаёлига келмаган оғир (ҳатто иймонидан айрилиб қоладиган) гуноҳларга гирифтор бўлади. Шунингдек, айрим инсонлар баъзи ишларни хато эканини билмай қилиб юради. Ўша иш хато экани маълум бўлганидан кейин ҳам ҳақни қабул қилишдан бош тортиб, ҳидоятдан маҳрум бўлади. Чунки, ҳақ маълум бўлганида ҳақни қабул қилмаслик ҳидоятдан маҳрум бўлишга олиб боради. Аллоҳ таоло бу ҳақиқатни бир қанча оятларда баён қилган:

{فَلَمَّا زَاغُوا أَرَأَغَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْفَاسِقِينَ} الصاف: ٥.

“Бас, қачонки улар (Ҳақ йўлидан) оғишгач, Аллоҳ уларнинг қалбларини (ҳидоятдан) оғдириб қўйди”. Соф сураси 5-оят .

<sup>252</sup> Бу жиноятлари билан ўзларини ва аҳли-оилаларини Аллоҳнинг ғазабига дучор қилдилар. Улар Қиёмат куни қандай зиёнкор бўлганларини биладилар:

Аллоҳ таоло шундай деди:

{فَلَنِّ الْحَاسِرِينَ الَّذِينَ حَسِرُوا أَنْفُسَهُمْ وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَلَا ذَلِكُ هُوَ الْحَسْرَانُ الْمُبِينُ} الزمر: ١٥.

«Албатта зиёнкорлар Қиёмат Кунидаги ўзларига ҳам, аҳли оилаларига ҳам зиён қилгувчи кимсалардир. Огоҳ бўлингизким, ана шугина очиқ зиёнкорликдир». Зумар сураси 15-оят.

Буюк куннинг азобидан саломат қолиш учун Аллоҳга ихлос билан ибодат қилиш, Аллоҳга таслим бўлиб буйруқ-қайтриқларига итоат қилиш керак эди. Юқорида зикри ўтган кимсалар эса Аллоҳга осий бўлиб зиёнкор бўлди.

Уларнинг жиноятидан ҳам каттароқ жиноят борми?!

Ақли бор қайси инсон абадий ҳаётни бир асрга етмайдиган ўткинчи ҳаётга алмашади?!

Қайси ақли бор инсон 70-80 йилга етмайдиган раҳатни деб (агар бутун умри давомида роҳатда яшай олса) минг, минг йиллик, балки нихоясиз роҳатдан воз кечади ва абадий мashaқатни танлайди?!

Охиратини, абадий саодатини озгина ўйлаган инсон қандай қилиб Европага бутунлай тақлид қиласди, ахир Европа охират илмидан бутунлай юз ўғирган эдику?!

Аллоҳ таоло кофирларнинг илми ҳақида шундай деган эди:

{وَعْدَ اللَّهِ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ \* يَعْلَمُونَ ظَاهِرًا مِنَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ عَنِ الْآخِرَةِ هُمْ غَافِلُونَ} الروم: ٧-٦

**(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас.** Лекин кўп одамлар билмаслар. Улар охиратдан ғофил-бехабар бўлган ҳолларида фақат ҳаёти дунёдан зоҳир нарсани билурлар<sup>253</sup>. Рум сураси 6-7 оятлар.

Мұхаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ оят тафсирида шундай дедилар:

Аллоҳ таоло бу оядда: "**Кўп одамлар билмаслар**", деди. Билмайдиган инсонлар қаторига биринчилардан бўлиб дунёвий фанларни эгаллаган (кофир)лар ҳам киради. Аллоҳ уларда ҳақиқий илм йўқ эканини хабар берди.

Чунки улар ўзларини йўқдан бор қилиб яратган, ризқ берган зот – Аллоҳ ҳақида билмайдилар.

У зот – Аллоҳ яқинда уларни вафот топтиришини, сўнгра қайта тирилтиришини, сўнгра қилган амалларига яраша жазолашини билмайдилар.

Улар бу дунёдан ўтгандан кейин борадиган жойлари ва у жойда абадий азобда қолишлари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

Бу нарсалардан ғафлатда бўлганлар ҳеч қачон билувчилар сафида бўлмайди.

Аллоҳ таоло ундей инсонлардан ҳақиқий илмни инкор қилганидан кейин, уларда илмдан арзимас бир нарса бор эканини айтди ва у илмни икки катта нуқсонли тарафини айблади:

<sup>253</sup> Аллоҳ таоло сура давомида кофирларни ақл юритмасликларини, олдингиларнинг ёмон оқибатидан ибратланмасликларини хабар берди. Сўнгра Аллоҳ таоло барчани яратганини ва Уни ҳузурига ҳамма қайтишини, мўминлар жаннатга, кофирлар эса азобга йўлиқишини баён қилди. Рум сураси 8-16 оятлар.

Бириңчиси: У илмнинг жуда оз ва доираси ўта торлиги. Чунки у илм дунёдаги зохир нарсадан четга чиқмайди. Дунёдаги зохир нарсага чекланган илм арзимас илмдир. Бундай илм Аллоҳни танитадиган (осмонлар ва Ерни яратувчисини танитадиган, Унинг буйруқ ва қайтариқларини, У зотга яқин қиласидиган амалларни билдирадиган, ва абадий роҳатга етиширадиган яхшиликларни ва абадий азобга грифтор қиласидиган ёмонликни баён қиласидиган) илмга нисбатан арзимас, қадрсиз илмдир.

Иккинчиси: У илмдан<sup>254</sup> олий ғоя эмас, балки ҳақир нарса мақсад қилинганидир. Чунки у илмлар дунё ҳаётига чекланган. Дунё (инсон ҳаёти) тез кунда тугайди...

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мусулмонлар дунёвий илмларни ўзлаштириши вожиб...

Дунёвий илмларни кофиirlар каби ўрганилса арзимас, ҳақир бўлиб қолади. Чунки кофиirlар ҳақиқий илмни<sup>255</sup> ташлаб, фақат дунёвий илмни ўзлаштиришган.

Агар дунёвий илмларни мусулмонлар ўзлаштиrsa ва Аллоҳ буюрганидек ишлатишса энг шарафли ва манфаатли илм бўлади. Чунки ўша дунёвий илмлардан Аллоҳ розилиги йўлида, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш ва дунёю охиратни обод қилиш учун фойдаланилади. Буни ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Аллоҳ таоло айтганидек:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ {الأنفال: ٦٠}

**(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч-қувватни тайёрлаб қўйингиз...** Анфол сураси 46-оят.

Аллоҳнинг буйругини бажариб, қўлдан келган қувватни ҳозирлаш ва Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун дунёвий илмларни ўзлаштириш кофиirlарни илми каби бўлмайди. Чунки улар (кофиirlар) охират илмидан бутунлай ғафлатдалар. Бу ҳақида кўп оятлар бор. Барча илмлар Аллоҳга хосдир"<sup>256</sup>.

Фикрий ва қуролли курашлар заифлашиб қолган Ислом деворини қулатди<sup>257</sup>.

<sup>254</sup> Яъни, Дунёдан зохир нарсани билиш.

<sup>255</sup> Яъни, Аллоҳни, охиратни... танитадиган илм.

<sup>256</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن (٤١٣-٥٠٦) للشيخ العلامة محمد الأمين الشنقيطي رحمه الله (المتوفى: ١٣٩٣هـ).

<sup>257</sup> Яъни, Ислом умматини бир иморат десак, иморатни пойдевори нураб бораётган эди. Бу нурашни тўхтатиб ислоҳ қилиш имкони бор эди. Аммо ўз вақтида ислоҳ қилинмади. Балки кофиirlар келиб, пойдевори нураб бораётган иморатни бир-икки

Ислом ўлкалирида мункар ишлар кенг тарқалиб бўлганидан кейин икки даврни<sup>258</sup> кўрган авлод дунёдан ўтиб кетди. Янги келган авлод Исломга зид бўлган ишларни мункар эмас деб қарай бошлади.

Уммат орасида оз сонли бўлган солиҳ инсонлар мусулмон авлодларини мункар ишларни тарк қилишга чақирсалар, улар аввалда Пайғамбарларга ижобат қилмаган кимсалар айтганидек:

{بَلْ وَجَدْنَا أَبَاءَنَا كَذَلِكَ يَفْعَلُونَ} الشِّعْرَاءُ ٧٤

**«Йўқ, бизлар (ўзимиз қилаётган ишларни) ота-боболаримиз ана шундай қилишларини кўрганмиз (шунинг учун биз улар йўлидан қайтмаймиз) »,** деб айтдилар. Уларни бундай ҳолатга тушишига эса аввалгилар ҳам сабаб бўлди<sup>259</sup>.

Мусулмонлар динга тўлиқ амал қилиб келган бўлганларида ҳар қандай курашни даф қилиш мумкин эди. Лекин мусулмонлар орасида Аллоҳнинг динига муҳолиф ишлар кўпайгани сабаб душманга қарши тура олмадилар<sup>260</sup>.

---

кучли зарба билан қулатишди. Пойдевор нурамаган бўлганида ўн зарба билан ҳам қулата олмас эдилар.

Хуроса шуки, Европа куч-қуввати ошиб, Исломга ҳамла қилишни режа қилаётган бир вақтда Ислом уммати ҳар тарафлама ортга кетаётган эди. Мусулмонлар мана шу ҳолатида Европанинг ҳужумига қарши тура олиши амри маҳол эди. Европа ҳужум қилмаса оқсоқланиб бўлса ҳам юришда давом этиши мумкин эди. Лекин Европа заифлашиб қолган умматни заиф нуқталарига бир қанча кучли зарбалар берди ва Ислом умматини қулатишга эришди.

<sup>258</sup> Яъни, мусулмонлар Исломга амал қилган давр, сўнгра кофирлар истело қилган вақтдаги ҳолат ва истелодан кейин Исломга муҳолиф ишлар ошкор бўлиб, кенг тарқалган давр.

<sup>259</sup> Яъни, аввалгилар ўз вақтида қўлларидан келгунича мункарни инкор қилмай, воқеликка таслим бўлдилар. Бунинг оқибатидан янги авлод диндан бутунлай узоқлашиб кетди.

Мана шунинг учун мункарни ҳикмат билан (даъват усулларига риоя қилган ҳолда) очиқ инкор қилиш жуда муҳим. Гарчи одамлар қулоқ солмаётган бўлса ҳам. Чунки мункар инкор қилинмаса келажак авлод биз эшитмаганмиз деб ўзини оқлаши мумкин. Гарчи бу оқлов ҳақни эшитганларга узр бўлмаса ҳам.

<sup>260</sup> Аллоҳ таоло шундай деди:

{إِنَّ الَّذِينَ تَوَلَّوْا مِنْكُمْ يَوْمَ الْتَّقَىِ الْجَمْعَانِ إِنَّمَا اسْتَرْلَهُمُ الشَّيْطَانُ بِئْضُعِ مَا كَسْبُوا} آل عمران: ١٥٥

**Икки жамоат тўқнашган куни сизларни орангизда бўлиб (уруш майдонидан) қочган кишиларни қилган айрим гуноҳлари сабабли шайтоннинг ўзи йўлдан оздирди.** Оли Имрон сураси 155-оят.

Агар мусулмонлар динни мустаҳкам ушлаган бўлсалар душман ҳар қандай режа тузса ҳам мусулмонларда унга қарши жавоб режалари бўлар эди. Чунки мусулмонлар

Ислом уммати фикрий ва аскарий ҳужумлар сабаб қулаганидан кейин тик туриб ўзини ўнглай олмаслиги учун фикрий кураш жадал давом этди.

---

динни түлиқ ушласалар, барча оят-ҳадисларга мукаммал амал қылсалар қуйдаги оятга ҳам амал қилиб сергакликни йўқотмаган бўлур эдилар.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا حُذُوا جَذْرُكُمْ} النساء . ٧١

**Эй иймон келтирган кишилар, (душмандан) эҳтиёт чораларингизни кўриб қўйинг.** Нисо сураси 71-оят.

Бу оятда душманга қарши туриш ва душманнинг макридан эҳтиёт бўлиш учун қилиниши керак бўлган барча сабабларни ҳозирлашга буюрилди.

تيسير الكريم الرحمن في تفسير كلام المنان لعبد الرحمن السعدي.

## 7-Бўлим: Усмоний хилофат қулатилиши

19-20 асрда Европа босқинчилари тарафидан кўп Ислом ўлкалари истеъло қилина бошлади. Ислом давлатлари рамзи бўлган Усмоний давлат жуда заифлашиб қолган, қўл остидаги давлатларни ҳимоя қилиш у ёқда турсин, хилофатни сақлаб қолишнинг ўзи сўроқ остида қолган эди.

Усмоний хилофатнинг охирги йиллари қандай ўтгани ҳақида "Ат-Тарихул Исламий"<sup>261</sup> китобидан келтирилган баъзи малумотларни зикр қилиб ўтамиз<sup>262</sup>.

Усмоний хилофат кўп Исломий фатҳларни амалга оширган ва бир неча аср давомида кўп Ислом ўлкаларини ҳимоя қилган эди. 19-асрларга келиб Усмоний давлат жуда заифлашиб қолган эди<sup>263</sup>. Ташқи душман – насоро давлатларига қарши урушлар хилофатни анча тинкасини қуритган, ичкаридан эса хилофатга қарши яҳуд ва насоролар ҳаракатга тушган эди<sup>264</sup>.

Хилофат ташқи ҳужумларини даф қилиш учун душман билан сулҳ тузишга мажбур бўлар, бундай сулҳлардан ички душман ўзининг мавқенини кучайтиришда фойдаланаар эди<sup>265</sup>.

---

<sup>261</sup> Муаллиф: Исломий тарихчи Маҳмуд Шокир Ҳарастаний роҳимаҳуллоҳ (1932-2014 йил).

<sup>262</sup> Маҳмуд Шокир роҳимаҳуллоҳ "Ат-Тарихул Исламий" китобларининг саккиз ва ўн еттинчи мужалладларида Усмоний давлат ва янги Туркия ҳақида ёзганлар. Биз тарихни тўлиқ нақл қилмай, балки мавзуйимизга тааллуқли бўлган муҳим малумотларни умумий суратда, қисқача баён қилиб ўтамиз.

<sup>263</sup> Тарихчилар Усмоний давлатининг заифлашиш даврини 16-аср ўрталаридан 18-аср ўрталаригача (974-1171 ҳиж, 1566-1757 мел йиллар) деб айтишади. 18-аср ўрталаридан 20-асргача бўлган даврни (1171-1342 ҳиж, 1757-1923 мел) қулаш даври деб айтишган.

<sup>264</sup> Мусулмонлар Андалусда мағлуб бўлганидан кейин Испан ва Партугал насоролари яхудийларни қаттиқ таъқиб қилди. Насоролар таъқибидан қочган яхудийлар Ислом ўлкаларидан бошпана топди ва тинч-омон яшади.

Насоролар ҳам бир неча асрлар давомида мол-жонларига хотиржам, ўз динларига амал қилиб мусулмонлар орасида омонлиқда яшаб келар эди. Европа насоролари Ислом ўлкаларида яшайдиган яҳуд ва насорларни Исломий давлатга қарши қўзғадилар. Оқибатда мусулмонлар орасида яшаган яҳуд ва насоролар кўп фисқу фасод ёйилишига, фитналар қўзғалишига, Исломга зид фикрлар, умуман Исломга зид ишлар тарқалишига катта ҳисса қўшди.

التاريخ الإسلامي لمحمد شاكر: ٦٠١١٧

<sup>265</sup> Яъни, Усмоний давлатда яшаётган яҳуд ва насоролар. Европа давлатлари Усмоний давлат билан сулҳ тузабётганида Усмоний давлат ичida яшайдиган яҳуд ва насороларга имтиёз берадиган бандларни киргизишар эди.

Шу ўринда бир нарсага ишора қилиб ўтиш ўринли.

Ислом дини мусулмон кишининг кофирилар билан қандай муомалада бўлишини батафсил баён қилган:

Султон Абдулҳамид II ҳукмга келишидан олдин давлатда миллатчилик ғоялари мавжуд бўлиб, бу ғояга чақирувлар бошланган эди.

Миллатчиликка бўлган чақирувлар ортидан турли жамият, уюшмалар вужудга келди. Бу ташкилотлар илмий, адабий номларни олган ва илм, маданият йўлида ташкил қилинган деб қаралса ҳам, аслида сиёсий мақсадлар учун тузилган эди.

Бу ташкилотларнинг асосий маркази Байрут ва Истанбулда эди.

Байрутдаги ташкилотларда насороларнинг роли катта эди. Насоролар тузилаётган жамиятларга таъсир ўtkазиш билан, аниқроқ қилиб айтганда илм-фанни ривожлантириш баҳонасида одам йиғишга ҳаракат қилдилар. Ғарб насоролари ҳомийлигида илм-фан жамиятлари ташкил қилинди. Бундан мақсад ғарб фикрини тарқатиш, ғарб давлатларига мойил бўлишга ташвиқот қилиш эди.

Бу жамият, уюшмалар насоролардан ташкил топгани учун самараси катта бўлмади. Чунки бу ташкилотлар ортида насоро давлатлари турганини, уларнинг мақсади Ислом умматини бўлиш эканини кўпчилик мусулмонлар англай олган эди.

---

Мусулмон киши мусулмонларга зарар етказмайдиган кофирлар билан қандай муомала қиласди?

Мусулмон киши мусулмонларга яхшилик қиласдиган кофирларга қандай муомала қиласди?

Мусулмон киши мусулмонларга зарар етказадиган кофирларга қандай муомала қиласди?

Бу масалаларни шариатимиз батафсил баён қилган бўлиб, мусулмон кишининг бошқалар билан қандай муомала қилишини Дин асосларига мувофиқ тартиб-низомга соглан.

Бу тартиб-низомнинг асоси: Мусулмон киши ўз динига путур етказмай, иймон-эътиқодини сақлаган ҳолда муомала қилиши ва мусулмон бўлмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишидир.

Яхуд ва насоролар бир неча асрлар Ислом ўлкаларида тазиикқа учрамай яшаганлари Ислом динининг қанчалик адолатли дин эканига яна бир очик далилдир.

Кофирларни Ислом диёрларида, шариат қонунларни риоя қилган ҳолатда яшашларига динимиз рухсат берди ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Шу билан бирга мусулмонларни сергакликни йўқотмай, хушёр бўлишларига буюрди. Мусулмонлар сергакликни йўқотганларида ёки ички душман имконият топганида ортдан зарба бериши кўп учраган. Бунга ўхшаш ҳодисалар Ислом аввалида ҳам содир бўлган.

Усмоний давлатда мусулмонлар хотиржамликка берилиб, сергакликни йўқота бошлаган вақтда насоро давлатлари куч-кудратга тўлиб, ўзининг асосий рақиби бўлган Усмоний давлатни қулатиш ўйида эди. Бу режани амалга ошириш учун Усмоний давлатининг ичидаги яхуд ва насоролар ҳаракатга келтирилди.

Бундай йўл билан режалари амалга ошмаслигини сезган насоролар янги ташкилотлар тузишга ва у ташкилотлар кўпроқ насроний бўлмаганлардан ташкил топишига ҳаракат қилдилар.

Ислом динига, Усмоний халифатга фақат мусулмон фарзандларидан тузилган (ҳеч бўлмаса қўпчилиги мусулмон фарзандлари бўлган) ташкилотларгина зарба бера олади деб ўйладилар.

Ҳижрий 1273 (мелодий 1856) йили "Арабий Илмий Жамият" ташкил қилинди. Ташкилотга асл насронийлар, исломни даъво қиласидиган насоролар, друзлар<sup>266</sup> ва мусулмонлар аъзо бўлди. Бу ташкилот маҳаллий аҳолидан ташкил топган бўлса ҳам, кўрсатмаларни четдан олар эди.

Жамият, уюшмаларнинг иккинчи маркази Истанбулда бўлиб, улар турли йўналишда эди. Бу жамиятлар асосан турклардан ташкил топган бўлса ҳам, лекин Европадан таъсирланган бўлиб, мақсадлари ҳолат – яшаш тарзини ўзгартириш ва миллатчиликка чақириш эди.

Бу ташкилотларда шахсий манфаатларини кўзлаб аъзо бўлганлар, яхудийлар (хусусан дунама яхудийлари<sup>267</sup>) ва давлат сиёсатидан норози бўлганлар бор эди. Шунингдек Ислом динига ғарази бўлган инсонлар ҳам мавжуд эди.

Бу уюшмаларнинг энг машҳури "Туркия Ёшлар Жамияти" бўлиб, маркази Парижда жойлашган, кўрсатмалар ҳам Париждан келар эди.

Бундай ташкилотлардан ташқари Усмоний хилофатга қарши бўлган бошқа жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларнинг хатари кундан-кунга кучайиб бораётган эди. Улардан бири Аҳмад Мадаҳат Баша<sup>268</sup> эди.

---

<sup>266</sup> Бир қанча дин ва фикрлар қоришмасини ўзида жамлаган, барча динларга (хусусан мусулмонларга қаттиқ) нафрат қиласидиган ботиний фирмә. Фирма асосчиларидан бири бўлган Наштакин ад-Даразийга наслатланганлар.

الموسوعة الميسرة في الأديان: (٣٩٧١)

<sup>267</sup> Дунама яхудийлари ҳақида қўйида малумот келади.

<sup>268</sup> Аҳмад Мадаҳат Баша султон Абдулазиз даврида адлия вазири бўлган эди. У Усмоний давлатда ғарб давлатлари каби дастур қабул қилинишига ҳаракат қилиб, Султон Абдулазизни кўндиришга уринади. Султон Абдулазиз Мадаҳат Башанинг бу ҳаракатларидан ғазабланиб, уни вазирликдан олади ва Салоники шаҳрига волий қилиб жўнатади.

Мадаҳат Баша бир қанча вақт ўтиб Истанбулга қайтади. Юқори лавозимли баъзи инсонлар ва Шайхул Ислом билан тил бириттириб Султон Абдулазизни халифаликдан олади. Унинг ўрнига Мурод V халифа қилиб тайинланади.

Султон Абдулазиз халифаликдан олинганидан кейин қатл қилиниб, ўзини ўзи ўлдирди деган миш-миш тарқатилади.

Аҳмад Баша ва у каби Европадан таъсирланган кишилар Усмоний давлатни қаттиқ шикастланишида катта рол ўйнашди. Улар исломдан узок кимсалар бўлиб, хилофатга ғазаб қилишар ва халифани якка ҳокимлиқда айблашар эди. Динни давлатдан ажратишга чақиришар, Қуръони Карим – Аллоҳнинг Каломи давлат дастури бўлишига рози эмасдилар. Насоро Европа давлатлари каби давлат дастури тузишни талаб қилишар ва шундагина халифанинг ҳукмронлиги чеклаш мумкин деб айтишарди. Аслида бу даъво остида Исломга бўлган адоват беркинган эди.

Жуда заифлашиб қолган Усмоний хилофатни бира-тўла қулатиш Европа давлатларининг асосий мақсади бўлиб, бу мақсад йўлида бирлаша бошлайдилар.

Давлат ичида эса кўп ташкилот, уюшмаларни эгаллаган яхудийларнинг (хусусан дунама яхудийларининг<sup>269</sup>) нуфузи ортиб борарди.

---

Мадаҳат Баша Халифа Мурод V билан ўз мақсадини амалга оширишга кўзи етмаганидан кейин, уни ҳам халифалиқдан олишади. Унинг ўрнига Султон Абдулҳамид II халифа қилиб тайинланади.

الكتاب: كيف هدمت الخلافة: (ص) ٣٥-٣٧

<sup>269</sup> Маҳмуд Шокир дунама (қайтган) яхудийларининг келиб чиқиши ҳақида баъзи малумотларни айтиб ўтганлар.

Ҳижрий 10-аср охирларида Испаниядаги яхудийларга тазиқ бошланади. Тафтишлардан қочган яхудийлар бошпанасиз қолади.

Россиядаги кўпчилик яхудийлар ҳам Россияни ташлаб чиқишига мажбур бўлади (баъзи императорлар яхудийларни "Иисус Христос" ни душмани деб тазиқ ўтказар эди).

Кўпчилик давлатлар яхудийларни (ахлоқи, ёмон сифатлари учун) ёқтиргани сабабли улар бошпана топа олмай дарбадар бўлдилар. Сўнгра Усмоний давлатда яшаш учун султон Сулаймон Қонунийнинг рухсатини олишга эришдилар (яхудийлар бу ишда Сулаймон Қонунийнинг аёли Роксолана (Хуррам)ни восита қилганлари айтилади. Роксолана Қrimлиқ бўлиб Сулаймонга ҳадя қилинган чўрилардан бўлган. Роксоланани асли яхудий деган иддолар ҳам бор).

Дунама яхудийлари Измирда қўним топган Севи (Цеви, Цви) яхудий оиласида дунёга келган Сабатай (Шабатай)га нисбатланишади.

Сабатай йигирма ёшларида ўзини "Кутилаётган Масих-Машиҳ" деб даъво қилади. Яхудий диндорлари Сабатайнин ўлимга ҳукм қилади. Хилофат урушлар билан машғул бўлгани учун бу ҳукм ижро қилинмайди. Бироз вақтдан кейин Сабатай қамоқقا олинади ва таҳқиқ жараёнида ўз даъвосидан воз кечади.

Сабатай қамоқдалигида унинг зиёратига Ҳахом-Раввин Булуний келади. Булуний ҳам ўзини "Кутилаётган Масих-Машиҳ" деб даъво қилади ва икковининг орасида жанжал юзага келади. Бу ҳодисадан кейин Сабатайнин башқа қамоққа ўтказишади. Ўша ерда ўлимдан қўрқиб Исломни изҳор қилади ва тобелари орасида Исломни тарқатишга ҳаракат қилишини айтади.

Дарҳақиқат Сабатай ва унга эргашганлар Исломни изҳор қилишади, лекин пинхона Исломга қарши иш юритишади.

التاريخ الإسلامي لمحمد شاكر: ٢٠١٦ - ٢٠٢٠

Давлатнинг ана шундай изтиробли ҳолатида Султон Абдулҳамид II ҳукумат тепасига келди<sup>270</sup>.

Қаттиқ босимлар остида дастур<sup>271</sup> қабул қилишга мажбур бўлди. Ўзининг мавқеини кучайтириб олганидан кейин дастурни бекор қилди.

Султон Абдулҳамид Исломни ва мусулмонларни ҳимоя қилишга, умматни жамлашга қўлидан келганча ҳаракат қилади ва кўп мувофақиятларга ҳам эришади. Уламоларни ўзига яқин тутиб, уларнинг насиҳатига қулоқ солади. Ислом шариатига мувофиқ ёзилган "مجلة الأحكام العدلية" қонунлари амалга қўйилиб, эски маҳкамалар қайта очилади ва порахўрликка қарши курашилади. Ташқи сиёсатда ҳам Европа давлатларининг босимиға чап беришга ҳаракат қилади...

Ёши улғайиб қолган буюк вазир Мұхаммад Рошид Баша истефо берганидан кейин, Султон Абдулҳамид унинг ўрнига Аҳмад Мадаҳат Башани буюк вазир қилиб тайинлайди.

Хилофатнинг Европа худудидаги минтақаларида Европа давлатларининг таъсир кучи билан қўзғалонлар содир бўлади.

Шу вақтда бир ҳодиса рўй бериб барча сиёсатчиларнинг эътиборини жалб қилади. Салоники<sup>272</sup> шаҳрида бир насоро қиз Ислом қабул қилиб, мусулмон бўлганини изҳор қилиш учун маҳкамага боради. Йўлда насоролар қизни ўғирлаб кетишади. Бундан ғазабланган мусулмонлар ҳукуматдан қизни топишни талаб қилишади. Шаҳар волийси қизни топишни ваъда беради, лекин қиз топилмайди. Ҳукуматдан норози бўлган мусулмонлар бир жоме масжидда тўпланишади. Қиз Германия консулиниңг уйида деган миш-миш тарқалади. Мусулмонлар Германия консуллигига бостириб киришади.

Бу ишдан кейин Европа давлатлари Усмоний давлатдан насороларнинг ҳолатини ислоҳ қилишини талаб қиладилар, акс ҳолда куч ишлатишга тўғри келишини айтиб таҳдид қиладилар.

Аҳмад Мадаҳат Баша буюк вазир қилиб тайинланганида Европапараст бўлганлар ўз мақсадларига етдик деб ўйлашади. Лекин икки ой ўттар ўтмас

<sup>270</sup> Султон Абдулҳамид II 1293 йил, 10-шаъбонда = 1876 йил, 31 августда акаси Мурод V ўрнига халифа бўлиб тайинланган.

<sup>271</sup> Бу дастур Европа давлатларига тақлид қилиб, Аҳмад Мадаҳат Баша бошчилигига таёrlанган эди.

<sup>272</sup> Грециядаги шаҳар, у вақтда Усмоний хилофати қўл остида бўлган.

Мадаҳат Башани Англия билан яқин алоқада эканлиги, "Туркия Ёшлар Жамияти" ни қўллаб қувватлаши ошкор бўлади. Мадаҳат Баша Султон Абдулҳамидни кетказиб, ўрнига Мурод V қайтариш мақсадида экани маълум бўлиб қолади.

Султон Абдулҳамид Мадаҳат Башани буюк вазирликдан бўшатади ва дастур қабул қилиш жараёнини тўхтатиб қўяди. Дастур тарафдорлари Европа сиёсатчилари билан яқин алоқада эканлиги, Исломий қонунларга адоват қилишлари маълум бўлади. Шундан кейин Султон Абдулҳамид дастур тарафдорларини ҳукуматдан узоқлатишга эришади.

Султон Абдулҳамид армияни ислоҳ қилишга, хилофат марказини кучайтиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, бутун Ислом умматини Ислом асосида бирлашишга чақиради<sup>273</sup>.

Дастур тарафдорлари умидлари пучга чиққанидан кейин, ўз фикрларини тарқатиш учун ҳар тарафга тарқалиб кетадилар. Улар турли ташкилотлар билан, (махфий ташкилотлар бўлсин, ҳарбий ёки ҳарбий бўлмаган ташкилотлар бўлсин) алоқа ўрнатдилар. Натижада "Иттиҳод ва Тараққий жамияти" ни ташкил этадилар<sup>274</sup>.

Шу вақтларда яхудийларнинг (дунама яхудийлари бўлсин ёки махфий ташкилотлар бўлсин ёки ташқаридан туриб махфий жамиятларни қўллаб келаётган яхудийларнинг) хатари ҳам очиқ кўрина бошлайди.

Яхудийлар Швейцариянинг Базел шаҳрида 1897 йил август ойида катта йифин ўтказишади ва ўз келажаклари ҳақида маслаҳатлашдилар. Бу йифинда оламга сочилиб кетган ва турли қийинчиликларни бошидан

<sup>273</sup> Султон Абдулҳамид миллатчилик асосида эмас, балки Ислом дини асосида бирлашишга чақирган ва миллатчиликни диндан юқори қўяётган кимсалар ҳақида шундай деган эди:

"Англия Миср халқининг фикрини бузишга ҳаракат қиляпти. Оқибатда Мисрдаги баъзи кимсалар миллатчилик диндан юқори деган даъвони қилишяпти..."

Мисрлик зиёлилар ўзлари сезмай Англия қўлида қўғирчоқ бўлиб, миллатчилик фикрини тарқатяптилар. Улар бундай ишлари билан Исломий давлатни, буни ортида хилофатни тебранишига олиб келадилар.

مذكرات السلطان عبد الحميد: ص ۲۳.

<sup>274</sup> "Иттиҳод ва Тараққий Жамияти" нинг икки: Ҳарбийлар ва ҳарбий бўлмаган жиҳати мавжуд эди.

Ҳарбийлар "Усмоний иттиҳод" деб билинар эди. Бу икки жиҳат бирлашиб Ҳижрий 1316 = Мелодий 1898 йили "Иттиҳод ва Тараққий Жамияти" бўлди. Бу жамият аслида "Туркия Ёшлар Жамияти" нинг давоми эди. Турк бўлмаганларни узоқлатмаслик учун миллатчилик фикридан воз кечилган эди.

"Иттиҳод ва Тараққий Жамияти" нинг Усмоний давлат ичидаги аъзолари махфий, давлат ташқарисидаги (Европадаги) аъзолари эса ошкора амал қилишар эди.

أسباب خلع السلطان عبد الحميد الثاني، يوسف عمر، ص: ۱۱۶ - ۱۱۷.

кечираётган яхудийларни бир ватанга жамлаш масаласи мұхокама қилинади.

Яхудий журналист, сиёсатчи Теодор Герцль: "Фаластин яхудийларнинг ватани бўлиши керак" деган фикрда қаттиқ турари ва бунинг учун Султон Абдулҳамиднинг розилигини олишга қаттиқ ҳаракат қиласиди.

Герцль Султон Абдулҳамидинг кўнглини олиш учун қилган жуда кўп ҳаракатлари, турли услублари самарасиз тугайди. Султон Абдулҳамид Герцль ҳаракатларига эътибор қаратмайди ва яхудийлар учун Фаластин ватан бўлишига рози бўлмайди. Аксинча Султон Абдулҳамид Герцльнинг мақсадини тушуниб яхудийларнинг Фаластинга ҳижрат қилишларини ман қиласиди.

Бу ишлардан кейин Герцль бор имкониятини Султон Абдулҳамидни халифалиқдан кетказишга қаратади ва Султон Абдулҳамидга қарши бўлган кучлардан фойдаланишга ҳаракат қиласиди.

Иттиҳод ва Тараққий ташкилотини кўпчилик зобитлар аъзо бўлиб, ташкилот кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолган эди.

Ташкилотдаги зобитлар султондан ҳеч қандай эътиrozсиз дастур<sup>275</sup> қабул қилинишини талаб қилиб, исён бошлайдилар.

Султон зобитларнинг исёнини бостириш учун юборган гуруҳларнинг баъзилари ҳеч нарса қила олмайди, баъзилари Султоннинг буйруғини саботаж қиласиди, баъзилари эса ташкилотга<sup>276</sup> қўшилиб кетади.

Хилофатни Европа ҳудудида жойлашган зобитлардан буюк вазирга телеграммалар кела бошлайди. Бу телеграммаларда дастур эълон қилиш талаб қилинган, агар дастур эълон қилинмаса Истанбулга ҳужум қилиш билан таҳдид қилинган эди.

Султон вазирлар кенгашини чақириб турганида, Европанинг бир неча шаҳарларида "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" аъзолари "Адолат, тенглик, бирдамлик" шиорлари остида ҳуррият эълон қилишади. Султон дастур қабул қилишга изн берадиган фармон имзолашга мажбур бўлади.

Ташкилотнинг кўпчилик аъзолари Истанбулга келганида, катта ҳурмат билан кутиб олинадилар.

Олий мажлис сайловларида "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" аъзолари ғолиб бўлади. "Туркия Ёшлар Жамияти" нинг Париждаги

---

<sup>275</sup> Яъни, илгари қабул қилиниб, кейин бекор қилинган -Европа давлатларига тақлид қилиб ишлаб чиқилган- дастур.

<sup>276</sup> Яъни, Иттиҳод ва Тараққий ташкилотига.

асосчиси Аҳмад Ризо олий мажлис раиси этиб сайланади. "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" га қарши бўлган катта зобитлар қўлга олиниб қатл қилинади.

Дастур қабул қилиниб, оммавий амнистия эълон қилинади. Қамоқлардан чиқган жиноятчилар бутун давлатга тарқалади.

Султон Абдулҳамид ташкилот талабини бажаришга мажбур бўлиб дастур қабул қилган ва бу иши билан Иттиҳодийлар эътиroz билдиришига йўл қолдирмаган эди<sup>277</sup>. Султон Абдулҳамид шу йўл билан ташкилот аъзоларининг ҳукуматни бутунлай эгаллаб олишига бўлган ҳаракатларини тўхтатган эди.

Бу ишлардан кейин ташкилот аъзолари Султон Абдулҳамидни халифалиқдан кетказишга ҳаракат қиласидилар. Қамоқлардан янги озод бўлган жиноятчилар ёрдамида кўп нотинчиларни юзага келтирадилар ва Султон Абдулҳамидга қарши кўп миш-мишлар тарқатадилар.

"Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" тинимсиз қилган ҳаракатлари натижасида ўз мақсадларига эришадилар. Шайхул Исломга<sup>278</sup> босим ўтказиб Султон Абдулҳамидни истефога чиқариш фатвосини оладилар. Шайхул Исломнинг фатвосидан кейин барча ноиблар палатаси жамланиб Султон Абдулҳамидни халифалиқдан бўшатиш қарорини қабул қиласидилар.

Қарорни халифага етказиш тўрт кишига юклатилган бўлиб уларнинг бири арман, бири яҳудий эди.

Бундан ажабланган Султон Абдулҳамид қарорни қабул қилаётib: "Нима учун хилофат мақомига мана бу яҳудий билан келдинглар?" деб айтган эди.

Султон Абдулҳамид аввал Салоники шаҳридаги қасрда, Иттиҳодийлар назоратида ушлаб турилди. Балқонда бошланган уруш вақтида Истанбулдаги Бейлербейи саройига олиб келинди ва шу ерда (1918 йил 10 февраль = 1336 йил 27 робиул охирда, 76 ёшда) вафот этди.

Султон Абдулҳамид Ислом уммати учун, уммат бирлиги, қувватини сақлаб қолиш учун кўп хизмат қилиб ўтади.

"Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" аъзоларига назар солинса, кўпчилиги ўттиздан ошмаган йигитлар эди.

---

<sup>277</sup> Яъни, Иттиҳодийлар дастур қабул қилинишини талаб қилиб ҳукуматга босим ўтказаётган эдилар.

<sup>278</sup> Усмоний далатда энг катта муфтий Шайхул Ислом деб номланган.

Улар умматнинг келажагида қандай рол ўйнади?

Бу йигитлар кимларнидир таъсири остига тушиб қолганини билиб-бilmай, ўша таъсир ўтказувчи кучларнинг хоҳишига қараб бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга тез ўзгарар эди. Улар келажакда бутун шарқда етакчилик қилишни ўйлаган бўлиши мумкин, лекин ташқи кучлар қўйиб берган режа билан юриб қайга кетаётганларини сезмай қолдилар. Балким улар орасида ватани учун, халқи учун жонкуярлар бор бўлгандир<sup>279</sup>, лекин қандай ўйин ичига тушиб қолганларини билмадилар.

Султон Абдулҳамиддан кейин, унинг укаси Мұхаммад Ришод V халифа бўлади. Аслида ҳукуматнинг ҳаммаси Иттиҳодийлар<sup>280</sup> қўлида, Мұхаммад V эса рамзий халифа эди.

Иттиҳодийлар ўн йилга яқин ҳукм қилган бўлсалар, шу вақт ичida Усмоний давлатнинг Европа қитъасидаги ерларини қўлдан чиқарадилар. Шунингдек Италия Ливияни ва ўрта ер дengизидаги бир қанча оролларни эгаллаб олади.

Давлатни сақлаб қолиш учун усмонийлик робитасига<sup>281</sup> қаттиқ эҳтиёж бўлиб турган бир вақтда турк миллатчилиги ёки туранизм-туркчилик (пантуранизм, пантюркийзм)<sup>282</sup> фикрлари кенг тарқалди. Иттиҳодийлар давлатда таъсир кучига эга бўлган араб етакчиларини ҳукуматдан четлатдилар. Иттиҳодийларнинг бундай сиёsatлари араблар орасида ҳам миллатчилик рухини ривожланишига олиб келади.

Араблар орасида бир нечта ҳизб, ташкилотлар тузилди ва араб давлатлари ички сиёsatда мустақил бўлишлари керак деган чақирувлар янграйди. Бу гурухларни ҳам Европа хусусан, Франция қўллаб-қувватлайди.

Парижда таҳсил олаётган толиблар "Араб ёшлари ташкилоти" ни туздилар. Улар Европа фикридан ва миллий ғоялардан қаттиқ таъсирланган бўлиб арабларни Усмоний давлатдан бутунлай ажралиб

---

<sup>279</sup> Анвар Баша (пошо) мисолида олсак. У Туркиядан чиқиб кетганидан кейин Кавказга бориб русларга қарши жанг қиласди. Сўнгра русларга қарши жанг қилиш учун Бухорога боради ва ўша ерда ҳалок бўлади.

<sup>280</sup> Яъни, "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" аъзолари.

<sup>281</sup> Яъни, Усмоний давлати остида бўлган мусулмонларни Усмоний халифа атрофида бирлашиши.

<sup>282</sup> Туранизм-пантюркийзм (пан- грекча барча, бутунлай деган маънода): Барча туркий халқларни бирлаштириш ғояси билан чиқган оқим.

чиқишига чақирадилар. Бу ташкилот Францияни қувватлови билан Байрутда, сүнгра Дамашқда ўз бўлимларини очади.

Ливандаги баъзи ташкилотлар араб минтақаларини Усмоний давлатдан мустақил сиёsat юргазишга чақирди ва бошқа яна бир қанча талаблар билан чиқди. Иттиҳодийлар у ташкилотни тарқатиб юбориб, бўлимларини ёпади. Бу ташкилот аъзолари эса Франция ҳукуматидан Шом диёрларини босиб олишни сўрайди.

Ироқда ҳам миллий ғоялар кўтарилган бўлиб, у ердаги миллатчилар Англия билан алоқа боғлаган эди.

Бу ҳолат шунга далолат қиласиди, ғарб давлатлари ўзаро келишиб, кейинчалик ўз таъсири остида бўладиган минтақадаги фаоллар билан алоқа боғлаган эди.

1914-йил (ҳижрий 1332-йил) Парижда "Араб ёшлари ташкилоти" кенгаши бўлади. Иттиҳодийлар Францияга босим ўтказиб кенгашини тўхтатишига ҳаракат қилодилар, лекин ҳеч нарса қила олмайдилар. Франция Иттиҳодийлар билан доимий алоқада бўлиб, янги келишувлар имзолаётган бўлса ҳам, Усмоний давлатга қарши бўлганларни қўллаб-қувватлашдан воз кечмайди.

Франция ўзининг бундай сиёсати билан катта мақсадларига эришади ва мусулмонлар ўртасида диний робитани сусайтириб, миллий ғояни кучайтиради.

Иттиҳодийлар Париждаги кенгашига ўз вакилларини жўнатдилар ва араб етакчилари билан бир қанча битимлар имзоланади. Лекин бу битимларнинг бирортаси амалга ошмайди. Чунки битимларни амалга оширувчи бўлган Иттиҳодийларнинг ўzlари ҳам бир фикрда эмас, қарашлар бир биридан катта фарқ қиласиди.

Мана шундай ҳолатда биринчи жаҳон уриши бошланди ва Усмоний давлат Германиянинг иттифоқчиси бўлиб урушга кўшилади.

Араб етакчилари Усмоний давлатни урушга кўшилишини ҳеч хоҳлашмаган, хусусан Германиянинг иттифоқчиси бўлишга бутунлай қарши эдилар. Чунки уруш шу ҳолатда бошланса Англия ва Франция билан алоқада бўлганлар ҳибсга олиниши аниқ эди.

Усмоний давлат урушга кўшилганидан кейин Англия Мисрни ўз ҳимояси остидалигини даъво қиласиди ва Усмоний давлатнинг Мисрга ҳукмронлик қилиши тугаганлигини эълон қиласиди.

Англия Миср ҳокими Аббос Ҳилмий II ни ҳукмдан четлатиб, ўрнига Ҳусайн Комилни тайинлайди ва Халифага рақобатчи қилиш учун уни Султон деб эълон қиласди.

Англия Макка Шарифи<sup>283</sup> бўлган Ҳусайн ибн Али билан ҳам алоқаларни кучайтиради.

Иттиҳодийлар чет эл элчихоналарини тафтиш қилиб, турли ҳужжатлар топадилар. Бу ҳужжатларда баъзи етакчиларнинг номлари зикр қилинган ва уларни чет эл билан алоқада бўлганлиги айтилган эди. Ўша еткачилар ўлимга ҳукм қилиниб қатл қилинади. Бу воқеа катта шов-шувларга сабаб бўлиб, ўлдирилганлар шаҳид деб номланади ва Макка шарифи Ҳусайнни Усмоний давлатга қарши чиқишига баҳона бўлади.

Биринчи жаҳон урушида Германия ва унинг иттифоқчиси бўлган Усмоний давлатга қарши урушган давлатлар урушдан кейинги режаларни ҳам тузиб борадилар.

Англия ва Франция араблар билан алоқа қилиб турган вақтнинг ўзида, ўзаро араб давлатларини (бошқачароқ айтганда Усмоний давлатдан қолган меросни) қандай тақсимлашга келишиб оладилар. Бу келишув тарихда "Сайкс-Пико" номини олган машҳур келишув эди.

Араб етакчиларининг орасида Усмоний давлатдан бутунлай ажралмасдан давлатни, ҳокимиятни, бошқарувни ислоҳ қилишни хоҳлаганлар бор бўлгандир. Лекин улар ҳам миллатчиларнинг ва ғарб фикри билан яшаётган кимсаларнинг таъсиридан чиқа олмас эдилар. Оқибатда улар ҳам ғарб насоро давлатлар тузогига тушиб қолган эдилар.

Биринчи жаҳон урушида Усмоний давлат иттифоқчиси бўлган Германия ютқазди. Аслида Усмоний давлат учун бу урушда қатнашишнинг ҳеч қандай манфаати йўқ эди. Ҳатто Германия ғолиб бўлганида ҳам Усмоний давлатнинг ҳолати олдингидан яхши бўлиб қолмасди. Чунки Усмоний давлатнинг душмани Европа насроний давлатлари эди. Бу душман Усмоний давлатга қарши режаларини амалга оширишда бардавом эди.

Аммо Усмоний давлатни Германия иттифоқчиси бўлиб урушда қатнашишига Иттиҳодийлар етаклаган эди. Чунки "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" аъзолари бўлган кўпчилик зобитлар Германияда таҳсил

---

<sup>283</sup> Макка (Хижоз) ҳокимлари "Шариф" деб номланган.

олгани учун Германияга мойил эди. Усмоний давлат аскарларини ҳам немис зобитлари шуғуллантираш эди.

Уруш тугашидан бир неча ой олдин Халифа Мұхаммад Ришод (хижрий 1337 йил = 1918 йил 3-июлда) вафот этади ва укаси Вахидуддин Мұхаммад VI халифа қилиб тайинланади.

Бириңчи жағон урушида Германия ва үнинг иттифоқчилари мағлуб бўлиб, Усмоний давлат ўзининг кўп ерларини қўлдан кетказади. Бунинг ортидан давлатни мағлубиятга бошлаган Иттиҳодийлар ҳукуматдан кетишига мажбур бўлади. Ҳукмдан кетган "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" етакчилари Германия пароходида давлатни тарқ этади.

Аслида "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" етакчиларининг эътиқодлари ҳам, юриш туришлари ҳам, ҳатто сиёсий қарашлари ҳам Ғарбни, яхуд-насороларни бутунлай қониқтирмас эди. Лекин хилофатни қулатиш учун бириңчи босқичга "Иттиҳод ва Тараққий ташкилоти" муносиб эди. Усмоний давлатни парчалаб, жуда қийин аҳволга солиб қўйган Иттиҳодийлар қиласиган ишларини қилиб бўлган ва энди уларнинг кераги йўқ эди.

Ғарб давлатлари (яхуд-насоролар) ўз режаларининг иккинчи босқичини амалга ошириб, хилофатни бутунлай бекор қилиш учун янги номзод - Исломга, мусулмон жамиятига адовати бўлган, бирор бир қадриятларни ҳурмат қилмайдиган номзод- керак эди. Бу номзодга Мустафо Камолни<sup>284</sup> муносиб қўрадилар.

Султон Вахидуддин ҳокимиятга келганидан кейин давлатни сақлаб қолиша ўзи олдиндан таниган Мустафо Камолга ишонади<sup>285</sup>. Лекин Мустафо султоннинг манфаати учун эмас, балки ўзи ҳокимиятни эгаллаш учун ҳаракат қиласи.

Мустафо Камол Онадўлига борганида Англия у билан алоқа боғлайди ва Мустафонинг нуфузи ортишини қўллаб-қувватлади.

Мустафо Камол Анқарада янги ҳукумат тузушни бошлайди ва мана шу ҳукуматга бўйсунадиган армия ташкил қилишга киришади.

---

<sup>284</sup> Мустафо Камол кейинчалик "Ота турк" деб номланади.

Бу китобимизда баҳс-мунозарали бўлган маълумотларни келтирмай, аниқ маълумотларни келтиришга ҳаракат қилганимиз. Шунинг учун Мустафо Камолнинг келиб чиқиши ҳақидаги мавзуга ҳам тўхтамадик.

<sup>285</sup> Чунки Вахидуддин халифанинг вориси бўлган вақтда, Германияга сафар қилган ва Мустафо Камол унга ҳамроҳ бўлган эди.

Истанбул ҳукуматига бўйсунадиган армия Онадўлига икки тарафдан ҳужум бошлайди<sup>286</sup>. Барча вилоятлар Истанбул ҳукуматига таслим бўлиб, фақат Анқара қолади.

Анқара ҳам таслим бўлишига оз қолганида иттифоқчилар<sup>287</sup> Усмоний давлат билан тузилган "Севр шартномаси"<sup>288</sup> ни эълон қиласди. Бу шартномани халифа ва бош вазир Фарид Баша (пошо) мажбуран имзолаган эдилар.

Шартнома бандлари Усмоний давлатнинг бутунлай зиёнига бўлгани учун кўпчиликни ғазабини қўзғатади. Бош вазир Фарид Баша ҳукуматига қарши норозиликлар кучаяди. Мустафо Камол бу фурсатдан фойдаланиб Ислатнбулга қарши ҳужум бошлашга имкон топади. У Истанбул ҳукуматини сотқинликда айблаб: "Истанбул ҳукумати давлатни ҳимоя қилишдан ожиз экан, Онадўли ҳалқи ватанни ҳимоя қилишни билади. Истанбул мустамлакага айланган бўлса, Онадўли ҳур", деб оммани ўзига оғдиришга урунади. Шунингдек ўзини Исломий, диндор қилиб кўрсатади ва султон билан яқин алоқада эканини, султоннинг ўзи Мустафони Онадўлини сақлаб қолиш учун юборганини айтиб тарафдорларини кўпайтиради.

Анқара ҳукумати кучайиб олганидан кейин Англия "Севр шартномаси" ни қайта кўриб чиқишига чақиради. Бунга Истанбул ва Анқара ҳукуматини ҳам таклиф қиласди. Мустафо: "Давлат бир овоздан гапириши керак", деб бу таклифни рад этади.

Фарид Башанинг ҳукумати тарқатилади. Янги ҳукуматга Тавфиқ Баша бош вазир қилиб сайланади. Тавфиқ баша Мустафо тарафдори бўлиб янги ҳукумат Мустафо манфаатлари учун хизмат қиласди.

Чет давлатлари билан ҳам янги шартномалар тузилади. Иттифоқчилар ўзлари босиб олган айрим ҳудудлардан чиқиб кетади. Греклар босиб олган баъзи минтақалар қайтариб олинади. Бу ҳодисалар ортидан Мустафо Камолнинг обрўси яна ортади.

Анқара ва Истанбул ҳукумати Лозанна<sup>289</sup> конференциясига таклиф қилинади. Шу вақтда Истанбулда инқилоб бўлади. Мухаммад Ваҳидуддин сиёсатга аралашмай, фақат рамзий халифа бўлиб қолишга рози бўлмагани учун истефо беради. Унинг ўрнига амакисининг ўғли Абдулмажид ибн

<sup>286</sup> Бир армия Истанбул тарафдан юриш бошлайди, иккинчи армия шарқ – Курдистон тарафдан юриш қиласди.

<sup>287</sup> Яъни, Биринчи жаҳон урушида Германияга қарши урушган Англия, Франция...

<sup>288</sup> Биринчи жаҳон урусидан кейин 1920 йил Франциянинг Севр шахрида имзоланган шартнома.

<sup>289</sup> Швейцариядаги шаҳар.

Абдулазиз султон этиб тайинланади ва сиёsat ишларига аралашишдан ман қилинади.

Абдулмажид султон этиб тайинланганидан бир неча кун ўтиб Лозанна конференцияси<sup>290</sup> бошланади ва конференцияга фақат Анқара ҳукумати келади.

Янги Туркияни мустақил деб тан олиниши учун<sup>291</sup> бир қанча шартлар қўйилади.

Бу шартлар орасида: Исломий халифаликни бекор қилиш, Усмонийлар авлоди бўлган халифани давлатдан ҳайдаш, Усмонийлар авлодларининг мол-мулкини мусодара қилиш ва Туркияни секуляр давлат деб эълон қилиш бор эди.

Бу шартларга қарши бўлган ҳукумат аъзолари Мустафо Камолга енгилади. Мустафо Камол Туркия жумхуритини эълон қилишга қарор қиласади<sup>292</sup>.

Ҳижрий 1342 = Мелодий 1924 йили хилофат бутунлай бекор қилиниб, Султон Абдулмажид Швейцарияга ҳайдалади. Диний вазифалар бекор қилинади ва вақф мулклари давлат тасарруфига ўтказилади.

Англия Туркия мустақиллигини тан олиб, Туркия ҳудудларидан чиқиб кетади. Туркия секуляр давлат деб эълон қилинади<sup>293</sup>.<sup>294</sup>.

---

<sup>290</sup> 1922 йил, 20-ноябрда.

<sup>291</sup> Яъни, Усмоний давлат иттифоқчилар тарафидан капитуляция қилинмасдан, янги Туркия шаклида ўз ҳудуларини сақлаб қолиши ва мустақил давлат деб тан олиниши учун.

<sup>292</sup> Бу бобда фақат Усмоний давлатнинг қулаши қандай содир бўлганини зикр қилдик. Аммо давлатнинг қулашини узоқ йиллик сабабларига тўхталмадик.

Яъни, Пойдевори емирилган деворни қандай қулагани айтилди. Аммо узоқ йиллик емиририлиш ва бу емирилиш сабабларига тўхталмади. Бу сабаблар тадқиқотчилар, тарихчилар баён қилганидек узоқ вақтлардан бери давом этган, бир қанча жиҳатларга тааллуқли бўлиб, асоси икки нарса: Қилиниши керак бўлган ишлар қилинмагани ва четланиши керак бўлган ишлардан четланилмагани эди.

Усмоний давлат диний ва дунёвий жиҳатдан жуда заифлашиб қолганидан кейин куч-кудратга тўлган Европа қарисида тура олмади.

<sup>293</sup> Шу ергача "Тарихул исламий" китобидан нақл қилинди.

التاريخ الإسلامي لمحمود شاكر: ١٨١٢-١٩٢٤، ١١٧-٤٨-

<sup>294</sup> Шу ўринда бир саволга ойдинлик киритиб кетишимиз ўринли:

Ислом ўлкаларида секуляр давлатлар вужудга келишидан олдин Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилинармиди ёки йўқми?

Мусулмон давлатларида Аллоҳнинг динига муҳолиф ишлар, шариатга муҳолиф ҳукмлар бор бўлгани ҳақиқат. Ҳукмдорларнинг зулм-зўравонликлари ҳам кўп бўлган. Шундай бўлса ҳам ҳукмдорлар Ислом динининг рамзи бўлган амалларни муқаддас билганлар ва Аллоҳ нозил қилган динни ҳукумрон қилишни даъво қилганлар. Исломнинг рамзи бўлган намоз, рўза, ҳаж, ҳижоб... каби амаллар тарк қилинмаган.

Британия парламентида Туркияning мустақиллигини тан олинишига билдирилган танқидий фикрларга, шундай жавоб қилинади:

"Туркия тамом бўлди. У ҳеч қачон ўзига келмайди. Чунки биз Туркияning маънавий қуввати бўлган Ислом ва хилофатни тугатдик"<sup>295</sup>.

Миср, Шом ва Ироқдан чиққан миллатчилар Усмоний давлатдан ажралиб "Араб давлати" қуришни орзу қилган бўлишлари мумкин. Аммо Усмоний давлат қулаганидан кейин "Сайкс-Пико" келишуви тақсимотига биноан араб ўлкалари ғарб (Англия ва Франция) давлатлари қўл остига ўтди.

Ғарб насоро давлатлари мустамлакаси бўлган араб давлатлари истибодга қарши бош кўтарганида ғарб давлатлари даҳшатли қирғинлар қилди<sup>296</sup>. Ўzlари даъво қилган инсонийлик, адолат, маданият ва озодлик деган шиорлар мусулмонларга нисбатан ишламаслигини исботлашди.

Усмоний давлатга қарши чиққанлар Ислом душманларининг кўп йиллик орзусини рўёбга чиқишига ўzlари билиб билмай катта хисса қўшдилар<sup>297</sup>. Улар тараққий этамиз деб, қолоқликка қараб кетдилар, фаровон ҳаёт олиб келамиз деб халқни камбағал-қашшоқ қилдилар.

---

Ислом ўлкаларида секуляр давлатлар вужудга келганидан кейин ислом динига қарши очиқ кураш бошланган. Исломнинг (намоз, рўза... ҳижоб каби) рамзи бўлган амалларни бажариш ҳам жиноятга айланган.

Секуляр давлатлар вужудга келишидан олдин Аллоҳ нозил қилган дин билан қанчалик ҳукм юргазилгани ёки Исломий давлатлар Аллоҳнинг ҳукмидан қанчалик чиқгани (яъни, Аллоҳнинг ҳукмини диндан чиқадиган даражада ўзгартиришганни ёки ундай эмасми, булар ҳаммаси) алоҳида масала.

<sup>295</sup> تاريخ الدولة العثمانية لعلي حسون (ص ٢٨٧). الشريعة الإلهية لا القوانين الجاهلية: عمر سليمان الأشقر (ص ٨٣).

<sup>296</sup> Баъзи тадқиқотчилар ҳисоб китобига кўра: Араб давлатларида 1907 йилдан 1957 -йиллар орасида бўлган 27 та қўзғолонда жами 4000000 дан кўп инсон ҳалок бўлган.

تراث العرب في القرن العشرين: أمين سعيد. الشريعة الإلهية لا القوانين الجاهلية: عمر سليمان الأشقر (ص ٨٣).

<sup>297</sup> Усмоний давлатининг сиёсати ҳар қандай хато-камчиликлардан, зулм-зўравонликдан холи бўлган одил сиёсат эди деб ҳеч ким айттолмаса керак. Лекин Усмоний далватга қарши чиққанлар давлат сиёсатида бўлаётган адолатсизликларини ўзига қарши эмасдилар. Улар Усмоний давлат сиёсатининг ҳаммасига, хусусан Ислом шариатига ҳам қарши эдилар. Лекин Исломга бўлган қаршиликларини давлат сиёсатидаги хато-камчиликлар остига беркитардилар.

Буни англаған Султон Абдулҳамид шундай деган эди: "Ислоҳатлар олиб бориш керак деб реформа (тубдан ўзгартиришни) талаб қилаётганлар бизни йўқ бўлиб кетишимизга сабаб бўладилар.

Нима учун шайтонга қўл берган душманларимиз мана шу реформани бошлаш кераклигини айтиб келяптилар? Чунки улар жуда яхши биладилар (улар талаб қилаётган) ислоҳ давлатимизга даво (ислоҳ) эмас, балки дард-бало бўлади ва давлатимизни йўқ бўлиб кетишига олиб боради".

مذكرات سلطان عبد الحميد: (ص) ١٩٠.

Усмоний давлат қулаганидан кейин Усмоний давлатнинг асл ўрнида ва унинг қўл остида бўлган кўп араб давлатларида Исломга очик душман бўлган ҳукуматлар вужудга келди.

19-20 асрларда Усмоний хилофати остида бўлмаган кўп Ислом ўлкалар ҳам кофиirlар тарафидан босиб олинди.

Мусулмон ўлкаларини мустамлака қилган ғарб давлатлари бир неча йиллар халқни эзib ҳукм юргаздилар, сўнгра ўз назоратларини йўқотмаган ҳолда Ислом ўлкаларидан чиқиб кетдилар. Мусулмонлар босқинчилар зулмидан қутулдик деб турганларида, ўз миллатларидан чиқган диктаторлар зулмига учрадилар.

Ҳозиргача кўп Ислом ўлкаларидаги мусулмонлар диктаторлар зулмидан халос бўла олмадилар.

Ҳозиргача Ислом ўлкаларида Аллоҳнинг динига мухолиф бўлган, балки Аллоҳнинг динига адоват қилувчи тузумлар ҳукмрон бўлиб қолди.

## **Олтинчи боб: Секуляризм Ислом оламида.**

### **1-Бўлим: Исломга зид қонунларни кириб келиши.**

20-асрда кўп Ислом ўлкаларида Исломга мухолиф дастур, қонунлар жорий қилинди.

Ислом шариатига қарши бўлганлар Аллоҳнинг қонунлари қайта ҳукмон қилинmasлиги учун турли услубларни қўлладилар.

Устоз Шайх Умар Сулаймон ал-Ашқор<sup>298</sup> роҳимаҳуллоҳ ўзларининг "الشريعة الإلهية" китобларида Миср диёрига Исломга мухолиф қонунлар қандай олиб кирилгани ва у қонунларни ҳимоя қилиш учун нима ишлар қилингани ҳақида сўз юритганлар<sup>299</sup>.

Мирс ҳокимлари 19 аср ўрталарида ғарб қонунларини ўқиб-ўрганиш учун талабаларини Францияга жўнатдилар. 19 аср охиrlарига келиб Мисрнинг ўзида Франция қонунларини таълим берадиган мадрасалар очилиб "хуқуқшунослик мадрасаси" деб номланди.

Бу мадрасаларда аввал француз ўқитувчилар таълим берди. Британия Мисрни истъело қилгандан кейин мадрасаларни инглиз ўқитувчилар эгаллади. Биринчи жаҳон урушидан кейин эса мисрлик ўқитувчиларнинг ўzlари таълим бера бошлади.

Бу ҳақида Сайид Абдуллоҳ шундай дейдилар: "Бу қонунлар<sup>300</sup> бизнинг ахлоқимизга, урф-одатларимизга ва динимиз асосларига тааллуқли (бўлган масалаларда ҳукм қиласди). Бундай қонунлар бизнинг ўлкамиз тарихида ҳеч қачон бўлмаган эди. Бу қонунларни жорий қилганлар, уни доимий қолишини истаб ҳуқуқшунослик институтларига асос солдилар ва институт битиравчилари қонунларни ҳимоя қилишига кўз тикдилар. Одамлар қонунларни қабул қилиши учун ҳуқуқшуносларни катта мансабларга тайинладилар. Бу ҳолат шу кунгача давом этиб келяпти. Одамлар ҳам, ўша мадрасаларнинг битиравчилари ҳам ўз ўлкаларида бўлган (Ислом шариати) қонунларини унудилар ва Ислом дини Намоз, закот ва ҳаж... учун деб ўйлаб қолдилар"<sup>301</sup>.

<sup>298</sup> Умар Сулаймон ал-Ашқор 1940 йил Набулс шаҳрида таваллуд топганлар. 2012 йил 10-августда Иорданияда вафот этганлар.

<sup>299</sup> الشريعة الإلهية للشيخ عمر سليمان الأشقر: (ص) ١٠٣-١٠٠.

<sup>300</sup> Яъни, Ислом шариатига мухолиф қонунлар.

<sup>301</sup> المقارنات التشريعية... (ص) ١٣.

Бу институтлар мусулмонларнинг ақлини бузиб, уларни ўз динларидан, Роббиларининг шариатидан узоқлатди. Институт талабалари Ислом шариатидан, Исломий фиқҳ китобларидан узиб қўйилди.

Ўша ҳуқуқшунослик институтини тамомлаган толибларидан бири айтади: "Бизларга институтда айтилар эди: Ҳозирги жиноий қонунлар (жиноий-процессуал кодекс) инсонлар ишлаб чиқсан қонунчиликдаги янгиликдир. Инсоният бундай қонунчиликни фақат 19-асрда, Франция инқилобидан кейин била бошлади".

Бу ҳуқуқшунос кейинчалик Исломий фиқҳ китобларига мурожаат қилганида институтда айтилган гаплар ғирт ёлғон эканини билади. Сўнгра Ислом шариатида жиноий қонунлар қанчалик адолатли ва одамлар ўйлаб топган қонунлар қанчалик адолатсиз экани ҳақида ажойиб китоб ёзиб қолдиради<sup>302</sup>.

Умар Сулаймон ал-Ашқор роҳимаҳуллоҳ китоблари давомида Ислом душманларининг бир қанча макр-ҳийлаларини айтиб ўтганлар. Одамлар ўйлаб топган қонунлар қандай амалга киргизилгани ҳамда Исломга мухолиф бу қонунлар амалда сақлаб қолиниши учун қилинган макр-ҳийлалар ҳақида шундай деганлар<sup>303</sup>:

"Уларнинг гумонича (Ислом динига қилган бўхтонлари), Аллоҳ таоло бу умматга ўзлари хоҳлаганидек қонунлар жорий қилиш ҳуқуқини берган, гарчи у қонунлар Аллоҳнинг ҳукмига мухолиф бўлса ҳам.

Уларнинг яна бир бўхтони – одамлар ўйлаб топган қонунлар Ислом шариатига мухолиф эмас деб даъво қилишларидир. Бундай гапларнинг куфр ва залолат экани мусулмон кишига махфий эмас<sup>304</sup>.

Шайх Мұхаммад Абу Заҳро уларнинг<sup>305</sup> мақсади ҳақида гапириб, улар мусулмонларни ҳиссиётни қўзғатмай, ширин-мулойим сўзлар билан Исломни парчалашни режа қилаётганларини айтиб шундай деганлар:

"Улар ижтиҳодни эҳтимол қилмайдиган, насс (очиқ-ойдин далиллар) билан собит бўлган ҳукмларни ўзгартириб, ўзларининг қонунларини

<sup>302</sup> هو الشیخ عبد القادر عودة (١٩٥٤-١٩٠٦) رحمه الله وكتابه المذكور: التشريع الجنائي الإسلامي مقارناً بالقانون الوضعي.

الشريعة الإسلامية: (ص) ٩٨.

<sup>303</sup> الشريعة الإسلامية: (ص) ١١٩-١١٠.

<sup>304</sup> Умар Сулаймон ал-Ашқор роҳимаҳуллоҳ сўзларини давомида уламоларнинг сўзларидан келтирадилар.

<sup>305</sup> Яъни, Ислом шариатига мухолиф қонунларни жорий қилувчилар.

Ислом шариатидан юқори қўйишни истайдилар. Ислом қонунларини ўзлари ўйлаб топган қонунлардан юқори бўлишини хоҳламайдилар.

Одамлар қилаётган ишларига Ислом шариати баҳо бериб: "Бу ишларингиз яхши, бу ишларингиз ёмон деб", ҳукм қилишини хоҳламайдилар. Аксинча одамларни шариат устидан ҳукм чиқаришини истайдилар. Шариат Аллоҳнинг ҳузуридан жамиятни ислоҳ қилиш учун ва одамларнинг алоқаларини тартибга солиш учун нозил бўлганини унитадилар<sup>306</sup>.

Сулаймон ат-Тамовий айтадилар:

Биз Ислом динига иймон келтирганмиз ва Аллоҳнинг ушбу:

{وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ} المائدة (٤٤)

**"Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир<sup>307</sup>"** оятини ўқиганмиз. Бизлар мусулмонлармиз. Бизлар Китоб – Қуръонни баъзисига иймон келтириб, баъзисига кофир бўлиш мумкин эмаслигига ҳам иймон келтирганмиз. Талабаларимиз шариат олимларидан бу (шариат ва қонун деган) гапларни эшитганларидан кейин шариат бир нарса, қонунчилик бошқа бир нарса деб ўйлаб қоладилар<sup>308</sup>. Бу (нотўғри) тушунчани тузатиш вақти келди деб ўйлайман...<sup>309</sup>.

## 2-Бўлим: Ислом дини мукаммаллиги

Аллоҳ тало Қуръоннинг жуда кўп оятларида Ўзини Исм ва Сифатлари билан бандаларига танитди. Ҳамда бандалар Аллоҳга қандай ибодат қилишлари карак эканини ва ёлғиз Аллоҳга ибодат қилганлар баҳтсаодатга эришишларини, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишдан юз ўғирганлар икки дунёда баҳти қаро бўлишларини хабар берди.

---

٣٠٦ اسوع الفقه الإسلامي الثالث: ص ١٥٢ ، ١٥٣ .

<sup>307</sup> Мойда сураси 44-оят.

<sup>308</sup> Яъни, қонунлар ҳақида сўз юритиб, Аллоҳнинг қонунлари билан бошқа қонунларни қиёслашга эҳтиёж бўлганда: "Шариатда бундай бўлади, қонунда эса ундан бўлади", деб айтилади. Бундай гаплар шариатда қонунчилик йўқ экан деган фикрни уйғотади. Аслида шариатнинг ўзи қонун. Шунинг учун "Ислом қонунларида бундай бўлади, Исломга зид бўлган қонуларда ундан бўлади", деб айтиш керак.

<sup>309</sup> الشريعة الإلهية: (ص) ١١٠ - ١١٩ .

## **1-фасл: Икки дунё баҳт-саодати**

Аллоҳ таоло Ўз динини мукаммал қилиб<sup>310</sup>, инсонларни икки дунё баҳт-саодатига етакловчи ва Ўз пайғамбарини бутун инсониятга раҳмат-марҳамат қилиб юборди.

{وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ} الائبياء (١٠٧)

**(Эй Пайғамбар), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат-марҳамат қилиб юбордик.** Анбиё сураси 107-оят.

Мұхаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ оятнинг тафсирида шундай дедилар:

"Аллоҳ таоло бу оядда Ўз Пайғамбарини барча халқлар учун фақат раҳмат-марҳамат қилиб юборганини баён қилди. Чунки Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни дунё ва охиратда баҳтли қилувчи динни олиб келганлар. Одамлар бу динга эргашсалар бас, икки дунё баҳт-саодатига эришадилар. Аммо ким бу динга эргашишдан бош тортса (Пайғамбар олиб келган буюк неъмат,) катта раҳматдан ўзини ўзи маҳрум қилиби.

Олимлар бунга бир мисол айтишади:

Аллоҳ таоло сувлари күп бир булоқ чиқарып қўйган бўлиб, булоқнинг сувидан олиш ҳаммага осон бўлса, булоқнинг сувидан тўйиб ичган, сўнгра экинлари ва чорваларини суғорган кишилар кўп неъматларга эга бўлади. Аммо дангасалик сабаб булоқ сувидан фойдаланмаганлар ўзларини ўзлари сувдан маҳрум қиласидилар. Оқибатда катта неъматлардан бенасиб қолади. Аслида булоқ сувини Аллоҳ таоло барча учун раҳмат қилган эди. Лекин дангасалар ўзларини ўзлари бу неъматдан маҳрум қиласидилар.

Уларнинг ҳолати ушбу оядда ҳам баён қилинган:

{أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ بَدَّلُوا نِعْمَةَ اللَّهِ كُفْرًا وَأَخْلُلُوا قَوْمَهُمْ دَارَ الْوَارِ} إِبْرَاهِيمٌ: ٢٨

**(Эй инсон), Аллоҳнинг неъматини** (бутун инсоният учун раҳмат-марҳамат қилиб юборган Пайғамбарга иймон келтиришни) **куфрга алмаштириб** (ортларидан эргашган) **қавмларини ҳалокат чоҳига қулатган кимсаларни кўрмадингми?!**

Аллоҳ таоло Пайғамбарини бутун оламлар учун раҳмат қилиб юборди. Демак Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган буюк Қуръон барча халқлар учун раҳмат-марҳаматдир.

---

<sup>310</sup> Бу мавзуга "Биринчи боб: Ислом дини" бобида кенгроқ тўхталди.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{أَوْلَمْ يَكُفِّهِمْ أَنَّا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ يُتْلَى عَلَيْهِمْ إِنْ فِي ذَلِكَ لِرَحْمَةٍ وَذُكْرِي لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ} العنكبوت: ٥١

**Ахир уларга тиловат қилинаётган ушбу Китобни Биз сизга нозил қилганимиз улар учун етарли эмасми?! Албатта бу (Китоб)да иймон келтирадиган қавм учун раҳмат ва эслатма бордир.**

Бошқа оятда:

{وَمَا كُنْتَ تَرْجُوا أَنْ يَلْقَى إِلَيْكَ الْكِتَابَ إِلَّا رَحْمَةً مِنْ رَبِّكَ} القصص: ٨٦

**Сиз ўзингизга Китоб — Қуръон туширилишидан умидвор ҳам бўлган эмасдингиз. Фақат Роббингиз томонидан** (Сиз учун ва сиз сабабли барча инсонлар учун<sup>311</sup>) **раҳмат-марҳамат бўлиб** (сизга Қуръон нозил қилинди). Қасос сураси 86-оят.<sup>312</sup>

Аллоҳ таоло Ўз динини инсониятга раҳмат-марҳамат бўлиши учун нозил қилган экан дунёда покиза, адолатли ҳаёт кечириш ва охиртда абадий саодатга эришиш фақат Аллоҳнинг динига эргашиш билан бўлади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنَجْعِلَنَّهُ حَيَاةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ} النحل

.٩٧

**Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз.** Наҳл сураси 97-оят.

Бошқа оятда:

{وَقَيْلَ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا مَاذَا أَنْزَلَ رَبُّكُمْ قَالُوا خَيْرًا لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةً وَلَدَارُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ وَلَنَعْمَ دَارُ الْمُنْتَقَبِينَ} النحل

.٣٠

**Тақводор бўлган зотларга: «Роббингиз (Ўз пайғамбариға) нима нозил қилди?»** дейилганида, улар: «Яхшилик», дерлар. Чиройли амал қилган зотлар учун бу дунёда яхшилик бўлур. Лекин, охират диёри янада яхшироқдир. Тақводор зотларнинг диёри нақадар яхшидир! Наҳл сураси 30-оят.

٣١١ الكتاب: تفسير القرآن العظيم لابن كثير [٧٧٤-٧٠٠ هـ]

٣١٢ الكتاب: أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن. المؤلف محمد الأمين الشنقيطي (المتوفى: ١٣٩٣ هـ).

Тақводор зотлар Аллоҳ нозил қилган ваҳий – Қуръонни яхшилик, барака ва буюк неъмат эканини эътироф қиласидилар. Улар Аллоҳга шукр қилиб буюк неъматни қабул қиласидилар, хабарларини тасдиқлаб, буйруқларига итоат қиласидилар.

Чиройли амал<sup>313</sup> қилган зотлар учун бу дунёда яхшилик – покиза ризқ, яхши ҳаёт, қалб ороми, хотиржамлик ва қувонч бўлур. Ким дунёда чиройли амал қилса Аллоҳ таоло унга дунё ва охиратда яхшилик берур. Лекин охиратдаги яхшиликлар дунёдаги яхшиликка қиёс қилиб бўлмас даражада афзалдир. Чунки дунёдаги яхшиликлар оз, қийинчиликлар билан аралашган бўлиши билан бирга бир кун келиб тугайди. Охират яхшилиги абадий, битмас-туганмасдир<sup>314</sup>.

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳидоятига эргашган кишилар ҳақида бундай деди:  
﴿فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِّنِيْ هُدًّا فَمَنِ تَبَعَ هُدًّا يَأْتِيَهُمْ وَلَا هُمْ يَخْرُجُونَ﴾ البقرة: ٣٨.

**Сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, ким (Меннинг) шу ҳидоят – ҳақ йўлимга эргашса уларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар.** Бақара сураси 38-оят.

Бошқа оятда:

﴿فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِّنِيْ هُدًّا فَمَنِ اتَّبَعَ هُدًّا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى﴾ طه: ١٢٣.

**"Сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, Ким Менинг ҳидоятимга эргашса адашмайди ва баҳтсиз бўлмайди".** Тоҳа сураси 123-оят.

Аллоҳ бу оятларда Ўзининг ҳидояти бўлган Ислом динига эргашган кишиларга тўрт буюк неъмат хушхабарини берди.

Улар (Аллоҳнинг ҳидоятига эргашишларига яраша) дунёда тўғри йўлдан адашмайдилар, охиратда ҳам адашмай тўғри жаннат томон йўл оладилар. Дунё ва охиратда баҳтсиз бўлмайдилар, балки икки дунёда баҳт-саодатга эришадилар.

Аллоҳнинг ҳидоятидан юз ўғирганлар эса дунё ва охиратда баҳтсиз бўладилар:

﴿فَإِمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَأَعْذَّبْهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَمَا هُمْ مِنْ نَاصِرِينَ﴾ (٥٦) آل عمران

<sup>313</sup> Чиройли амал мақсад – Аллоҳга ибодат қилганда суннатга мувофиқ ҳолда, холис ибодат қилиш ва Аллоҳнинг бандаларига эҳсон яхшилик қилиш.

<sup>314</sup> تفسير القرآن العظيم: لابن كثير. وتفسير للشيخ عبد الرحمن السعدي.

**Бас, кофир бўлган кимсаларга дунё ва охиратда қаттиқ азоб-ла азоб берурман. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмас.** Оли Имрон сураси 56-оят.

## 2-фасл: Дин инсонларнинг эҳтиёжи бўлган барча нарсани баён қилган.

Аллоҳ таоло икки дунё баҳт-саодати учун нозил қилган Китобида одамларнинг икки дунёлариға тааллуқли бўлган масалаларни баён қилди. Бандалар Аллоҳга қандай ибодат қилишлари кераклигини<sup>315</sup> хабар берганидек, дунёда ўзаро қандай муомалада бўлишлари ва қандай ҳукм юргазишлари карак эканини ҳам батафсил баён қилди.

Шунингдек, Қуръон ҳукмлари адолатли, оқибати фақат яхшилик ва Қуръонга мухолиф ҳукмлар фақат жаҳолат эканини хабар берди<sup>316</sup>. Қуръон фақат ҳақдан иборат<sup>317</sup>, ҳар қандай ботилдан холи эканини<sup>318</sup> ва Қуръонда бирор бир қарама қаршилик йўқ эканини<sup>319</sup> ва Қуръон равшан нур эканини<sup>320</sup> баён қилди<sup>321</sup>.

Аллоҳ таоло ушбу Қуръонни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга одамлар орасида ҳукм юргизишлари учун нозил қилганини хабар бериб шундай деди:

{إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحُقْقِ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ إِنَّمَا أَرَاكَ اللَّهُ وَلَا تَكُنْ لِلْخَائِنِينَ حَصِيمًا} النساء: ١٠٥

**Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ Китоб – Қуръонни одамлар орасида Аллоҳ кўрсатганидек ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилгувчи бўлманг.** Нисо сураси 105-оят.

Аллоҳ таоло Пайғамбарини Қуръон билан ҳукм юргизишга буюрар экан Аллоҳнинг ҳукмига мухолиф бўлган ҳукмларга ва одамларнинг нафсу ҳавосига эргашишдан қайтарди<sup>322</sup>. Одамларнинг нафсу ҳавосига

<sup>315</sup> Одамлар ибодатни адо қилганларига яраша бўладиган мукофот-жаннат ва жазодўзах ҳақида хабар берди.

<sup>316</sup> Ањом сураси 115-оят, Наҳл сураси 90-оят, Нисо сураси 59-оят, Моида сураси 50-оят, Ҳадид сураси 25-оят.

<sup>317</sup> Бақара сураси 119, 176, 213-оятлар, Нисо сураси 105-оят яна бундан бошқа ўнлаб оятлар.

<sup>318</sup> Фуссилат сураси 41-42 оятлар, Исро сураси 81-оят.

<sup>319</sup> Нисо сураси 82-оят.

<sup>320</sup> Нисо сураси 174-оят.

<sup>321</sup> Каҳф сураси 1-оят, Анкабут сураси 51-оят, Моида сураси 48-оят, Тоҳа сураси 133-оят...

<sup>322</sup> Моида сураси 48-49 оятлар.

эргашганлар залолатга кетиб, зиён кўрувчи золимлардан бўлишини баён қилди<sup>323</sup>.

Зикр қилғанларимиз жуда кўп оятларда очиқ-ойдин баён қилинган.

Аллоҳ таоло ушбу оядта шундай деди<sup>324</sup>:

{أَفَغَيْرُ اللَّهِ أَبْتَغِيْ حَكْمًا وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ إِلَيْكُمُ الْكِتَابَ مُفَصَّلًا وَالَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْلَمُونَ أَنَّهُ مُنَزَّلٌ مِّنْ رَّبِّكَ بِالْحَقِّ فَلَا تَكُونُنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ \* وَتَقْتَلْ كَلِمَةً رَّبِّكَ صِدْقًا وَعَدْلًا لَا مُبَدِّلٌ لِكَلِمَاتِهِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ \* وَإِنْ تُطْعِنْ أَكْثَرَ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضْلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَكُونُونَ} الانعام: ۱۱۴ - ۱۱۶ .

(Эй Пайғамбар, уларга айтинг)": «**Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олайми?! Ахир Унинг Ўзи сизларга бу Китоб – Қуръонни муфассал (ҳақ билан ботилни батафсил ажратиб берувчи қилиб) нозил қилган зот-ку?»**

**Биз Китоб берган кимсалар (яҳудий ва насронийлар) у (Қуръон)ни Роббингиз (томони) дан хаққи рост нозил қилинганини билурлар. Бас, ҳаргиз шак-шубҳа қилгувчилардан бўлманг!**

**Роббингизнинг Сўзлари сидқу адолатда комилдир** (яъни: хабарлари чин ҳақиқат, ҳукмлар энг адолатлидир). **Унинг Сўзларини ўзгартиргувчи йўқдир. У эшитгувчи, билгувчи**дир.

**Ер юзидағи кимсаларнинг жуда кўплари (залолатда, улар)га итоат қиласидиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар. (Зотан) улар фақат гумонларигагина эргашурлар ва фақат алдайдилар, холос.** Анъом сураси 115-116 оятлар.

Аллоҳ таоло Пайғамбарга Қуръон нозил қилинини айтган ўринларда ҳалол-ҳаромни, одамлар орасидаги муомалаларни зикр қилди<sup>325</sup>. Шунингдек Қуръони Каримда давлат сиёсати, иқтисоди ва жамиятнинг ҳар бир табақа аъзолари ўзаро қандай муомала қилишларининг асослари баён қилинди.

Ислом уламолари Қуръон ва ҳадисга асосланиб<sup>326</sup> ҳаётнинг ҳамма жабҳасига -шахсий ҳаётга, оилавий ҳаётга, жамиятга, иқтисодга ва

<sup>323</sup> Бақара сураси 120; 145 оятлар, Раъд сураси 37-оят, Қасос сураси 50-оят, Рум сураси 29-оят.

<sup>324</sup> Ушбу уч оядта юқорида зикр қилинган масалаларнинг кўпи жамланган.

<sup>325</sup> Мисол учун: Бақара сураси 170-176, Исро сураси 31-39 оятлар, Нур сураси 1-9 оятлар, Талоқ сураси 1-5 оятлар.

<sup>326</sup> Қуръон ва ҳадисда зикр қилинган масалаларни очиқ ойдин далиллардан олиб, зикр қилинмаган масалаларни (далиллари зикр қилинган масалаларга) қиёс қилиб.

давлатни ички ва ташқи сиёсатига- тааллукли бўлган китобларни ёзib қолдирдилар.

Ушбу мавзуларда кўплаб китоблар таълиф қилинди:

Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати қандай бўлиши...

Давлатни ички ва ташқи томондан мустаҳкам қилувчи омиллар...

Давлат учун масъул бўлган биринчи шахс (давлат бошлиғи – Халифа, амир ва ҳокимлар)да топилиши керак бўлган шартлар, давлат ва халқ олдидағи бурчи, халқ билан қандай муомалада бўлиши ва халқнинг давлат бошлиғига нисбатан муомаласи қандай бўлиши кераклиги...<sup>327</sup>.

Барча иқтисодий муомалалар ва одамлар орасидаги олди-берди (олди-сотди, қарз, ижара...) қандай бўлиши...<sup>328</sup>.

Оилада ота-она, эр-хотин ва фарзандларнинг муомалалари қандай бўлиши.

Жиноятчиларга қандай жазо қўллаш ва қасос олишни ҳукмлари<sup>329</sup>.

Дунё ва охиратимиз обод бўлишида муҳим бўлган олтита -Дин, жон, ақл, насл, шаън (обрў, ҳурмат) ва мол- шариат матлаблари ҳимоя қилиниши ҳақида китоблар таълиф қилинди<sup>330</sup>.

Бундай масалаларни Ислом уламолари Қуръон ва ҳадисга асосланиб батафсил баён қилишди. Ҳатто хали содир бўлмаган, лекин келажакда содир бўлиши мумкин бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтдилар. Ислом уламолари – саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейин келган имомлар уммат учун катта илмий хазина қолдириб кетдилар.

Буларнинг ҳаммасига қўшимча, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган масалаларда Қуръон ва ҳадисга асосланган ҳолда қандай ижтиҳод қилиш кераклиги ҳам батафсил баён қилинди<sup>331</sup>.

---

<sup>327</sup> Шарий сиёсат - السياسة الشرعية - ҳақида ёзилган китоблар.

<sup>328</sup> Иқтисоднинг икки асоси, молни тўғри йўл билан топиш ва тўғри сарфлаш бир неча оятларда такror зикр қилинди.

Қуръондаги энг узун оят қарз олди бердиси ҳақида нозил бўлди.

<sup>329</sup> Қуръонда, хусусан Мадинада нозил бўлган сураларда юқорида зикр қилинган масалалар ҳақида жуда кўп оятлар келган. Шунингдек Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидаги ҳам.

<sup>330</sup> Шариат мақсадлари - مقاصد الشريعة - фанида ёзилган китоблар...

<sup>331</sup> Усул фиқҳ - أصول الفقه - фанида ёзилган китоблар...

Дарxaқиқат, Аллоҳ таоло Үз динида охиратимизни обод қилиш учун ва дунёда тартиб-интизом билан яшашимиз учун нимага мухтоj бўлсак барчасини<sup>332</sup> баён қилди:

{مَا فَرَطْنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ} الانعام ٣٨.

**Китобда бирон нарсани қолдирмай (ёзганмиз).** Аньом сураси 38-оят.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу дедилар: "Бирон нарсани қолдирмай, сизларга ҳамма нарсани баён қилган".

Бу оят маҳсус маъно ирода қилингандан умумлардан. Яъни, эҳтиёжларингиз бўлган бирор нарсани қолдирмай сизларга -очик далиллар билан ёки умумий далиллар билан ёки ишора қилиб- баён қилганмиз<sup>333</sup>.

Бошқа оятда:

{وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ} النحل ٨٩

**Ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китоб – Қуръонни сизга нозил қилдик.**

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: "Аллоҳ таоло Қуръонда бизлар учун (эҳтиёжимиз бўлиши мумкин бўлган) ҳамма илмни баён қилди".

Қуръон фойдали бўлган илмни барчасини ўзида эгаллаган. Тарихда бўлиб ўтган ва келажакда бўладиган хабарлардан бизлар учун керак бўлганлари баён қилингандан.

Қуръон барча ҳалол ва ҳаромни, одамлар дунёю охиратларида, ҳаётда ва динда мухтоj бўладиган барча масалалар ҳақида хабар берган<sup>334</sup>.

Аллоҳ таоло бизларни (мана шундай илмларни ўзида эгаллаган) Қуръоннинг барчасига иймон келтиришимизга буюриб шундай деди:

<sup>332</sup> Яъни, кўп масалалар Қуръон ва ҳадисда очик-ойдин далиллар билан баён қилинди. Очик-ойдин далиллар билан зикр қилинмаган масалаларни ҳукмини баён қилишда уламолар ижтиҳод қилишди. Яъни, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейин келган уламолар далиллари зикр қилинмаган масалаларни далиллари зикр қилингандан масалаларга қиёс қилиб баён қилишиди.

<sup>333</sup> زاد المسير في علم التفسير: لابن الجوزي (المتوفى: ٥٩٧هـ)

<sup>334</sup> تفسير القرآن العظيم: لابن كثير.

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَى رَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِهِ وَمَنْ يَكُفُرُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكَتُبِهِ وَرَسُولِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا} النساء: ١٣٦ .

**Эй иймон келтирган кишилар, Аллоҳга, унинг пайғамбариға ва шу пайғамбариға нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил қилган Китоблариға (тұлиқ) иймон келтириңгиз. Кимки Аллоҳга, фаришталариға, китоблариға, пайғамбарлариға ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди. Нисо сураси 136-оят.**

Ким Қуръоннинг барчасига ёки Қуръоннинг баён-тафсири бўлган сахих ҳадисларга тұлиқ иймон келтирмаса Ислом динини тұлиқ қабул қилган бўлмайди.

Аллоҳ таоло шундай деди:

. {يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلْمِ كَافَةً وَلَا تَنْتَهُوا حُطُوطَ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَذُونٌ مُّبِينٌ} البقرة: ٢٠٨

**Эй мўминлар, Ислом** (нинг ҳаммаси) **га тұла кириңгиз** (Исломнинг баъзисини қабул қилиб, баъзисини қабул қилмайдиган бўлмангиз)! **Ва шайтоннинг изидан эргашманглар!** Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир. Бақара сураси 208-оят.

### 3-Бўлим: Динни баъзисига иймон келтириб баъзисига иймон келтирмаслик ёки Қуръонни бир оятини ёки Ислом уммати ижмо қилган бир масалани инкор қилиш

Ислом динининг маъносини тушуниб, Қуръон ана шундай илмларни эгаллаганини била туриб<sup>335</sup>: "Дин фақат Яратувчи билан банданинг орасидаги муомалани<sup>336</sup> баён қиласы, бошқа масалаларга<sup>337</sup> диннинг алоқаси йўқ", деб айтиш Аллоҳ нозил қилган Қуръон оятларининг баъзисига иймон келтириб баъзисига<sup>338</sup> иймон келтирмаслиқдир ва Ислом динини тұлиқ қабул қилмаслиқдир.

<sup>335</sup> Юқорида бу ҳақида сўз юритилди. Хусусан биринчи бобда.

<sup>336</sup> Яъни, Инсон қалбида Аллоҳни қандай ёд этади ёки қандай намоз ўқийди, қандай рўза тутади, қандай ҳаж қиласы.

<sup>337</sup> Яъни, Сиёсат, иқтисод, жиноят қонунлари, жамиятдаги масалалар...

<sup>338</sup> Яъни, Сиёсат, иқтисод, жиноят қонунлари, жамиятдаги масалалар ҳақидаги оят-ҳадисларга иймон келтирмаслиқдир.

Аллоҳ таоло динни баъзисига иймон келтириб баъзисига кофир бўлганлар ҳақида шундай деди:

﴿أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَضِ الْكِتَابِ وَتَكُفِّرُونَ بِعَضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا حَزْيٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَبَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَى أَشَدِ الْعَذَابِ﴾ القرآن: ۸۵

**Китобнинг бир қисмига иймон келтириб, бир қисмига кофир бўласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда хор бўлиш, Қиёмат Кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинурлар. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.** Бақара сураси 85-оят.

Бошқа оятда:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكُفُّرُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَرِبِّيْدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِعَضٍ وَنَكْفُرُ بِعَضٍ وَرِبِّيْدُونَ أَنْ يَتَخَذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا \* أُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا﴾ النساء: ۱۵۰-۱۵۱ .

**"Аллоҳга ва унинг элчилариға кофир бўладиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган ва "Баъзилариға иймон келтирамиз ва баъзилариға кофир бўламиз", деб айтиб, шуни (иймон билан куфрнинг) орасида (ўзлари учун дин) йўл қилиб олишни истайдиган кимсалар — ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар. Бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.** Нисо сураси 150-151 оятлар.

Қуръоннинг бирор оятини инкор қилиш Ислом уламолари (салаф солиҳлар ва улардан кейинги уламолар) ижмо-иттифоқи билан диндан чиқарадиган катта куфрдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: "Ким Қуръоннинг бир ҳарфига кофир бўлса Қуръоннинг ҳаммасига кофир бўлибди"<sup>339</sup>.

Қози Иъёз роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Кимда-ким Қуръонни камситса ёки баъзи оятларини камситса ёки Қуръонни ҳақорат қилса ёки Қуръонни инкор қилса ёки Қуръоннинг бирор ҳарфини ёки бирор оятини инкор қилса ёки Қуръонни ёлғонга чиқарса ёки Қуръонни бирор оятини ёки Қуръон очиқ баён қилган бирор ҳукмни ёки Қуръоннинг бирор хабарни ёлғонга чиқарса ёки билиб туриб Қуръон исботлаган нарсани инкор қилса, инкор қилганини исботласа ёки буларни

339 عن بن مسعود: قال من كفر بحرف من القرآن فقد كفر به أجمع.  
مصنف عبد الرزاق: ۱۵۹۴۶

бирортасида шак-шубҳада бўлса бу кимса барча аҳли илмларнинг ижмоси билан кофирдир.

Аллоҳ таоло деди:

{وَإِنَّهُ لِكِتَابٍ عَزِيزٍ \* لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ، تَنْزِيلٌ مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ} فصلт ۱ - ۴۲ .

**Шак-шубҳасиз у азиз — қудратли Китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва мақтов эгаси томонидан нозил қилингандир.** Фуссилат 41-42 оятлар<sup>340</sup>.

Нававий роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Ислом уммати Қуръонни улуғлашликка ва поклаб, ҳимоя қилишга ижмо қилишган. Шунингдек, кимда-ким билиб туриб ижмо билан событ бўлган Қуръоннинг бирор ҳарфини инкор қилса ёки (саҳобаларнинг бирорталаридан) ривоят қилинмаган бир ҳарфни қўшса бу кимса кофирдир"<sup>341</sup>.

Ибн Қудома роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Қуръондан бир сурани ёки бир оятни ёки бир калимани ёки ижмо билан событ бўлган бир ҳарфни инкор қилган кимсанинг кофир бўлишида мусулмонлар орасида ҳеч бир хилоф йўқ"<sup>342</sup>.

Фахруддин Розий роҳимаҳуллоҳ ушбу:

{وَمَا يَجْعُلُ بِأَيْمَانِنَا إِلَّا الْكَافِرُونَ} العنکبوت: ۴۷ .

**Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор қилур.**

(Анкабут сураси 47-) оят тафсирида шундай дедилар: "Қуроннинг бирор бир оятини инкор қилган кимса кофирдир"<sup>343</sup>.

Ал-Хозин Али ибн Мухаммад роҳимаҳуллоҳ дедилар:

---

٣٤٠ قال القاضي عياض: "وَاعْلَمُ أَنَّ مَنْ اسْتَحْفَ بِالْقُرْآنِ، أَوِ الْمُصْنَفِ، أَوْ يَشَيِّءُ مِنْهُ، أَوْ سَبَّهُمَا، أَوْ جَحَدَهُ، أَوْ آيَةً أَوْ كَذَبَ بِهِ، أَوْ بَشَيْءٍ مِنْهُ أَوْ بَشَيْءٍ مِمَّا صُرِّخَ بِهِ فِيهِ مِنْ حُكْمٍ، أَوْ حَرْرٍ، أَوْ أَثْبَتَ مَا نَفَاهُ، أَوْ نَفَى مَا أَثْبَتَهُ عَلَى عِلْمٍ مِنْهُ بِذَلِكَ، أَوْ شَكَ فِي شَيْءٍ مِنْ ذَلِكَ، فَهُوَ كَافِرٌ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ بِإِجْمَاعٍ. قال الله تعالى: {وَإِنَّهُ لِكِتَابٍ عَزِيزٍ \* لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ، تَنْزِيلٌ مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ} فصلت ۱ - ۴۲ .

الشفا بتعريف حقوق المصطفى للقاضي عياض: ۳۰ ۴۱  
المجموع للنووي: ۱۹۳۱۲ .

قال النووي رحمه الله: "وأجمعـتـ الأـمـةـ عـلـىـ وجـوبـ تعـظـيمـ القرآنـ عـلـىـ الإـطـلاقـ وـتـنـزـيهـهـ وـصـيـانتـهـ. وأـجـمـعـواـ عـلـىـ أنـ مـنـ جـدـ منهـ حـرـفـاـ مـجـمـعـاـ عـلـيـهـ، أوـ زـادـ حـرـفـاـ لـمـ يـقـرـأـ بـهـ أـحـدـ وـهـ عـالـمـ بـذـلـكـ فـهـوـ كـافـرـ".

قال ابن قدامة: ولا خلاف بين المسلمين في أن من جد من القرآن سورة أو آية أو كلمة أو حرفاً متفقاً عليه أنه كافر.

الكتاب: لمعة الاعتقاد لابن قدامة: ص ۱۹ .

٣٤٣ الكتاب: مفاتيح الغيب لفخر الدين الرازي.

"Ким Аллоҳни инкор қилса ёки Аллоҳнинг якка-ягоналигини инкор қилса ёки Аллоҳ Пайғамбариға нозил қилган бирор нарсани инкор қилса ёки Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар эканликларини инкор қилса ёки Пайғамбарлардан бирортасини инкор қилса у коғир бўлади. Агар мана шу ҳолатда ўлиб кетса дўзахда абадий қолади, Аллоҳ уни кечирмайди"<sup>344</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кимда-ким Қуръонни инкор қилса ёки Қуръоннинг бир оятини билиб туриб инкор қилса коғир бўлади. Бунга уламолар ижмо-иттифоқ қилишган.

Худди шунингдек, Қуръон ва саҳиҳ ҳадис очиқ-ойдин (қатъий) далолат қилган, Ислом уламолари (салаф солиҳлар ва улардан кейинги уламолар қатъий ижмо билан) иттифоқ қилган, Ислом умматида очиқ-ойдин билинган бир масалани ёки бир ҳукмни<sup>345</sup> била туриб инкор қилиш катта қуфр эканига уламолар иттифоқ қилган<sup>346</sup>.

Ибн Батта роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Кимда-ким Аллоҳ Қуръонда фарз қилган ёки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида таъкидлаб айтган фарзлардан бирортасини инкор қилиб ёки ёлғонга чиқариб бажармайдиган бўлса у очиқ-ойдин коғирдир"<sup>347</sup>.

Нававий роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Кимда-ким Ислом динида очиқ-ойдин билинган нарсани инкор қилса унга муртад, коғир деб ҳукм қилинади. Фақатгина янги Ислом қабул қилган бўлса ёки Ислом ўлкаларидан олисларда улғайган бўлса ва шунга ўхшаш (Ислом ҳукмларини) била олмайдиган ҳолатда бўлганларга

---

<sup>344</sup> قال الخازن: "أَنْ مَنْ جَدَ اللَّهُ أَوْ أَنْكَرَ وَحْدَانِيَتَهُ أَوْ أَنْكَرَ شَيْئاً مَا أَنْزَلَهُ عَلَى رَسُولِهِ أَوْ أَنْكَرَ نَبِيَّةً مُحَمَّدَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوْ أَحَدًا مِنَ الرَّسُولِ فَهُوَ كَافِرٌ فَإِنْ مَاتَ عَلَى ذَلِكَ فَهُوَ فِي النَّارِ خَالِدًا فِيهَا وَلَا يَغْفِرُ اللَّهُ لَهُ". الكتاب: لباب التأويل في معاني التزيل: ٢٥١١. المؤلف: علاء الدين علي بن محمد أبو الحسن، المعروف بالخازن (المتوفى: ٦٧٤ هـ).

<sup>345</sup> Ибн Жарир ат-Тобарий роҳимаҳуллоҳ Моида сурасининг 44-оятида: Аллоҳнинг ҳукмини инкор қилиб, Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукмлар билан ҳукм қилиш диндан чиқарадиган катта қуфр эканлигини салаф солиҳлардан нақл қилганлар.

<sup>346</sup> Юқоридаги жумлага диққат билан эътбор бериш керак. Бу ерда айтилган масала: Далиллар билан очиқ-ойдин билинган, уламолар қатъий ижмо қилган ва Ислом уммати орасида ошкор бўлган масалани билиб туриб инкор қилиш уламолар иттифоқи билан катта қуфрдир.

<sup>347</sup> شرح صحيح مسلم للنووي /١. روضة الطالبين للنووي /٢. إحكام الأحكام شرح عمدة الأحكام لابن دقيق العيد: /٤. أنوار البروق في أنواع الفروق للقرافي /٤ /١١٧. الإبانة لابن بطة العكري /٢ /٧٦٤.

(бilmagan нарсаси) баён қилинади. Агар баён қилинганидан кейин ҳам инкор қилишда давом этса уни кофир деб ҳукм қилинади"<sup>348</sup>.

Бу борада, юқорида келтирилгандан ташқари яна Ислом уламоларининг кўп сўзлари нақл қилинган<sup>349</sup>.

<sup>348</sup> شرح صحيح مسلم: ١٥٠١١. أبو زكريا محيي الدين يحيى بن شرف النووي (المتوفى: ٦٧٦هـ).

<sup>349</sup> ينظر على سبيل المثال لا الحصر:  
الإبانة لابن بطة العكبري ٢/٧٤.

شرح السنة للبربهاري (المتوفى: ٣٢٩هـ) (ص) ٣١، ٤٣.

التمهيد لما في الموطأ من المعاني والأسانيد: ٢٦٥١٤. لأبي عمر يوسف بن عبد البر (المتوفى: ٤٦٣هـ).

الشفا بتعریف حقوق المصطفی للقاضی عیاض (المتوفى: ٥٤٤هـ).

شرح صحيح مسلم: ١٥٠١١ للنووي. روضة الطالبين وعمة المفتين: ١٤٦١٢. أبو زكريا محيي الدين النووي. الصارم المسلول على شاتم الرسول. تقى الدين أبو العباس أحمد ابن تيمية: (ص) ٥٢١-٥٢٢.

حاشية شرح جمجم الجواجم أبو يحيى زكريا الأنصارى الشافعى. (ص: ١٨٢).

مدارج السالكين ١/٣٦٢. لابن الفیم الجوزیة.

شرح الفقه الأکبر للإمام الملا على القاری (ص) ٢٧١؛ ٢٧٦.

شرح حورۃ التوحید للبیجوری: ٤٥٤.

نشر البنود على مرافق السعود: ١٠٢١٢. عبد الله بن إبراهيم العلوی الشنقطی.

قال الإمام ابن بطة رحمه الله: "كُلُّ مَنْ تَرَكَ شَيْئًا مِنَ الْفَرَائِضِ الَّتِي فَرَضَهَا اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ فِي كِتَابِهِ أَوْ أَكَدَّهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سُنْنَتِهِ عَلَى سَبِيلِ الْجُحُودِ لَهَا وَالنَّكْبَرِ بِهَا فَهُوَ كَافِرٌ بَيْنَ الْكُفَّارِ لَا يَشْكُ فِي ذَلِكَ عَاقِلٌ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ". الإبانة لابن بطة العكبري ٢/٧٤.

قال أبو محمد البربهاري: "ولا يخرج أحد من أهل القبلة من الإسلام حتى يرد آية من كتاب الله عز وجل أو يرد شيئاً من آثار رسول الله صلى الله عليه وسلم أو يصلِّي لغير الله أو يذبح لغير الله وإذا فعل شيئاً من ذلك فقد وجب عليك أن تخرجه من الإسلام فإذا لم يفعل شيئاً من ذلك فهو مؤمن ومسلم بالإسلام لا بالحقيقة".

وقال أيضاً: "من رد آية من كتاب الله فقد رد الكتاب كله". شرح السنة للبربهاري (المتوفى: ٣٢٩هـ) (ص) ٣١، ٤٣.

قال إسحاق ودهاب الوقت أن يؤخر الظهر إلى غروب الشمس والمغرب إلى طلوع الفجر قال وقد أجمع العلماء أن من سبب الله عز وجل أو سبب رسول الله صلى الله عليه وسلم أو دفع شيئاً أثراً الله أو قتل شيئاً من أتباع الله وهو مع ذلك مفتر بما أثر الله أنه كافر.

التمهيد لما في الموطأ من المعاني والأسانيد: ٢٦٥١٤. لأبي عمر يوسف بن عبد البر (المتوفى: ٤٦٣هـ).

قال القاضي عياض: "وكذلك وقع الإجماع على تكبير كل من دافع نص الكتاب أو حصن حديثاً مجمعًا على نقله مقطوعاً به، مجمعًا على حمله على ظاهره، كتفير الظاهر بباطل الرجم. ولهم نكفر من لم يكرر من ذات بغير ملة المسلمين من الملل. أو وقف فيهم، أو شرك، أو صحح مدحهم.. وإن أظهر مع ذلك الإسلام واعتقده واعتقد إبطال كل مذهب سواه.. فهو كافر بإظهاره ما أظهر من خلاف ذلك". ٢٨٦١٢.

وقال أيضاً: "وكذلك يقطع بتكبير كل من كذب وأثرك قاعدة من قواعد الشرع، وما عرف يقيناً بالنقل المتوارد من فعل الرسول صلى الله عليه وسلم ورقة الإجماع المتأصل عليه". ٢٨٧١٢.

وقال أيضاً: "وكذلك من أنكر القرآن أو حرفاً منه، أو غير شيئاً منه، أو زاد فيه. كفعل الباطنية والإسماعيلية. أو زعم أنه ليس بحجة للنبي صلى الله عليه وسلم، أو ليس فيه حجة ولا معتبر. كقول هشام الفوطى، ومعمرا الصيمري إنه لا يدل على الله ولا حجة فيه لرسوله، ولا يدل على ثواب ولا عقاب ولا حكم.. ولا محاله في كفره بما بذلك القول". ٢٨٩١٢. الكتاب: الشفا بتعریف حقوق المصطفی: المؤلف: أبو الفضل القاضی عیاض بن موسی اليحصی (المتوفى: ٥٤٤هـ)

"وقد ذكرنا محمد بن نصر المروزي أن إسحاق بن راهويه كان يقول من بلغه عن رسول الله صلى الله عليه وسلم خبر يقر بصحته ثم رده بغير نقية فهو كافر ولم نتحرج في هذا ببساطة وإنما أوردناه لثلا يظن جاهل أننا منفردون بهذا القول"

الكتاب: الإحکام في أصول الأحكام: ٩٧١. المؤلف: أبو محمد علي بن أحمد بن سعيد بن حزم الأندلسی القرطبی الظاهري (المتوفى: ٤٥٦هـ)

قال النووي: "وَأَنَّ مَنْ جَحَدَ مَا يُعْلَمُ مِنْ دِينِ الْإِسْلَامِ ضَرُورَةٌ حُكْمٌ بِرِدَتِهِ وَكُفْرُهُ إِلَّا أَنْ يَكُونَ قَرِيبًا عَهْدٌ بِالْإِسْلَامِ أَوْ نَشَأَ بِيَادِيَةٍ بَيْدَةً وَتَحْوِهِ مَمْنُ يَخْلُقُ عَلَيْهِ فَيُغَرِّفُ ذَلِكَ إِنْ اسْتَمَرَ حُكْمٌ بِكُفْرِهِ وَكَذَا حُكْمٌ مِنْ اسْتَحْلَالِ الزَّنِي أَوِ الْحُمْرَ أَوِ الْقَتْلَ أَوْ غَيْرِ ذَلِكَ مِنْ الْمُحَرَّمَاتِ الَّتِي يُعْلَمُ تَخْرِيمُهَا ضَرُورَةً".

شرح صحيح مسلم: ١٥٠١١. أبو زكريا محيي الدين يحيى بن شرف النووي (المتوفى: ٦٧٦هـ).

قال شيخ الإسلام ابن تيمية: "أن العبد إذا فعل الذنب مع اعتقاد أن الله حرمه عليه واعتقاد انتقامته فيما حرمه وأوجه وهذا ليس بكافر فاما إن اعتقاد أن الله لم يحرمه أو أنه حرمه لكن امتنع من قبول هذا التحرير وأبى أن يذعن الله وينقاد فهو إما جاحد أو معاند ولهذا قالوا: من عصى مستكرا كابليس كفر بالاتفاق ومن عصى مشتهيا لم يكفر عند أهل السنة والجماعة وإنما يكفره الخوارج فإن العاصي المستكبر وإن كان مصدقاً بأن الله ربه فإن معاندته له ومحادته تنافي هذا التصديق.

وببيان هذا أن من فعل المحارم مستحلاً لها فهو كافر بالاتفاق فإنه ما آمن بالقرآن من استحل محارمه وكذلك لو استحلها بغير فعل والاستحلال اعتقاد أن الله لم يحرمها وتارة بعدم اعتقاد أن الله حرمتها وهذا يكون لخل في الإيمان بالربوبية أو لخل في الإيمان بالرسالة ويكون جحداً محسناً غير مبني على مقدمة وتأريخ يعلم أن الله حرمتها ويعلم أن الرسول إنما حرمت ما حرمه الله ثم يمتنع عن التزام هذا التحرير ويعاند المحرم فهذا أشد كفراً من قبله وقد يكون هذا مع علمه أن من لم يتلزم هذا التحرير عاقبه الله وعذبه ثم إن هذا الامتناع والإباء إما لخل في اعتقاد حكمة الأمر وقررته فيعود هذا إلى عدم التصديق بصفة من صفاته وقد يكون مع العلم بجميع ما يصدق به تمرداً أو اتباعاً لغرض النفس وحقيقة كفر هذا لأنه يعترض الله ورسوله بكل ما أخبر به ويصدق بكل ما يصدق به المؤمنون لكنه يكره ذلك وبغضه ويسخطه لعدم موافقته لمراده ومشتهاه ويقول: أنا لا أقر بذلك ولا ألتزمه وأبغض هذا الحق وأنفر عنه فهذا نوع غير النوع الأول وتکفير هذا معلوم بالاضطرار من دين الإسلام والقرآن مملوء من تکفير مثل هذا النوع بل عقوبته أشد وفي مثله قيل: "أشد الناس عذاباً يوم القيمة عالم لم ينفعه الله بعلمه" وهو إبليس ومن سلك سبيله وبهذا يظهر الفرق بين العاصي فإنه يعتقد وجوب ذلك الفعل عليه ويحب أنه يفعله لكن الشهوة والنفرة منعته من الموافقة فقد أتى من الإيمان بالتصديق والخضوع والانقياد وذلك قول وعمل لكن لم يكمل العمل. الكتاب: الصارم المسلول على شاتم الرسول. المؤلف: تقي الدين أبو العباس أحمد ابن تيمية: (ص: ٥٢١-٥٢٢).

قال تاج الدين السبكي "جاحد المجمع عليه المعلوم من الدين بالضرورة كافر قطعاً، وكذا المشهور المنصوص في الأصح" حاشية شرح جمع الجواب على أبو يحيى زكريا الأنباري الشافعي. (ص: ١٨٢).

قال ابن القيم: "فصل وكفر الجحود نوعان: كفر مطلق عام وكفر مقيد خاص فالمطلق: أن يجحد جملة ما أنزله الله وإرساله الرسول والخاص المقيد: أن يجحد فرضاً من فروض الإسلام أو تحريم حرم من محرماته أو صفة وصف الله بها نفسه أو خبراً أخبر الله به عمداً أو تقديماً لقول من خالقه عليه لغرض من الأغراض وأما جحد ذلك جهلاً أو تأويلاً يعذر فيه صاحبه: فلا يكفر صاحبه به..." مدراج السالكين / ١٣٦٧.

وقال الإمام الملا علي القاري في شرح الفقه الأكبر: "وأيضاً فلا خلاف بين المسلمين أن الرجل لو أظهر إنكار الواجبات الظاهرة المتواترة والمحرمات الظاهرة المتواترة؛ فإنه يستتاب، فإن تاب، فيها، وإن قتل كافراً مرتداً". شرح الفقه الأكبر (ص) ٢٧١.

وقال أيضاً: "وفي المحيط: من أنكر الأخبار المتواترة في الشريعة كفر... انتهى". شرح الفقه الأكبر (ص) ٢٧٦.  
وقال أيضاً: "وفي الخلاصة: من رد حديثاً قال بعض مشايخنا يكفر. وقال المتأخرُون: إنَّ كُلَّ مُتوَاتِرٍ كُفُرٌ. أقول: هذا هو الصحيح، إلا إذا كان رد حديث الأحاديث من الأخبار على وجه الاستخفاف والاستحقاق والإنكار". شرح الفقه الأكبر (ص) ٢٧٦.

يقول صاحب الجوهرة: "من ديننا يقتل كفراً ليس حَدَّ ومن لم يعلم ضرورة حَدَّ أو استباح كالزنا فلتسمع... ومثلُ هذا من نفي لمجمع قال الشارح: "ومن جحد أمراً معلوماً من أدلة ديننا يشبه الضرورة بحيث يعرفه خواص المسلمين وعوامهم، وهو ما ثبت بالقرآن الكريم، وكان قطعى الدلالة، أو بالسنة المشهورة المتواترة كذلك، وليس فيه شبهة، أو بإجماع جميع الصحابة المتواتر إجماعاً قطعياً، قوله غير سكتي كوجوب الصلاة والصوم وحرمة الزنا، وشرب الخمر، يقتل لأجل كفره لأن جحده مستلزم لتكذيب النبي - صلى الله عليه وسلم -، وليس قتله حداً وكفاره لذنبه ...". شرح جوهرة التوحيد للبيجوري: ٤٥٤.

قال شارح مراقي السعود: "فلذلك كفر جاحد المجمع عليه المعلوم من الدين بالضرورة وعليه نبه بقوله: والكافر الجاحد ما قد أجمعوا ... عليه مما علمه قد وقعاً عن الضرورة من الدين يعني أنهم كفروا إجماعاً جاحد الحكم المجمع عليه المعلوم أي المقطوع بكونه من الدين بالضرورة كوجوب الصلاة والصوم والزكاة والحج ووجوب اعتقاد التوحيد والرسالة وتحريم الخمر والزنا ولو كان مندوباً أو جائزًا كحالية البيع والإجارة...". نشر البنود على مراقي السعود: ١٠٢١. عبد الله بن إبراهيم العلوى الشنقطى.

Шундай экан:

"Дин фақат Яратувчи билан банданинг орасидаги муюмалани<sup>350</sup> баён қилади, Динни сиёсатга, иқтисодга, жиноят қонунларига... алоқаси йўқ", деб айтиш, нафақат Қуръоннинг бир оятини инкор қилиш, нафақат Ислом уламолари иттифоқ қилган бир масалани инкор қилиш, балки Ислом шариатнинг катта бир қисмини инкор қилишdir.

Ислом дини Аллоҳ билан банданинг орасида бўладиган ибодатларни батафсил баён қилганидек инсонлар дунёда – сиёсатда, иқтисодда, жиноят қонунларида ва ҳоказо жамиятдаги бошқа масалаларда қандай ҳукм юргизишларини, ўзаро қандай муюмала қилишларини ҳам батафсил баён қилган<sup>351</sup>. Буни<sup>352</sup> инкор қилиш Ислом умматининг иттифоқи билан куфрdir.

"Дин фақат яратувчи билан банданинг муюмаласини<sup>353</sup> баён қилади, динни сиёсатга, иқтисодга, жиноят қонунларига... алоқаси йўқ" деб айтиш секуляризмнинг айни ўзидир<sup>354</sup>.

Секуляризм диннинг баъзисига иймон келтириб баъзисига иймон келтирмаслик бўлиши билан бирга, секуляризмнинг амалдаги татбиқи (Секуляризмнинг енгил сурати) бўлган демократия (халқ ҳукмронлиги) мутлоқ ҳокимиятни Аллоҳдан ўзгага нисбатлашdir.

---

<sup>350</sup> Яъни, Инсон қалбида Аллоҳни қандай ёд этади ёки қандай намоз ўқийди, қандай рўза тутади, қандай ҳаж қилади...

<sup>351</sup> Мана шу масалаларда ҳам Аллоҳнинг буйруғини бажариш, Аллоҳнинг ҳукмини жорий қилиш энг катта ибодатлардандир.

<sup>352</sup> Яъни, Сиёсатда, иқтисодда, жиноят қонунларида... Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм юргизишни...

<sup>353</sup> Яъни, Банда қандай ибодат қилади, қандай намоз ўқийди, қандай рўза тутади...

<sup>354</sup> Яъни, Секуляризмнинг енгил сурати.

Юқорида айтиб ўтганимиздек секуляризмнинг енгил сурати динни давлатдан ажратишdir.

Тўртинчи бобда секуляризм ҳақида айтилган таърифларга батафсил тўхталиб ўтдик.

Баъзи муфакирлар секуляризмни икки қисмга бўлишган:

1- Қаттиқ (муросасиз ёки тўлиқ) секуляризм. Бунга динларни бутунлай инкор қиладиган ва динларни йўқ қилишга курашадиган коммунистик тузимни мисол қилишади.

2- Енгил (муросали ёки жузъий) секуляризм. Бунга шахсий ҳолатларда динга амал қилишга қаршилик қилмайдиган, ҳозирги замондаги демократик давлатларни мисол қилишади.

## 4-Бўлим: Ҳукм Аллоҳга хос.

Мутлоқ ҳукм қилиш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос экани бир қанча оятларда баён қилинган.

Аллоҳ таоло деди:

{أَلَا لَهُ الْخُلْقُ وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ} الأعراف: ٥٤

**Огоҳ бўлинг, яратиш ва буюриш фақат У (Аллоҳ)га хосдир.**

**Барча оламлар Робби — Аллоҳ буюкдир.** Аъроф сураси 54-оят.

Муфассир уламолар оят тафсирида шундай дейшган: <sup>355</sup>

Яратувчи ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи бўлганидек, буюрувчи ҳам ёлғиз Аллоҳнинг ўзидир. Бандаларни (Ўзи хоҳлаган ишларига) буюриб (Ўзи хоҳлаган ишлардан) қайтаришга лойик бўлган зот фақат Аллоҳ таолодир<sup>356</sup>. Барча инсонлар Аллоҳнинг бандалари экан, улар фақат Аллоҳ таолога тўлиқ итоат қилишлари керак.

Бошқа оятда:

{إِنِّي أَحْكُمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمْرًا إِلَّا إِيَاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقِيمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ} يوسف: ٤٠

**Ҳукм қилиш фақат Аллоҳга хосдир<sup>357</sup>. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана**

<sup>355</sup> انظر إلى كلام المفسرين في تفسير قوله تعالى: {أَلَا لَهُ الْخُلْقُ وَالْأَمْرُ} الأعراف: ٥٤.

١) معالم التنزيل في تفسير القرآن - تفسير البغوي.

٢) التفسيير السفيط. أبو الحسن علي بن أحمد الواحدي، النيسابوري، الشافعي (المتوفى: ٤٦٨هـ).

٣) الجامع لأحكام القرآن - تفسير القرطبي.

٤) لباب التأويل في معاني التنزيل. علاء الدين علي بن محمد الخازن (المتوفى: ٧٤١هـ).

٥) مفاتيح الغيب: فخر الدين الرازي.

٦) تيسير الكريم الرحمن في تفسير كلام المنان: عبد الرحمن بن ناصر بن السعدي.

٧) مجموع الفتاوى لابن تيمية: ٢٥١١١. الجواب الصحيح لمن بدل دين المسيح لابن تيمية: ١٠٢١٣.

<sup>356</sup> Яъни, бандаларни яратмаган, бандаларни ўлдириб, тирилтирмайдиган ва бандаларга ризқ бермаган кимсалар қандай қилиб бандалар устида ҳукм чиқаришга лойик бўлади.

<sup>357</sup> Аллоҳнинг ҳукми икки хил бўлади:

1- Кавний ҳукми.

Кавний ҳукмидан мақсад Аллоҳнинг кавний иродасидир. Яъни, Аллоҳ таоло маҳлуқотларни яратишка, ризқ беришда ва бошқаришда хоҳлаганидек ҳукм қиласди. Хоҳлаган бандасининг умри узоқ бўлишини ҳукм қиласди, хоҳлаган бандасининг умри қисқа бўлишини ҳукм қиласди, хоҳлаган бандасининг ризқи кўп бўлишини ҳукм қиласди, хоҳлаган бандасининг ризқи оз бўлишини ҳукм қиласди... мана шу Аллоҳнинг кавний ҳукмидир.

2- Шарий ҳукм.

Шарий ҳукмидан мақсад Аллоҳнинг шариатидаги ҳукмлар (Ислом динида баён қиласган ҳукмлари).

Яъни, Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари, ҳалол ва ҳаром, умуман Ислом шариатидаги барча ҳукмлар.

**шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар.** Юсуф сураси 40-оят.

Фахруддин Розий роҳимаҳуллоҳ оятнинг тафсирида шундай дедилар: "Аллоҳдан ўзга бирортасининг ҳукми қабул қилиниши вожиб бўлган ҳукм эмас, Аллоҳдан ўзга бирортасининг буйруфи бўйсунилиши керак бўлган буйруқ эмас. Балки ҳукм қилиш, буйруқ қилиш, одамларга (буни қил, уни қилма деб турли амалларни) юклаш ёлғиз Аллоҳга хосдир"<sup>358</sup>.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Ҳукм қилиш ёлғиз Аллоҳга хос. Аллоҳнинг элчилари – Пайғамбарлар (алайҳимуссолату вассаллам) Аллоҳнинг ҳукмини етказувчилар. Пайғамбарларнинг ҳукмлари Аллоҳнинг ҳукмидир, Пайғамбарларнинг буйруқлари Аллоҳнинг буйруғидир, Пайғамбарларга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишдир.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг шариатдан деб айтган сўзларига эргашиш, ҳукмларига (бўйсуниш) ва буйруқларига итоат қилиш барча инсонларга фарздир. Чунки буларнинг<sup>359</sup> ҳаммаси Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳукмидир. Пайғамбар эса Аллоҳнинг ҳукмини етказувчидир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَسُولٍ إِلَّا لِيُطَعَ بِإِذْنِ اللَّهِ... \* فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوا كِيفِيْمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا  
مَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا} النساء . ٦٤-٦٥

**Биз қай бир пайғамбарни юборган бўлсак, фақат Аллоҳнинг изни-иродаси билан унга итоат қилинсин, деб юборганимиз... Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳоким қилмагунларича ва кейин сиз**

---

Борлиқда ҳукм қилиш (Яъни, кавний ҳукм) ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос бўлганидек, шарий ҳукм (бандаларга баъзи нарсаларни ҳалол қилиб, баъзи нарсларни ҳаром қилиш ва баъзи нарсаларга буюриб, баъзи нарсалардан қайтариш ва бандалар ўташи керак бўлган ҳақ-хуқуqlарни баён қилиш...) ҳам Аллоҳга хосдир.

Аллоҳнинг кавний ҳукмига ҳамма таслим бўлган. Дунёда ҳамманинг ҳаёти Аллоҳ тақдир қилганидек бўлади. Ҳеч ким Аллоҳнинг бошқарувидан чиқиб кетолмайди.

Аллоҳнинг шарий ҳукми эса бундай эмас. Булки Аллоҳ таоло барча бандаларини Ўзининг шарий ҳукми (Ислом дини)га бўйсуншиларига буюрди. Шу билан бирга уларни бўйсуниш ёки бўйсунмаслиқда ихтиёрли қилиб, бўйсунгандарга жаннатни ва бўйсунмагандарга жаҳннамни хозирлаб қўйди.

شرح العقيدة الطحاوية لابن أبي العز الحنفي: في شرح قوله (وَكُلُّ شَيْءٍ يَجْرِي بِمُشَيَّةِ اللَّهِ...).

<sup>358</sup> مفاتيح الغيب: فخر الدين الرازي.

<sup>359</sup> Яъни, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг буйруқлари, ҳукмлари, шариатлари.

**чиқарған ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тұла бўйинсунмагунларича зинхор мўмин бўла олмайдилар.** Нисо сураси 64-65 оятлар.

Пайғамбарларнинг охиргиси бўлган Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни (барча ишларда) ҳоким қилиш ҳаммага фарз. Ресулуллоҳнинг ҳукмларидан четга чиқишига бирортасининг -олимларнинг ҳам, сultonларнинг ҳам, қабила бошлиқларининг ҳам- ҳаққи йўқ. Ҳатта Мусо ёки Исо ёки бошқа пайғамбарлар (алайҳимуссолату васаллам) Ресулуллоҳга йўлиққан бўлганларида, албатта Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган бўлардилар..."<sup>360</sup>.

Иzzуддин Абдуссалом роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Тоат ёлғиз Аллоҳга<sup>361</sup> бўлади. Чунки барча маҳлуқотларни яратувчи зот, маҳлуқотларни мавжуд бўлиб туришлари учун керакли барча нарсаларни ато қилувчи зот, диний ва дунёвий неъматларни берувчи зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир.

Ҳар қандай яхшиликни берувчи ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир. Ҳар қандай ёмонликни кетказувчи ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир.

Бирор бир банда бошқа бир бандадан кўра итоат қилинишга кўпроқ ҳақли эмас<sup>362</sup>. Чунки ҳеч бир банда Аллоҳ ато қилган нарсаларни бера олмайди.

Шунингдек ҳукм қилиш ҳам ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос. Аллоҳнинг ҳукмлари Қуръон ва суннатдан, ижмодан, сахих қиёсдан ва тўғри истидлоллардан олинади"<sup>363</sup>.

Аллома Мухаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ ушбу оят:

وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا {الكهف: ٢٦}

**У (Аллоҳ) Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас.** Каҳф сураси 26-оят.

---

٣٦٠ مجموع الفتاوى لابن تيمية: . ٣٦٣١٣٥

<sup>361</sup> Яъни, Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг буйруғини етказувчи элчи бўлганлари учун итоат қилинади. Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган итоат аслида Аллоҳга бўлган итоатдир.

<sup>362</sup> Яъни, Бандаларнинг ҳаммаси бирдай маҳлуқ. Бир банда иккинчи бир банданинг устидан ҳукмрон бўлишга ҳақли эмас.

<sup>363</sup> قواعد الأحكام في مصالح الأنام: ١٥٨/٢ . عز الدين عبد السلام الملقب بسلطان العلماء (المتوفى: ٦٦٠ هـ). "وَنَقَرَدَ الْأَلَهُ بِالطَّاعَةِ لَا حَتَّى صَاصِهِ بِنَعْمَ الْإِثْنَاءِ وَالْإِبْقَاءِ وَالتَّغْذِيَةِ وَالْإِصْلَاحِ الدِّينِيِّ وَالدُّنْيَوِيِّ، فَمَا مِنْ خَيْرٍ إِلَّا هُوَ جَاهِلِيَّةُ، وَمَا مِنْ ضَيْئٍ إِلَّا هُوَ سَالِبِيَّةُ، وَلَيُسَنَّ بَعْضُ الْعِبَادَ بِأَنْ يَكُونَ مُطَاعَةً بِأَوْلَى مِنَ الْبَعْضِ، إِذَا لَيْسَ لِأَحَدٍ مِنْهُمْ إِنْعَامٌ بِشَيْءٍ مِمَّا ذَكَرْتُهُ فِي حَقِّ الْأَلَهِ، وَكَذَلِكَ لَا حُكْمٌ إِلَّا لَهُ فَأَحْكَامُهُ مُسْتَقَدَّةٌ مِنْ الْكِتَابِ وَالسُّنْنَةِ وَالْإِجْمَاعِ وَالْأَقْيَسَةِ الصَّحِيحةِ وَالْإِسْتِدْلَالَاتِ الْمُعْتَبَرَةِ" الكتاب: قواعد الأحكام في مصالح الأنام: ١٥٨/٢ . عز الدين عبد السلام الملقب بسلطان العلماء (المتوفى: ٦٦٠ هـ)

тафсирида шундай дедилар:

"Ушбу оят ҳукм қилиш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос эканига далолат қиласи. Башка оятларда ҳам ҳукм қилиш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос экани очик-ойдин баён қилинган:

Юсуф сураси 40; 67-оят, Шўро сураси 10-оят, Фоғир сураси 12-оят, Қасос сураси 70; 88-оят, Моида сураси 50-оят, Аньом сураси 114-оят ва яна кўплаб оятлар"<sup>364</sup>.

Аллоҳ таоло мутлоқ ҳукм қилиш ёлғиз Ўзига хос эканини хабар берар экан, бандалар устида ҳукм қилишга лойик бўлган зот қандай сифатлар эгаси бўлиши кераклигини баён қилиб шундай деди:

{وَمَا اخْتَلَفُتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ ذَلِكُمُ الرَّبِّيْ عَلَيْهِ أَنِّيْبُ فَاطِرُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَمِنَ الْأَنْعَامِ أَزْوَاجًا يَذْرُوكُمْ فِيهِ لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ لَهُ مَقَالِيدُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ بَيْسُطُ الرِّزْقُ لِمَنِ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ} الشورى: ١٠ - ١٢ .

(Эй Пайғамбар, мўминларга айтинг): «**Сизлар ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми Аллоҳга** (қайтарилур. У зотнинг ҳукми ҳақиқат. Унинг ҳукмига муҳолиф ҳукмлар ботилдир).

**Ана шу (ҳукм қилувчи) Аллоҳ менинг Роббимдир. Мен У зотнинг Ўзигагина таваккул қиласман ва (барча ҳолатимда) Унинг Ўзига юzlаниб илтижо қилурман».**

**(У зот Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг яратгувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт (яратди). У сизларни ўша (жуфтлик возитасида) кўпайтирур. Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У (барча нарсаларни) эшитгувчи ва кўриб тургувчиdir.**

**Осмонлар ва Ер (хазиналарининг) очқичлари Уницидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Дарҳақиқат У барча нарсани билгувчиdir.**

Аллоҳ таоло бу оядда ҳукм қилиш Унинг Ўзига хос эканини айтиб, ихтилоф қилган нарсаларимизнинг ҳукмини Аллоҳга (Унинг Китобига)

---

<sup>364</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن. محمد الأمين الشنقيطي. تفسير قوله تعالى: {وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا}. الكهف: ٢٦

қайтаришимизга буюрди. Сүнгра Ўзининг баъзи сифатларини баён қилди<sup>365</sup>.

Бундан бошқа оятларда ҳам Аллоҳ таоло Ўзининг бир қанча олий сифатларини баён қилиб, барча нуқсонли сифатлардан холи эканини хабар берган.

Аллоҳ таоло энг буюк, энг олий, энг меҳрибон зот.

Аллоҳ таоло барча нарсаларни (ўтмишни ҳам, хозирни ҳам, келажакни ҳам, инсонларга нима манфаатли, нима заарали эканини ҳам) билувчи, барча нарсага қодир, яхшиликларни ато қилувчи, ёмонликларни даф қилувчи зот.

Аллоҳ барча нарсага қодир, ҳамма нарса унинг қўлида, махлуқотлар ҳаммаси Унга муҳтож, У ҳаммадан бутунлай беҳожат зот.

Аллоҳ махлуқотларига баъзи нарсаларни ҳалол қилиб, баъзи нарсаларни ҳаром қилган бўлса ёки баъзи нарсаларга буюриб, баъзи нарсалардан қайтарган бўлса, буни махлуқотлардан манфаат топиш учун қилмади. Балки буларнинг ҳаммаси бандаларни имтиҳон қилиш учун. Шунингдек одамлар дунёда тартиб-интизом билан яшаб, охиратда катта баҳт – жаннатга эришишлари учундир.

Аллоҳнинг ҳукмидан ўзгаларнинг ҳукмини юқори қўядиганлар ёки Аллоҳнинг ҳукмига ўзгаларнинг ҳукмини тенглаштирадиганлар бу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмиканлар?!

Қайси ақл билан, Аллоҳнинг<sup>366</sup> ҳукмига махлуқларнинг<sup>367</sup> ҳукмини тенглаштирадилар?!

Ундай кимсалар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмлиқда) чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар ғафлатда қолган кимсалардир.

Мутлоқ ҳукмронлик ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос экан, Аллоҳнинг Ўзига хос бўлган хусусиятида ўзгаларни Аллоҳга шерик қилиш диндан чиқарадиган катта куфрдир. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳукмини<sup>368</sup> ташлаб

---

<sup>365</sup> Муҳаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ бу борада Шўро сураси 10-оят тафсирида сўз юритганлар.

<sup>366</sup> Барча олий сифатлар билан сифатланган, барча нуқсонли сифатлардан пок бўлган Аллоҳ таолонинг ҳукмига...

<sup>367</sup> Ожиз, муҳтож, нуқсонли сифатлардан холи бўла олмайдиган, шахсий манфаатларидан воз кеча олмайдиган махлуқларнинг ҳукмини...

<sup>368</sup> Яъни, Аллоҳнинг ҳукми бўлган Ислом шариати баён қилган қонунларни.

ўзгаларнинг ҳукмини<sup>369</sup> ҳукмрон қилиш диндан чиқарадиган катта куфрdir.

Аллома Мұхаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ Шўро сураси 10-оят тафсирида шундай дедилар:

"Бу оят далолат қилганидек, инсонлар бирор нарсанинг ҳукми нима эканлигига ихтилоф қилишса унинг ҳукмини ёлғиз Аллоҳга қайтаришлари керак<sup>370</sup>. Бу ҳақида кўп оятлар келган.

Аллоҳга Унинг ҳукмида шерик қилиш билан Унинг ибодатида (Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиб) шерик қилиш бир хил.

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳукми ҳақида шундай деди:

{وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا} الکھف: ٢٦

### **У (Аллоҳ) Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас.**

Етти қироатнинг бири бўлган Ибн Омирнинг қироатларида:

{وَلَا تُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا}

### **У (Аллоҳ)нинг ҳукмида бирортасини шерик қилма.**

қайтариқ лафзи билан тиловат қилинган.

Аллоҳ таоло ибодат ҳақида шундай деди:

{فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلِيَعْمَلْ عَمَالًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكُ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا} الکھف: ١١٠

**Ким Роббисига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда солиҳ амал қилсин ва Роббисига ибодат қилганда (Унга) бирон кимсани шерик қилмасин!** Каҳф сураси 110-оят.

Аллоҳга Унинг ҳукмида шерик қилиш билан ибодатида шерик қилиш бир хил. Аллоҳ ҳалол қилган нарсагина ҳалолдир, Аллоҳ ҳаром қилган нарсагина ҳаромдир ва Аллоҳнинг шариатигина диндир.

Аллоҳдан ўзгалар жорий қилган қонунлар ботилдир. Аллоҳнинг шариатини қўйиб ўзгалар жорий қилган қонунларга амал қилиш ва ўша қонунларни<sup>371</sup> Аллоҳнинг қонунлари каби ёки Аллоҳнинг қонунларидан яхши деб билиш очиқ-ойдин куфрdir. Бунда ҳеч қандай ихтилоф йўқ.

Ҳукм қилиш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос ва Аллоҳнинг шариатидан ўзга шариат (қонун)ларга эргашиш куфр. Бунга Қуръондаги кўп оятлар далолат қилган.

<sup>369</sup> Яъни, Аллоҳнинг дини асосида эмас, балки инсонлар ўз фикрларига асосланиб жорий қилган қонунларни.

<sup>370</sup> Яъни, Ўша ихтилоф қилинган нарсада Аллоҳ таоло нима деб ҳукм қилганини билиш учун Қуръон ва Қуръоннинг тафсири, баёни бўлган ҳадисга мурожаат қилишлари лозим.

<sup>371</sup> Яъни, Аллоҳдан ўзгалар жорий қилган қонунлари.

Хўкм қилиш Аллоҳнинг Ўзига хос эканига далолат қилувчи оятлар:

Юсуф сураси 40; 67-оят, Анъом сураси 57-оят, Моида сураси 44-оят, Каҳф сураси 26-оят, Қасос сураси 70; 88-оят ва бундан бошқа бир қанча оятлар мавжуд"<sup>372</sup>.

Абдулваҳҳоб Ҳоллаф роҳимаҳуллоҳ (1888-1956) дедилар: "Мусулмон уламоларининг орасида ҳеч қандай ихтилоф бўлмаган масалалардан:

Бандаларнинг барча ишларига тааллуқли бўлган ҳукмларнинг масдари (Қуръон ва у ҳукмларни жорий қулувчи) Аллоҳдир...

Мана шунинг учун барча уламолар шаръий ҳукмни: Бандаларнинг фелларига тааллуқли бўлган Аллоҳнинг хитоби (буйруғи) деб таърифлашган.

Уламоларнинг машҳур сўзларидан: "Хўкм қилиш ёлғиз Аллоҳга хос" бу иборани мана бу оят тасдиқлайди:

{إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ يَقْصُدُ الْحُقْقَ وَهُوَ خَيْرُ الْفَاصِلِينَ} الأنعام: ٥٧

**Хўкм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У фақат ҳақни сўйлар. У (ҳақ билан ноҳақни) ажратгувчиларнинг энг яхшисиdir.** Анъом сураси 17-оят.<sup>373</sup>

Ваҳба ибн Мустафо Зуҳайлий роҳимаҳуллоҳ (1932-2015) дедилар:

"Хўкм қилувчи зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир. Аллоҳ яратувчи, бор қилувчи, (барча нарсага) сурат-шакл берувчи ва ҳукмларни жорий қилувчи зотдир. Барча бандалар учун шариат ҳукмларининг масдари (Қуръон ва у ҳукмларни жорий қулувчи) Аллоҳдир. Исломда шариат (қонунларини жорий қилиш) фақат Аллоҳ тарафидан бўлади..."

Хўкм Аллоҳнинг ҳукмидир. Бунга барча мусулмонлар иттифоқ қилишган...

Ҳукмларни жорий қилиш ва бандаларга юклатиш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хосдир"<sup>374</sup>.

Ислом уламолари Аллоҳнинг шариатини ҳукмрон қилишга ижмо-иттифоқ қилганидек, Аллоҳнинг ҳукмини ташлаб ўзгаларнинг ҳукмини ҳукмрон қилиш ёки ўзгаларнинг ҳукмини Аллоҳнинг ҳукмидан афзал дейиш ёки ўзгаларнинг ҳукмини Аллоҳнинг ҳукми каби дейиш ёки

<sup>372</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن. محمد الأمين الشنقيطي. في تفسير قوله تعالى: {وَمَا اخْتَلَفُتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ}. شورى: ١٠.

<sup>373</sup> علم أصول الفقه: (ص: ٩٦) المؤلف: عبد الوهاب خلاف (المتوفى: ١٣٧٥ هـ).

<sup>374</sup> الوجيز في أصول الفقه الإسلامي: (٤٤٧١٤ - ٤٤٨) المؤلف: الأستاذ الدكتور محمد مصطفى الزحيلي.

Аллоҳнинг шариатидан юз ўғириб, одамлар ўйлаб топган қонунларни жорий қилиш диндан чиқарадиган катта куфр эканига (Ислом уламолари) ижмо-иттифоқ қилишган. Бунда ҳеч қандай ихтилоф йўқ<sup>375</sup>.

Мұхаммад Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ Каҳф сураси 26-оят тафсирида шундай дедилар: "Аллоҳ нозил қилган очиқ-ойдин далиллардан билинадики, Аллоҳ Пайғамбарлари (соллаллоҳу алайҳим вәсаллам) тилица жорий қилган шариатга мухолиф қилиб, шайтон ўзининг авлиёлари тилица жорий қилган қонунларга эргашган кимсаларнинг куфрида ва ширкида<sup>376</sup> ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди, фақат Аллоҳ қалбини кўр қилиб, ваҳий нуридан маҳрум бўлган кимсаларгина шубҳаланади"<sup>377</sup>.

Абу Бакр ибн ал-Аробий<sup>378</sup> роҳимаҳуллоҳ жоҳилиятдаги араблар қилган куфр амалларни санаб ўтиб шундай деганлар: "Жоҳилиятдаги араблар ўзларини (бир нарсани) ҳаром қилиш ва ҳалол қилиш ҳуқуқига эга деб ўйлашган. Улар нафсу ҳаволарига эргашиб ҳоҳлаган нарсаларини ҳалол дейишган ва ҳоҳлаганларини ҳаром дейишган. Сўнгра бу ишларига қўшимча қилиб Аллоҳ ҳаром қилганини ҳалол деб, Аллоҳ ҳалол қилганини ҳаром деб Аллоҳнинг динини ўзгартиришган.

Аллоҳнинг калималарини ҳеч ким ўзгартирувчи эмас<sup>379</sup>, гарчи буни мушриклар ҳоҳламаса ҳам<sup>380</sup>.

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ ушбу:

---

<sup>375</sup> ينظر على سبيل المثال لا الحصر:

مراتب الإجماع: "باب من الإجماع في الاعتقادات يكفر من خالقه بجامع" لابن حزم الأندلسي. مجموع الفتاوى: ٢٦٧ ١٣  
٢٦٨ أضواء البيان في إيضاح القرآن بالشيخ العلامة محمد الأمين الشنقيطي: في تفسير: سورة الكهف، الآية (٢٦)  
وسورة الإسراء الآية: (٩)؛ وسورة النساء، الآية: (١١٧).

<sup>376</sup> Яъни, куфр ва ширк амал қилаётгандаридан ёки кофир, мушрик бўлгандаридан.

<sup>377</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن. محمد الأمين الشنقيطي. تفسير قوله تعالى: {وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا}. الكهف.  
26

<sup>378</sup> Бу киши Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Аробий, моликий мазҳаби фақиҳларидан. У кишини ибн Аробий (қитобининг муаллифи) билан адаштираслик керак.

<sup>379</sup> Яъни, ҳеч ким Қуръон оятларини ўзгартира олмайди ва ҳеч кимнинг Қуръон ҳукмларини ўзгартиришга ҳаққи йўқ.

<sup>380</sup> الكتاب: أحكام القرآن: ٥٠٨ ١٢. محمد بن عبد الله أبو بكر بن العربي المالكي (المتوفى: ٤٥٤ هـ).  
قال أبو بكر بن العربي في قوله تعالى: {إِنَّمَا النَّسَيْءُ زِيادةً فِي الْكُفْرِ} التوبة: (٣٧) [مسألة أنواع الكفر]  
{إِنَّمَا النَّسَيْءُ زِيادةً فِي الْكُفْرِ} [التوبة: ٣٧]: بيأُنْ لِمَا فَعَلْتُهُ الْعَرَبُ مِنْ جَمِيعِهَا بَيْنَ أَنْوَاعِ الْكُفْرِ، فَإِنَّهَا أَنْكَرْتُ وُجُودَ الْبَارِيِّ، فَقَالَتْ: وَمَا الرَّحْمَنُ؟ فِي أَصْحَاحِ الْوُجُوهِ. وَأَنْكَرْتُ الْبَعْثَ، فَقَالَتْ: {مَنْ يُحْيِي الْعِظَامَ وَهِيَ رَمِيمٌ} [يس: ٧٨]. وَأَنْكَرْتُ بَعْثَةَ الرُّسُلِ، فَقَالَتْ: أَبْشِرَا مَنًا وَاجِدًا نَتَبَعِهُ} [القرآن: ٢٤].  
وَرَأَمْتُ أَنَّ التَّحْرِيمَ وَالْتَّخْلِيلَ إِلَيْهَا، فَبَنَدَعْتُ مِنْ دَاتِهَا مُفْقِدَةً لِشَهَوَاتِهَا التَّحْرِيمَ وَالْتَّخْلِيلَ، ثُمَّ رَأَدْتُ عَلَى ذَلِكَ كُلَّهُ بِأَنَّ عَيْرَتْ دِينَ اللهِ، وَأَحَلَّتُ مَا حَرَّمَ، وَحَرَّمْتُ مَا أَحَلَّ تَبْدِيلًا وَتَحْرِيفًا، وَاللهُ لَا مُبَدِّلٌ لِكَلِمَاتِهِ، وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ، وَهَذَا فِي جَمِيعِ مَا فَعَلْتُ مِنْ تَعْبُيرِ الدِّينِ وَتَبْدِيلِ الشَّرْعِ.

{أَفَحُكْمُ الْجَاهِلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ} المائدة: ٥٠.

**"Жоҳилият ҳукмини ҳоҳлайдиларми"<sup>381</sup>. (Тўлиқ иймон билан) Ишонувчи қавм учун Аллоҳдан яхшироқ ҳукм қилувчи ким бор".**  
(Моида сураси 50-) оят тафсирида шундай дедилар:

"Ҳамма яхшиликка буюрган ва ҳамма ёмонликдан қайтарган Аллоҳнинг буйруқларини ташлаб, Аллоҳнинг шариатига асосланмасдан одамлар қўйиб берган (қонунларга, одамларнинг) ўй-фикрларига эргашган кимсаларнинг ҳолатини Аллоҳ қаттиқ инкор қилди.

Жоҳилиядаги одамлар нафсу ҳаволарига эргашиб жорий қилган ботил ҳукмлар билан ҳукм юргизганлар. Худди шунингдек, мўғул-татарлар ҳам Чингизхон қўйиб кетган "Ясоқ"<sup>382</sup> билан ҳукм қилганлар<sup>383</sup>. "Ясоқ" турли шариатлардан -яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонларнинг шариатидан- олиб тузилган ва Чингизхон ўз ҳоҳиши билан қўйиб кетган кўп ҳукмлар ҳам бор. "Ясоқ" Чингизхон авлодларида Қуръон ва ҳадисдан юқори қўйилиб эргашилинадиган шариат бўлиб қолди. Ким бундай қилса кофир бўлади..."<sup>384</sup>.

Ибну Касир роҳимаҳуллоҳ сўзларини давом эттириб шундай дедилар<sup>385</sup>: "Аллоҳга иймон келтирган, Аллоҳнинг шариатини тушунган, Аллоҳни адолатли ҳукм қилувчи эканига ишонган ва Аллоҳ Ўз бандаларига ҳаммадан (онанинг боласига бўлган меҳрибонлигидан) ҳам меҳрибон эканини билган инсон учун Аллоҳдан адолатлироқ ҳукм қилувчи ким бор?!"<sup>386</sup>.

Аллома Аҳмад Шокир роҳимаҳуллоҳ Ибн Касир роҳимаҳуллоҳнинг сўзларига қўшимча қилиб дедилар:

"Шундай экан, мусулмон ўлкаларида Аллоҳнинг шариати ўрнига Европа (яъни мусулмон бўлмаган Европа) қонунлари асосида жорий қилинган қонунлар билан ҳукм юргизиш жоиз бўладими?

<sup>381</sup> Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ "Жоҳилият ҳукми" ҳақида шундай деганлар: "Аллоҳнинг ҳукмидан ўзга ҳукмлар билан ҳукм қилиш жоҳилият ҳукмидир".

تفسیر ابن أبي حاتم: ۶۵۳۹. ۲۱۵.

<sup>382</sup> Ясоқ ёки яса – Чингизхон қўйиб кетган китобнинг номи. Ясоқ – мўғил тилида қонун маъносини англатади.

<sup>383</sup> Яъни, Оятда жоҳилиядаги одамларнинг аҳволи инкор қилинган. Мўғул-татарларнинг (улардан кейин келганларнинг) ҳолати жоҳилиядаги одамларнинг ҳолати билан бир хил бўлгани учун бирдай инкор қилинади.

<sup>384</sup> الكتاب: تفسير القرآن العظيم. ابن كثير.

<sup>385</sup> Яъни, "(Тўлиқ иймон билан) Ишонувчи қавм учун Аллоҳдан яхшироқ ҳукм қилувчи ким бор". Моида сураси 50-оят тафсирида.

<sup>386</sup> الكتاب: تفسير القرآن العظيم. ابن كثير.

Нафсу ҳавога, ботил фикрларга тўла бўлган ва Исломга мувофиқ келиш-келмаслигига эътибор бермай, хоҳлаганларича ўзгартираверадиган қонунларни жорий қилиш жоизми?

Мен билишимча мусулмонлар тарих мобайнида бундай<sup>387</sup> балога грифтор бўлмаган. Фақат (мусулмонлар тарихида энг қаро, зулм ва зулматларга тўла бўлган) мўғул-татарлар даврида бундай бало келган. Лекин мусулмонлар мўғулларнинг қонунларига бўйсунмаган, балки Ислом мўғулларга ғолиб келиб, улар мусулмонларга аралашиб кетган. Мусулмонлар ўз динларига, шариатларига сабр-матонат билан амал қилганлари учун мўғулларнинг қонун-дастурлари йўқ бўлиб кетган...

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ - VIII асрда- мусулмонлар душмани бўлган Чингизхон қўйиб кетган қонун ҳақида қандай қаттиқ гапирганларига қаранг!

Нима деб ўйлайсиз, Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ мусулмонларни ҳозирги - XIV асрдаги<sup>388</sup>- ҳолатини кўрганларида нима деган бўлардилар?!

Мусулмонларнинг ҳозирги ҳолати мўғул-татарлар давридаги ҳолатдан анча ёмон. Чунки Ислом шариатига мухолиф қонунлар кўпчилик мусулмон ўлкаларига кириб бўлди.

У қонунлар кофирлиги аниқ бўлган Чингизхон қўйиб кетган Ясоқнинг худди ўзи. У қонунларни мусулмонликни даъво қилган инсонлар ўйлаб топаяпти ва мусулмон фарзандлари у қонунларни фахр-ифтихор билан ўқиб-ўрганяпти.

Мусулмон фарзандлари ўз ҳаётларини "Замонавий Ясоқ" эгаларига топшириб қўйяптилар. Ўз динига, Ислом шариатига амал қилиб ана у қонун эгаларига қарши гапирган мусулмонларни қолоқ, ўз фикрида қотиб қолган деб айблаяптилар...

Ўйлаб топилган у қонунлар очиқдан-очиқ куфр эканлиги ойдек равшан, ҳеч бир шубҳа йўқдир"<sup>389</sup>.

Зикр қилинганларга қўшимча яна кўп далилларни ва уламоларнинг сўзларини келтириш мумкин<sup>390</sup>. Аммо қалб қўзи очиқ инсонга етарли

<sup>387</sup> Яъни, Аллоҳнинг шариати ўрнига одамлар ўйлаб топган, Аллоҳнинг шариатига мухолиф қонунларни жорий қилиш.

<sup>388</sup> Яъни, Ҳижрий.

<sup>389</sup> عَمَدَ التَّفْسِيرُ مُخَتَصِّرٌ تَفْسِيرُ ابْنِ كَثِيرٍ: لِشَيْخِ الْعَلَمَةِ أَحْمَدَ مُحَمَّدَ شَاَكِرَ (٦١٣١) فِي تَفْسِيرِ قَوْلِهِ تَعَالَى: {وَمَنْ أَحْسَنَ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِقَوْمٍ يُوقَنُونَ}.

<sup>390</sup> زِيَادَةً إِلَى مَا تَقْدِمُ أَقْوَالُ بَعْضِ الْعُلَمَاءِ: قَالَ الْإِمَامُ مُحَمَّدُ الْخَضِيرُ حُسَيْنُ رَحْمَهُ اللَّهُ:

бўладиган далиллар зикр қилинди. Қалб кўзи кўр бўлган кимсаларга далилларнинг кўплиги фақат ҳайрат ва нафратни зиёда қиласади.

"وفي القرآن أحكام كثيرة ليست من التوحيد، ولا من العبادات؛ كأحكام البيع والربا، والرهن والدين والإشهاد، وأحكام النكاح والطلاق واللعان واللواط والظهار، والحجر على الأيتام، والوصايا والمواريث، وأحكام القصاص والدية، وقطع يد السارق، وجلد الزاني وقادف المحسنات، وجزاء الساعي في الأرض فساداً، بل في القرآن آيات حربية فيها ما يرشد إلى وسائل الانتصار... وفي السنة الصحيحة أحكام مفصلة في أبواب من المعاملات والجنايات إلى نحو هذا مما يدلّك على أن من يدعو إلى فصل الدين عن السياسة، إنما تصور ديناً آخر، وسمّاه: الإسلام".  
وفي سيرة أصحاب رسول الله وهم أعلم الناس بمقاصد الشريعة - ما يدل دلالة قاطعة على أن الدين سلطاناً على السياسة؛ فإنهم كانوا يأخذون على الخليفة عند مبaitته شرط العمل بكتاب الله، وسنة رسول الله...  
فصل الدين عن السياسة هدم لمعظم حقائق الدين، ولا يقدم عليه المسلمون إلا بعد أن يكونوا غير مسلمين".  
**موسوعة الأعمال الكاملة** (١١٥: ص ١٩٠-١٩٩) للإمام محمد الحضر حسين شيخ الجامع الأزهري عالمة بلاد المغرب: ١٨٧٦-١٩٥٨.

قال عبد الرحمن بن ناصر السعدي رحمة الله:  
يُعِجبُ تَعَالَى عَبَادَهُ مِنْ حَالِ الْمَنَافِقِينَ {الَّذِينَ يَرْعُمُونَ أَنَّهُمْ} مُؤْمِنُونَ بِمَا جَاءَ بِهِ الرَّسُولُ وَبِمَا قَبْلَهُ، وَمَعَ هَذَا {يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَكَّمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ} وَهُوَ كُلُّ مَنْ حُكِمَ بِغَيْرِ شَرْعِ اللَّهِ فَهُوَ طَاغِتٌ. وَالْحَالُ أَنَّهُمْ {قَدْ أَمْرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ} فَكَيْفَ يَجْتَمِعُ هَذَا وَالْإِيمَانُ؟ فَإِنَّ إِيمَانَ يَقْتَضِي الْأَنْقِيادَ لِشَرْعِ اللَّهِ وَتَحْكِيمَهُ فِي كُلِّ أَمْرٍ مِنَ الْأَمْرِ، فَمَنْ زَعَمَ أَنَّهُ مُؤْمِنٌ وَاخْتَارَ حُكْمَ الطَّاغُوتِ عَلَى حُكْمِ اللَّهِ، فَهُوَ كاذِبٌ فِي ذَلِكَ. وَهَذَا مِنْ إِضَالَّةِ الشَّيْطَانِ إِيَّاهُمْ، وَلَهُذَا قَالَ: {وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضْلِلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا} عَنِ الْحَقِّ.  
{فَكَيْفَ} يَكُونُ حَالٌ هُوَلَاءُ الضَّالِّينَ {إِذَا أَصَابَتْهُمْ مُصِيبَةٌ بِمَا فَمَتْ أَيْدِيهِمْ} مِنَ الْمَعَاصِي وَمِنْهَا تَحْكِيمُ الطَّاغُوتِ؟!  
{أَنَّمَّ جَاءُوكُمْ} مُعْتَذِرِينَ (١) لِمَا صَدَرَ مِنْهُمْ، وَيَقُولُونَ: {إِنْ أَرْدَنَا إِلَّا إِحْسَانًا وَتَوْفِيقًا} أي: مَا قَصَدْنَا فِي ذَلِكَ إِلَّا الإِحْسَانُ إِلَى الْمُنْتَخَصِّصِينَ وَالْتَّوْفِيقِ بَيْنَهُمْ، وَهُمْ كَذَّابٌ فِي ذَلِكَ. فَإِنَّ الإِحْسَانَ كُلُّ تَحْكِيمٍ اللَّهِ وَرَسُولِهِ {وَمَنْ أَحْسَنَ مِنَ اللَّهِ حَكْمًا لِفَوْقِنَوْنَ}.

الكتاب: تيسير الكريم الرحمن في تفسير كلام المنان. المؤلف: عبد الرحمن بن ناصر بن عبد الله السعدي (المتوفى: ١٣٧٦هـ)

قال محمد بن إبراهيم آل الشيخ رحمة الله:  
إِنَّ مِنَ الْكُفَّارِ الْأَكْبَرِ الْمُسْتَبِّنِ، تَنْزِيلُ الْقَانُونِ الْلَّعِينَ، مَنْزَلَةُ مَا نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ، عَلَى قَلْبِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لِيَكُونَ مِنَ الْمُنْذَرِينَ، بِلْ سَانٌ عَرَبِيٌّ مَبِينٌ، فِي الْحُكْمِ بَيْنَ الْعَالَمِينَ، وَالرَّدُّ إِلَيْهِ عِنْدِ تَنَازُعِ الْمُتَنَازِعِينَ، مَنَاقِضَةٌ وَمَعَانِدَ لِقَوْلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ: {فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ} إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَبِرَبِّ الْآخِرَةِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَلْوِيلًا.  
رسالة تحكيم القوانين: للشيخ العلامة محمد بن إبراهيم آل الشيخ المفتى السابق للمملكة العربية السعودية. (١٩٦٩-١٩٩٣)

قال محمد بن قطب رحمة الله:  
إن كون الشريعة ملزمة للمسلم الذي ينطق بفمه شهادة "لا إله إلا الله محمد رسول الله" (ولو كان ينطقها نفاقاً)، وكون التشريع بغير ما أنزل الله مخرجاً من الملة، قضية مجمع عليها من علماء الأمة جميعاً، لم يشد أحد عنها، ولا يجرؤ أحد أن يشد!  
العلمانيون والإسلام: (ص: ٥١) للشيخ المفكر الإسلامي محمد بن قطب: ٢٠١٤-١٩١٩.

وقال الشيخ القرضاوي: «بل إن العلماني الذي يرفض مبدأ تحكيم الشريعة من الأساس ليس له من الإسلام إلا اسمه وهو مرتد عن الإسلام بيقين، يجب أن يستتاب وتزاح عن الشبهة وتقام عليه الحجة وإلا حكم القضاء عليه بالردة وجرده من انتسابه للإسلام أو سحبته منه "الجنسية الإسلامية" وفرق بينه وبين زوجته وولده وجرت عليه أحكام المرتدين المارقين في الحياة وبعد الوفاة»  
الإسلام والعلمانية وجهاً لوجه (ص: ٦٧) للشيخ د. يوسف القرضاوي.

## **5-Бўлим: Баъзи масалаларга ийзоҳ**

### **Бу бўлимда баъзи муҳим масалаларга ойдинлик киритиб ўтамиз**

#### **Биринчи:**

Аллоҳнинг ҳукми кўп масалаларда очиқ-ойдин далиллар билан маълумдир<sup>391</sup>. Баъзи масалаларда эса Аллоҳнинг ҳукми нима эканлигига Қуръон ва ҳадисда очиқ-ойдин далиллар келмаган.

Саҳобалар (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин), бир масалада Аллоҳнинг ҳукми нима эканини билиш учун (Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим берганларидек) Қуръон ва ҳадисга мурожаат қилар эдилар. Қуръон ва ҳадисда ўша масаланинг ҳукмини баён қилган далилни топа олмасалар ижтиҳод қилар эдилар<sup>392</sup>. Далили зикр қилинмаган масалани далили зикр қилинган бошқа бир ўхшаш масалага қиёс қилиб, шариат ҳукмини айтар эдилар<sup>393</sup>.

Тобеинлар ҳам саҳобалар даврида мавжуд бўлмаган масалаларда саҳобалар йўлини тутиб ижтиҳод қилишган ва кейингилар ҳам уларнинг йўлларини тутишган.

Баъзida ижтиҳодлар турли бўлиб, бир масалада бир неча қовллар айтилган. Мана шундай бир неча қовллар айтилган масалаларда салаф солиҳлардан битталарининг ижтиҳодига<sup>394</sup> эргашса Аллоҳнинг ҳукмидан чиққан бўлмайди<sup>395</sup>.

#### **Иккинчи:**

---

<sup>391</sup> Мусулмонлар учун зарур бўлган асосий масалалар Қуръон ва ҳадисда очиқ-ойдин далиллар билан баён қилинган.

<sup>392</sup> Яъни, Қуръон ва ҳадисда ҳукм очиқ баён қилинмаган масалада Аллоҳнинг ҳукми нима эканини билиш учун Қуръон ва ҳадисда баён қилинган қоидаларга асосланиб масаланинг ҳукмини айтишар эди.

<sup>393</sup> شرح مشكل الآثار: المؤلف: أبو جعفر الطحاوي: (٣٥٨٣) ٢١٦-٢١٢٩. الكتاب: مجموع الفتاوى: ٣٦٤١٣.

<sup>394</sup> Шунингдек, салаф солиҳлар даврида бўлмаган масалаларда кейинги уламолардан битталарининг ижтиҳодига эргашса ҳам.

<sup>395</sup> Бу масалада кўп тафсилотлар бор. У тафсилотларнинг баъзиси ихтилофлар бобида айтиб ўтилди.

Шариат доирасидан чиқмаган ҳолатда, ишларни тартибга солиш йўлларини мусулмон бўлмаганлардан олиб ўзлаштирилса Аллоҳнинг ҳукмидан чиқсан бўлмайди.

Уруш услубларини ўзлаштиришни, йўл ҳаракатини тартибга солишни, ишларни тўғри тақсимлашни, ишларни тартиблаш учун янги идоралар очишни ва шунга ўхшаш ишларни мусулмон бўлмаганлардан олиш жоиз.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Салмон ал-Форисий розияллоҳу анҳунинг кўрсатмаларини олиб, урушда хандақ қазиб ҳимояландилар.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уруш вақтида бир қарор қабул қилсалар (аскарни жойлаштириш учун бир жой танласалар) саҳобалар: "Буни Аллоҳ ваҳий қилдими ёки тадбирми", деб сўрашар эди. Ваҳий эмаслигини билганларидан кейин ўз фикрларини билдиришар ва Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарорларини ўзгартирас эдилар<sup>396</sup>.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида аскарларнинг исмлари ёзиб қўйилмас эди. Умар розияллоҳу анҳу вақтларида қўшинни тартибга солиш учун аскарларнинг исмлари ёзиб қўйиладиган бўлди.

Ишларни тартибга солишни, идора қилишни -шариатга муҳолиф бўлмайдиган ҳолатда- мусулмон бўлмаганлардан олиб ўрганса Аллоҳнинг ҳукмидан чиқсан бўлмайди. Балки бундай ишлар ҳам зироат, саноат каби ўша соҳада яхши натижага эришган мутахассислардан ўрганилаверади<sup>397</sup>.

### Учинчи:

1) Баъзи инсонлар ораларида ихтилоф чиқса олим инсонга мурожаат қилиб, Аллоҳнинг ҳукм билан ҳукм қилишини сўрашади ва олим Аллоҳнинг шариати деб билган ҳукм билан ҳукм қиласди.

<sup>396</sup> سیرة ابن هشام: ٦٢٠١١.

<sup>397</sup> أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن. محمد الأمين الشنقيطي. في تفسير قوله تعالى: {وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا}. الكهف:

.٢٦

Бу масала фиқҳ китобларида "таҳқим<sup>398</sup> (бировни ҳакам қилиш)" деб айтилади ва ҳакам қилинган (шариат илмидан хабардор) инсон Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қиласди.

Таҳқим масаласи фатво сўраш, қозига мурожаат қилиш масалаларига ўхшайди. Бу уч масаланинг орасидаги фарқлар фиқҳ китобларида батафсил зикр қилинган.

2) Аллоҳ таоло баъзи ўринларда ҳукм чиқаришни мусулмонлардан бўлган адолатли кишиларга топширган.

Аллоҳ таоло шундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْتُلُوا الصَّيْدَ وَإِنْتُمْ حُرُومٌ وَمَنْ قَتَلَهُ مِنْكُمْ مُّتَعَمِّدًا فَجَزَاءُهُ مِثْلُ مَا قَاتَلَ مِنَ النَّعْمِ يَحْكُمُ بِهِ ذُوَا عَدْلٍ مِنْكُمْ﴾  
المائدة: ٩٥

**Эй мўминлар, эҳромда бўлган чоғингизда бирон овни ўлдирманг! Сизларнинг орангиздан ким қасддан бирон овни ўлдирса, (унинг зиммасида) чорва молларидан ўлдирган ови баробарида жазо бўлиб, унга ўзларингдан икки адолат эгаси (бўлган киши) ҳукм қилур** (яъни: Ов қилинган ҳайвон чорва молларининг мана бунисига ўхшайди, деб ҳукм қиласди). Моида сураси 95-оят.

Саҳобалар кўп ов ҳайвонлари чорва ҳайвонларидан қай бирига муносиб эканини баён қилишган.

3) Баъзида инсонлар орасида келишмовчиликлар бўлиб, ҳақ ҳуқуқлар поймол қилинади. Сўнгра икки тараф ҳам ўз ҳаққини талаб қиласди. Шундай ҳолатларда орани ислоҳ қилиш учун адолатли инсонлардан бири ҳакам қилинади.

---

<sup>398</sup> Шу ўринда мухим бир масалага эътибор беришимиз керак:  
"Таҳқим" калимаси Аллоҳнинг шариатига мухолиф қонунларни ҳукмрон қилиш маъносида ҳам ишлатилган.

Асли "Таҳқим" калимасининг маъноси ҳоким ёки ҳакам қилиш.

Аллоҳнинг ҳукмини ҳукмрон қилаётган бўлса ёки Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қиласдиган олим инсонни ҳакам қилаётган бўлса Аллоҳнинг динига мувофиқ амал қиласдиган бўлади.

Аллоҳнинг шариатига мухолиф қонунларни ҳукмрон қилаётган бўлса Аллоҳнинг динидан юз ўғирган бўлади.

Ҳакам орани ислоҳ қилиш учун икки тарафни баъзи ҳақ-ҳуқуларидан кечишга чақиради. Икки тараф ҳам ўз розилиги билан баъзи ҳақ-ҳуқуларидан воз кечади ва ора ислоҳ бўлади.

Аллоҳ таоло шундай деган:

{وَإِنِ امْرَأً حَافَتْ مِنْ بَعْلِهَا نُشُرًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يُصْلِحَا بَيْنَهُمَا صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ} النساء: ۱۲۸.

**Агар бирон аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириб кетиш содир бўлишидан қўрқса, у иккови ўзаро бир сулҳга келишиб олишлари зарарсизdir. Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқdir.** Нисо сураси 128-оят.

Бошқа оятда:

{وَإِنْ خَفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَابْعُثُوا حَكْمًا مِنْ أَهْلِهِ وَحَكْمًا مِنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا إِصْلَاحًا يُوْفِقُ اللَّهُ بَيْنَهُمَا} النساء: ۳۵.

**Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эр томонидан бир ҳакам, хотин томонидан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни колур.**

Қози ҳукм қилишининг имкони бўлмаганда ёки икки тарафнинг яхши муносабатларини сақлаб қолишга эҳтиёж бўлганда орани ислоҳ қилиш учун адолатли кишиларга мурожаат қилинади.

Бу ҳолатда ҳам (юқоридаги икки ҳолатдаги каби) ислоҳ қилувчи ҳакам Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм билан ҳукм қилган бўлмайди. Аксинча (икки тарафни баъзи ҳақ-ҳуқулардан кечишга чақириб) Аллоҳнинг оятига амал қилган бўлади. Чунки юқоридаги оят шунга йўллайдики, ҳақ-ҳуқуларни тўлиқ оламан деб, ажралиб кетгандан кўра, баъзи ҳақлардан кечиб орани ислоҳ қилиш ёки мусулмонлар орасидаги яхши муносабатни сақлаб қолиш афзал.

Али розияллоҳу анҳу даврларида чиққан ховорижлар шу ҳақиқатни тушунмай залолатга кетган эди.

Али розияллоҳу анҳу билан Муовия розияллоҳу анҳу ораларида келишмовчилик бўлганида орани ислоҳ қилиш учун ҳакам тайинланади.

Шунда ховорижлар Али розияллоҳу анҳуни айблаб, Аллоҳнинг динида одамларни ҳакам қилди, ҳукм қилиш Аллоҳнинг Ўзига хос, деб айтишади ва Али розияллоҳу анҳуни кофирга чиқаришади.

Али розияллоху анху: "Бу калима ҳақ, лекин ботил мақсад қилиб айтиляпти<sup>399</sup>", дейдилар ва ховорижларни шубҳалариға рад бериш учун Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхұмо юборадилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхұма ховорижлар ҳузурига борганларида, ховорижлар: "Ибн Аббос хүш келибсиз! Сизни бу ерга нима келтирди", дейишади.

Абдуллоҳ ибн Аббос: "Мен сизларнинг олдингизга мұхожир ва ансорлар ҳузуридан ва Ресуллар олаллоху алайхи васалламнинг күёвлари (Али ибн Аби Толиб) ҳузуридан келдим. Улар Қуръон нозил бўлишига гувоҳ бўлишган ва Қуръоннинг тафсирини сизлардан кўра яхши билишади", дейдилар<sup>400</sup>.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхұмо улардан Али розияллоху анхұнинг қайси ишларини айблашаётганларини сўраганларида, улар: "Учта нарса, биринчиси: Али Аллоҳнинг динида одамларни ҳоким қилди. Аллоҳ таоло:

{إِنَّ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ}

**"Ҳукм қилиш Аллоҳнинг Ўзига хос"**, деб айтган. Одамларни ҳукмга нима алоқаси бор", деб айтадилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос: "Аллоҳ таоло ярим дирҳамга етмайдиган қуённинг пулида ҳукм чиқариши одамларга топширди", деб ов ҳақидаги (Моида сураси 95) оятни ва эр-хотиннинг ислоҳ қилиш ҳақидаги (Нисо сураси 35) оятни ўқиб: "Аллоҳ номи билан сўрайман, айтингларчи, адолатли кишиларнинг қуён ҳақида, эр-хотин ҳақида ҳукм қилиши афзалми ёки мусулмонларнинг орасини ислоҳ қилиб, ноҳақ қон тўкилишини олдини олиш учун ҳукм қилиши афзалми", дейдилар. Ховорижлар бу масалада ва кейинги икки масалада ҳам адашганликларини тан олишди, сўнгра улардан кўпчилиги ботил йўлидан қайтди<sup>401</sup>.

---

<sup>399</sup> Яъни, "Ҳукм қилиш Аллоҳнинг Ўзига хос" деб айтган гаплари ҳақ гап. Чунку ҳукм Аллоҳнинг Ўзига хос экани Қуръонда айтилган. Лекин улар Аллоҳнинг ҳукмини ҳукмрон қилишни (Нисо сурасининг 35-оятига амал қилишни) исташмаяпти. Аксинча ўзларининг хато тушунчаларини ҳоким қилишмоқчи.

صحيح مسلم: (٢٥١٧) وشرحه للنووي (المتوفى: ٦٧٦ـهـ)

<sup>400</sup> Барча адашган тоифалар каби ховорижлар ҳам Қуръонни саҳобалар тушунгандек тушунишдан юз ўгириб адашиб кетишли.

٤٠١ المنظم في تاريخ الأمم والملوک: ١٢٥-١٤١٥. المؤلف: جمال الدين أبو الفرج لابن الجوزي (المتوفى: ٩٦٧ـهـ).

الكتاب: البداية والنهاية: ٢٢٥-٢٨١. المؤلف: أبو الحسن علي بن أبي القاسم الباقر.

تاریخ الإسلام ووفیات المشاهیر والأعلام: ١٧٦-١٧٥٣. المؤلف: شمس الدين الذهبي.

## Түртинчи:

Баъзилар ўзгаларнинг ҳукмини Аллоҳнинг ҳукмидан юқори қўйиш билан муайян бир масалада қонун жорий қилишни ёки муайян бир масалада ҳукм қилишни аралаштириб юборади.

Аслида ўзгаларнинг ҳукмини Аллоҳнинг ҳукмидан юқори қўйиш ёки ўзгаларнинг ҳукмини Аллоҳнинг ҳукми билан бир хил кўриш ёки мутлоқ ҳокимликни Аллоҳдан ўзгага нисбатлаш ёки Аллоҳнинг шариатини ташлаб, унинг ўрнига ўзгалар ўйлаб топган қонунларни жорий қилиш алоҳида масала бўлиб, бунинг ҳаммаси катта куфрдир<sup>402</sup>.

Аммо муайян бир масалада қонун жорий қилиш ёки муайян бир масалада ҳукм қилиш алоҳида бошқа масала.

1) Муайян бир масалада қонун жорий қилиш деган сўзимиздан мақсад – Муайян бир масалада Аллоҳнинг шариатига мухолиф қонун жорий қилиш

Яъни, мутлоқ ҳукм қилиш Аллоҳга хос деб, Аллоҳнинг ҳукмини барча ҳукмлардан юқори қўйиб, Аллоҳнинг динини давлат дастури қилиб, Аллоҳнинг шариатини давлат қонунчилигини асоси қилиб белгилангандан кейин, баъзи масалаларда Аллоҳнинг шариатига мухолиф қонун жорий қилиш.

Мана шу масалани баъзи уламолар ташрийъ (қонун жорий қилиш) деб номлашади. Бу масала биз юқорида сўз юритган масаладан кичикроқ масала<sup>403</sup>.

2) Муайян бир масалада ҳукм қилиш деган сўзимиздан мақсад – Муайян бир масалада Аллоҳнинг ҳукмига мухолиф ҳукм қилиш.

Яъни: Мутлоқ ҳукм қилиш Аллоҳга хос деб, Аллоҳнинг ҳукмини барча ҳукмлардан юқори қўйиб, Аллоҳнинг динини давлат дастури қилиб, Аллоҳнинг шариатини давлат қонунчилигининг асоси қилиб, барча қонунларни Аллоҳнинг шариатига мувофиқ жорий қилгандан кейин, баъзи ҳолатларда Аллоҳнинг ҳукмига мухолиф ҳукмлар чиқариш. Бу масалада

---

<sup>402</sup> Бу бобда мана шу масала ҳақида сўз юритилди.

<sup>403</sup> Яъни, Юқорида сўз юритган масала – Аллоҳнинг шариатини ташлаб одамлар ўйлаб топган қонунларни ҳукмрон қилиш.

ҳам кўп тафсилотлар ва салафлардан турли ривоятлар бор бўлиб<sup>404</sup>, биз юқорида баҳс қилган масаладан умуман бошқа (юқоридаги масалага нисбатан кичик) мавзудир.

Аммо, Аллоҳнинг ҳукмидан ўзгаларнинг ҳукмини юқори қўйиш ёки Аллоҳнинг ҳукмига ўзгаларнинг ҳукмини тенглаштириш ёки мутлоқ ҳокимиятни Аллоҳдан ўзгаларга нисбатлаш очиқ-ойдин катта куфрдир.

Масалан:

1) Аллоҳнинг ҳукмидан подшоҳларнинг ҳукмини юқори қўйиш ёки тенглаштириш ёки мутлоқ ҳукмни Аллоҳга эмас, балки подшоҳларга нисбатлаш диндан чиқарадиган куфрдир<sup>405</sup>.

2) Аллоҳнинг ҳукмидан қабила бошлиқларининг ҳукмини юқори қўйиш диндан чиқарадиган куфрдир<sup>406</sup>.

3) Халқнинг иродасини Аллоҳнинг ҳукмидан юқори қўйиш, мутлоқ ҳокимиятни халқга нисбатлаш ва давлат дастурини, давлат қонунчилигини Аллоҳнинг шариати асосида эмас, балки халқнинг иродасига кўра қабул қилиш диндан чиқарадиган куфрдир. Мана шу<sup>407</sup> демократиянинг маъносидир ва мана шу демократия<sup>408</sup> Исломга зид, Ислом динидан чиқарувчи катта куфрдир.

**Бешинчи:**

Секуляризм ва Демократия (юқорида айтилган маъноларига кўра) Ислом динидан чиқарувчи катта куфр деб айтилса ҳам, Исломни даъво қилиб демократия тарафдори бўлган ёки демократияга чақирган ҳар бир инсонни коғир деб айтиш лозим бўлмайди. Кейинги бўлимда шу ҳақида кенгроқ сўз юритамиз.

---

<sup>404</sup> Мана шу масалада салафлардан турли ривоятлар келган. Ибн Жарир Тобарий роҳимаҳуллоҳ Моида сураси 44-оят тафсирида турли ривоятларни нақл қилганлар.

<sup>405</sup> Монархия давлатларида бўлгани каби.

<sup>406</sup> Баъзи қабилаларда бўлгани каби.

<sup>407</sup> Яъни, Халқ ҳукмронлиги, халқ иродасини Аллоҳнинг ҳукмидан юқори қўйиш, мутлоқ ҳокимиятни Аллоҳга эмас, балки халқга нисбатлаш.

<sup>408</sup> Тўртинчи бобда муҳим бир мавзуни айтиб ўтган эдик. Шу ўринда яна бир такрорлаб ўтиш ўринли бўлса керак.

Баъзида янги чиқсан терминлар бир неча маънода қўлланилган бўлади. Баъзилар бир маъносига қараб ҳукм айтишса, бошқалар иккинчи маъносига қараб ҳукм айтишади ва ўртада келишмовчилик юзага келади. Шунинг учун ўша янги чиқсан терминларга ҳукм чиқаришда батафсил гапириб: "Бу маънога кўра ҳукми бундай бўлади, у маънога кўра ҳукми ундей бўлади" деб айтиш ўринлидир.

Одамлар орасида демократия яна қандай маъноларда қўлланилишига қўйида тўхталиб ўтамиш. Инша Аллоҳ.

## **6- Бўлим: Такфир ҳақида баъзи тафсилотлар ёки умумий такфир билан муайян шахсни такфир қилиш фарқи.**

Секуляризм ва Демократия Ислом динидан чиқарувчи катта куфр дегани, Исломни даъво қилиб ўзини демократман деган ёки демократия тарафдори бўлган ёки демократияга чақирган ҳар бир инсон кофир бўлади дегани эмас.

Бу масала ҳам жуда жиддий масалалардан бўлгани учун бир нечта қисмларга бўлиб баён қиласиз:

- 1) Аҳли сунна валжамоа эътиқодида бир амални катта куфр деб айтиш билан, ўша амални қилган муайян шахсни кофир деб айтиш орасида фарқ борлиги<sup>409</sup>.
- 2) Демократияга бирор бир таъвийл билан кириш.
- 3) Демократиянинг ҳақиқатини билмаслик<sup>410</sup>.

Қўйида шу уч масалани кенгроқ баён қиласиз.

### **1-фасл:**

#### **Демократиянинг ҳақиқатини билмаслик.**

Кўпчилик мусулмонлар, хусусан авом халқ демократиянинг маъносини билмайдилар. Демократиянинг ҳақиқатини тушунмаганлари учун демократия Ислом динига зид эмас деб ўйлашади ва деморатияни қўйдаги маъноларда тушунишади:

Динга эркин амал қила оладиган тузум.

Инсон ўзи билган ҳақиқатни эркин айта оладиган тузум.

Барча инсонларни (хўкмдорлар ҳам, авом халқ ҳам, оддий ишчи ҳам) давлат бойликларидан бирдай фойдаланиш ҳуқуқи тамилланадиган тузум.

Барча инсонлар қонун олидида (бу қонунлар нимага асосланганини тушунмай) бирдай жавобгар бўладиган тузум.

Халққа зулм қилинмайдиган тузум (яъни: Диктатуранинг зидди) деб билишади.

Улар Ислом дини демократияга нима деб ҳукм қилганини эмас, балки демократиянинг ўзи нима эканлигини билишмайди. Балки демократияни Ислом динига қарама қаршилиги йўқ деб ўйлашади.

---

<sup>409</sup> Яъни, Исломни даъво қиласиган инсон катта куфр, катта ширк бўлган амални қилса такфир шартлари топилмай туриб кофир дейилмайди.

<sup>410</sup> Аслида бу икки масала ҳам юқоридаги (биринчи) масаланинг остига кириб кетади. Лекин боб мавзусига тўғридан-тўғри алоқадор бўлгани учун алоҳида зикр қилдик.

Бундай мусулмонларни демократия нима эканлигини билмаганлари учун кофир деб ҳукм қилиш жоиз эмас.

Шунингдек демократияни ҳақиқатини тушунмай демократик баъзи тадбирларда қатнашганларни ҳам кофир деб ҳукм қилиш жоиз эмас<sup>411</sup>.

Бу ерда муҳим бир нуқтага эътибор беришимиз керак – Демократиянинг маъносини, демократиянинг ҳақиқатини тушунмаслик билан демократиянинг ҳукмини<sup>412</sup> билмаслик орасида фарқ бор.

Баъзилар демократиянинг ҳақиқатини билишади, аммо Ислом дини демократия ҳақида қандай ҳукм қилганини билишмайди.

Баъзилар эса, демократиянинг маъносини, демократиянинг ҳақиқатини билишмайди.

Демократиянинг маъносни тушунмаслик бир нарса, демократиянинг ҳақиқатини тушуниб, унинг (Исломдаги) ҳукмини билмаслик бошқа бир нарса.

Юқорида демократиянинг ҳақиқатини тушунмайдиган мусулмонлар ҳақида сўз юритдик. Бу ҳолат "Узр билжаҳл – билмаганлиги учун узрли бўлиш" мавзусига тўғридан-тўғри алоқадор эмас.

"Узр билжаҳл" мавзусига Демократиянинг ҳақиқатини тушуниб, демократияни Исломдаги ҳукмини билмаслик алоқадордир<sup>413</sup>.

Узр билжаҳл мавзуси ҳам тафсилотлари кўп, чуқур масалалардан бўлиб алоҳида китобда сўз юритилишга муносиб<sup>414</sup>.

---

<sup>411</sup> Мисол учун: Демократия ҳақиқатини тушунмайдиган мусулмонлар сайловларга қатнашишади. Улар кимни нимага сайлаётганларини тушунишмайди...

Бунга шундай мисол келтирсак тушуниш осонроқ бўлса керак:

Бир киши идишда нима борлигини билмай ахлатга ташлаб хорласа. Сўнгра идишда китоб борлиги ва китоблар орасида Куръони Карим борлиги маълум бўлса. Бу ҳолатда идишни ахлатга ташлаган инсон Куръонни хорлаган бўлмайди ва қилган иши учун кофир бўлди деб ҳам айтилмайди.

Бу мисолни демократия мавзусидан катта фарқи бўлса ҳам, тушунишга осонроқ бўлиш учун айтиб ўтдик.

<sup>412</sup> Яъни, Ислом дини демократияга нима деб ҳукм қилганини...

<sup>413</sup> Баъзилар демократиянинг ҳақиқатини билиб демократик йўлларга ёки демократик партияларга аъзо бўлади. Лекин улар Ислом дини демократия ҳақида қандай ҳукм қилганини билишмайди. Шунинг учун демократияни Ислом динига зид эмас деб ўйлайдилар.

Бундайларни демократиянинг ҳукмини (яъни, демократия – Халқ ҳукмронлиги куфр эканини) билишга имконлари бўлмагани учун узрли бўлишлари ва такfir қилинмасликлари (кофирга чиқарилмасликлари) уламоларнинг сўзларидан тушунилади.

مجموع الفتاوى لشیخ الإسلام ابن تیمیة: ۱۱۲ / ۱۰۰ . ۲۳۱۱۳ . ۱۱۲ / ۱۰۰ . مدارج السالکین / ۱۳۶۷ . الدرر السنیة فی الأجویة التجدیدیة: ۱۳۱۱۱ - ۱۳۲۰ .

<sup>414</sup> Бу ўринда умумий тушунча ҳосил бўлиш учун қисқача тўхталиб ўтамиз.

Узр билжаҳл мавзусига тўхталишдан олдин бир нарсани айтиб ўтиш керак:

---

Ислом динини даъво қилмайдиган, тавҳид калимаси "ЛА ИЛАХА ИЛЛАЛЛОХ, МУҲАММАД РОСУЛЛОХ" ни айтмаган инсонлар кофиридан.

Улардан қай бирлари Ислом дини ҳақида эшитмаган бўлса ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллем ҳақларида тӯғри маълумотдан бехабар бўлса (бундай инсонлар дунё ҳукмида) кофир бўлади. Лекин (кўпчилик уламолар наздида) улар охиратда имтиҳон қилинади. Улардан ким охиратда бўладиган имтиҳондан ўтса жаннатга киради.

Шунингдек ота-онаси кофир бўлиб, балоғатга етишидан олдин ўтиб кетган гўдаклар ва ота-онаси кофир бўлган мажнунлар ҳам охиратда имтиҳон қилинишини кўпчилик уламолар айтишган.

انظر تفسير قوله تعالى: {وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا} الإسراء: ١٥ . أضواء البيان: الشیخ محمد الأمین الشنقطی.

Узр билжаҳл мавзуси ҳақида гапирадиган бўлсак:

Ислом динини даъво қилган, тавҳид калимаси "ЛА ИЛАХА ИЛЛАЛЛОХ, МУҲАММАД РОСУЛЛОХ" ни айтган инсон билмасдан катта ширк ёки катта куфр амалини қилса, у инсон билмаганилиги учун узрли бўладими ёки узрли бўлмайди?

Бу масалада Ислом уламолари бир қанча фикрлар айтишган. Бу ўринда айтилган фикрларни батафсил баён қилиш имконсиз бўлгани сабаб, тасаввур ҳосил бўлиши учун қисқача гапириб ўтамиш.

Узр билжаҳл масаласини уч қисмга бўлиш мумкин:

1- Билмаслик узр бўлмайдиган масалалар.

Мисол: Кимда ким Аллоҳнинг тенги ёки боласи бор деса (Аллоҳ таоло бундай нарсалардан поқдир) ёки Аллоҳ ва Росулини очиқ-ойдин (яъни, масхаралашдан бошқа маънони эҳтимол қилмайдиган) сўзлар билан масхараласа, ҳақорат қилса кофир бўлади. Бу кимса: "Мен билмаган эдим", деб айтиши бефойда. У тезда тавба қилиб исломга қайтиши керак.

2- Ислом динида очиқ-ойдин билинган масалалар. Бундай масалаларда шариатга муҳолиф иш қилган инсонлар узрли бўлиши ёки узрли бўлмаслиги инсоннинг имкониятига боғлиқ.

Яъни, уламолар: "Инсонни билишга имконияти бўлган бўлса узр бўлмайди, имконияти бўлмаган бўлса узр бўлади", деб айтишган.

Бунга мисол: Исломий давлатда (Ислом ҳукмлари жорий бўлган давлатда) ўсиб-улғайган бўлса узр бўлмайди (чунки Исломий ўлқада шариат илмлари ошкор, ҳаммага маълум бўлади), кофир давлатда ўсиб-улғайиб, ўша ерда Ислом қабул қилган бўлса билмаслиги узр бўлади деб айтишади.

Бу масалаларни фуқаҳолар фикҳ китобларида ва усулийлар (عوارض الأهلية) бобида зикр қилганлар.

3- Ҳаммага ошкор бўлмаган, фақат уламолар ва толиби илмлар биладиган масалалар. Бундай масалаларда, билмасдан қилгани учун узрли бўлади.

Узр билжаҳлга тааллуқли бўлган масалалар мана шу уч қисмга бўлиннишида уламолар орасида катта хилоф йўқ. Аммо мана шу уч қисмни ҳар бирини чегарси (зобити нима эканлиги) катта баҳс мунозарали масала.

Яъни, қандай ишларда узр бўлмайди.

Қандай масалалар ҳаммага ошкор бўлган масала.

Қандай масалалар ҳаммага ошкор бўлмаган масала.

Мана шулар уламолар орасида катта баҳс мунозарали масала. Бу масала аҳли илм ва толиби илмлар чуқур ўқиб ўрганадиган масалалардан. Омма мусулмонлар эса бу масалаларни ўқиб ўзлаштиришлари қийин бўлгани учун мана шу масалаларда ўзларига тааллуқли бирор ҳодисага дуч келсалар аҳли илмлардан сўрашлари кифоя.

## 2-фасл:

### Демократияга бирор бир таъвил<sup>415</sup> билан кириш.

Баъзилар демократиянинг маъносни билишади. Демократиянинг ҳақиқати халқ ҳукмронлиги, халқ иродасини ҳар қандай иродадан (ҳатто Аллоҳнинг ҳукмидан ҳам) юқори қўйиш эканини билишади ва буни диндан чиқарадиган куфр эканини ҳам билишади. Лекин баъзи далилларга суюниб, демократия орқали Ислом динига хизмат қилишга ва мусулмонларга ёрдам беришга ҳаракат қиласидилар.

Кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак:

Мусулмонлар яшайдиган кўп давлатларида диктатура режими ҳукмрон бўлиб, мусулмонлар ҳар тарафлама -диний, ижтимоий ва иқтисодий тарафлама- кўп қийинчиликларга, қаттиқ тазиикларга учрайдилар. Диний эркинликлар йўқ, динга амал қилиш қийин, динни ўқиб-ўрганиш имконсиз.

Бунинг қаршисида баъзи демократик давлатларда мусулмонлар диний баъзи эркинликларга эга, динга амал қилишга, динни ўқиб-ўргатишга имконият бор.

Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб баъзи мусулмонлар, баъзи Исломий ҳаракатлар мусулмонларга озми-кўпми эркинлик келиши учун... ёки

Диктатура режимини озми-кўпми енгиллатиш учун... ёки

Демократик сайловлар орқали парламентга кириб, ўша ерда мусулмонларни ҳақ-хуқуларини ҳимоя қилиш учун...

Умумий айтганда, демократик партияларга аъзо бўлиб ёки демократик йўллардан фойдаланиб Ислом динига ва мусулмонларга хизмат қилишга ҳаракат қиласидилар.

Бундай мусулмонлар демократик йўлларга таъвил билан кирганлари учун кофир деб ҳукм қилинмайди<sup>416</sup>.

<sup>415</sup> Бу ерда таъвилдан мақсад: Баъзи далилларга суюниб (бу далиллар мақсадларига далолат қилиши ёки далолат қилмаслигидан қатъий назар) Аллоҳнинг розилиги учун Исломни олий қилиш ёки мусулмонларга ёрдам бериш мақсадида демократик йўлларга кириш.

<sup>416</sup> قال ابن تيمية رحمه الله: "الْأَقْوَالُ الَّتِي يَكْفُرُ قَائِمَهَا قَدْ يَكُونُ الرَّجُلُ لَمْ تَبْلُغْهُ النُّصُوصُ الْمُوجَةُ لِمَعْرِفَةِ الْحَقِّ وَقَدْ تَكُونُ عَنْهُ وَلَمْ تَتَبَثَّ عَنْهُ أَوْ لَمْ يَتَمَكَّنْ مِنْ فَهْمِهَا وَقَدْ يَكُونُ قَدْ عَرَضَتْ لَهُ شُبُهَاتٌ يَعْذِرُهُ اللَّهُ بِهَا فَمَنْ كَانَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ مُجْتَهَدًا فِي طَلَبِ الْحَقِّ وَأَحْطَأً فَإِنَّ اللَّهَ يَعْفُرُ لَهُ حَطَّاءً كَائِنًا مَا كَانَ سَوَاءً كَانَ فِي الْمَسَائلِ النَّظَرِيَّةِ أَوِ الْعَمَلِيَّةِ هَذَا الَّذِي عَلَيْهِ أَصْنَابُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ". مجموع الفتاوى: ٣٤٦٢٣.

وقال أيضا: "أن المتأول الذي قصده متابعة الرسول لا يكفر بل ولا يفسق إذا اجتهد فأخطأ وهذا مشهور عند الناس في المسائل العملية وأما مسائل العقائد فكثير من الناس كفر المخطئين فيها وهذا القول لا يعرف عن أحد من الصحابة والتابعين لهم بإحسان ولا عن أحد من أئمة المسلمين...". الكتاب: منهاج السنة التبوية: ٢٣٩١٥.

وقال الشيخ عبد الرحمن بن ناصر السعدي: «إن المتأولين من أهل القبلة الذين ضلوا وأخطأوا في فهم ما جاء به الكتاب والسنة مع إيمانهم بالرسول واعتقادهم صدقه في كل ما قال و أن ما قاله كله حق، والتزموا ذلك، لكنهم أخطأوا في بعض المسائل الخبرية أو العملية، فهو لاء قد دل الكتاب والسنة على عدم خروجهم من الدين وعدم الحكم لهم بأحكام الكافرين، وأجمع الصحابة - رضي

Аммо Исломни олий қилиш мақсадида, мусулмонларга ёрдам бериш учун демократик йўллардан фойдаланиш, демократик партияларга аъзо бўлиш шариатда жоиз ёки жоиз эмаслиги уламолар орасида катта баҳс мунозарали масала. Бу мавзу ҳам алоҳида бир китобда сўз юритилишга муносиб.

### 3-фасл:

Аҳли сунна валжамоа эътиқодида бир амални куфр<sup>417</sup> деб айтиш билан, ўша амални қилган муайян шахсни кофир деб айтиш орасида фарқ бор<sup>418</sup>.

Бир амални (ёки сўзни ёки эътиқодни) куфр деб айтиш шариат ҳукмлариданdir. Инсон ақлига ёки нафсу ҳавосига эргашиб ўзи хоҳлаган ишни куфр деб айтишга ҳаққи йўқ. Балки бир ишни куфр эканлиги Қуръон ва ҳадисдан, салаф-солиҳларнинг ижмоларидан билинади<sup>419</sup>.

Қуръон ва ҳадисда бир амал куфр деб айтилган бўлса, бундан ўша амални қилган ҳар бир инсон кофир бўлади деган маъно келиб чиқмайди. Балки муайян шахсни кофир деб ҳукм қилиниши учун ўша одамда тақfir шартлари топилиб, монелар қолмаган бўлиши шарт<sup>420</sup>.

Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шандай дедилар:

"Қуръону ҳадисда ва ижмода куфр экани айтлиган сўзларни умумий тарзда куфр сўз деб айтилаверади. Шариат далиллари шунга далолат қилган. Чунки иймон (ва унинг зидди бўлган куфр) Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг ҳадисидан олинадиган ҳукмларданdir. Одамлар бу ҳукмни ўз нафсу ҳаволаридан ва ўй-фикрларидан олишларига ҳаққилари йўқ.

---

الله عنهم - والتابعون ومن بعدهم أئمة السلف على ذلك». الإرشاد إلى معرفة الأحكام ص ٢٠٧. (في مجموع المؤلفات الشیخ: ١٧٧٨).

<sup>417</sup> Бу ёрда сўз фақат диндан чиқарадиган катта куфр ҳақида кетяпти. Бундан буёғига ҳам "куфр" калимасидан мақсад "катта куфр" бўлади.

<sup>418</sup> Яъни, Исломни даъво қиладиган инсон катта куфр, катта ширк бўлган амални қилса тақfir шартлари топилмай туриб кофир дейилмайди.

<sup>419</sup> فيصل التفرقة بين الإسلام والزنقة (١٢٨). الشفا بتعريف حقوق المصطفى (٢/٢٨٢). درء تعارض العقل والنقل (١). (٢٤٢).

<sup>420</sup> Яъни, Аҳли сунна уламолари катта куфр қилган инсонга кофир деб ҳукм қилиш учун у инсонда топилиши керак бўлган нарсаларни "Тақfir шартлари" деб айтишган ва у инсонга кофир деб ҳукм қилишдан ман қиладиган нарсаларга "Тақfir монелари" деб айтишган.

Ана ўшу (Қуръон ва ҳадисда куфр әкани баён қилинган) сўзларни гапирган муайян шахсда такфир шартлари топилмай туриб ва монелар йўқ бўлмай туриб уни кофир деб ҳукм қилинмайди"<sup>421</sup>.

"Такфирни (яъни: Исломни даъво қилган муайян шахсни кофир деб ҳукм қилишни) шартлари ва монелари бор бўлиб. (Куфр ишларни қилаётган) муайян шахсда ана шу шартлар топилмаслиги мумкин.

Бир амални умумий куфр деб айтиш<sup>422</sup>, ўша амални қилган ҳар бир муайян (мусулмон) шахс кофир бўлади дегани эмас. Фақат шартлар топилиб, монелар қолмагандан кейин (кофир деб ҳукм қилинади)<sup>423</sup>.

Имом Аҳмад ва барча имомлар умумий сўзларни (бу гапни айтган кимса кофир бўлади деб) айтишган ва ўша (куфр) сўзларни айтган муайян шахсларни кофир бўлди деб ҳукм қилишмаган"<sup>424</sup>.

Такфир қоидаси, такфир шартлари ва монелари қаердан олиб айтилган дейилса:

Қуръону ҳадисда баъзи сўз ва амаллар куфр-ширк деб номланиб, ўша ишни қилган кимсалар жаннатга кирмаслиги, жаҳаннамда абадий қолиши хабар берилди. Сўнгра, баъзи далилларда куфр-ширк амалларни қилган айrim муайян шахсларни кофир бўлганлиги хабари берилди. Баъзи далилларда эса айrim муайян шахсларни (такфир шартлари топилмагани учун) кофир бўлмагани ҳақида хабар берилди.

Салаф-солиҳлар ҳам ўз даврларида бўлган адашган тоифаларнинг бир қанча сўз ва эътиқодаларини куфр деб айтишган. Аммо ўша эътиқодда бўлган муайян шахсларнинг баъзиларини (такфир шартлари топилгани учун) кофир дейишган ва баъзиларини (такфир шартлари топилмагани учун) кофир деб айтишмаган.

Бу ўринда эътибор берилиши керак бўлган жиҳат шуки, баъзи оят ва ҳадисларда бир амал куфр деб айтилган, лекин такфир шартлари ва

---

٤٢١ مجموع الفتاوى: ٣٥ / ٦٥ .

<sup>422</sup> Яъни, бир амал куфр ёки ким бир амални қилса кофир бўлади деб айтиш.

<sup>423</sup> Яъни, ким бир амални қилса кофир бўлади деб айтилади. Сўнгра ўша амални фалончилар қилган бўлса буларнинг ҳаммаси кофир бўлди деб ҳукм қилинмайди. Балки ҳар бир инсоннинг ўзининг ҳолатига қаралади. Муайян шахсни кофир деб ҳукм қилиш учун у шахсда такфир шартлари топилиб, монелар қолмаган бўлиши шарт.

<sup>424</sup> مجموع الفتاوى: ١٢ / ٤٨٧-٤٩٨-٤٩٧ . بغية المرتاد في الرد على المتفاسفة والقراطمة والباطنية لشيخ الإسلام ابن تيمية ص ٣٥٣، ٣٥٤ .

монелар ўша оят-ҳадисларда эмас, балки бошқа оят-ҳадисларда баён қилинган<sup>425</sup>.

Ахли сунна валжамоа Қуръон ва ҳадис далилларининг ҳаммасини қабул қилганлари ва ҳамма далилларни ўз ўрнига қўйиб тушунганлари учун бир амални куфр деб айтиш билан ўша амални қилган одамни кофир деб айтишни фарқлаганлар<sup>426</sup>.

Ислом уламолари шу мавзуда келган барча далилларни жамлаб такфир қоидаларини, такфир шартлари ва монеларини баён қилганлар.

Такфир қоидаси, такфир шартлари ва монелари алоҳида мустақил бир китобда сўз юритилишга муносиб<sup>427</sup>. Бу ўринда фақат тўғри тушунча ҳосил бўлиши учун озгина тўхталиб ўтдик.

---

<sup>425</sup> Худди шунингдек салаф-солиҳлар ҳам бир амал ёки сўзни куфр деб айтган бўлсалар, ўша амални қилган кимсада топилиши керак бўлган шартларни бошқа ўринларда баён қилганлар.

<sup>426</sup> Шу ерда муҳим бир масалани айтиб ўтиш керак:

Мусулмон киши Қуръон ва ҳадиснинг барчасига бирдай амал қилишга ҳарис бўлиши керак. Чунки бир оят-ҳадисга амал қилишнинг муҳумлиги иккинчи бир оят-ҳадисга амал қилишнинг муҳумлигидан кам эмас. Балки барча оят-ҳадисларга бирдай амал қилиш керак.

Баъзи инсонларнинг табиатида қаттиқликка мойиллик бўлади ва таҳдид (яъни, бу ишни қилган одам жаҳаннамга киради...) ҳақида келган оят-ҳадисларга эътибор бериб, узрни баён қилган (яъни, ким бу ишни билмай қилган бўлса жазоланмайди каби) оят-ҳадисларга эътиборсиз бўлади. Баъзи инсонлар эса аксинча юмшоқликка мойил бўлиб, юқоридаги ишнинг тескарисини қиладилар.

Ислом тарихида кўп тоифалар мана шундай (Яъни, баъзи оят-ҳадисларга эътибор бериб, бошқаларини эътиборсиз қолдирганлари учун) адашиб кетишган.

Ахли сунна валжамоа эса Қуръон ва ҳадис далилларининг ҳаммасини жамлаб бирдай амал қилишган.

<sup>427</sup> Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш ўринли.

Такфир масаласи бир қанча илмлар (ақида, усул фикҳ, фикҳ...)га тааллуқли жуда мураккаб, қийин мавзулардан.

Ахли сунна валжамоа (салаф солиҳлар – саҳобалар, тобеинлар) га эргашишни даъво қилганлар орасида ҳам шариат илмларини тўлиқ ўзлаштираслик, салаф солиҳлар сўзларини жамлай олмаслик оқибатида кейинги вақтларда нотўғри тушунчалар пайдо бўлди.

Бунинг энг катта сабабларидан бири шариат билан ҳукм қиладиган қозилар бўлмагани эди. Чунки баъзи Исломни даъво қилган кимсалар куфр амалларни қилар ва уларни тавбага чақирадиган қозилар йўқ, ҳатто ҳақни баён қилиб берадиган уламолар ҳам етарли эмас эди.

Мана шундай ҳолатлардан кейин такфир масаласида илмсизлик билан гапириш вужудга келди. Бу ҳолатни ислоҳ қилиш учун уламолар такфир қоидалари (такфир шартлари ва монелари) ҳақида китоблар таълиф қилишиди.

Бундай китоблар -асосан- такфир қоидалари ҳақида тўғри тушунча ҳосил қилиш учун ёзилган эди. Бундай китобларни ўқиб ўрганишнинг ўзи (куфр амалини қилган) муайян шахсни кофир деб ҳукм қилиш учун етарли деб ўйлаш нотўғри. Чунки ундаи китобларда кўпинча умумий қоидалар зикр қилинади. Муайян бир ҳолатга (муайян бир шахсга) ҳукм қилиш учун салаф солиҳларнинг, фуқаҳоларнинг (такфир мавзуга

#### **4-фасл:**

"Муайян шахсни кофир деб ҳукм қилиш учун такфир қоидаларини билиш шарт экан, унда бир амални куфр эканлигини айтишни нима ҳожати бор?" деб эътиroz билдирилса, бунга шундай жавоб қилинади:

Дарҳақиқат, куфр амалини қилган муайян шахсга ҳукм қилиш шариат илмларини билган (хусусан такфир қоидаларига алоқадор илмларни яхши ўқиб-ўрганган) аҳли илмларнинг вазифаси.

Аммо бир куфр амални (хусусан одамлар орасида кенг тарқалган куфр амалларини) куфр эканини баён қилинишининг мұхимлиги, ҳар бир мусулмон ўша амалларга тушиб қолишдан қаттиқ әхтиёт бўлиши учундир. Чунки иймон-куфр мавзуси ўта жиддий мавзу. Иймон-куфр масаласи абадий бахт-садат ва абадий бахтсизликни ҳал қилувчи масаладир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло аҳли илмларга ҳақни беркитмай, баён қилишга буюриб шундай деди:

{وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيقَاتَ الَّذِينَ أُتُوا الْكِتَابَ لَتَبَيِّنَنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكُسُونَهُ} آل عمران: ۱۸۷

**Эсланг (эй Пайғамбар), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» — деб аҳд-паймон олган эди.** Оли Иъмрон сураси 187-оят.

Иbn Касир роҳимаҳуллоҳ дедилар: "Бу оятда уламолар огоҳлантирилди. Агар (бу уммат) уламолари олдинги (аҳли китоб)ларнинг ишини такрорлаб (ҳақни беркитсалар) олдингиларга келган мусибат уларга ҳам килади.

Уламоларнинг вазифаси ўзлари билган манфаатли илмни, солих амалларга далолат қилувчи илмни баён қилишлари керак ва бундай илмларнинг ҳеч бирини беркитмасликлари лозим.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда: **«Ким (шариат илмидан бир) илм ҳақида сўралган вақтда (баён қилмай) беркитса қиёмат куни ўтдан бўлган жилов билан жиловланади»**<sup>428</sup> <sup>429</sup>.

---

тааллуқли бўлган) сўзларини ўқиб-ўрганган, уларнинг фатволарини ўзлаштирган бўлиши керак.

Мисол учун, Кўпчилик никоҳ, талоқ бобидаги китобларни ўқииди. Лекин муаян бир ҳолатдан сўралганда фатво бера олмайди. Чунки ўқиган китобларида зикр қилинмаган бошқа бир ҳолатга дуч келади. Бир ҳолат олдингисидан фарқ қилиши билан ҳукм ҳам бошқача бўлади. Никоҳ-талоқ масаласида муайян ҳолатга ҳукм қилиш шундай қийин бўлса такфир масаласи бунданда қийинроқ.

<sup>428</sup> مسند أَحْمَدٍ: ٧٥٧١. سنن أَبِي دَاوُدٍ: ٣٦٦٠.

<sup>429</sup> تفسير القرآن العظيم لابن كثير.

Аллоҳ таоло ҳақни била туриб беркитган кимсаларни лаънатлагани (Аллоҳнинг раҳматидан қувилгани) ҳақида хабар бериб шундай деди:

{إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْمُهْدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ الَّذِينُ عَنْهُمْ أَلَا تَأْبُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُوا فَأُولَئِكَ أَتُوْبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ} البقرة: ١٥٩ - ١٦٠ .

**Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятни одамларга Китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиласман. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман.** Бақара сураси 159-160 оятлар.

Уламолар Аллоҳнинг ҳидоят йўлини баён қилмай, ҳақ унутилса одамлар орасида катта душманчиликлар содир бўлади<sup>430</sup>.

Аллоҳ таоло шундай деди:

{وَمِنَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ نَصَارَىٰ أَخْذَنَا مِيقَاتَهُمْ فَسَوْا حَظًّا مِمَّا ذَكَرُوا بِهِ فَأَغْرَيْنَا بَيْنَهُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ...} المائدә: ١٤ .

**«Бизлар насронийлармиз», деган кимсалардан ҳам аҳд-паймонларини олдик. Сўнг ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан (кўп) ҳиссасини унутдилар. Бас, уларнинг ўрталарида то қиёмат кунигача буғезу адованти авж олдирдик.** Моида сураси 14-оят.

Уламолар ҳақни батафсил (барча жиҳатларига эътибор бериб) холис баён қилмасалар ҳақ тўла тўқис маълум бўлмай қолади. Бундай ҳолатдан кейин илмисизлар ўзлари билганича гапириб, бир инсон ҳақнинг бир тарафини, бошқа бир инсон иккинчи тарафини гапириб катта ихтилофлар келиб чиқади<sup>431</sup>.

Шунингдек уламолар ҳақни беркитсалар мусулмонларнинг ишончларини йўқотадилар. Бунинг оқибатида омма мусулмонлар (хусусан шижаатли инсонлар) уламоларнинг ҳақ гапларини ҳам қабул қилмайдиган бўлиб катта фитналар содир бўлади.

٤٣٠ مجموع الفتاوى: ٤٢١١٣ - ٤٢٧١١٣ .

<sup>431</sup> Демократия мавзуси ҳам ана шундай. Агар батафсил, барча жиҳатларини баён қилиб гапирилмаса илмисиз одамлар ўзлари билганича гапириб катта ихтилофлар ва фитналарга сабаб бўлади.

Уламолар ҳақни холис Аллоҳ учун баён қиласалар ва барча мусулмонларнинг дүнёю охиратлари обод бўлишини кўзлаб Аллоҳнинг динини етказсалар уммат учун катта яхшиликлар бўлади.

Уламолар ҳақни баён қилиб, мусулмонлар ишончини оқласалар ва омма халқ уламолар насиҳатини қабул қиласалар илмсизлик билан қилинадиган (динга хизмат қилиш учун қилиниб, оқибатда мусулмонларга зарар олиб келидаган) ишлар ҳам бўлмайди. Мусулмонлар орасидаги кўп ихтилоф ва адоватлар кўтарилиб уммат жамланади.

## **7-Бўлим:**

**Юқорида ўтган масалалар ҳақида баъзи муроҳаза ва эътиrozларга жавоб.**

**Биринчи: "Демократия Ислом динига зид эмас. Демократия халқ бошқаруви, ҳуқуқий давлат" деган фикрга жавоб.**

Олдинги бобларда айтиб ўтганимиздек, бир нарсага ҳукм қилишдан олдин ўша нарсани нима эканини билиб олишимиз шарт<sup>432</sup>. Тўртинчи бобда демократларнинг ўзлари демократияни нима деб таърифлашларини айтиб ўтдик.

Демократия маъносида турли тушунчалар бўлгани учун: "Демократия халқ ҳукмронлиги, халқ иродасини ҳар қандай иродадан (ҳатто Аллоҳнинг ҳукмидан ҳам) юқори қўйиш, мутлоқ ҳокимиятни халқга нисбатлаш...", деган ибораларни кўп ишлатдик.

Демократия Ислом динига зид эмас, демократия халқ бошқаруви, ҳуқуқий давлат деб айтадиганлар, бир нарсага -Халқ бошқаруви, ҳуқуқий давлат- дан мақсад нима эканлигига аниқлик киритишлари керак.

Агар: "Халқ бошқаруви" дан мақсад – давлат бошлигини халқ тайинлаши ёки халқ давлат бошлигини (халифани, ҳокимларни), амалдорларни қандай ишлаётганини назорат қилиши ва давлат бошлиғи давлатни бошқаришига нолойик деб билинса бошқарувдан кетказилиши...

"Ҳуқуқий давлат" дан мақсад – қонунлар ҳаммага бирдай жорий қилиниши, қонун олдида ҳамма (давлат бошлиғидан тортиб, оддий ишчигача) бирдай жавобгар бўлиши, деб айтишса дарҳақиқат бу ишлар Ислом динига зид эмас. Балки Ислом дини бу ишларни бир неча асрлар илгари баён қилиб ўтган<sup>433</sup> ва хулафои рошидинлар (ва уларнинг йўлини тутган халифалар) амалий суратда кўрсатиб инсоният учун гўзал намуна қолдириб кетганлар<sup>434</sup>. Шундай экан бу ишларни демократия деб номлаш керак эмас.

---

<sup>432</sup> Тўртинчи бобда бу ҳақда кенг гапирганмиз, демократия ва секуляризм маъноларига ҳам батафсил тўхталиб ўтганмиз.

<sup>433</sup> الأحكام السلطانية لأبي يعلى (ص ٢٣). منهاج السنة (١٤١ / ١) لابن تيمية. أصول الدعوة: المؤلف: عبد الكريم زيدان (ص) ٢٠٧-٢٠٦ . الإمامة العظمى عند أهل السنة والجماعة: عبد الله بن عمر الدميحي: (ص) ٤٦٦-٤٦٢.

<sup>434</sup> Абу Бакр розияллоҳу анҳуга байат берилганидан кейин (У киши халифа бўлиб сайланган вақтда), айтиган гапларига қаранг.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу Аллоҳга ҳамду сано айтиб шундай дедилар: "Эй одамлар, мен сизларга волий (бошлиқ) қилиндим, гарчи энг яхшиларингиз бўлмасам ҳам. Агар тўғри иш қилсам, менга ёрдам беринглар, нотўғри иш қилсам мени

Бу ерда билиш керак бўлган асосий нуқта:

Давлат дастури, давлат қонунчилиги нимага асосланган бўлади?

Давлатда Аллоҳнинг ҳукми ҳукмрон бўлиб, Аллоҳнинг шариати дастур ва қонунларнинг асоси бўладими ёки Аллоҳдан ўзгаларнинг ҳукми ҳукмрон бўладими?

### **Иккинчи: Демократия ҳақида чуқур, батафсил сўз юритиш нима учун керак?**

Бу саволга бир нечта қисмларда жавоб берамиз:

1) Одамлар орасида кенг тарқалган масалалар ҳақида сўз юритиб, Исломнинг ҳукмини баён қилиш Аллоҳнинг динини етказишидир.

Демократиянинг ҳақиқати ва унинг Исломдаги ҳукми кўпчиликка ноаниқ бўлгани учун батафсил сўз юритиш мақсадга мувофиқ.

2) Кўпчилик демократияга баҳо бераётганида демократиянинг ўзига, демократиянинг ҳақиқатига қараб эмас балки диктатурага солиштирган ҳолда баҳо беришади. Шунинг учун демократиянинг ҳақиқати кўпчиликка равшан бўлмай қолади.

Аслида бир нарсага баҳо бераётганда биринчи унинг ўзига алоҳида баҳо бериш керак, сўнgra атрофидаги нарсаларга нисбатан баҳо бериш ўринли.

Демократиянинг ҳақиқатини баён қилиш, демократиянинг Ислом динидаги ҳукмини айтиш демократиянинг ўзига алоҳида баҳо беришадир.

Аммо демократияни диктатурага солиштириб қараладиган бўлса, албатта инсонларнинг, шу жумладан мусулмонларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган тузум (зулм-зўравонликка қурилган) диктатурадан енгилроқдир.

---

тўғрилаб қўйинглар. Ҳақгўйлик омонатdir, ёлғон хиёнатdir. Сизлар кимни заиф-кучсиз деб билган (ва ҳаққини ўтамаган) бўлсангиз у менинг ҳузуримда кучлиdir ва унинг ҳаққини -инша Аллоҳ- олиб бераман. Сизлар кучли деб билган инсон менинг ҳузуримда кучсизdir. У (кимнинг ҳаққини олган бўлса) -инша Аллоҳ- албатта ундан ўзгаларнинг ҳаққини олиб бераман.

Одамлар қачон Аллоҳ йўлидаги жиҳодни ташласалар Аллоҳ таоло уларни хор қиласади. Қай бир қавм орасида фаҳш ишлар тарқалса Аллоҳ уларнинг ҳаммасига бало юборади.

Модомики Аллоҳ ва Росулига итоат қилар эканман, менга итоат қилишда давом этинглар. Агар Аллоҳ ва Росулига осий бўлсам менга ҳеч ким итоат қилмасин. Намозга туринглар! Аллоҳ барчаларингизга раҳм қилсин!".

الكتاب: سیرة ابن هشام: ٦٦١٢ . تاریخ الطبری: ٢٣٨١٢ .

Бутун инсоният учун ибрат бўладиган бундай сўзлар хулафои рошидинлар ва уларнинг йўлини тутган ҳокимлардан жуда кўп ривоят қилинган.

3) Ҳозирги вақтда демократия ҳақида кўпчилик гапиради. Лекин уларнинг аксари илмий асослар билан мавзуни тўлиқ ёритиб бермайдилар. Мана шунинг учун ҳам демократия ҳақида батафсил сўз юритиб барча жиҳатларини тўлиқ баён қилиб бериш мақсадга мувофиқ.

4) Демократия ҳақида Ислом дини нима деб ҳукм қилганини мусулмонлар билиб, тўғри иймон-этиқодда бўлишлари учун ҳам батафсил сўз юритиш ўринли. Хусусан демократик давлатларда<sup>435</sup> яшайдиган мусулмонлар ўzlари ва авлодларининг иймон-эътиқодини сақлаб қолишлари учун демократиянинг ҳақиқати ва ҳукмини билишлари лозим.

Худди шунингдек демократия берадиган имкониятлардан фойдаланиб мусулмонларга хизмат қилишни мақсад қилган инсонлар демократиянинг ҳақиқатини ва унинг Исломдаги ҳукмини билишлари шарт. Улар демократик йўлларга Исломга зид бўлмагани учун эмас, балки мусулмонларга ёрдам бериш учунгина кираётганликларини<sup>436</sup> чуқур англаган бўлишлари лозим. Мана шунинг учун ҳам демократия ҳақида батафсил, ҳар тарафлама сўз юритиш айни муддао.

Шунингдек, демократияни даъво қилганлар орасида, зулм-зўравонликка қарши чиқадиган жасоратли, ўз миллати равнақи учун жонкуяр инсонлар мавжуд. Уларнинг орасида мазлум мусулмонларнинг ҳимоясига чиққан инсонлар ҳам бор. Ана ўшалар одамларга дунёда яхшиликни раво кўрганларидек биз ҳам уларга дунё ва охират саодатини раво кўришимиз даркор. Уларга ва бошқа инсонларга ҳам жаннат йўлини баён қилиш ва абадий жаҳаннам йўлидан огоҳлантиришга ҳар бир мусулмон ҳарис бўлмоғи керак.

### **Учинчи: Демократия ҳақида сўз юритиш ўринига диктатура ҳақида гапириш ўринли эмасми...?**

---

<sup>435</sup> Яъни, Демократик принципларга қаттиқ амал қиласидиган давлатларда яшайдиган...

<sup>436</sup> Бу иш (Яъни, Исломга ва мусулмонларга ёрдам бериш учун демократиядан фойдаланиш) Исломда жоизми ёки жоиз эмасми? Бу мавзу (юқорида айтганимиздек) алоҳида сўз юритиладиган, илмий, баҳс мунозарали масала.

Бу ерда гапирилаётган масала – Қай бир мусулмон Исломга ва мусулмонларга хизмат қилиш учун (ўзи тўғри деб билган) бирор олимни фатвосига эргашиб демократик йўлларга кирмоқчи бўлса, албатта демократияни Исломга зид эканини чуқур англаган бўлиши шарт. У инсон Исломга хизмат қиласман деб ўзининг охиратини барбод қилиб қўймаслиги керак.

Демократия ҳақида кенгроқ сўз юритилишининг сабаби диктатура демократиядан енгил бўлганлиги учун эмас, балки диктатурани қандай ёмон тузум экани ҳаммага маълум бўлгани учундир.

Шунинг учун диктатура ҳақида умумий гапиришдан кўра муайян диктаторларнинг зулм-зўравонлиги ҳақида гапириш манфаатлироқ<sup>437</sup>.

Чунки барча диктаторлар ўзларини адолат тарафдори, инсон ҳуқуқларини ҳимоячиси қилиб кўрсатадилар. Ўзларининг асл башараларини демократия ниқоби билан тўсишга ҳаракат қиласидилар.

Диктатурани ваҳшийлик ва зулм-зўравонлик эканини ҳамма тушуниб турган вақтда<sup>438</sup> диктатура ҳақида умумий гапириш бефойда. Балки муайян диктаторларни фош қилиш, уларни зулм-зўравонликларини, ўз халқлари учун олиб бораётган ваҳшиёна сиёsatларини оммага етказиш ва уларнинг зулм сиёsatларига шерик бўлишдан одамларни огоҳлантириш айни муддао.

**Тўртинчи: "Демократияга қарши гапирадиган диндорлар диктатура тарафдори ёки диктатурадан сукут қиласи" деган эътиrozга жавоб:**

Биринчидан: одамларни -дунёвийлар ва диндорлар- деб икки қисмга бўлиш исломга зид бўлган, ботил насоро динидан қолган тушунчадир. Чунки Исломда "Диний мусулмон ва дунёвий мусулмон" деган тушунча йўқ. Балки Исломда барча фарзларни бажариб, ҳаромлардан тийилувчи солиҳ мусулмонлар ва баъзи фарзларни бажариб, баъзисини бажармайдиган ва ҳаромлардан тийilmай Аллоҳга осий бўлган фосиқ мусулмонлар бор. Аммо мусулмончиликни даъво қилиб исломга умуман амал қилмайдиган, куфр-ширқ амалларидан тийilmайдиган кимсаларнинг Ислом динига алоқаси йўқ.

Аллоҳнинг динини ўқиб-ўрганган уламолар эса фақат Аллоҳнинг динини етказувчи инсонлардир.

Зулмни инкор қилиш ҳар бир мусулмоннинг вазифаси<sup>439</sup>. Гарчи уламолар бу вазифани бажаришга энг биринчи масъул шахслар бўлса ҳам.

---

<sup>437</sup> Яъни, бу китобимизда муайян бир демократик давлат ҳақида эмас, балки демократия ҳақида умумий баҳс юритдик. Диктатура ҳақида ҳам шундай умумий гапиришдан кўра муайян диктаторлар ҳақида гапириш ўринли.

<sup>438</sup> Диктаторларнинг зулм-зўравонлигини кўра била туриб қўлладиган кимсалар эса инсонийлигини ҳам йўқотган манқуртлардир.

<sup>439</sup> Яъни, ҳар бир мусулмон илми ва қудратига яраша зулмни инкор қилиши керак.

Уламолар бу вазифани бажаришда сүсткашлик қилаётган бўлса, бу вазифа барча мусулмонларга юкланади<sup>440</sup>.

Юқоридаги эътиrozни Исломни даъво қиладиган одам айтаётган бўлса, "диндорлар" демасдан "Биз мусулмонлар" деб айтиши керак.

Исломни даъво қилмайдиган одамлар айтаётган бўлса "диндорлар" демасдан "Сиз мусулмонлар" деб айтиши ўринли.

Иккинчидан: Баъзи олимларни (юқоридаги таъбирга кўра баъзи диндорларни) диктатурага нисбатан қандай муомала қилаётгандарини гапиришдан олдин зулм ва золимлар ҳақида келган бир икки оят-ҳадисларни айтиб ўтиш ўринли.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

{وَلَا تَرْكُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُمْ مِنْ أُولَيَاءَ ثُمَّ لَا تُنْصَرُونَ} هود: ١١٣ .

**Золм кимсаларга мойил бўлмангиз. Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас.** Ҳуд сураси 113-оят.

Каъб ибн Уъжра ривоят қилган ҳадисда: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«أَمْرَاءُ يَكْحُونُونَ بَعْدِي، لَا يَقْتَدُونَ هَذِهِي، وَلَا يَسْتَثْنُونَ بِسُنْتِي، فَمَنْ صَدَقَهُمْ بِكَذِبِهِمْ، وَأَعْنَاهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَأُولَئِكَ لَيْسُوا مِنِّي، وَلَسْتُ مِنْهُمْ، وَلَا يَرِدُوا عَلَيَّ حُوْضِي».

«Мендан кейин мени йўлимдан юрмайдиган, суннатимга амал қилмайдиган умаролар бўлади. Ким уларнинг ёлғонини тасдиқласа ва зулм ишларида ёрдам берса мен у кимсадан эмасман (яъни, мен у кимсадан ва у қилаётган ишдан безорман) ва у ҳам мендан эмас. Бундай кимсалар (Қиёмат куни) менинг ҳовузимга келмайдилар (ва ҳовузимдан сув ичмайдилар).»

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча ҳадисларда Қуръон ва ҳадис билан ҳукм юргазадиган мусулмон ҳукмдорларга итоат қилишга буюрар эдилар. Шу билан бирга мусулмон ҳукмдорлар Аллоҳ ва Росулига осий бўлинадиган ишларга буюрсалар итоат қилишдан қайтардилар<sup>441</sup>.

<sup>440</sup> Яъни, Агар мусулмонлар орасида ҳақни баён қилаётган аҳли илмлар бўлмаса, барча мусулмонларга шариат илмини ўқиб-ўрганишлари ва Аллоҳнинг динини етказиш керак бўлади. Ҳар бир мусулмон имкониятига яраша ҳаракат қилиши (қобилиятли ёшлар илм ўқиши, катталар ёшларни тарғиб қилиши, қўллаб қувватлаши) вожиб бўлади.

<sup>441</sup> صحيح البخاري: (٤٤٢١)، صحيح مسلم: (٤٨٦٩)، (٤٨٧١)، (٧٢٥٧).

Ториқ ибн Шиҳаб розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, бир киши Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: "Жиҳоднинг энг афзали қандай бўлади?" деб сўрад. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**(Жиҳоднинг энг афзали) Золим ҳукмдорнинг ҳузирида ҳақни айтиш**» деб жавоб бердилар<sup>442</sup>.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Одамлар золимни (зулм қилаётганини) кўрганларида уни (зулм қилишидан) тиймасалар Аллоҳ уларнинг барчаларга тезда азоб юборур**»<sup>443</sup>.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши бошқа бир кишини мақтади. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Биродарингни бўйини синдиринку...**», деб бир неча бор айтдилар<sup>444</sup>.

Оддий бир инсонни мақташ үнинг бўйини синдириш каби бўлса, ҳукмдорни мақташ бутун умматни синдиришга ўхшайди. Чунки ҳукмдорлар ўзи ҳақида яхши гапларни эшитаверса, танқид қилувчиларнинг танқидини кўтара олмайдилар. Тўғри танқид қилаётганлардан ҳам ёмон гумон қилиб: "Улар фитна қиласпти, ҳукуматга қарши чиқмоқчи, давлатга ғарази бор инсонлар". деб холис танқид қилаётганларни ҳам йўқотишга уринадилар<sup>445</sup>.

---

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда (7144): «Мусулмон киши ўзи ёқтирган ва ёқтиромайдиган ишларда маъсиятга буюрилмаётган бўлса (мусумонлар амирига) қулоқ солиб итоат қилиши керак. Агар маъсиятга буюрилса қулоқ солмайди ва итоат ҳам қилмайди».

Ҳадис шунга далолат қиласдики, умаролар зулм ишларга буюрсалар ҳаргиз итоат қилинмайди. Чунки, ўзгаларга зулм қилиш Аллоҳга осий бўладиган катта гуноҳлардан.

<sup>442</sup> مسند أحمد: (١٨٨٢٨)؛ وسنن النسائي: (٤٢٠٩)؛ سنن ابن ماجه: (٤٠١٢).

Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Шаҳидларнинг саййиди Ҳамза. Шунингдек золим имом-ҳукмдорни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаргани учун қатл қилинган инсон ҳам шаҳидаларнинг саййиди бўлади**».

مستدرک الحاکم: (ر) ٤٨٨٤، و قال صحيح الإسناد ولم يخر جاه. سلسلة الأحاديث الصحيحة: (ر) ٣٧٤.

<sup>443</sup> مسند إمام أحمد: (ر) ١٦. سنن أبي داود: ٤٣٤٠. والترمذى: ٢١٦٧ و قال وهذا حديث صحيح.

<sup>444</sup> صحيح البخاري: (٢٦٦٢). صحيح مسلم: (٧٦٩٣).

<sup>445</sup> Холис насиҳатчилардан айрилган ҳукмдорлар атрофида доимо ҳукмдорнинг ҳар қандай хато ишларидан (ҳатто давлатни инқирозга олиб

Фузайл ибн Иёз роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинган асарда: "Олим одам кўпинча сultonнинг ҳузырига кириб, динидан айрилган ҳолатда чиқади. Одамлар: "Бу қандай бўлади?" деб сўрашди.

Фузайл ибн Иёз дедилар: "Сultonнинг юзига мақтайди ва ёлғонини тасдиқлаб (нотўғри ишларини тўғри деб) чиқади"<sup>446</sup>.

Ислом дини золимларга нисбатан қандай муомала қилишга буюргани кўпчиликка маълум бўлса ҳам, баъзи ривоятларни айтиб ўтдик. Агар баъзи олим деб билинган кишилар (юқоридаги таъбирга кўра диндорлар) золимлар сафида бўлса, бу Ислом динини қандай эканини эмас, балки ўша олимларни Исломга қандай амал қилаётгандарини кўрсатади.

Учинчидан: Олим (юқоридаги таъбирга кўра диндор) деб танилганлар орасида зулм-зўравонликларга сукут қиласидиган, диктатура режимини қўллаб қувватлайдиган кимсалар бордир. Лекин бунинг аксида ҳақни очик баён қилиб, зулмни инкор қилган уламолар сон-саноқсиз.

Мусулмонлар яшайдиган қай бир давлатда диктатура режими ўрнатилган бўлса, бу диктатурадан энг кўп жабр кўрганлар солиҳ мусулмонлар бўлган, (юқоридаги таъбирга кўра диндорлар бўлган).

Диктатурага қарши туриб зинданбанд қилинган Ислом уламолари саноқсиз. Бунга воқелик ҳам, тарих ҳам гувоҳ. Ҳатто Ислом тарихида Аллоҳнинг шариатидан чиқиб, зулм-зўравонлик тарафига ўтган сultonларга, амр-умароларга қарши гапирган ва шу сабаб тазийқа учраган олимлар сон-саноқсиз.

**Бешинчи: Ҳозирги вақтда демократияни ёмонлаб гапириш ўринли эмас. Чунки ҳозирги замонда Исломий давлат<sup>447</sup> қуриш**

---

борадиган ишлардан ҳам) кўз юмадиган, фақат шахсий манфаатларини кўзлайдиган кимсалар жамланада. Бундай ҳолат ҳар қандай давлатни инқирозга олиб боради.

٤٤٦ التمهيد لابن عبد البر: ٢٨٦١٢١

<sup>447</sup> Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш ўринли – Исломий давлатга қарши бўлган айрим кимсалар (ҳатто Исломий давлат тарафдори бўлган айрим илмсиз мусулмонлар ҳам) Исломий давлат деганда фақат ҳадларни (жиноий қонунларни) жорий қилиш деб ўйладилар. Бу ўта хато тушунча. Чунки Исломий давлат дегани фақат ҳадларни (жиноий қонунларни) жорий қилувчи давлат дегани эмас. Балки Аллоҳнинг барча ҳукмларини жорий қилувчи давлатдир. Аллоҳнинг ҳукмлари фақат ҳадлардан иборат эмас. Ҳатто баъзи ҳолатларда ҳадларни жорий қилишни кечиктириш шариатдандир.

## **имконсиз. Барчанинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган демократик давлат мусулмонлар учун ҳам муносиб.**

Бу эътиrozга жавоб:

Юқорида демократия ҳақида батафсил сўз юритиш сабабини гапирдик.

"Хозирги замонда Исломий давлат қуриш имконсиз", деган жумлага тўхталашибган бўлсак:

Агар бу жумладан: "Ислом шариатининг қонун-қоидалари ҳозирги замонга муносиб эмас. Ҳозир одамларнинг ўzlари шу замонга муносиб қонун-қоидалар ишлаб чиқиб ўша қонунлар билан яшашлари керак", деган нарса мақсад қилинса бу фикр диндан чиқардаган куфрdir<sup>448</sup>.

Агар юқоридаги жумладан<sup>449</sup>:

"Хозирги замонда мусулмонлар Аллоҳнинг ҳукмлари жорий бўлган Исломий давлат барпо қилишга қодир эмаслар. Чунки оламий тизим<sup>450</sup> мусулмонларни Исломий давлат қуришларига йўл қўймайди.

Мусулмонлар "Исломий давлат" қурамиз деб бош кўтариб чиқишилари билан бутун дунё қаршилигига учрайдилар. Қудратли давлатлар "Исломий давлат" қурамиз деб чиқган ҳаракатлар орасида турли фитналар қўзғаб ўzlарини ўzlари билан қуритиб йўқ қилади...", деган фикрлар мақсад

---

Исломий давлат деганда Аллоҳнинг динини ҳаммасини қоим қилиш ва одамлари дунёю охиратлари обод бўлишини таъминлашдир.

Яна бир масала – Уламолар "Исломий давлат" деб гоҳида Аллоҳнинг ҳукмлари жорий қилинган давлатни мақсад қиладилар.

Баъзан давлатда яшайдиган туб аҳолини мақсад қилиб "Исломий давлат" деб айтилади, гарчи Аллоҳнинг қонунлари жорий қилинмаган давлат бўлса ҳам.

Давлатга (Исломий давлат деб) ҳукм қилиш, ўша давлатнинг дастурига нисбатан айтиладими ёки давлатда яшайдиган халқга нисбатан айтиладими ёки давлатдаги Исломий ҳолатга қараб айтиладими?

Бу масала фуқаҳолар орасида ихтилофли масала бўлиб, бу ихтилоф кўпроқ лафзий ихтилоф.

Яъни, амалда, муомалада фарқи йўқ, ҳар кимнинг ўз ҳолатига қараб -мусулмонга мусулмонларга қилинадиган муомала, кофирларга қилинадига- муомала қилинади.

<sup>448</sup> Чунки Аллоҳ таоло Ўз динини мукаммал қилиб нозил қилди. Ислом динида қиёматгача бўладиган барча муаммоларнинг ечими мавжуд.

Аллоҳ таоло барча нарсани, ғайбларни билувчи зот. Шу жумладан XXI -асрда (ва XXI-асрдан кейин ҳам) нима бўлишини аввалдан билган ва шунга яраша Исломни мукаммал қилиб нозил қилган.

Ким Ислом шариати, Ислом қонунлари ҳозирги замонга муносиб эмас деса Аллоҳнинг дини мукаммал эканини, Аллоҳ таоло барча нарсаларни билувчи зот эканини инкор қилган бўлади. Бу эса диндан чиқарадиган катта куфрнинг айни ўзири.

<sup>449</sup> Яъни, "Хозирги замонда Исломий давлат қуриш имконсиз", деган жумла.

<sup>450</sup> Яъни, Катта қудратли давлатлар кичик давлатларни ўз назоратларидан чиқармаслик учун ёки бир ерда Исломий давлат барпо бўлиб унга атрофдаги бошқа исломий ўлкалар қўшилиб катта кучга айланмаслиги учун...

қилинган бўлса бу фикр баҳс мунозара қилинадиган, эътиборга лойиқ фикр бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, демократияни Ислом динига зид эканини баён қилиш Исломий давлат қурамиз дегани эмас<sup>451</sup>. Балки ҳақиқатни одамларга етказиш, ҳақ нима, ботил нима эканини баён қилишдир.

Ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг калимаси олий бўлган, Аллоҳнинг дини ҳоким қилинган, Аллоҳнинг шариати жорий бўлган давлатда яшашни орзу қиласди. Лекин бу дегани мусулмонлар ҳозироқ Исломий давлат қуриш талаби билан чиқишилари керак дегани эмас. Чунки Исломий давлат қуриб, Аллоҳнинг қонунларини жорий қилиш (барча фарз-вожиблар каби) мусулмонларнинг куч-қудратлари, имкониятларига қараб фарз-вожиб бўлади.

Мусулмонларнинг ҳозирги замондаги заифлиги<sup>452</sup> Исломий хилофат қулаган вақтдаги заифлигидан ҳам қаттиқроқ. Ислом душманларининг қуввати эса ўша вақтдагидан ҳам кучлироқ.

Кўп Исломий ўлкалардаги мусулмонларнинг илмий саводи, шариатни тушунишлари жуда заиф. Бу ҳолатни ислоҳ қилиш учун узоқ вақтли таълим-тарбияга эҳтиёж бўлса керак.

Ҳозирги замонда мусулмонлар етакчиси бўлган баъзи аҳли илмлар ҳам Исломий давлат қуриш у ёқда турсин, ҳақни очиқ баён қилишдан ҳам ожизлар. Ҳатто баъзилар тушкунликка тушиб қолганлари (яна бошқа нарсалар) сабаб Ислом ҳукмлари ҳақида гапиришга журъат қила олмайдилар<sup>453</sup>.

"Барчанинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиласиган демократик давлат мусулмонлар учун ҳам муносиб"<sup>454</sup>, деган жумлагага келсак:

---

<sup>451</sup> Шунингдек, демократиянинг ҳақиқатини баён қилиш (Исломга ва мусулмонларга қаршилик қилмаётган) демократик давлатлар билан зиддиятга бориш керак дегани эмас. Балки мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиласиган давлатлар билан муомалаларига яраша муомала қиласиган керак. (Бу ҳақида юқорида айтилди, қуйида яна тўхталади. Инша Аллоҳ).

<sup>452</sup> Фақат моддий тарафдан эмас, балки иймоний (маънавий) тарафдан ҳам...

<sup>453</sup> Бунинг қаршисида баъзи тоифалар (имкониятлари чекланган, кичик ҳаракатлар...) "Исломий давлат қурамиз, хилофат барпо қиласиган" деб кескин баёнотлар билан чиқадилар. Ҳатто баъзи ҳолларда, илмсизлик билан, мағсада-маслаҳани риоя қилмай турли ҳаракатлар содир қиласидилар. Бу ҳолатларнинг (илмилар сукутининг ва илмсизлар ҳаракатларининг) ҳамма зарари фақат авом мусулмонларга бўлади.

<sup>454</sup> "Демократик давлат ҳозирги ҳолатта мусулмонлар учун ҳам энг муносиб", деб айтадиган баъзи инсонларнинг мақсадларини тўғри тушиниб олишимиз керак.

Дарҳақиқат мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган, мусулмонлар тоат-ибодатларини хотиржам бажара оладиган, Исломни ўқиб-ўрганиб ва ўзгаларни Ислом динига даъват қила оладиган давлатда яшашлари диктатура режими остида яшаганларидан енгилроқ.

Мана шунинг учун ҳам мусулмонларга кенгчилик бўлган, динга амал қилишга, таълим-тарбияга имконият бўлган давлатларда ҳукумат билан қарама қаршиликка бормаслик ўринли<sup>455</sup>. Лекин бу дегани ҳақни баён қилмаслик керак дегани эмас. Балки Ислом олиб келган ҳақ ўз ўрнига қараб ҳикмат билан (мафсада-маслаҳалар<sup>456</sup> риоя қилинган ҳолда) баён қилиниши керак<sup>457</sup>.

### Олтинчи:

---

Уларнинг мақсади – Агар давлатда сўз эркинлиги бўлса, ҳуқуқлар ҳимоя қилинса, ҳукумат дин ишларига аралашмаса мусулмонларга кенгчилик бўлади. Мусулмонлар ўз муфтийларини, имомларини ўзлари тайинлайдилар ва ҳар бир қавмга ўзларига муносиб имомлар келади. Имомлар Аллоҳнинг динини ҳукуматнинг аралашувисиз (ҳукматдан бир нарса умид қилмай ва қўрқмай) етказадилар.

Ҳукумат ҳеч бир тарафга (тоифага) босим қилмаса, ҳеч бир тарафни (тоифани) қувватламаса, ҳамма қонун олдида бирдай жавобгар бўлади. Мусулмонлар ораларидаги келишмовчиликларни илмий йўл билан ҳал қилишдан бошқа чоралари қолмайди. Ахли илмлар таълим-тарбия билан жиддий шуғулланишига имконият ва катта эҳтиёж бўлади.

Шунингдек, мусулмонлар ҳам барча ҳалқ билан бирга ўз талаб-ҳоҳишларини депутатлардан талаб қиладилар.... мана шу каби маъноларни мақсад қиладилар.

<sup>455</sup> Мана шу ўринда мухим бир масалани айтиб ўтиш керак:

Исломга ва мусулмонларга очиқ душман бўлган ҳукуматларга душманчиликларига муносиб муомала қилинса, Исломга қаршилик қилмайдиган, мусулмонларга хайриҳо бўлган ҳукуматларга (агарда улар Исломни даъво қилмайдиган кофир миллатига мансуб кишилар бўлса ҳам) яхшиликларига муносиб муомала қилинади. Хусусан мусулмонлар заиф, чорасиз ҳолатда бўлсалар (Мумтаҳана сураси 8-9 оятлари ва Оли Имрон сураси 28-ояти шунга далолат қилади).

Бунга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларида ҳам кўплаб мисоллар бор. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (Росулуллоҳни ҳимоя қилган) амакилари Абу Толибга бўлган муомалалари (Исломнинг ашаддий душмани бўлган) амакилари Абу Лаҳабга бўлган муомалаларидан бутунлай фарқ қилар эди.

<sup>456</sup> Яъни, Барча мусулмонларнинг диний ва дунёвий манфаатларини, охиратларини ўйлаган ҳолда...

<sup>457</sup> Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш керак:

Кўпчилик инсонлар -даъват майдонида бўлганлар ҳам, даъват қилмаётганлар ҳам-ҳикмат билан иш қилаётганларини даъво қиладилар. Бундай даъволарнинг тўғри ёки хато экани шариат ўлчови билан билинади.

Ҳикмат – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватларига мувофиқ даъват қилишдир. Мафсада-маслаҳани (яъни, Исломга ва мусулмонларга фойдаси ва зарари бўладиган ишларни) риоя қилиш ҳам Ислом динига мувофиқ -Дин, жон, ақл, насл, шаън (обрў, ҳурмат) ва молни ҳимоя қилишни риоя қилган ҳолда- бўлиши керак.

Демократияга қарши гапирилса, бундан диктаторлар фойдаланиб қолади.

Бу эътиroz ўринли бўлиши мумкин, агар диктатура режими остида яшаётган инсон диктаторлар зулми ҳақида гапирмай, факат демократияни ёмонласа. Ammo масалага илмий ёндашилса, демократия ҳақида ҳам, диктатура ҳақида ҳам бирма бир гапирилса ва бу иккисини қай бири ёмонроқ экани баён қилинса бу эътиrozга ўрин қолмайди.

Шундай бўлса ҳам мусулмон киши (хусусан даъват майдонида бўлганлар) закий бўлишлари лозим, дин душманлари (хусусан Исломга очик қарши бўлган ва мусулмонларга қаттиқ тазиик қиладиган диктаторлар) манфаати учун бир гап айтиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак<sup>458</sup>.

### Еттинчи:

Ислом дини мукаммал бўлса нима учун Исломий давлатлар инқирозга учради?

Бу саволга жавоб беришдан олдин биринчи бобда ўтган бир масалани эслаб ўтишимиз ўринли:

Аллоҳ таоло инсониятни имтиҳон қилиш учун яратди ва бу имтиҳон учун Ўз динини нозил қилди.

Дин факат дунёни обод қилиш учун эмас, балки дунё ва охират обод бўлиши учун нозил қилинди.

Инсоният имтиҳон учун яратилган экан, бу имтиҳон дунёда Исломга амал қилинишига яраша дунё ва охирати обод бўлади<sup>459</sup>.

---

<sup>458</sup> Бунинг учун аввало шариатни ва воқеликни чуқур билишлари ва ҳар қандай ҳолатда (шахсий манфаатларни кўзламай) Аллоҳ учун холис туришга ҳаракат қилишлари керак.

<sup>459</sup> Инсон Аллоҳнинг динидан юз ўғирган бўлса ҳам, моддий сабабларни қилиб дунёда моддий жиҳатдан (гарчи руҳий, нафсий жиҳатдан қийналса ҳам) яхши яшаши мумкин, лекин охирати барбод бўлади.

Бундай инсонлар дунёда катта ютуқларга эришган бўлсалар ҳам ўз манфаатларини билмаган, бахтсиз инсонлардир. Чунки бир асрга етиб-етмайдиган ҳаётни обод қиласман деб, абадий, минглаб асрларни, тугамайдиган ҳаётни барбод қилиш бахтсизликни айни ўзидир.

Улар ўзлари билан холи қолиб бир ўйлаб кўрсалар эди! Бир асрдан кейин бугунги кунда бўлганлардан ном нишон қолмаслигини тасаввур қилишнинг ўзи дунёни деб охиратни бой бериш қандай ақлсизлик эканига кифоя.

Агарда, дунёда номлари вақтинча қолаётган бўлса, охиратда – қабрда манфаати бўлмаган бундай номнинг қолишини нима фойдаси бор?!

Агар Ислом дини мусулмонлар амал қиласалар ҳам ҳаётни тартиб-интизомда ушлаб турадиган бўлиб нозил қилинганида имтихоннинг маъноси қолмасди<sup>460</sup>.

Мусулмонларнинг диндан узоқлашишлари оқибатида дунёда ҳам ортга кетишлари аслида Аллоҳнинг етук ҳикмати ва мусулмонларга бўлган раҳматидир<sup>461</sup>.

Шунингдек, Аллоҳ нозил қилган дин ўз ўзидан ишлайдиган бир механизм эмас. Балки мусулмонлар ҳаётга татбиқ қиласадиган беками қўст дастур. Бу дастур ҳаётга қанчалик мукаммал татбиқ қилинса ҳаёт шунчалик фаровон бўлади. Агар дин ўз ўзидан ишлайдиган механизм бўлганида инсонларни имтиҳон қилинишларининг маъноси бўлмас эди.

Мусулмонлар динга амал қилишда, ҳаётга татбиқ қилишда қанчалик фаол бўлсалар дунё ҳам (охиратдаги саодатдан олдин) шунча фаровон бўлади. Бунга Хулафои Рошидинлар ва уларнинг йўлини тутган халифаларнинг даври ёрқин мисол.

Исломий давлатлар қулаганини ўрганиб чиқилса, энг асосий сабаб мусулмонларнинг Исломдан (Исломни тўғри тушунишдан ва Исломга тўлиқ амал қилишдан) узоқлашганлари бўлган. Душман эса бу ҳолатдан унумли фойдаланган.

Мусулмонлар қачон Исломга тўлиқ амал қилишни бошлаган бўлсалар бунинг самараси ўша заҳоти воқеликда кўринган.

Мана шунинг учун, мусулмонларга, балки барча инсониятга<sup>462</sup> яхшиликни раво кўрар эканмиз одамларни Аллоҳнинг динига қайтаришга, одамларнинг дин ва дунёларини ислоҳ қилишга жидду жаҳд билан ҳаракат қилишимиз лозим<sup>463</sup>.

---

<sup>460</sup> Яъни, дин одамлар имтиҳон қилиниши учун нозил қилинганини маъноси қолмасди.

<sup>461</sup> Чунки диндан узоқлашиш оқибатида дунёда бир мусибат келиши мусулмонлар ўзларини ислоҳ қилишларига сабаб бўлади. Бу ҳақида олдинги бобларда сўз юритдик.

<sup>462</sup> Шу ўринда бир нарсага тўхталиб ўтиш керак:  
Мусулмонлар ортга кетиб, дунё сиёсатига ҳеч қандай таъсир ўтказолмайдиган бўлиб қолганларидан кейин, нафақат мусулмонлар, балки бутун инсоният катта зиён кўрди. Чунки, Аллоҳнинг динини (давлат миқёсида) холис етказадиганлар бўлмагани сабаб қанча инсонлар ҳидоятдан маҳрум қолди. Қанчадан қанча мазлумлар, қочқинлар, очарчилик ва сувсизликда қолганлар инсониятдан ёрдам кутиб умиди пучга чиқди. Бунинг қаршисида дунё бойликлари бир тўп одамлар қўлида жамланди.

<sup>463</sup> Яъни, одамларга ҳақни етказишга, Аллоҳнинг динини таълим беришга, ибодатларни бажаришларида қўлдан келганча кўмаклашиш, шунингдек эҳтиёжманд оилаларга қўлдан келган моддий ёрдам бериш.

Аллоҳнинг калимасини олий қилишга, Аллоҳнинг динини ҳукмрон қилишга бўлган уринишлар одамларни дин ва дунёларини ислоҳ қилишга, одамларни Аллоҳнинг динига қайтаришга эътибор бермас экан самарасиз тугайди.

Жамиятни ислоҳ қилиш одамларни Аллоҳнинг динига қайтириш билан бўлади. Одамлар ислоҳ<sup>464</sup> бўлишига яраша ҳукуматлар ҳам ислоҳ бўлади. Бунинг қаршисида одамларни бузулишига, зулмига яраша золим ҳукмдорлар келади.

Ибн Қоййим роҳимаҳуллоҳ дедилар:

"Аллоҳ таоло подшо-ҳукмдорларни, амир-умароларни одамларнинг амалига яраша қилиб қўйишидаги ҳикматини фикрлаб қўринг. Одамларнинг қандай амал қилаётгандари ҳукмдорларнинг юз-кўринишида гавдалангандек.

Агар одамлар тўғри бўлсалар ҳукмдорлар ҳам тўғри бўлади, одамлар адолат қилсалар ҳукмдорлар ҳам уларга адолат қиласди. Агар зулм қилсалар ҳукмдорлар ҳам уларга зулм қиласди. Агар одамлар орасида макр-ҳийла кўпайса ҳукмдорлар ҳам уларга макр ҳийла қиласди.

Худди шунингдек одамлар Аллоҳнинг ҳаққини ўтамасалар ҳукмдорлар ҳам одамлар (халқ)нинг ҳаққини ўтамайдилар.

---

<sup>464</sup> Баъзилар "Ислоҳ" маъносини жуда тор тушуниб, инсон қалбида ёки ёлғиз ўзи қолганида Аллоҳга қиласидиган ибодат деб ўйлашади.

Ваҳоланки, ислоҳ қилишининг маъноси: Инсон ўзи билан Аллоҳнинг орасини ислоҳ қилишининг ўзи дегани эмас (Яъни, Инсон ўзига маълум бўлган ишлардагина ўзини ислоҳ қилиши эмас), гарчи бу ислоҳ жуда муҳим ва бошқа ислоҳ йўлларининг асоси бўлса ҳам. Балки "Ислоҳ" дан мақсад: Инсон аввало ўзи билан Аллоҳнинг орасини ислоҳ қилиши ва одамларни дин ва дунёларини қўлидан келгунича ислоҳ қилиши, Аллоҳнинг йўлига даъват қилиши, шариат илмини ўқиб-ўргатиши, инсон ўз эътиқодида собит бўлиши, ҳақни (илми ва қувватига яраша) баён қила олиши, золимларнинг зулмини (инсон ўзининг илми ва қувватига яраша) инкор қилиши ва мазлумларга, бечорларга мискинларга ёрдам бериши ва ҳакозо...

Абу Бакр розияллоҳу анҳу шундай деганлар: "Эй одамлар, сизлар бу:

{بِأَيْمَانِهَا الَّذِينَ آمَلُوا عَلَيْكُمْ أَنفَسَكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَنْ ضَلَّ إِذَا هُنَّ دَيْنُمْ} المائدة: ١٠٥

Эй мўминлар, сизлар (Аллоҳни буйруқларини бажариб, қайтариқларидан тийилиб) ўзингизни (ислоҳ қилишни) билингиз! Модомики, ҳидоят йўлида (шу жумладан, Аллоҳ буюрган амру маъруф ва наҳий мункарни ҳам қилаётган) экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас. (Моида сураси 105-оят).

Оятни хато тушуняпсизлар. Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб айтаётгандарини эшитганман: «Одамлар золимни (зулм қилаётганини) кўрганларида уни (зулм қилишидан) тиймасалар Аллоҳ уларнинг барчаларга тезда азоб юборур».

مسند إمام أحمد: (ر) ١٦. سنن أبي داود: ٤٣٤٠. والترمذى: ٢١٦٧ وقال وهذا حديث صحيح.

Одамлар заиф-бечораларнинг ҳаққини тортиб олсалар, ҳукмдорлар ҳам ҳаққилари бўлмаган бойликини турли солиқлар солиб халқдан тортиб олади...

Ёмонлар устига ёмонларни ҳукмрон бўлиши илоҳий ҳикматdir. Исломнинг аввалида яшаганлар мусулмонларнинг энг яхшилари бўлгани учун халифалар ҳам шундай бўлган.

Аллоҳнинг ҳикмати бизнинг замонамизда Муовия (розияллоҳу анҳу) ва Умар ибн Абдулазиз (роҳимаҳуллоҳ)дек инсонларни ҳукмрон бўлишига йўл қўймаяпти. Абу Бакр ва Умар (розияллоҳу анҳумо)ларни айтмаса ҳам бўлади. Балки ҳукмдорларимиз бизнинг ўзимизга яраша, аввалгиларнинг ҳукмдори уларнинг ўзига яраша бўлгандир"<sup>465</sup>.

Ибн Қойим (роҳимаҳуллоҳ)нинг гапларига қўшимча қилиб:

"Бизнинг замонамиздаги ҳукмдорлар ҳам ўзимизга яраша" десак хато қилмаган бўлсак керак.

Биз ўзимизни ислоҳ қилиб Аллоҳга (Аллоҳнинг динига) ҳақиқий, бутунлай қайтганимизда аҳволимиз бошқача бўлар эди. Лекин Аллоҳга бўлган муҳаббатимиз ва Аллоҳдан қўрқишимиз, жаннатга интилишимиз ва дўзахдан қочишимиз ноқис бўлгани учун ундаи қила олмаяпмиз.

Агар бизларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатимиз чинакам кучли бўлганида, Аллоҳ суйған амалларни (ўзимизда ва ўзгаларда) рўёбга чиқишига бўлган ҳаракатимиз ҳам кучли бўлур эди.

Аслида тавҳид калимаси -ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ- нинг ҳақиқати ҳам мана шу<sup>466</sup>. Аллоҳнинг дини ҳоким бўлган Исломий давлатнинг моҳияти ҳам мана шу<sup>467</sup>.

Аллоҳ таолодан барчаларимизни Исломда событқадам қилишини ва Исломда вафот топтиришини сўрайман.

Эй Аллоҳим, бу китобни холис Ўзингнинг розилигинг учун қилгин ва мусулмонлар учун манфаатли қилгин!

---

٤٦٥ مفتاح دار السعادة - ابن قيم الجوزية: ٢٥٣٦١

<sup>466</sup> Тавҳид калимаси -ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ- нинг ҳақиқати: Банда ўзини хор тутиб, Аллоҳга зорланиши ва Аллоҳнинг муҳаббатини барча нарсадан юқори қўйиб, Аллоҳ рози бўладиган амалларни бажариши ва ўзгалар ҳам шу амалларни бажаришига интилиши...

<sup>467</sup> Яъни, Банда ўзида ва ўзгаларда Аллоҳ суйған амалларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилганидек давлатда ва жамиятда Аллоҳ суйған амалларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиши.

العبودية؛ والحسبة؛ والسياسة الشرعية لشيخ الإسلام ابن تيمية. الإمامة العظمى عند أهل السنة والجماعة. لعبد الله بن عمر الدميжи: (ص). ١٥٧

Эй Аллоҳим, Сен осмонлар ва Ерни яратган зотсан, дунёю охиратда  
Ўзинг ҳожамдирсан.

Аллоҳим, бу дунёдан кетар чоғимда мусулмон ҳолимда жонимни олгин  
ва мени солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин!

وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَصَلَّى اللّٰهُ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَآلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا كَثِيرًا.

**Бешинчи боб: Ислом олами секуляризмдан олдин**

**1- Бўлим: Олдинги умматлар йўлига эргашиш ва ҳақ тоифанинг давом этиши**

**2-Бўлим: Ислом умматининг диндан узоқлашуви.**

**1-фасл: Шукrona неъмат мүкофоти ва куфрони неъмат жазоси.**

**2-фасл: Тарих тақорланиши.**

**3-фасл: Гуноҳ-маъсиятлар сабаб мусибатлар келиши.**

**3-Бўлим: Мусибат ва уқубатлар ҳақида алоҳида бўлим.**

**4- Бўлим: Ислом умматига келган мусибатлар сабаби.**

**1-фасл: Мусибат-уқубатлар тасодифан бўлмагани.**

**2-фасл: Ислом умматида содир бўлган Исломга муҳолиф ишлар.**

**1- Ислом умматини мағрур бўлиб қолиши:**

**2- Дабдабли ҳаётга берилиш.**

**3- Гуноҳ-маъсиятлар ошкор бўлиши, ҳамда амру маъруф ва наҳий мункар тарк қилиниши**

**4- Динга нисбатан ҳийла ишлатиш.**

**5- Шариат қонунларини адолат билан қоим қилмаслик.**

**6- Ихтиофлар.**

**7- Моддий қолоқлик.**

**8- Зулмнинг кўпайиши**

**9- Умарорларнинг халқга бўлган зулм-зўравонликлар.**

**10- Золимлар ўстига улардан ҳам золим бўлганлар келиши.**

**11- Бўлим хуносаси.**

**5- Бўлим: Ихтиофлар ҳақида алоҳида бўлим.**

**1-фасл: Ислом умматида ихтиофлар содир бўлиши.**

**2-фасл: Ихтиоф маъноси ва сабаблари.**

**3-фасл: Ихтиоф содир бўлган жиҳатлар.**

**1-қисм: Фиқҳий, ижтиҳодий масалалардаги ихтиофлар:**

**2-қисм: Эътиқодий (ёки ижтиҳодга ўрин бўлмаган) масалалардаги ихтиофлар.**

**3-қисм: Ҳукмдорлар ва амир-умаролар орасида бўлган ихтилофлар.**

**6- Бўлим: Ислом умматига қарши олиб борилган кураш.**

**1-fasl: Салиб юриши.**

**2-fasl: Фикрий (қуролсиз) кураш.**

**3-fasl: Фикрий курашда қўлланилган үслублар.**

**1-қисм: Кураш үслубларини қисқача баёни**

**2-қисм: Farb тараққиётини ўзлаштириш**

**3-fasl: Аёлларни ҳурриятга даъват қилиш.**

**5-fasl: Бўлим хуносаси:**

**7-Бўлим: Усмоний хилофатнинг қулатилиши.**

**Олтинчи боб: Секуляризм Ислом оламида.**

**1-Бўлим: Исломга зид қонунларни кириб келиши.**

**2-Бўлим: Ислом дини мўкаммаллиги.**

**1-fasl: Икки дунё баҳт-саодати.**

**2-fasl: Дин инсонларнинг эҳтиёжи бўлган барча нарсани баён қилган.**

**3-Бўлим: Динни баъзисига иймон келтириб баъзисига иймон келтирмаслик.**

**4-Бўлим: Ҳукм Аллоҳга хос.**

**5-Бўлим: Баъзи масалаларга ийзоҳ.**

**6-Бўлим: Такfir ҳақида баъзи тафсилотлар.**

**7-Бўлим: Баъзи мулоҳаза ва эътиrozларга жавоб.**